


# РЕПОРТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ



# РЕПОРТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

УҚУВ ҚУЛЛАНМА



1111



Ушбу кўлланма ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг молиявий ёрдамида Тошкент Ахборот манбаси маркази томонидан нашр этилди

**P-41 РЕПОРТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ**

Ўкув кўлланма. К. Т. Эрназаров умумий таҳрири остида.

**МУАЛИФЛАР:** М.Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доцентлари **К. Т. Эрназаров, Ё. М. Маматова, И. Э. Тошалиев**, ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро алоқалар Бош бошқармасининг мутахассиси **Ш. К. Эрназаров**.

**УДК 07.01(575.1)**

Мазкур ўкув кўлланмада журналистикада энг тезкор фаолияти сифатида тан олинган репортер ижоди технологиясига оид назарий қоидалар ҳамда амалий тавсиялар ўз ифодасини топган. Унда янгиликларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш йўналишида ихтисослашган Ватанимиз ва хорижий давлатларнинг етакчи журналистларининг амалиёти таҳлил этилган.

Ўкув кўлланма янги ахборот технологияларининг ривожланиши, ахборот жараёнларининг глобаллашуви «янгиликлар» журналистикасига бевосита таъсир этаётганини эътиборга олинган ҳолда ёзилган.

Ўкув кўлланма олий таълим тизимида журналистика факультети ва бўлимлари бакалавр, магистр - талабалари, аспирант, профессор-ўқитувчилари ҳамда ОАВ ходимлари учун мўлжалланган.

## МУНДАРИЖА

### Сўз боши ўрнига

#### 1-мавзу. Журналистнинг касбий-ахборий маданияти

Ахборот журналистиканинг асоси.....	17
Ахбороттушунчалик; талқиниватавсифи.....	17
Ахборотнинг асосий хусусиятлари.....	19
Ахборотнинг ижтимоий моҳияти.....	22
Сиёсий ахборот.....	24
Журналист ахбороти ва унинг ижтимоий моҳияти.....	28
Ахборот ва янгилик тушунчалари муносабатдорлиги .....	34
Ғарб ахборот назариялари.....	38
Оммавий ахборотнинг асосий меъзонлари.....	43
Оммавий ахборот манбалари ва ахборот излаш маданияти.....	56
Хукук журналистнинг ахборот маданиятини шакллантириш омили сифатида.....	63
Узатиласдан ахборот мазмунидаги чеклашлар.....	64

#### 2-мавзу. Интернет — ОАВнинг янги тури сифатида

Интернет - универсал умумахборий мухитидир.....	77
Интернет кенгайиши ва Ўзбекистон учун унинг аҳамияти.....	88
Ахборот жараёнларининг глобаллашуви ва унинг журналист ижодига таъсири.....	90

#### 3-мавзу. Ахборот хизматлари

Ахборот етказувчилар.....	96
Журналист фазилатлари.....	98
Газета муҳарририятларининг янгиликлар бўлими .....	99
Радионинг ахборот дастурлари.....	108
Телевидениенинг ахборот дастурлари.....	111
Ахборот агентликлари.....	114
Ахборот агентликлари тарихига бир назар.....	115
Ўзбекистон ахборот агентликлари.....	118

#### 4-мавзу. Оммавий алоқалар

Оммавий алоқалар тарихидан бир шингил.....	121
Ўзбекистонда Оммавий алоқалар.....	124

Давлат бошқарув идораларида хизматнинг	
асосий йўналишлари.....	127
Тижорат тузилмалари хизмат фаолиятининг	
йўналишлари.....	128
Хизматнинг ОАВларга нисбатан тактика	
ва стратегияси.....	130
ОАВда кампания нега керак?.....	130
Пресс-релиз ўз ичига қандай ахборотларни олиши	
керак?.....	131

<b>5-мавзу. Оммавий аудитория репортёрдан нима кутади?</b>	
Оммавий аудитория қандай ахборотни кутади?.....	136
Журналистлар ўз реципиентларининг ҳақиқий	
манфаатлари, уларнинг кайфияти, интилишлари,	
фикр-ўйларини билишадими?.....	137
Ҳамма учун бирдай қизиқарли, ҳар томонлама	
универсал ахборот бўладими?.....	138
Мукаммал ахборотнинг сири нимада?.....	141
Аудиториянинг қизиқишлиарини қандай	
белгиларга қараб аниклаш мумкин?.....	143
Аудитория ва репортёрнинг кутганлари доимо	
мос келадими?.....	148
Булар кимга мўлжалланган?.....	149
Аудитория кўламини қандай аниклаш мумкин?.....	150
Репортёр меҳнатининг куляй формуласи борми?.....	152
Репортёр маънавий-маърифий тарбия масалалари	
билиш шуғулланиши керакми?.....	153

#### **6-мавзу. Репортёрнинг мулокот маҳорати**

Одамларга хеч қачон нописандлик билан қараманг. ...	156
Сухбатдошингиз кизиқтирган нарса ҳакида сўзланг....	162
Мулокот чоғида реципиентнинг кутганларига таянинг....	165
Сухбатлашиб малакаси ва маҳоратини қандай	
эгаллаш мумкин?.....	171
Сухбатдан мақсад нима?.....	174
Сухбатдош билан нима ҳакида ва қандай гаплашиш	
мумкин?.....	182
Саволлар ҳам ҳар хил бўлади.....	184
Телеэкранда сухбат куришга тайёргарлик босқичлари . . .	195
Самимий алоқаўрнатиш зийнати.....	196

**Мирзо Улугбек номли**  
**Узбекистон Миллий университетининг**  
**85 йиллигига бағишиланади**

## СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Хозирги замонни тавсифловчи янги йўналишлардан бири ахборот жараёнларининг глобаллашувидир. Кўпчилик бу жараённинг моҳиятини фаҳмлаб ултурганича йўқ, бинобарин, унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш хам қийин. Шунга қарамай, ягона ахборот майдонини яратиш борасидаги илк қадамлар, умуман, журналистика, хусусан, журналистика<sup>1</sup> таълими олдига янги-янги вазифалар кўйилмоқда. Бу вазифаларни ҳал этиш ОАВ (оммавий ахборот воситалари) самарадорлигини ва таъсиранлигини таъминлаш, телевидение ва радиода, газета ва журналларда, ахборот ва реклама агентликларида, паблик рилейшнз хизмати ва матбуот бошқаруви муассасаларида малакали хизмат қила оладиган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш муаммолари билан чамбарчас боғлиқ.

Ўтган XX юз йилликнинг энг мухим муаммоларидан бири ахолининг саводсизлигини тутатиш эди. Янги XXI юз йилликнинг асосий муаммоси янада мураккаброқ, янада кўламлироқ: компьютер саводсизлигини бартараф этишдан, глобаллашган ахборот майдонида ишлаш малакасини тарбиялашдан иборат.

Янги ахборот технологиялари, электрон ва мультимед воситалар, ракамли ва сунъий йўлдошли алоқа каналлари ИНСОН имкониятлари, унинг тафаккури, билими ва ижодий бунёдкорлиги самарасидир. Бу — ҳақиқат.

Айни пайтда учинчи минг йиллик репортерлари теран англаб оладиган яна бир мухим ҳақиқат бор: Интернет ва бошқа янги ахборот тизимлари шунчаки янги коммуникатив воситаларгина бўлиб қолмай, жамиятни сифат жихатдан янги бир босқичга олиб чиқувчи янгича хаёт тарзи, янгича фикрлаш йўсими хамдир. Бу янги тизимларни эгаллашни давр такозо этмокца. Уларни ўрганишдан, эгаллашдан четда туришни «Компас» журнали «узоқ ва кичик бир стан-

цияда муқим ҳолда ўта тезлиқда физиллаб ўтиб турган экспрессларни кузатиб қолиш»га ўхшатар экан, куйидагиларни таъкидлайди: «ҳаётнинг бутун илгаригига нисбатан ўта тезкорлиқца кечиши кишилар учун янгилик эмас. Бинобарин, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун, янгиликларни эгаллаш учун ҳам илгаригига нисбатан кам вакт ажратилган. Бу вактдан унумли фойдаланиш бизнинг вазифамизидир».

Бу фикр ҳозирги замон ОАВ фаолияти самарадорлигини ошириш учун жаҳон тажрибаси мезонларига жавоб берга оладиган янги мутахассисларни тайёрлаш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Айни мана шу вазифа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини та-комиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида (1991 йил 26 февраль), Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунида (1997 йил 29 август) алоҳида таъкидланган.

«Оммавий аҳборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва муҳими, инсон ҳамда жамият манфаатларининг фаол ва изчил химоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва оммавий аҳборот воситалари ходимларини тайёрлаш жараёнини қайта кўриб чиқиши, ишлаш ва етказишнинг замонавий усулларини ва воситаларини ўзлаштиришда, уларга ёрдам бериш зарур».<sup>1</sup>

Президентимиз И.А.Каримовнинг ушбу кўрсатмалари «Эски қолипда мустабид даврда ёзилган дарслклардан воз кечиб, «Биз дарслик яратишга энг илғор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак» деган фикрлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бажариладиган ишлар кўламини ҳам тавсифлаб беради.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш зарурки, университетларда репортерлар тайёрлаш таълими мустаҳкам асосларга эга. Бу бугунги кун талабларидан нафакат аҳборот технологиялари ва чет тилларнигина эмас, балки фалсафий, ижтимоий, адабий, тарихий, иқтисодий хуқукий, руҳий, жуғрофий, сиё-

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка<sup>^</sup> таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 558-бет.

сий фанлар соҳасига оид билим ва малакага эга бўлишни ҳам талаб этмоқца; мутахассислик фанларини айникса, репортерлик фаолияти ва маҳорати курсини ўзлаштиришга алоҳида талаблар кўймокда.

Репортёрлик маҳорати илмий-амалий курс бўлиб, унда маърузалар талабаларнинг мустакил назарий ва амалий таҳлилий ва талқиний ишларини ҳам ўз ичига оловчи семинар машғулотлари билан уйғун бир тарзда амалга оширилади.

Талабаларнинг мустакил шахсий изланишларида юзага келган муаммоли саволларга семинар машғулотларида, коллоквиумларда (маслаҳат соатларида ҳам) жавоблар излаш назарда тутилади.

Шу жихатдан «Репортерлик фаолияти назарияси ва амалиёти» деб номланган ушбу дарслрик бакалавриат талабалари, магистратура тингловчилари, аспирантлар, шунингдек, ОАВ мухарририятлари фаолиятига даҳдор мисоллар билан қизиқувчи барча ўкувчилар учун муҳим илмий-таълимий манба вазифасини ўташи мумкин. Дарслрида аҳборот назарияси ва амалиётининг вактли матбуот, телевидение, радио, аҳборот ва реклама агентликлари, шунингдек, оммавий алоқалар ҳамда аҳборот бошқаруви хизматлари соҳаларига бевосита даҳдор муаммоларни қамраб олишга ҳарарат қилинди.

Чунончи, «аҳборот», «янгилик», «ижтимоий аҳборот», «аҳборот турлари», «аҳборий эҳтиёжи», «аҳборий тезкорлик», «мулоҳазавий аҳборот», «репортернинг аҳборий маданияти», «Интернет», «оммавий аудитория», «ОАВ янгиликлар бўлими», «паблик рилейшнз», «қасбий мулоқот» каби кўплаб маҳсус тушунчалар батафсил тавсифлаб берилди. Вактли матбуот аҳборотининг ўзига хослиги, унинг телерадио ва Интернет аҳборотларидан фарқли жихатлари, шунингдек, янги аҳборий технологиялар ва жаҳондаги аҳборот агентликлари фаолиятини ёритишга алоҳида эътибор берилди.

Аҳборотни излаш, кўлга киритиш, қайд этиш, сақлаш, шарҳлаш ва тарқатиш жараёнлари хақида муайян тушунчалар берилди. ОАВда фактик материал билан ишлашда кўлланидиган ва синовдан ўтган технологиялар, усуллар ва тартиблар тавсия этилди: репортер одоб-аҳдокининг ижодий намунаси

шархлаб берилди. Намуна эса, коидага кўра тақрорланиш, кенг кўлланиш, одатий ҳатти-харакат сифатида идрок этилиш хусусиятларини ўзида мужассам этмоғи лозим.

Тавсия этилаётган мазкур дарслик, муаллифларнинг фикрича, Ватанимиз журналистикасида қарор топган қоида ва андозалар билан бир қаторда, ахборот олишнинг ноанъанавий тутумлари хусусида баҳс юритганлиги билан ҳам эътиборга молик. Бу хорижлик етакчи репортерларнинг, ахборот хизмати ва алоқа каналларининг иш тажрибалари танқидий нұктай назардан бир жойга жамланганлиги ва ижодий жихатдан қайта фаҳмлантганлиги билан ҳам изохланади.

Дарсликда репортер меҳнати факат ахборий фаолият билангина (у қанчалик аҳамиятли бўлмасин) чекланиб қолмаслиги, кўп қиррали, кенг кўламли қасбий тажрибанинг таркибий қисми эканлигини кўрсатувчи жиҳатларга алоҳида эътибор килинади; репортер меҳнати мураккаб ва машаққатли изланишларни тақозо этиши, ижтимоий қийматли фактларни танлай олиш ва уни ихчам ва таъсирчан ифода шаклига кўчириш малакаси ва маҳорати асосида юзага чиқиши ёритилди; ахборотнинг товар мақомидаги ўзига хослиги, тақдим этилаётган хабарнинг ахборот бозорида ракобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ тушунчалар тавсифланди.

Ғарблик репортерлар «ўқувчиларини хабардор қилиш, уларга билим тарқатиб, маърифатли қилиш, кўнглини очиш, томоша қилдириш, муайян ҳатти-харакатга даъват этиш каби вазифалар мажмuinи ўз зиммаларига юкландигини аллакачонлардан бери идрок этиб келадилар.

Кенг кўламли масалалар доирасида янгиликнинг таърифи доирасида янгиликнинг таърифи ва тавсифига нисбатан умумтомонидан тан олинган тушунчалар ҳам мавжуд. Бу, асосан, қуйидаги ходисаларга тааллуклидир: раемий ва номдор шахслар фаолияти; давлат фаолиятининг турли соҳалари; янги ёки ғайриодатий ходисалар (масалан, жиноят ёки фалокатлар); хижолатга кўювчи ёки хис-хаяжонга соловчи сирнинг очилиши — фош этилиши (секс ёки жанжаллар каби) ва янги ижтимоий йўналишлар».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Раскреповденная пресса. АҚШ Ахборот агентлиги, 1992. С.-7-8.

Бу масалалар муносабати билан дарсликда миллий минтатиетни хисобга олиш зарурлигини, хусусан, Ватанимиз репортерлари бундай ҳолларда қандай йўл тутса мақсадга мувофиқбўлиши ҳакидаги тавсияларга ҳам ўрин берилди. Шунингдек, муаллифларнинг қалам, микрофон, телекамера билан фаолият юритувчиларнинг зарур ифода шаклларини излаш билан боғлиқ қузатишлари ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эга. Хусусан, улар яқин ўтмишда ва бугунги кундаги - тоталитар тузум ҳамда демократик тараққиёт даврларидағи - журналистлар меҳнатидаги фарқли жиҳатларни аён мисоллар таҳлили асосида кўрсатиб беришга харакат қилганлар. Ошкора-очиқ фуқаровий жамият қуриш, бозор муносабатларига асосланган хукукий давлатни барпо этиш шароитида оммавий ахборий мулоҳотнинг ўрни, ижтимоий ва маънавий вазифалари хусусида мулоҳаза юритганлар. Узбекистондаги оммавий ахборот воситаларининг шўролар тузуми даври ғоявий ва сиёсий ташвиқот зуғуми таъсирида қарор топган қоида ва андозалардан ҳолос бўлиш жараёнидаги ўзига хос хусусиятлар, хукукий ва мафкуравий шарт-шароитлар алоҳида таҳлил қилинган. Яқин ўтмишда репортерлар ташвиқотчи, тарғиботчи ва ташкилотчи, сиёсат ва фирмка жарчи сифатида меҳнат қилишган бўлишса, ҳозирги ижтимоий шароитда улар холис ва хаққоний янгиликларнинг бетараф узатувчилари сифатида намоён бўлмоқсалар.

Ижтимоий-қасбий фаолиятдаги бундай янгиланиш жараёнлари ҳам маҳсус таъкидлаб ўтилган.

Дарслик муаллифлари унда баён қилинган мулоҳаза ва хulosаларнинг, тавсия ва маслаҳатларнинг мутлоқ исботланган, барқарор ва ўзгармас ҳақиқатлар эканлигини давво қилиш фикридан йирок. Унда аввало, киёмига етмаган нұктай назарлар, мунозара талаб мулоҳазаларнинг бўлиши табиий бир хол. Иккинчидан, баён қилинган қоида ватавсиялар бугунги куннинг тезкор ўзгарувчан талабларига мувофик кайта фаҳмлашни, янгилашни, қўшимчалар киритишни ҳам тақозо этади. Учинчидан, репортерлик фаолиятининг хукукий асосларга мувофиқлик майдони, қасбий маданий ахлоқи ҳамда малака ва маҳорати муаммолари жиддий илмий-назарий тадқиқотлар ашёси бўлганича йўқ.

ТПУ боис илк тажриба сифатида яратилган ушбу дарслерлик ҳакидаги холис танқидий фикр-мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният ила қабул қилишади.

Муаллифлар «Репортер фаолияти назарияси ва амалиёти» номли мазкур дарслерликнинг нашр этиш лойиҳасини кўллаб-кувватлаган ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси хамда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссиясига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирадилар.

## 1-МАВЗУ. ЖУРНАЛИСТНИНГ КАСБИЙ-АХБОРИЙ МАДАНИЯТИ

Умуммиллий, умуминсоний маданиятнинг хусусий-таркибий кўринишлари силсиласида муайян касб-корга (мас, сиёsat, табобат, тижорат, қурувчилик ёки муаллимлик ва б.) хос бўлган ихтисослик (касб) маданияти хам мавжуд. Мана шу нўктаи назардан журналист ихтисослиги маданияти — журналистнинг касбий маданияти хусусида алоҳида баҳс юритиш қонуний бир ҳолдир. Бу маданият моҳият эътибори билан, журналистнинг ахборот устида ишлаш ва уни узатиш фаолияти билан бевосита боғлиқ. Шу боис уни **журналистнинг ахборий маданияти** деб аташ хам мумкин.

Ахборий маданият қанчалик юқори бўлса муҳарририят ижодий ходимлари узатган ахборот ҳам шунчалик мазмунли, эътиборли ва самарали бўлади.

Шуниси хам борки, ахборий маданиятга ОАВларнинг барча турларида бир хилда амал қилинавермайди.

Чакказарб, жиртаки «сарик» (ёки, бульвар) матбуот журналисти билан давлат таъминотидаги расмий матбуот ижодий ходимининг касбий-ахборий маданияти ўртасида катта фарқ бор. Юқори мақомдаги эътиборли ОАВлари хамда тадбиркор-тижорат ОАВлари ходимлари ахборий маданияти хам бир хил эмас. Илмий-оммабоп хамда соҳавий-касбий ахборот каналлари ахборотни танлаш ва ишлашда ўзига хос тамойилларга асосланади.

Оммавий ахборот воситалари турли кўринишларида фаолият олиб борувчи журналистлар касбий-ахборий маданиятининг бу хилда тоифаланиши масаласи тадқиқотчилар томонидан шу кунгача тавсифлаб берилган эмас.

Шунга қарамай, мазкур муаммонинг мавжудлиги аён хақиқат. Чунончи заҳил — «сарик» матбуот тиҷорий журналистика тоифасига мансуб. Аммо Ғарб мутахассисларининг баъзилари заҳил — «сарик» матбуотни хам оммавий маданият (америқалик ва европалик тадқиқотчилар «оммабоп маданият» деб ҳам атасади) нинг узвий таркибий қисми ҳисоблашади. Бошқалари эса уни ҳатто соҳта, қалбаки маданият (субкультура) сифатида талқин этишади.

Лекин, шуниси аниқ-ки, захил-«сарик» матбуотни ҳам журналистлар яратади. Шундай экан, бу журналистларнинг ахборий маданиятини улар ишләтган ОАВ ларининг тури, йўналиши, мазмуний ва ғоявий даражасига мувофик тарзда тавсифлаш ва таснифлаш (фарқлаш) зарурати табиий равишда келиб чиқади.

Бинобарин, турли мукобил нашрлар, хусусан, сиёсий партиялар матбуоти журналистларининг фикрлаш тарзи ҳамда касбий-ахборий маданиятидаги ўзига хослик моҳиятини тушуниш мухим аҳамият касб этади. Демократия ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, дастурий ғояларни, мафкуравий нуқтаи назарларни ва концепцияларни тарқатиши борасида оммавий аудитория учун кураш кучайган кўпфирқалик шароитида мухолиф сиёсий кучлар матбуоти турли усул ва воситалардан фойдаланадилар: мухолиф томонни, айниқса, уларнинг раҳбарларини обўрсизлантирувчи турфа ҳил ёлғон-яшиқлар хақиқат сифатида талкин этилади. Бундай вазиятларда репортёрлар ўта аччик ва қўпол сўзлар ишлатишдан, кескин ва ғаразли баҳо беришдан, хиссиятга йўғрилган насиҳатомиз оҳангдан сакланишлари лозим. Мухолиф томонни асоссиз айблашни, уни ҳақорат қилишни демократиянинг ифодаси сифатида тушуниш ва шу ақидага амал қилиш жамиятда қарор топган ахлоқий маромлар ва муносабатларнинг бузилишига олиб келади.

Журналистлар қандай ОАВларда ишлашидан қатъий назар, муайян ижтимоий-маънавий қадриятларни, ахлоқий ахкомларни муҳофаза килувчи ва тарғиб этувчи касб эгалари эканликларини ёдда тутишлари зарур. Айни пайтда журналистлардан ОАВ фаолиятини тартибга солувчи қонунларда ва ҳалқаро хужжатларда белгилаб кўйилган муайян ахлоқий тамойилларга риоя қилиш талаб этилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, журналистнинг касбий-ахборий маданияти кўп жиҳатдан унинг ижтимоий, таълимиy, тарбиявий омиллар асосида шаклланган **умумий маданий даражаси** билан боғлиқ (бунда унинг муайян маданий мухитда — оилада, маҳаллада, мактабда ва мактабгача бўлган муассасаларда олган тарбияси, билими, тажрибаси мухим аҳамият касб этади). Журналист шахснинг устувор сифати бўлмиш умумий маданийлик даражаси.

си унинг касбий маданиятининг муайян жиҳатларини тайин этувчи мухим имкониятдир. Шу боис ҳам маънавий-мафкуравий жиҳатдан эътиборли матбуот журналистлари захил («сарик») ва бошқа ғоясиз ОАВ таҳририягларида ишлашни ўзларига эп кўрмайдилар. Айни пайтда бундай матбуотда ишлаган журналистлар аксарият холларда эътиборли ахборот воситаларида ишлаш учун таклиф этилмайди ҳам.

Баъзан шахснинг умумий маданияти унинг ихтисослик маданияти талабларига мувофик келмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳол, одатда, маълум фавқулодда ҳоллар тақозоси билан хизмат манфаатлари устуворлик касб этганда юз беради; журналистдан эса ўз эътиқоди ва ахлоқий тамойилларига зид ҳаракат қилиш талаб қилинади, шу боисдан ҳам «ким пул тўласа, мўсикани шу танлайди» тамойилига амал қилган баъзи журналистлар таъсисчи ёки бош муҳаррир тавсия этган истаган бир мавзуга ўйлаб ўтирмаёт кўл ураверадилар. Ахлоқан юксак, маънан бой журналистлар эса, гарчи «буюртмачи» билан ораси бузилиб колишини билсалар ҳам, бундай мавзулар устидан ишлашдан воз кечадилар. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бутунги кун ахборий жамиятда журналистни ҳар қандай ахборотни ҳар қандай адресатга узатишга ҳозир нозир коммуникатор сифатидагина тушунувчилар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

**Журналистнинг ахборий маданияти ва фикрлаш маданияти** масалалари кейинги йилларда тадқиқчилар эътиборини ўзига тобора кўпроқ жалб этмоқда. Бу албатта, инсониятнинг ахборий жамиятга, ахборот технологияси ва глобал компьютер тармоқлари, интерфаол телевидение, электрон алоқа воситалари асрига қадам кўйганлиги билан боғлиқ. Замонавий мулокот(коммуникация) воситалари билан ишлаш малакасига эга журналистигина ўзини юқори маданияти мутахассислар сирасига қўшиши мумкин. Бутунги кун журналисти ижодий меҳнатини бундай малака ва маданиятдан холи ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Шў жиҳатдан санкт-петербурглик тадқиқчичи С.В.Смирновнингкўидаги фикри эътиборлиdir:

«Ахборий маданият» атамасининг илмий истилоҳ сифатида ишлатилётганлигига кўп бўлганий йўқ. Бинобарин, у назарий-методологик жиҳатдан ҳам тўлиқ ва атрофлича

тасвирилаб, асослаб берилган эмас. Чунончи, Г.Г.Воробьевнинг таъкидлашича, «ахборий маданият, бу — ахборий талқиндан фойдаланиш, ахборий вазиятни таҳлил килиш ва ахборот тизимини янада самаралироқ килиш малакасидир».<sup>1</sup>

В.З.Коган ва В.А.Ухновлар ўзларининг «Человек: информация, потребность» номли ишида мазкур тушунчанинг тадқикотчилар томонидан турлича талқин этилишини тавсифлаш асосида кўйидаги холосага келадилар: «Ахборий маданият» ахборий салоҳият ва ижодий ахборий фаолиятининг биринчи белгиси бўлиб, у шахсларнинг ахборот яратиш ва уни саклаш ҳамда ундан фойдаланиш жараёнларидағи ўзаро хабарлашув муносабатлари орқали юзага чиқди: мазкур тавсиф, назаримизда, нисбатан мукаммал ва истилоҳий жиҳатдан асосли кўринади».<sup>2</sup>

Ахборий маданиятни ижтимоий ҳодиса сифатида, аввало, жамиятдаги маданият ҳақидаги тасаввурлар, умумий маданият мухитидаги ўзаро узвий муносабатлар асосида гина тўғри тушуниш мумкин. Айни мана шу асос ахборий маданиятининг умумий ҳамда маҳсус ихтисосий моҳиятини аниқлаш учун замин ҳозирлайди.

Шуни ҳам эътиборда тутиш керакки, XX юз йилликца алоқа килиш (мулокот) вазиятлари сезиларли ўзгаришларга учради, бу, ўз навбатида, ОАВлари таъсири остида маданиятининг мавжудлик шакллари, уларнинг мазмуни ҳамда вазифаларига ҳам муайян ўзгаришлар киритди.

Бугунги кун оммавий мулокот воситалари миллий ва умуминсоний маданиятни, илмий, маънавий, бадиий, ахлоқий қадрияларни тарқатиб ва тақсимлабгина қолмай, ўзлари ҳам (масалан, телевидение) янги сифат ва моҳият касб этиб, мулокотнинг мустақил турига айланиб бормоқда.

Ахборий-алоқавий маданиятни тавсифлар эканмиз, унинг нафакат юксаклиги ёки чиркин (паст) лигини, инсонийлиги ёки файриинсонийлигини, маҳсус тоифавий ёки оммавийлигинигина эмас, балки унинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқхолда сунъий-афсонавий, оғзаки ёки босма, тасвирий (иконик) ёки аудиовизуал бўлиши мумкинлигини ҳам назарда тутиш керак бўлади.

<sup>1</sup> Каранг: Основи информационной культурн. СПб, 1998, 63 б.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Ҳозирги давр ахборий маданияти соҳасида юз бераётган жараёнларни тадқиқ ва таҳлил килишда ахборот узатишинг гаён тарихий-ижтимоий вазиятдан, муайян маънавий-ахлоқий қадриялардан ташқарида мавжуд бўлолмаслиги ни ёдда тутишимиз керак. Бундай объектив омиллар туфайли ахборий маданият эркин ривожланиши ёки, аксинча, ўз моҳиятини ўзгаришиб, бузилишга юз тутиши хам мумкин.

Баъзан аён ҳаётий вазиятларда ахолининг муайян тоифаси нафакат ахборий маданиятгагина, балки умуминсоний маданиятга ҳам локайд муносабатда бўлиши ҳам фавқулодча хол эмас. Масалан, XX юз йиллик охирида яқин келажакда адабий-жаридавий маданиятнинг барҳам топиши мумкинлиги ҳақидаги фикрнинг кескин тарзда ўргата қўйилиши шундан далолат беради. Ахборий жамият даврига қадам қўяётган инсониятнинг бунга йўл қўйиши асло мумкин эмас.

Ахборий маданиятининг тубанлашуви туфайли юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий ва маънавий оқибатлар тасаввур этилар экан, инсониятнинг бу соҳадаги тарихий тажрибаси хисобга олинниши лозим. Чунончи, кинорежиссёр Фредерико Феллинининг 1985 йил 15 ноябрда Италия Республикаси президенти Франческо Коссига резиденциясида, Квиринали саройида намойиш этилган «Джиндже́р ва Фред» номли кинопамфлетида дунёдаги «барча маданиятларда бузилиш» юз бераётганлиги кўрсатиб берилган эди.

Бундай «бузилишлар», тубанланишлар одатда аудиовизуал ахборий тажовузлар, маданий геноцид, ахборий блокада, ахборий кўпорувчилик, ахборий уруш ва ахборий босқинчилик (экспансия) сифатида намоён бўлади.<sup>1</sup> Бунцай ҳолларнинг қайта тақрорланмаслиги учун журналист нафакат юксак касбий-ахборий маданиятгагина, фукаролик журъати ва жасоратигагина эмас, балки **юксак фикрлаш маданиятига ҳам эга бўлиши зарур**. Фикрлаш маданиятига эга бўлмаган журналист компьтермонанд роботга, ёки дунёнинг маълум миңтақасидаги ижтимоий-сиёсий ва ахборий вазиятни кескинлаштиришга уринаётган кучлар қўлидаги механик куролга (хатто манқуртга) айланиб қолиши мумкин.

<sup>1</sup> Каранг: Основи информационной культуры. СПб, 1998, 63 б.

Тадқиқотчи олимларнинг таъкидлашларича, «хабардор бўлиш ва хабардор қилишга бўлган юксак эҳтиёж, замонавий оммавий мулокотнинг техникавий воситалари талаблари ва имкониятлари даражасида ахборот устида ишлай олиш кобилияти, малака ва маҳорот каби сифатлар...» ижодий шахс ахборий маданиятининг умумий-ижтимоий ҳамда асосий касбий кўрсаткичларидандир. «Ахборотнинг ўзи нима?» деган саволга жавоб топмай туриб, «ахборий маданият» тушунчаси моҳиятини тўлиқ ва тўғри фаҳмлаш қийин.

## АХБОРОТ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ АСОСИ

### Ахборот тушунчаси: талқини ва тавсифи

Илмий доиралардаги баҳс-мунозараларда мазкур тушунча талқини ва тавсифи борасида ҳануз аниқ бир тўхтамга келинган эмас. Турли соҳа (кибернетика, математика, физика, мантиқ, психология, биология, генетика) олимларининг бу тушунча хақидаги талқинлари бир-биридан фарқ қиласди. Чунончи, кибернетика асосчиси Н. Винер назариясига мувофик, «ахборот, бу — ахборотдир, у моддият (материя) ҳам эмас, қувват (энергия) ҳам эмас». <sup>1</sup> Физиклар эса ахборотни моддият ва қувват тоифасидаги ҳодиса сифатида талқин этишади. Математиклар нуктаи назаридан, ахборот воқеликда мавжуд бўлмаган, шакл билан ҳам, мазмун билан ҳам боғлиқ бўлмаган мавхумот, абстракт миқдордир. Файлласуфлар эса, аксинча, уни моддиятнинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида тавсифлашади. Генетиклар талқинида ахборот наслий белгилар ворислигини таъминловчи универсал схемадан иборат.<sup>2</sup> Бу хил тавсифу талқинларнинг барчаси ҳар бир фан соҳаси олимлари нуктаи назарига мавофиқ ўз изоҳига эга ҳамда асослидир. Айни пайтда бу нуктаи назарлардан келиб чиқадиган умумий маҳраж — муҳим хулоса шундаки, тирик ва ўлик табиатнинг, жамиятнинг, техникавий тизимлар (ва бошқалар)нинг барчаси асосида ахборот мавжуддир; у ўзини рамзлар, ишоралар, символлар, код ва белгалар ёки шакл, ҳажм, ёруғлик, шунингдек, хис-туйғулар, хоҳиш ва истаклар воситасида намёён қиласди.

Социологларнинг уқтиришича, ахборот канчалик қўп тўпланса, жамият ҳам шунчалик тез ривожланади. Ахборотни барча ибтидоларнинг ибтидоси (доминантаси) сифатида тавсифловчи олимлар ҳам бор.<sup>3</sup> Бунда улар асосан

<sup>1</sup> Винер Н. Кибернетика или Управление и связь в животном и машине. 2-чи нашр. М.: Наука, 1983, 340-6.

<sup>2</sup> Мельник Г.С. О природе и сущности информации. // Основы информационной культуры, 4-8 6.

<sup>3</sup> Юдий Н.И<sup>х</sup> Массовая информация: международное общение или подрывная пропаганда. (маъруза). — М.: МО, 1987, 12-6.

ахборот олиш ва ахборот тарқатиш жараёнининг техникаий (технократик) моҳиятидан келиб чиқадилар. Ғарблик машҳур социолог Маршалл Маклюэн ана шундай олимлар тоифасига мансуб бўлиб, у тарихдаги барча ўзгаришларни алоқа воситалари тараққиёти орқали асослашга уринади. Унинг фикрича, воқелик — хеч нима, алоқа (коммуникация) эса ҳамма нарса: цивилизациянинг тақдири ахборот етказиб бериш тезлигига боғлиқ. Маклюэннинг таъкидлашича, Рим империяси коммуникация воситалари — папирус хати ва яхши йўллар — туфайлигина барқарор бўлган. У Мисрнинг чет элликлар томонидан босиб олиниши ва Римга папирус хатини олиб келувчи йўлларнинг бузилиши оқибатида инқирозга юз тутган. Бу хилдаги технократик ёндашув ахборотнинг ўзи эмас, балки **ахборот узатиш каналларини мутлоқлаштиришдан бошқа нарса эмас**. Россияда эса «ахборот» тушунчаси етарли даражада тавсифлаб берилган. Унда ахборот «тақдим этилиш шаклидан қатби назар, кишилар, нарсалар, фактлар, воқеалар, ходисалар ва жараёнлар хақидаги маълумот» сифатида изоҳланади.

«**Информация**» асли лотинча сўз бўлиб, баён қилиш, ҳабар килиш, тушунтириш, маълум қилиш маъноларини англатган. Бу тарихий-луғавий изоҳ истилоҳий тавсиф ўрнини боса олмайди. Чунки ижтимоий-маданий тараққиёт ахборот хақидаги тасаввурларни янги мазмун билан бойитган. Бу, ўз навбатида, ахборотнинг табиати ва моҳиятини талқин этиш борасида ягона бир тўхтамга келиш масаласини янада мурakkabлаштирган. Чунончи, бу масалани маҳсус тадқиқ этган олимлардан бирининг таъкидлашича, ахборот билимдан ажралмасдир — билимнинг таркибий қисмидир.<sup>1</sup> Унингча, ахборот билимдир, у мавжуд бўлган мужмалликни, мавхумликни бартараф этади. Айни пайтда, «ҳар қандай ахборот билим эмас ва ҳар қандай билим ахборот бўлолмайди», деб хисоблайдиган олимлар ҳам бор.<sup>2</sup>

Ушбу таъкиднинг биринчиси эътиroz тутдирмайди. Иккинчи қисми эса, мунозарали. Биринчидан, агар ҳар қан-

<sup>1</sup> Чечнев Б. Информационный обмен: к разработке диалоговой концепции информатизации обществознания. — Киев, 1990, 10-6.

<sup>2</sup> Афанасьев В.Г. Информация как ресурс управления // Кибернетика. Становление информатики. — М, 1986, 157-6.

дай билим ахборот бўлолмаса, қандай билим ахборот бўла олади?, деган савоннинг тутилиши табиий. Иккинчидан, «ахборот» ва «билим» тушунчалари қай даражада ўзаро мунофиқлаша олади? Учинчидан, бу икки тушунчани ўзаро тенглаштириш ахборотнинг қўлланиш имкониятларини белгилашни чеклаб қўймайдими?

Кўпчилик эксперталарнинг фикрича, олдиндан маълум бўлмаган бирор нарса, ҳодиса хақидаги ҳар қандай ҳабар ахборот, деб аталади. Мазкур тавсифни, бизнинг фикри-мизча, ахборот, фактлар хақидаги ҳабардангина иборат бўлиб қолмай, инсон ички эҳтиёжи бўлмиш мулокотни таъминловчи алоқа қилиш амали ва фикр алмашиб жараёни ҳамдир, деб тўлдириш ва таҳрир қилиш мақсаддага мувофиқдир. Шундагина ахборотнинг табиати ва моҳиятини ҳам, унинг универсал мақомини ҳам, нисбатини ҳам аниқ ифодалаш мумкин. Зоро, ахборотни айни мана шу тарзда тушуниш журналистижий фаолияти моҳиятига мувофиқдир.

### Ахборотнинг асосий хусусиятлари

Ушбу масалани тадқиқ этган санкт-петербурглик олима Г.С.Мельник қуйидагиларни қайд этади: «Ахборот» ҳамма жойда кўптомонламалик (универсал) хусусиятига ҳамда аниклаш-баҳолаш (атрибутив) сифатита эгадир. **Биринчидан**, ахборот алмашиб моддият ва ижтимоиятнинг бир бутунлиги сифатида доимий равишда юз беради... **Иккинчидан**, ҳар қандай ахборот бўлакланиш, майдаланиш, узик-юлуклик хусусиятига эга (дискет) бўлиб, ҳабар «бўлаклари», қисмлари кўринишида мавжуд бўлади ҳамда моддийлашган шакл (овоз, матн, тасвир)да ифодаланади ва қайд этилади. **Учинчидан**, ахборот оқими узлуксиз харакат қиласди. **Тўртингчидан**, ахборот алмашининг аён ашёсига айланishi учун истеъмолга кириши ва ишлатилиш кийматига эга бўлиши зарур.

...Ахборот прагматик (баҳолаш) хусусиятига ҳам эга яъни уни узатувчи ва истеъмол қўлувчига нистбатан муайян янгилик қийматини ва муносабатини касб этади.

«Ахборот истеъмолга киргунча мавжуд бўлган номаълумликни бартараф этувчи маълумотларнигина ифода этади, билмасликка, мавхумликка барҳам берувчи ёки уни

камайтирувчи нарса ахборотдир», деган қараш кенг тар-  
калган.

Ахборотнинг фойдалилиқдаражасини уни истемол қилув-  
чи белгилайди. Ахборот ўз истемолчисини топган экан, де-  
мак, бу ахборот у учун муайян **кйматта эга бўлади**. Шунинг-  
дек, ахборотдан кўп марта, такрор-такрор фойдаланиш ҳам  
мумкин. Бу унинг **тадрижийлик, такрорийлик хусусиятига**  
эгалигидан келиб чиқади. Айни пайтда у **эскириши ва ўз «сифими» ва кўламини, кймати ва ахамиятини ўзгартириши ҳам мумкин**. Зоро, ахборот ҳам **даврийлик** конуниятига бўйису-  
нади: туғилади, шакланади, муайян даврни ўтайди, «карый-  
ди» ва ўз кийматини йўқота боради<sup>1</sup>. Бу хусусият ахборотга  
ижтимоий-тарихий нұқтаи назардан ёндашишни ҳам тақозо  
этади.

Шахс ва жамият доимо муайян ахборий мухитда мавжу-  
дир. «Ахборотнинг йўклиги ҳам ахборотдир» қабиладаги му-  
нозарали фикр ҳам моҳият эътибори билан аслида ушбу тарь-  
кидни тасдиқлади. Ахборий биққиқлик — ахборот оқимидан  
ажралиб қолиш ҳам ёғон ахборот каби ҳар қандай жараённи  
оркага тортади, шахс ва жамият инқизорига сабаб бўлади.

Япониядаги Хитоцубаси дорилфунининг таникли про-  
фессори Нориюки Такаяманинг «Япония-Ўзбекистон» мав-  
зудаги семинарда қилган қуйидаги таъкидларига эътибор  
киласйлик:

«Муассасанинг ҳар бир аъзоси ўз зиммасига юкланган  
вазифа ва мажбуриятни аниқ билиши учун уларнинг бар-  
часи бир хилда, лавозимидан катъи назар, бутун муассаса-  
га даҳлдор маълумотлар хақида аниқ ахборотга эга бўлиш-  
лари зарур...

...Япониядаги истаган бир муассасага қадам қўяр экан-  
сиз, унинг ҳар бир аъзоси сизга айнан бир хил ахборот  
беради... бош раҳбарнинг йўклигига эса истаган бир ходим  
унинг ўрнини боса олиши мумкин...

Японияда фақат раҳбарга маълум, аммо ходимлар бил-  
майдиган ахборот бўлмайди. Бўлган тақдирда ҳам бу ниҳоятда  
чекланган миқдорда учрайди. Японияда шахсни жуда  
катта ахборотга эга бўлганлиги учунгина раҳбарлик ўрнида  
саклаб туриш мумкин эмас...

<sup>1</sup> Мельник Г.С. О природе и сущности информации. // Основн информационной культуры. 9-6.

Японлар, одатда, ахборот ва билим ходимнинг вазифаси  
ва макомига яъни, лавозимига бириктириб, мустахкамлаб  
қўйилади, деб хисоблашади. Иш ўрнини ўзгартириш зарур  
бўлиб қолганда, у ўз ўрнига келадиган ходимга имкони бо-  
рича батафсил ва тўлиқ ахборот беришга мъсул. Бу ишнинг  
аввалгидай бир маромда давом этишини таъминлайди. Япо-  
нияда янги раҳбарнинг ишни ибтиоддан бошлиши ёки фаолият  
мазмуни мундарижасининг ўзгариб кетиши, шунинг-  
дек, қўл остидаги аввалги ходимлар ўрнини алмаштириб,  
қайта таркиблаш ҳоллари ғайриодатийдир<sup>1</sup>. Ушбу фикрга  
яна шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, Японияда ахборот-  
нинг мақоми алоҳида олинган муассасалар доирасидагина  
эмас, балки бутун жамият миқёсида ҳам ниҳоятда юксакдир  
- «япон мўъжизаси» сирининг асосий омилларидан бири ҳам  
мана шунда. Дарвоке, Кун чикар мамлакат Конституцияси-  
нинг маҳсус ва энг катта бўлимида қайд этилишича, ахбор-  
ий камолатга эришган мукаммал жамият бўлган эмас, ке-  
лажақда бундай жамиятнинг юзага келишини башорат қилиш-  
гина мумкин. Аммо шу нарса аниқ ва равшанки, ахборот-  
нинг ахамияти биз нафас олаётган хавонинг кийматига мон-  
нанддир.

**Ахборот сиёсий-иқтисодий вазиятга эгалик қилиш демакдир.** Шу боис ҳам ахборот қадим-қадимдан йўлбошчилар,  
коҳинлар, шомонларнинг, умуман, сиёsat ахлининг қис-  
матига даҳлдор бўлиб келган. Улар ихтиёридаги ахборотдан  
хабардор бўлиш омманинг ниҳоятда оз қисмигагина насиб  
этган.

Тоталитар тузумларда эса ахборот ўзгаришининг муайян  
миқдори ва мазмуни катъий белгилаб қўйилган ҳамда у қис-  
қартирилган ва мафкурага мувофиқ баҳоланган ҳолда тарқ-  
атилган. Халқ оммасига тақдим этилган ахборот ҳам «трафак-  
курни тозалаш»га йўналтирилган. Таълим жараёни ва хур-  
фикарлиликка интилиш ва бошқа ўзгаришлар тақозоси ту-  
файлигина ахборий яккаҳокимлик тамойиллари муайян да-  
ражадагига таркибий қисми бўлган фуқаронинг ахборий

<sup>1</sup> Такаяма Н. О чем я думал в Узбекистане - Узбекистан с точки зрения японской модели. Маърузалар туркуми матни // Бозор иқтисодиётига ўтиш учун инсон ресурсларини қайта тайёрлаш соҳасидаги сиёсатни асосий йўналишларини шаклантиришда Узбекистон Республикасига ёрдам кўрсатиш бўйича ЛСА халқаро ҳамкорлик Япон агентлиги лойи-  
хаси. 1 жилд - Т.: Давл. Ва жам-т курил. Акад. 2000, 11-12 б.

Эркинлигини таъминлаш ва давлат маъмурий хокимлигини чегаралаш муаммоси бутун дунёда ҳануз ўз долзарблигини йўқотган эмас. Зеро, энг очик ва ошкора давлатларда ҳам (баззи диний ёки коммунистик дунёкарашга асосланган то-татлитар давлатларни эътибордан сокит қилган тақдирда ҳам) фуқароларнинг эркинликларига хурж қилиш холларини ҳам кузатиш мумкин. Хуллас, ахборот учун, ахборотни у ёки бу шаклда эгаллаш эркинлиги учун кураш жаҳон миқёсида ҳам, алоҳида минтақа ёки давлат миқёсида ҳам мавжуд бўлган ва давом этадиган муаммоларданdir. Ахборий жамиятда ахборотнинг товар, мулк мақомида туриши, пул, фойда манбаи эканлиги шундан далолат беради. Америкада Руперт Мэр-док, Тед Тернерлар, Россияда Б.Березовскийлар, Франциядаги Фр. Буиг, Италияда С.Берлусконилар ахборотни сотиш ва сотиб олиш сингари нихоятда «фойдали иш» билан шуғулланадилар. Европада «ахборий жамият» («Информационное общество») истилоҳининг истеъмолга кириб келаётганилиги ахборот ва ахборий технология борасида янги бир боғсичнинг, «ахборий иқтисодиёт» тушунчаси ва у билан боғлиқ ижтимоий-тижорий тамойиллар қарор топаётганилининг ўзиёқ бу муаммонинг тадрижий моҳият касб этишини исботлайди.

### Ахборотнинг ижтимоий моҳияти

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб ижтимоий ахборот умумий назариясини ҳамда унинг таркибий қисми бўлган журналистикавий ахборот умумий назариясини яратиш борасида саъй-харакатлар қилинмоқда. Америкалик, италиялик ва россиялик олимлар томонидан салмоқли тадқиқотлар ҳам яратилди. Бу йўналишда ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам жиддий изланишлар олиб боришишмоқда. Шунга қарамай, ахборотнинг ижтимоий табиити ва моҳиятини тавсифлаб берувчи яқдил бир нуқтаи назар ишлаб чиқилганича йўқ.

Тўғри, тадқиқотчиларнинг кўпчилиги кибернетика асосчиси Норберт Винер «ахборот»нинг ижтимоий моҳиятини нисбатан тўлиқ таърифлаб берганлигини таъкидлашади. Бинобарин, унинг «ахборот-бизнинг ташқи оламга уйғун-

лашувимиз ва хис-туйғуларимизнинг унга мувофиқлашуви жараённида олинган мазмуннинг ифодаси» деган фикрига асосланышади. Хозирги давр россиялик олимлар бу фикрини бироз ўзгачароқ тарзда талқин этишмоқда, яъни, ижтимоий ахборот ижтимоий воқеликни акс эттирувчи хабардан, шунингдек, инсон ва унинг тажрибаси ҳамда ташки мухитга муносабати ҳақидаги билимдан иборатлиги-пи таъкидлашмоқца. Мазкур қарашлар, санкт-петербурглик тадқиқотчи В.Таловов тўғри қайд этганидек, бир-бира га зид ҳам, айнан бир ҳил ҳам эмас. Унинг изоҳлашича, биринчи таъриф нисбатан умумийдир, иккинчиси эса журналистик фаолияти моҳияти ва тушунчалари доирасида аёнлаштирилган (торайтирилган). Шунга қарамай, у (иккинчи таъриф) ҳам шарҳланишга муҳтоҷ. Модомики, инсон турмушнинг ижтимоий шарт-шароитлари таъсирда бўлар экан, ижтимоий ахборот ҳам жамиятда мавжуд бўлган муносабатлар, тасаввурларни, ундаги зиддиятларни ва муммаларни ўзида акс эттиради. «Ижтимоий» сўзининг ўзи жамиятга, жамоатга даҳлдорликни англатади. Фактларнинг мазмуни уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва ахамияти орқали белгиланади. Шу боис ижтимоий ахборот сиёсий мазмун касб этади. Жамиятнинг ижтимоий таркибланиши ва тоифаланиши, кишиларнинг моддий ва маънавий жихатдан турлича қатламланиши шуни такозо этади.

Англашилишича, **ижтимоий ахборот** тушунчаси кенг маънода умумий ҳодиса сифатида қараладиган ахборотнинг алоҳида бир тури сифатида талқин этилади.

**Ижтимоий ахборот**, В.Талововнинг таъкидлашича,<sup>1</sup> инсон фаолияти жараёнларида юзага келади ва фактларни жамиятдаги қиймати нуқтаи назаридан акс эттиради ҳамда кишилар ўргасидаги ўзаро алоқа учун, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган мақсадларига эришиши учун хизмат қиласди.

Ижтимоий ахборотнинг муайян турлари мавжуд бўлиб, улар ҳабар узатиш ва уни қабул қилиш усуллари, инсон фаолияти турларининг ижтимоий ахамияти каби жиҳатларга кўра фарқланади. Масалан, ахборот узатиш ва уни истеъмол килиш усулларига кўра кўриладиган (визуал), эштиплатидиган (аудио), тасвирланадиган, сезиладиган, техник во-

<sup>1</sup> Карап: Таловов В.Н. Труд журналиста. З-нашр. - Л., 1982, 10-6.

**сига орқали олинадиган** турларга ажратилади. Буларнинг ичida кенг тарқалгани телевидение, радио, мультимедиа каналлари орқали узатилувчи аудиовизуал ахборотдир.<sup>1</sup>

Инсон фаолияти турларига кўра бошқарув (сиёсий), илмий, иқтисодий, маданий, ҳарбий ва спортга оид ахборотлар фарқланади.

Ижтимоий ахамияти (мухимлиги)га кўра **оммавий, гурухий** ва **шахсий** ахборотлар ажратилади. Улар ижтимоий нуткий фаолият — мулокот турларига мувофиқдир.

### Сиёсий ахборот

Журналист ўз фаолиятининг табиатига мувофиқ қайд этилган бу ахборот турларининг барчаси билан иш кўради. Аммо у бошқарув ёки **сиёсий ахборот** турига (демак, оммавий мулокот турига) кўпроқ дахлдордир. Бу журналистика-нинг ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг тури эканлиги билан изоҳланади. Бутун дунёда журналистикани «тўртинчи хокимиёт» сифатида тасвирланиши ҳам унинг ижтимоий-сиёсий ва оммавий-таъсирий ахамиятини таъкиддашдан иборат.

Жамият турфа хил муассасалар, меҳнат жамоалари, миллий тузилмалар, ижтимоий гурухлардан иборат бўлиб, улар ўзаро бевосита ёки бавосита муносабатда бўладилар. Улар ўргасидаги ўзаро таъсири мунайян тартибдаги ва турдаги муносабатлар, алоқалар, ахборот алмашишлар орқали амалга оширилади.

Шулар туфайли бошқарувчи субъектлар (идора ёки муассасалар) тезкор кўрсатма ва буйруклар беришади, уларнинг бажарилишини назорат килишади. Ижрочилар (объектлар) эса ушбу буйрук ва кўрсатмалар асосида ўз мажбуриятлари, вазифаларини белгилаб оладилар. Ҳамкаслар тажриба алмашиш ҳамда хатти-харакатларини мувофиқлаштириш орқали ҳамкорлик килишади, лойихаларни амалга оширишади. Натижада, юқоридан пастга, пастдан юқорига ахборот узатишнинг тартибига солинган аниқ жараёни (оммавий ижтимоий мулокоти) юзага келади. Айни мана шу жараён жамиятни жисплаштиради, жамият олдида тур-

<sup>1</sup> Мельник Г.С. О природе и сущности информации // Основы информационной культуры, 10-6.

**ПН** вазифаларни ҳал этишга, демак, тараққиётга хизмат КИЛади.

Тадқиқотчилар ахборотнинг ижтимоий бошқарув вазифасини тушунтириш мақсадида уни темир йўлга мукояса қилишади. Ушбу киёсдан хабарлашувнинг аниқ ва аён тизими бузилган тақдирда, тартибсизлик ва бошбошдоклик-нинг юзага келиши, оқибатда харакатнинг бутунлай тўхтаб колишини тасаввур килиш кийин эмас. Йўл харакатини ёки самолётлар учшини тартибга солишида диспетчерлик хизмати марказий ҳалқа ҳисобланади. «Пахтакор» командаси машҳур футболчиларининг (1979 йил) авиафалокатга учрашига ҳам диспетчерлик хизмати сабабчи эди.

Ўзбекистонда жамият сиёсий тизими: Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимиятлар, судлар, ижтимоий ташкилотлар ва ўюшмалар, меҳнат жамоалари бошқарув субъекти ҳисобланади. Сиёсий тизим таъсири давлат ва жамоа идоралари, бошқарув органлари фаолияти билан бевосита боғлиқ. Булар бошқарув таъсирини ўз навбатида куйи даражадаги ташкилот ва идораларга узатади... Шу тарзда ягона вужудга монанд фаолият юритувчи кўп босқичли раҳбарлик курилмаси юзага келтирилади.

Бошқарув субъекти ижрочи (объект)лар билан алоқа килишда маҳсус хизмат турларидан, мулокот каналларидан фойдаланади ва шулар воситасида ахборот алмашади. Бу хабарлашув каналларининг аниқ ишлаши туфайли мамлакат фуқаролари факат дастурий кўрсатмаларнингина эмас, балки дунёкарашни, маънавиятни шакллантирувчи билимларни ҳам, шунингдек, давлат ичida ва давлат ташқарисида (масалан, чет элларда) юз берадиган воқеа-ходисаларга доир маълумотларни ҳам қабул қиласидар. Буларнинг барчаси моҳият ёътибори билан сиёсий ахборот вазифасига дахлдордир.

Сиёсий ахборотнинг нисбатан умумлаштирилган ва қуюқлаштирилган шакли мунайян тузумнинг моҳиятини ҳамда ривожланиш истиқболини ўзида акс эттиради. Чунки сиёсат, аввало, кишиларнинг моддий, иқтисодий шароитлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Зоро, сиёсатга нисбатан иқтисодиёт бирламчиидир. Бу борада Президент И.А Каримовнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиётнинг асосий тамойилларини белгилашда иқтисо-

диётнинг устуворлигини алоҳида таъкидлаши ҳам ўз мантиқий асосига эга.

Сиёсий ахборот тушунчасини олимлар икки хил талқин этишмокда.

**Тор маънода** у бевосита сиёсий соҳада (партиялар, давлатлар, дипломатлик муносабатлари, намойишлар в.б.) кузатилаётган фактлар ҳакидаги хабардир.

**Кенг маънода** эса, жамият хаётининг хилма-хил томонларини сиёсий тамойиллар ва дастурлар нуқтаи назаридан акс эттирилишидир.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, сиёсий ахборотга кўйдагича таъриф бериш мумкин.

**Сиёсий ахборот ҳам аввало, ижтимоий ахборотнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у сиёсат соҳасидаги (жумладан, фуқаролар хукуки ва эркинлиги, тури ижтимоий қатламлар, этник тузилмалар, бошқарув муассасалари ва жамият ўргасидаги муносабатлар борасидаги) ҳодиса ва маълумотларни, воқеа ва жараёнларни ўз ичига олади.** Ижтимоий хаётда, хусусан иқтисодиёт, маданият фан ва техника соҳаларида юз беравтган сиёсий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисалар ҳакидаги хабарлар ҳам сиёсий ахборотга мансубдир.

Бу таърифни долзарблиги ва муҳимлиги шундаки, амалиётдаги ҳар қандай факт сиёсий асосга ҳам эга бўлади. Чунончи, сиёсий муносабатлар соҳасига бевосита даҳлдор бўлмаган ҳодисалар демократик жамият барпо этилаётган бир шароитда ўз сиёсий тавсифига ҳам эга бўлиши ҳамда сиёсий ахборот ашёсига айланиши мумкин. Демак, факат давлат кўламидаги ижтимоий воқеа ёки ҳодисаларгина сиёсий ахборот ашёси бўлади, дейиш учнчалик тўғри эмас. Аён бир жойдаги маҳаллий аҳамиятга молик факт мисолида ҳам катта сиёсатнинг мазмуни ва талабларини кўриш ҳамда тавсифлаб бериш мумкин.

Сиёсий ахборот жамоатчилик фикрини шакллантириша бошқа ғоявий-сиёсий фаолият воситалари ҳамда имкониятларига нисбатан устувор таъсир кучига эга. Бунинг сабаблари қўйдагича:

**Биринчидан**, сиёсий ахборот, айни замондаги, айни кундаги маълумотлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнларга асосланади.

**Иккинчидан**, у омма эътиборига энг кучли замонавий техника воситалари (матбуот, телевидение, радио, хужжатли кино), шунингдек, энг сўнгти ва янги ахборот узатиш технологияси (интерфаол ТВ, мультимедиа, Интернет ҳамда бошқа глобал компьютер тармоклари ва сунъий йўлдош каналидаги ТВ лар) оркали етказилади.

Одамларнинг пухта сиёсий ахборот олиш борасида ҳар томонлама тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда ахборот йўналиши ва мавзуини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, замонавий ахборот воситалари тизими (у соҳаки шаклда бўлсин, соҳаки шаклда бўлсин) ҳозирги замон таракқиётидаги ички ва ташки муаммоларни имкони борича тўлиқ қамраб олишига эришмоғи керак. Бизнинг жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида оммани сиёсий жараёнлардан хабардор қилиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик. Оммани демократик ислоҳотларга, жамоат ва давлат ишларини бошқаришга кенг жалб этиш омилларидан бири туман, вилоят, муайян ишлаб чиқариш жамоаси ёки тижорат тузилмаларидағи ишлар ахволидан хабардор қилишни яхши йўлга кўйишидан иборат. Бу ижтимоий фикрлашдаги хурфикрилийкнинг тез намоён бўлишига ҳам, жамият тафаккуридаги эркинлик ва фаолликнинг шаклланишига ҳам имкон беради. Умуминсоний қадриятларни бойитувчи ҳақиқий миллий анъаналарни, урфодатларни қайта тиклаш ҳам, давлатимизнинг ички ва ташки сиёсатини тўғри фахмлаш ва тўғри талқин этишга қодир ижтимоий онг ҳам айни мана шу асосда қарор топади. Айни пайтда, у бошқарувнинг муҳим қуроли, давлат идоралари фаолиятига таъсир этиш ва улар ишини назорат қилишнинг асосий воситаси, инсон дунёкарашини кенгайтириш ҳамда хукукларини химоя қилиш манбаи ҳамdir.

Ахборот мазмунини белгиловчи муҳим мезон унинг олдига кўйилган асосий мақсаддир. Бутун бошқарув иши сингари сиёсий ахборот ҳам илмийлик, ҳакқонийлик, ҳалқ ҳаётига бевосита даҳлдорлик каби тамойиллар замирида юзага келади.

Сиёсий ахборот қўйдаги тўрт йўналишда ташкил этилган тақдирдагина ахолининг хабардорлик даражасини нисбатан тўлиқ таъминлаши мумкин. Бу йўналишлар:

а) мамлакат сиёсий ҳаёти;

- б) иқтисодий муаммолар;
- в) ижтимоий ва маданий ривожланиш масалалари;
- г) халқаро аҳвол.

Бу йўналишлар ОАВларининг барчаси учун бирдай дахлдордир. Сиёсий ахборотнинг мазкур йўналишларига алоҳида-алоҳида ёндашиш мутахассисларнинг уларга ихтисослашувини хам тақозо этади. Чунки кишиларни нима ҳакида, қайси муаммолар бўйича хабардор қилиш хам, айни пайтда қандай усуlda ва қандай самара билан хабардор қилиш хам ниҳоятда мухим аҳамият касб этади. Кези келганда қайд этиш керакки, холис ахборот омма онгига ошкора сиёсийлаштирилган материалдан кўра кўпроқ ва кучлироқ таъсир этиши мутахассислар томонидан асослаб берилган.

Турли хил фактларни сиёсийлик мезони асосида баҳолашни бир тизимга жойлар эканмиз, биз улар ўртасидаги муносабатни ва боғликларни аникроккўрамиз, уларни ўзаро муқояса қиласиз. Воқелик канчалик ранг-баранг акс этса, хабарнинг ахборий қиймати шунчалик юкори бўлишига ишонч хосил қиласиз. Сиёсий ахборот хам бундан мустасно эмас. Зоро жаҳон миқёсида халқлар, давлатлар, уюшмаларнинг демократик қадриятларга интилишларидан катъи назар, улар маданий ва сиёсий онг даражасининг тури босқичларида турганлиги хам маълум. Мана шу омиллар нуқтаи назардан сиёсий ахборот масаласини кўйиш хам демократик тамоилларни қарор топтириш кўрсаткичидир.

Сиёсий хурфикалийк — бу ошкора ва очик жамиятнинг асосий хусусияти, ўзига хос белгиси — мустакил Ўзбекистон Республикасининг стратегик мақсадидир.

### Журналист ахбороти ва унинг ижтимоий моҳияти

**«Журналист ахбороти» тушунчасини** алоҳида ҳодиса сифатида мушоҳада қилмай туриб, ахборот назарияси асосларини ўрганиш, уларнинг турлари ва ўзига хос хусусиятларини фаҳмлаш анча қийин бўлади. Журналист касбий маданиятини эгаллаш масаласи хам бу тушунчани алоҳида идрок этишини тақозо этади.

Журналистлар учун ижтимоий қийматга эга бўлган хар қандай ахборот аҳамиятлидир. Матбуот, радио ёки телеви-

двиега навбатдаги материални тайёрлаш асосида ундан қачон ва қандай фойдаланиш мумкинлигини олдиндан АЙПИБ бериш қийин. Айтайлик, сел, зилзила каби фавқулодда вазиятларни ёритишида ҳодиса юз берган ҳудуднинг жустрофий хусусиятлари ҳакидаги факт ва маълумотлар ғоятда мухим аҳамият касб этади: журналист айни мана шу хил маълумотлар асосида айни шу жойга бинолар куриш мақсадта мувофиқлиги, уларнинг зилзилабардошлиги таъминланганми, муҳофаза тадбирлари кўрилганми ёки йўқми дсан масалалар ҳакида мулоҳаза юритади. Масалан, Спик-Так (Арманистон)даги зилзиладан сўнг журналистлар курувчилярнинг жинояткорона ишларини, лойиҳачиларнинг хатоси ва архитекторларнинг узокни кўра билмаганликлари пи ошкор қилишди. Натижада, атроф-муҳит ҳакидаги ахборотлар мазмуни доирасида матбуот экофалокатлар, хусусан, Орол ва Орол бўйи, Чернобил фожиаларини ёритадиган бўлиб қолиши. Бу, ўз навбатида, «инсон — табиат хукмдори» деган ақидани қайта кўриб чиқиши кун тартибига кўйди.

Бундай одатий ва ғайриодатий жараёнлар ва воқеаларни жамият мисолида хам кўриш мумкин. Лекин улар барчага бир хилда таъсир этаслиги хам мумкин. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши америкаликларнинг кўпчилигига ҳанузгача «номаълум уруш» бўлиб қолмокда. Ким ким билан урушганини, ўзлари ким томонда турганликларини, бу урущда ким ғалаба қилганини шу пайтгача яхши билишмайди. Дарвоке, бугунги кунда хам Косово, Чечен муаммолари моҳиятини, диний фундаментализм ва экстремизмнинг бутун дунё учун умумий хавф эканлигини хамма хам тушунавермайди. Айни бир воқеа ёки ҳодисани турли мінтакаларда яшовчи кишилар бир хил идрок этавермайдилар. Буларнинг барчаси замонавий журналистик ахборотнинг қониқарли эмаслиги натижасидир. Айни пайтда ҳаётда юз беряётган воқеа-ҳодисаларнинг барчаси хам ижтимоий-сиёсий муассаса бўлмиш журналистика нуқтаи назаридан аҳамиятли, эътиборга молик бўла оладими деган муаммо хам мавжуд.

Айтайлик, қайсиdir бир оиласа янги фарзанд туғилди. Албатта, бу оила учун, унинг яқинлари учун мухим воқеа. Аммо у матбуотда эълон қилиш учун лойиқми? Йўқ, ал-

батта. Нима учун? Сабаби боланинг одатдаги оиласда, одатдаги шароитда юзага келганлиги — кундалик оддий ва табиий ҳодиса бўлганлигидир.

Шу боис бу фактни ижтимоий кийматга эга бўлган ва акс садо берадиган ҳодиса сирасига киритиб бўлмайди. Акс холда ахборот канали туғриқхоналардан олинадиган хисобатлар мажмуига айланниб колган бўларди.

Бундан келиб чиқадиган хulosса шуки, журналистни ижтимоий аҳамиятга молик, социал кийматга эга фактлар қизиктиради. Бинобарин, боланинг машхур бир шахс (масалан, санъат юлдузи) оиласида дунёга келиш факти эса муайян қизиқишга сабаб бўлиши мумкин. Турмуши жанжалли воқеалар билан бөглиқ машхур қўшикчи Мадоннинг аввал қизи, кейинроқ эса ўғланинг туғилиши шундай фактлар сирасига мансуб. Шунингдек, муайян бир худудда (шахарда) ги статистик маълумотга мувофиқ миллионинчи фукаро сифатида оддий оиласда туғилган бир чақалоқ ҳам ижтимоий (миллий, минтақавий) ахборот ашёсига айланishi мумкин.

Демак, хар қандай воқеа ёки маълумот матбуот ҳодимлари эътиборига молик сифат ва белгиларга эга бўлавермайди.

Айтилганлардан келиб чиқиб, журналист ахборотининг табиити ва мазмунини белгилashi мумкин. Журналист ахбороти ижтимоий ахборотнинг узвий қисми хисобланади. Журналист ахбороти ҳам ижтимоий ахборот сингари жамиятдаги муносабатларни, хилма-хил турдаги ва даражадаги ўзаро алоқаларни акс эттиради. У ижтимоий жихатдан мухимлилик, долзарблилик, оммавий аудиторияга йўналтирилганлик, оммавий аҳамиятга эгалик, қатъий хужжатлилик ва тасвирийлик каби сифатларга эгадир.

Журналист ахборотига Д.Рэндалл томонидан берилган тавсифга кўра, «ахборот — умумий қизиктира оладиган, илгари номаълум бўлган (янги, охори тўкилмаган), фавқулодда хабардир».<sup>1</sup>

Шундай килиб, журналист ахборотининг мухим жихати кўп қирралилик, кўптомонламалик (универсаллилик) бўлиб, у кишини жамият билан боғлайди, шахсни бутун мамлакат, минтақадаги, яқин ва узоқ хориждаги муаммо-

<sup>1</sup> Рэндалл Д. Универсальныш журналист. Алмати, 1997, 36-6.

N 1p(II даҳлдор килиб кўяди. Журналист ахборотининг айни Мяна шу хусусияти ижтимоий, сиёсий, маданий, худудий-III. I м и й йўналишдаги хабарларни умуминсоний қадриятлар M1 юни асосида фаҳмлашниназардатутади.

Лиммо турли нуктаи назардаги кучларнинг, оқимларнинг ПСИрида баъзи ОАБнинг тарафкашлиги туфайли ушбу Мезонга хар доим ҳам риоя қилинавермайди. Хар доим эри-ИИШ қийин бўлган ушбу мақсадга қатъийлик билан изчил пнтилиш журналистикага хос хурфикрлилик ва эркинлик-НИГ ўзига хос ифодаси эканлигидан, таҳририятлардаги ИҚОЛӢ ҳодимларнинг юксак инсоний, касбий ахборий маданиятга эгалигидан гувоҳлик беради.

Журналист ахбороти дунёда юз бераётган воқеалар ха-КИДати янги маълумот ва фактларнинг шунчаки оддийгина иўлиб қолмай, у бизнинг хис-тўйғуларимизу ҳатти-харкатларимизга ҳам, яшаш тарзимизу хулқимизга ҳам таъсир >тади. Бундай ахборотни омма интиқлиқ билан кутади, ўз Орзу-умидларини, режаларини у билан боғлайди. Шу боис журналист ахбороти кишини ўлдириши ҳам (С.Наринъяннинг «Ухарь-савдогар» фельетони қаҳрамони шундай ўлим топган) ёки, аксинча, бунёдкорлик, қаҳрамонлик сари илҳомлантириши ҳам мумкин. И.Эренбургнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидағи публицистикаси бунинг ёрқин далили бўла олади.

Журналист ахбороти ранг-баранг воқеалик ҳақидаги мунтазам маълумотнома, ўзига хос амалий кўрсатма бўлиб, у бизнинг тўлақонли яшашимизга қўмаклашади, муайян миллатга, сиёсий партияга, тоифага, ижтимоий гурухга, ҳатто бирор ҳалқаро ўюшмага даҳлорлигимизни идрок этишига имкон яратади; қизиқишлиримиз кўламини кенгайтиради, дадил ижтимоий фаолиятга жалб этади, маълум жараёнлар ҳақидаги нуктаи назарларни қарор топтиради, онглилик хислатини тарбиялайди. Усиз биз ўзимизни баркамол инсон сифатида хис эта олмаймиз. Журналистлар космонавт Борис Волиновдан фазодаги узоқ муддатли учишда кўпроқ нимага эҳтиёж сезганлигини сўрашганда, энг аввало, у газетани тилга олган ва «ҳар куни газета олиб турганимизда жуда зўр иш бўларди», деб жавоб берган.

Жамият ривожланишидаги ўзгаришлар силсиласида (фоялар алмашинуви, янги ижтимоий қарашлар шаклла-

ниши, ахборот бозорининг барқарорлашуви, кенгайиши ёки торайиши кабиларда) журналист ахборотининг алоҳида ўрни бор. Чунки у оммавий аудиторияни бегона ва бебурд ғоялар, кўпорувчи қарашлардан, тажовузкор миллатчилик, диний ёки коммунистик фундаментализмдан муҳофаза қилиш ма-саласини теран фаҳмлашга ҳамда ижтимоий таъкидлашга хизмат қиласди.

Журналистлар зиммасига турли хил ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ҳалқларни яқинлаштиришдан кўра бир-бираидан узоклаштиришдек ўтмишга хос вазифалар юклangan шароитларда улар ақидапарастлик, расмиятчилик, андо-заликни енгib ўта олишлари лозим.

Ахборот ва ахборот технологиялари асрида давлатлар, китъалар ўргасидаги сиёсий, иқтисодий тўсикларни бартараф этишга кодир ягона ва яхлит жаҳон ахборот майдони барпо этилмоқда. Бундай шароитда журналист ахбороти зиммасига ижобий ва салбий мазмундаги факт ва хабарларни мутаносиб ҳолда узатиш, воқеликни кимнингдир нуктаи назаридан келиб чиқиб талқин этишдан кочиш вазифаси ҳам юкланди. Шу муносабат билан ОАВ ходимлари ижодида **воқелик манзараларини талқин этиш, шарҳлаш муаммоси ҳам келиб чиқади**. Зеро, журналист ахборотида ҳар доим муаллифнинг, мухарририятнинг, таъсисчининг ижтимоий тажрибаси ва интилишлари ҳам ўз ифодасини топган бўлади. Шу боис айни бир факт, воқеа турли сиёсий, ижтимоий йўналишдаги нашрлар томонидан турлича баҳоланиши, тушунтирилиши, шархланиши ҳам мумкин. Биз буни бир сўз билан фактнинг, воқеа-ходисанинг **талқини ёки талқин этилиши (интерпретация)**, деб айтамиз.

**Факт талқини.** Истилоҳи хабар қилинаётган воқеа-ходисани мазмунан изоҳлаш, маъно-мундарижасини тушунтиришни англатади ҳамда узатилаётган фактни воқеликка яқинлантиришга, воқелик билан мувофиқлаштиришга имкон беради. Демак, **журналист талқини** ҳаётнинг ёритилаётган бир «бўлагини» воқеликдаги айнан шунга монанд ҳодисалар мезонида баҳолаш ва уларни ўзаро қиёслаш орқали ижтимоий қиймати ва аҳамиятини тайин этиш имкони ва усулидир. Масалан, Буюк Британиянинг Фолкленд оролларида олиб борган уруши вақтида инглиз ҳарбий кемасининг ден-

| ..... |.лмн <¶,)I иятигшнг назарияси ва амалиёти

3 3

I п II ; чўкиш манзараси қайд этилган фото-расмга икки хил ,1 н гада берилган изоҳ (матн)да бу ходиса турлича талқин ПИЛГан: бири уни ватанпарварларнинг, иккинчиси — босқ-ИНЧИларнинг ўлими сифатида шарҳлаган.

Талқин бу ерда ижтимоий асосдан келиб чиқмоқда. Бу хусусият умуман журналист фаолиятига ҳам, хусусан эса, журналист ахборотига ҳам хос. Аммо матбуот назариётчи-Вўри ва амалиётчиларининг маълум қисми, айниска, ўзларини «соғ» ва «яланғоч» ахборот тарафдорлари деб ҳисоб-**ЮНІ** америкалик ва европалик журналистлар ва мутахас-• ислар бухолни тан олишмайди. Уларнинг МДҲ давлатла-ридаги, жумладан Ўзбекистондаги оппонетлари эса, бун-дап бошқачароқ нуктаи назарни ёклайдилар. Эътиборли жспертларнинг таъкидлашича, ижтимоий асосланганлик фактларни танлаш ва баҳолаш жараёнида юзага келади. Буни айрим мисоллар таҳлилида кўриб чиқайлик. Чеченистанда-и уруш Россия ОАВ учун ҳам, жаҳондаги бошка ОАВ учун \ам ниҳоятда долзарб мавзу. Лекин улар бу воқеани бир-биридан фарқли талқин киладилар. Чунончи, мазкур уруш 1'оссия ОАВлари талқинида, аввало, мамлакатнинг ички муаммоси, иккинчидан, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги-пи сақлаш учун олиб борилаётган урушдир. Жаҳондаги бо-шқа кўпчилик ОАВ талқинида эса, у биринчидан, инсон ҳукукларини химоя қилиш билан боғлиқ умуминсоний муллмолардан, иккинчидан, бутун бир ҳалкни кирғин қилиша-га сабаб бўлаётган урушдир.

Шунга ўхшаш яна бир факт: 2000 йилнинг 14 апрелида Россия телеканаллари орқали газетага ўраб, қорга ташлаб кетилган чақалокни топиб олинганлиги ҳамда унга Владимир Путин исми берилганлиги тўғрисида хабар қилинди ва у бутун мамлакат жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб ҳам этди. Аммо тарафкаш фаразли кузатувчининг ўзгача тақ-кослашга асосланган мuloҳазасини, хусусан, кордан то-пилган чақалокнинг ҳаёти ҳам ҳар икки чечен урушида жабр кўрган ўнг минглаб кишилар ҳаёти сингари ўзича кимматли-ку, деган талқиннинг юзага келиши ҳам табиий.

Бу ерда мисол сифатида келтирилган ҳар икки факт бир қарашда ўзаро боғлиқ эмасдай. Аммо ОАВ ҳаётнинг холис манзарасини яратади, деган мuloҳазадан келиб чиқилса, «Владимир Путин — ташландик бола» ва «чечен уруши жабр-

дийдалари» киёсларига асосланган муложазаларни бир-биридан фарқли түйғулар туғдирувчи фарқли талқинлар сифатида қараш мумкин.

Шу ўринда «хурфикалилар» («плурализм») ва «талқин этиш» («интерпретация») тушунчалари ўртасидаги фарқни хам белгилаб олиш зарур. **Хурфикалилар журналист фаолиятининг асосланган тамойиллардан бири бўлиб, ғоялар, маслаклар, нуктаи назарларнинг хилма-хиллиги демакдир. Талқин этиш эса холислик (бегаразлик) хамда ҳаққонийлик (аниклиник) тамойилларига асосланади.** Афсуски, ғояларнинг журналистикадаги талқини хар доим хам бу тамойилларга мувофиқбўлавермайди. Вокеа-ходисаларни турлича тушуниш ва талқин этиш замирида журналистларнинг бир бирига қарама-карши сиёсий-ғоявий оқимлар ва интилишларга, хамда улар билан боғлиқ таҳририятлар, кадриялтларга даҳлдорлиги - тарафкашларига ётади. **Айни мана шу тарафкашлик хам маълум маънода хаётнинг холис (табиий) манзарасини яратади.**

Истиқболда талқин этиш амали иштирок этмайдиган журналистикавий ахборот бўлиши мумкинми, деган саволнинг туғилиши хам табий. Бу саволга, агар одамнинг табиатан худбинлиги (эгоцентризм) назариясидан келиб чиқилса, «йўқ» деб, агар инсониятга жамоатчилик, хамкорлик, бирдамлик хислати хослигига асосланилса, «ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Ҳарқалай бу савол хам, унга бериладиган жавоблар хам мунозарали бўлиб, кўрилаётган муаммо доирасида биз учун бефойда. Лекин бир нарсани тъкидаш керак: журналист маданияти ва бу маданиятнинг шаклланиши инсон табиатига хос бўлган шахсийлик ва жамоавийлик хислатларидан таркиб топади. Шу боис хар кандай ахборотда прагматик хусусият - баҳолаш амали хам мавжуд бўлади.

### Ахборот ва янгилик тушунчалари муносабатдорлиги

«Янгилик» тушунчасининг тавсифи ва талқинида рангбаранглик, чалкашлик нихоятда бисёр.

Мамлакатимизда ва чет элларда яратилган илмий адабиётларда «янгилик» тушинчаси хам «ахборот» тушунчаси

С....ари турлича таърифланиб келинмоқца. Бу борада амалистчилар хам бир тўхтамга келишган эмас. Масалан, «Время» дастури ходими Сергей Ломакин журналистикада янгилик пималигини билмайман(!), шунчаки янгилик бор, ахборот оса уни аудиторияга етказишдангина иборат, дейди.<sup>1</sup> Танкни тележурналист В.Фляровский, «масалан, қайсиadir швод миллионинчи тракторни ишлаб чиқарди. Менимча, бу хабарни янгилик деб атаб бўлмайди» дер экан, янгилик — бу кишилар онгига таъсири килувчи хабар, ахборот эса онгга таъсири этмайди, деб тъкидлайди.<sup>2</sup>

Тунги телевангеликлар бошловчиси АТурнов кишиларнинг бугун билишни истаган нарсалари янгиликдир, журналистларнинг вазифаси эса улар кутаётган янгиликни хабар қилишдан иборатлигини тъкидлайди ва шундай мулоҳаза юритади: «Время» дастурини томоша қилсангиз, у ерда кишилар билишни истаган нарсалар эмас, балки бознинг раҳбариятимиз назарида зарур хисобланган нарсаларни хабар килинади.<sup>3</sup>

Радиожурналист («Маяк»дан ) Н.Куликовнинг фикрича, янгиликни яратиш шарт эмас, у хаётнинг ўзидан, икгисодий, сиёсий вазиятдан табиий равища келиб чиқади: «Айтайлик, конун лойиҳаси мухокамасидаги хар бир фикрни матбуотдан билиб олишнинг ўзи янгилик эмасми».<sup>4</sup>

Бу ҳақда Т. Миткова шундай ёзади: «Хаётда янгиликлар қайнаб ётибди. Айтайлик, бирор киши кимгадир ўз таниши ҳақида хабар қилмоқда, кимнингдир автомобили башка машина билан тўқнашиб кетди. Бу янгиликлар тор доирадагилар учун. Аммо айни шу ҳодиса Б.Ельцин билан юз берган тақдирда, у барча учун зарур янгиликка айланарди. Мен, журналист, шундай янгиликларни танлайман. Танлаш жараённида, албатта, уларни текшириб кўраман: ҳозир кишилар учун айтадиган янгилик менинг ўзим учун хам қизиқарли бўла оладими? Энг мақбул ва мукаммал вариант шуки, у аввало, барчани, шу жумладан, мени хам қизиқтира олсин».<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Журналист, 1991, №2, 51-6.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

«Ўзбекистон адабиёт ва санъати» газетаси бош мухаррири А.Мелибоевнинг Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчи ва талабалари билан учрашув пайтида айтган фикрлари эътиборга молик: «Ёш журналистнинг ахборот кийматига бўлган муносабатларида ҳалини вазият кузатилади. Мабодо, уларга Амир Темур ҳакида номаълум қўлёzmанинг топилиши ва жиноий воқеанома (криминал хроника) га оид янгиликдан бирини танлаш тўғри келиб колса, уларнинг аксарият қисми нима учундир иккинчи хил ахборотларга кўпроқ эътибор берадилар. Ҳолбуки, қадимий қўлёzма ҳакидаги хабар киймати жихатдан мухимроқирир ва кўпчилик эътиборига сазовордирх

Ўзтелерадиокомпанияси ходими Ф.Низомнинг бу борадаги фикрлари ҳам ўзига хос. У «КЕ"У8» назарияси ва жаҳон ОАВ тажрибаларига, хусусан, Ҳиндистон ОАВ институти профессори К.М.Шривастава, журналистика тадқиқотчиси машҳур Ж.Богарт, шунингдек, Р. Киплинг мулоҳазаларини умумлаштирад экан, «янгилик - яқинда ёки айни пайтида юз берган мухим ва қизиқарли воқеалар ҳакидаги хисобот»дан иборат деб хисоблайди. Ҳамда журналистнинг аввалдан маълум нарсани янгиликдан фарклай олиши зарурлигини асослаш учун кўйдаги мисолни келтиради: «Дейлик, шифохонадаги бемор бандаликни бажо келтириди. Бу воқеа, марҳумнинг жамиятдаги ўрни ва хизматлари билан боғлиқ ҳолда факт унинг яқинлари, маҳалла-куйи доирасидаги ёки умумдавлат ёхуд жаҳон миқёсидаги янгилик мақомини касб этиши мумкин. Аммо янгилик факат шу сифатлар билангина тайин этилмайди. Дарвоқе, агар оддий фуқаро ўз ҳақ-хукукларини химоя килаётган намойиш пайтида ёки терорист ўки туфайли ҳалок бўлган тақдирда ўлим сабаблари ҳам янгилик моҳиятини касб этади. Бундай ўлим, шубҳасиз, инсон хукуклари эркинликларининг бузилиши билан боғлиқ янгиликка айланади. 1989 йили Пекиндаги Тяньяньмен майдонига талабаларнинг сиёсий ислоҳотлар ўтказиш талаби билан чиқиши ва хукуматнинг куч ишлатиб, бу намойишни тарқатиб юбориши ушбу фикрни тасдиқловчи мисол бўла олади. Зоро, Хитой хукумати кўллаган чора-тадбир минг-минглаб кишилар ўлимига сабаб бўлган ва бу бутун жаҳонда кескин норозилик кайфи-

• Иллари ўйғотган. Айни вазиятда намойишчи талабаларнинг ижшмоий ахволи ва лавозими эмас, балки уларнинг хукumat I Ѣщига кўйган сиёсий талаблари янгилик сифатида фахмлашади<sup>1</sup>.

Муаллиф янгилик табиати ҳақида мулоҳаза юритар экан, унинг инглизча — фавқулодда намунасини қайд этади: «Янгилик - бу ит одамни тишлиб олиши эмас, балки одам ИЛНИ тишлиб олишидир». Бизнингча, бу ғайриоддий ҳолга писбатан маълум бир зотдаги итларнинг бошқа турдаги итларга нисбатан одамларни кўпроқтишлай бошлаши факти журналист эътиборига молик янгиликдир.

Ф.Низом янгилик инглиз тилидаги «Ў» ҳарфи билан бошпанувчи бешта: «'Мю(ким)», «'упеп (қачон)», «'упеге (қаерда)», «'утаг (нима)», «'уту (нега, нима учун)» ҳамда «по'у (қандай)» саволга жавоб бериши керак, деб хисоблайди.

Ўрни келганда айтиш керакки, муаллиф Ғарб ахборот назариясининг асосчиси Ҳарольд Лассуэллнинг 1946 йил тавсия этган оммавий мулоқот (коммуникация)нинг умумий схемасини унинг таркиби — хусусий ҳалқаси бўлган янгиликка нисбатан татбик этиб кўяқолган.

«Ким, нимани, қандай канал орқали кимга ва қай тарзда айтди» деган бу муҳтасар ва мумтоз таърифда оммавий коммуникация жараёни таркиби ёки таркиби узв (ҳалқа)-лари алоҳида -aloҳида қайд этилган.

Х.Лассуэлл 1967 йили бу схеманинг кўйидаги янги вариантини ҳам ишлаб чиқкан: «мулоқот иштирокчилари - манзара — вазият — асосий қадриялар — маҳорат (стратегия) - реципиент муносабати-самара (эффект)».<sup>2</sup> Ушбу тавсифда янгиликнинг оммавий мулоқот ҳалқаларидан қайси бирига кўпроқ даҳлдорлиги аён бўлиб қолади.

Ф. Низомнинг фикрича, ахборот янгиликдан вақт омилига кўра фарқланади. У АҚШ Президенти Ж.Кеннедининг 35 йил мукаддам юз берган фожиавий ҳалокати ҳакидаги хабар - ахборот, аммо бу ўлим билан боғлиқ маҳфий материалларнинг 35 йилдан кейин эълон қилиниши янгиликдир, деб хисоблайди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Низом Ф. Янгиланиш анъанаси. - Т.: Маънавият, 1998, 35-36-6.

<sup>2</sup> Каранг: Психо-лингвистические проблемы массовой коммуникации. - М.: Наука, 1974, 11-6.

<sup>3</sup> Низом Ф. Янгиланиш анъанаси, 36-6.

Холбуки, президент Кеннеди хақида умуман маълумотга эга бўлмаганлар учун биринчи хабар ҳам янгиликдир. Шунингдек, юкорида таъкидланганидек, Иккинчи жаҳон уруши кўпчилик америкаликлар учун «номаълум уруш»лигича қолмоқда, бинобарин, у билан боғлик барча маълумотлар улар учун янгилик бўлиши табиий бир ҳол. Ҳудди шунингдек, ўтмишда яшаб ўтган Ал Фарғоний, Мортрудий, Марғилоний, Ал Хоразмий, Н.Кубро, ЖМангуберди, Амир Темур, Али Қушчи, Алишер Навоий, КБехзод каби буюк алломалар, подшоҳлар, саркардаларга даҳлдор маълумотлар ҳам ўзбекистонликларнинг муайян қисми учун бугунги кун нуктаи назаридан янгилик бўлиши табиий бир ҳол.

Англашилишича, олиму мутахассисларнинг ахборот ва янгилик ҳамда уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги қарашларида муайян фарқли, ҳатто чалкаш нукталар мавжуд. Лекин журналистика илми ва амалиёти доирасида бу икки тушунчанинг, шубҳасиз, бир хил аҳамиятига эга лигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки умуман журналист ахборотини янгиликсиз, янгиликни эса ахборотсиз тасаввур этиш кийин. Ушбу фикр Э.Довифат, В.Хагеман, Г.Майн (Олмония), Ф. Фатторелло ва Хейс (Италия), У.Шрамм, Х.Лассуэл, Ф.Феринг (АҚШ), Г.С.Мельник, В.В.Таловов, С.Корконосенко (Россия) каби олимларнинг пухта ва улкан тадқиқотларида ҳам илгари сурилган.

Аммо журналистика соҳасидан ташқарида: **ҳар қандай янгилик ахборийдир, ҳар қандай хабар янгилик бўлмайди,** деган фикрни маъқуллаш керак бўлади.

### Ғарб ахборот назариялари

Ғарб мутахассислари фавқулодда, гайриодатий, шовшувли хабарларни янгилик сифатида тушунаётгандек кўринади. Улар, қандай жанрга мансублигидан қатби назар, муаллиф томонидан шарҳланмаган ҳар қандай журналистикавий ахборий материални — янгилик — «пёуз» истилохи билан атайдилар. Тижорий журналистикинг таркибий мазмунини ташкил этувчи ошкора порнография (зех - «секс»), жиноятчилик, жосуслик (спте - «крайм»), пул бойлик ва шуҳратга интилиш (таке топеу — «мэйк мани»)

Кабилар шов-шув (сенсация) нинг асосий мавзуларидир. Шуни ёам эсда тутиш керакки, бизнинг тижорат журналистикаси қакидаги тушунчамиз европаликларнидан фарқ қиласди. Тижорий журналистика деганда биз ишбилармонлар, таджикорлар доирасига мансуб журналистикани тушунамиз. І "арбда эса, у ўз фаолиятини «мол-пул-мол» формуласи бўйича энг кўп фойда олиш тамойили асосида юритадиган ҳар қандай корхона сифатида идрок этилади; ахборот эсамол (товар) мақомида баҳоланади. Умуман, Ғарб матбуоти, жумладан, тижорий журналистикаси ҳам, барча тоифанинг (гадодан тортиб бизнесменгача) дидига мослашишга ҳаракат киласди.

Бинобарин, истаган бир янгиликка эга бўлиш ва уни тарқатиш тижорий битим мақомида тушунилади. Янгилик-І шинг олди—сотдига лойиқ товар сифатида баҳоланишининг бозор иқтисодиёти қонуниятлари амал қилаётган давлатлар ҳаёт тарзига таъсири ҳам мана шунда намоён бўлади. Айни мана шу тушунча ва тасаввурлар ўша жамиятдаги журналистикинг табиатини ҳам белгилаб беради. Аммо бу шундай вазиятда, эътиборли, юксак савияли матбуотнинг ҳам мавжуд бўлишини инкор этмайди, албатта. Д.Рэндалл тўғри таъкидлаганидек, «сиз ахборий хабарни товар хисоблаган, унинг тижорий тавсифини аниқлаган кундан бошлаб энди журналист эмассиз».<sup>1</sup>

Бу фикр, аслида, тижорий жамият журналистикаси вакилларига карата айтилган, лекин биз уни барча ОАВ ижодий ходимлари фаолияти учун аҳамиятли бўлган муҳим қоида ёки кўрсатма сифатида кабул қилишимиз лозим. Аммо, афсуски, бу кўрсатма ОАВ молиявий аҳволи қийин бўлиб турган, ўтиш даврини бошдан кечираётган жамият журналистлари учун курук баёнот бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Иккинчидан, журналист меҳнатига катта микорда ҳак тўланадиган, ниҳоятда тарақкий этган саноатлашган жамиятда ҳам ОАВ мукаддас қасбий вазифани бажараётганингига — холис ва ҳаққоний ахборот таркатаётганлигига қатбий ишонган баъзи журналистлар ҳам ўзлари билиб— билмай муайян бир корпорациявий (бирлашма, уюшма)

<sup>1</sup> Рэндалл Д. Универсалнй журналист. Алмати, 1997, 41-6.

мақсад йўлида хизмат қиласилар. Бундай янгилиш ишонч, уларнинг ахборий мулокот жараёни бўлмиш «оммавий коммуникация» (та55 соттишса1юп)ни ҳам, ахборот воситалари соҳасига дахлдор бўлган «оммавий алоқа воситалари»(та88 — тесйа) ни ҳам ахборот технологияси маъносида тушунишидан келиб чиқади. Оқибатда,узатилаётган хабар ижтимоий - сиёсий, маънавий-мағфуравий баҳолашдан холидир, деган хуласага келишади. Бундай ақиданинг баҳс-мунозаралар келтириб чиқариши шубҳасиз. Ҳолбуки, улардаги матбуот, кино ва адабиёт Ғарб демократияси моделини, ғарбча турмуш тарзини, сиёсий тизимини ва бошқа қадриятларини мадҳ этиш билан машғул. Бу ҳол мутахассислар у ёқда турсин, энг оддий одамлар учун ҳам аён ҳақиқат. Шу сабабли уларнинг ахборот муассасалари ва хизматлари сиёсийлаштирилмаганлиги ҳақидаги фикр ва далилларга ишониш ўта соддалик бўлур эди. Д.Селдеснинг «1000 америкалиқ», Ж.Марионнинг «Матбуотни тўхтатинг!», Г.Вальраффнинг «Бильд» мухбири бўлиб қандай ишладим» номли китобларида айни шу мулоҳоза алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу китобларда «њьюс» назариясининг асосий қоидалари, шунингдек «катта матбуот» ва «катта бизнес» иттифоки туфайли ахборот воситаларининг сармоядорлар мардкорига айлануб қолганлиги танқидий таҳлилдан ўтказилган. Шунга қарамай, уларнинг умуман, холислигини, хусусан ахборот етказишдаги ошкоравийлигини қатъий ва узил-кесил инкор этиш ҳам ҳақиқий ахволга мувофиқ эмас. Чунки монополиялар, пресс-синдикатлар, матбуот империялари ўртасидаги аёвсиз кураш уларнинг ҳақиқатни беихтиёр ошкор этиб қўйишларига олиб келади. Сиёсий партиялар, президентликка даъвогор номзодлар, бизнес - устунлар паноҳида бўлиш истагида - ғаразли мақсадда қўлга киритилган ахборот ҳақиқий ҳолни ошкор қилиб қўяди. Бинобарин, **бирингчидан**, жамиятдаги қонуний зиддиятлар матбуот томонидан аҳолини ҳолис ва ҳаққоний хабардор килиш асосларидан бирига айлануб қолди. Иккичидан, инсонпарварлик интилишларининг кучайиши ва бунинг хукукий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилиши жараёнлари ҳам ҳолис ахборот қўлларининг кенгайишига маълум даражада имкон беради. Масаланинг қўйилиши жиҳатдан 1995 йили Россияда Ошкораликни химоя қилиш фон-

|п гомонидан нашр этилган «Законм и практика средств **МІССОВІЙ** информации в Западной Европе, Америке и Авст-Г |||| и помли салмоқли иши алоҳида қизиқиши ўйғотади.

Янгиликни ғарбча тушуниш бизнинг, айниқса, ёш жур-|м пистларнинг тафаккурига тобора кўпроқ сингиб бормоқда. 1.шк)барин,жиноят хроникаси, жанжаллар, жаҳон ва ма-

....1й санъат юлдузлари ҳаёти, НУЖ лар ҳамда фазовий шжилизацияга дахлдор табиий инсоний туйғуларга дархол Гыйсир этувчи хабарларга ружу кўрсатмоқдалар. Бу ёш ах-Гмротчилар жиддий ўйлаб кўриши лозим бўлган шубҳали пп гилишдир. Бу интилиш журналистика соҳасида намоён бўлувчи кўчирмакашликнинг авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Уларнинг тажрибали ҳамкаслари эса, аксинча, )ски тамойилда ишлашдан бутунлай ҳалос бўлолмаяпти-Пўр. Масалан, қишлоқ ўйжалиги, санъат, маънавият ва ма-цаният соҳаларига оид хабарларда янгиликдан кўра ижтимоий жиҳатдан мухим бўлмаган оддий маълумотларни шун-чаки қайд этиш хануз устувор. Тажрибадан маълумки, бу усул бир хилдаги, бир хил йўналишдаги рангиз хабарлар учатишга олиб келади. Бунинг моҳияттан (экспертлар таъ-кидлаган) ноxуш томони ҳам бор: бир хиллилик ва андо-кшилил жамиятдаги ижтимоий фикрлаш тарзи «яқдилли-ги»нинг ифодасига айлануб қолишидир. Ҳолбуки, ижтимоий фикрлаш хеч қачон ва хеч қаерда бир хилда, бир йўналишда (ягона ва андозали) бўлган эмас, бўлиши қийин ҳам. Хурфиклик ҳар қандай жамиятдаги ижтимоий фикрлашнинг доимий сифатидир. Ҳатто энг эркин ва демократик матбуот ҳам ижтимоий фикрнинг барча киррлари ва рангларини тўла акс эттириш имконига эга эмас.

Айни мана шу ҳол ахборот ва янгиликнинг ягона бир мезонини ишлаб чиқиш муаммосини келтириб чиқаради.

«Ахборот» ва «янгилик» тушунчалари журналистикада, юкорида қайд этилганидек, айни бир ҳодисанинг турли томонларидир, улар маъно ва мазмун таркибига кўра ўзаро узвий боғлиқцири. ОАВ да ахборотни янгиликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, ахборот ахборот учунгина бўлмаслиги, тасодифий, аҳамиятсиз фактларни эмас, аксинча, ҳаётдаги энг мухим ва ижтимоий қийматга эга воеа — ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни узатишга бўйсундирилган бўлиши лозим. Матбуот, радио ва телевидение-

нинг ижтимоий-сиёсий муассаса сифатидаги асосий вазифаси хам шундан иборат.

Хабар бериш воқеаликнинг табиатида мавжуд. Ахборий «қобик» билан куршалган бу оламнинг ўзи бизга намоён этган рамзлар, белги ва ишоралар тизими (масалан, шакл, ҳажм, ранг, таъм каби)гина эмас, балки ижтимоий, инсоний муносабатлар (янги мудирнинг тайинланиши, янги чақалоқнинг туғилиши, автомобиль харид қилиш каби)ни хам ўз ичига олади, лекин булар ўз холича журналист кизиқиши ва эътиборига лойик ашё бўлолмайди хали. Чунки булар қайта ишланиши ва баҳоланиши лозим бўлган хомашёдир, хом материаллардир.

Сўнгги йилларда амалиётга **«янгиликлар журналистикаси»** («новостная журналистика») ва **«ахборий матбуот»** («информационная пресса») каби мавхум ифодалар кириб келди.

«Ахборий матбуот» истилоҳини амалиётчилар ва назариётчилар турлича тушунмоқдалар.

«Ахборий матбуот» истилоҳини кўллашга ружу қўйган нашрлар, журналистлар, мухаррирлар, сиёсатчилар ва социологлар бу тушунчани холислик, ҳаққонийлик, тинчлик ва тўғрилик, сиёсатдан, фирмавийликдан холиликтарзода, молиявий мустақиллик билан боғлаб талқин этишмоқда. Улар бу хусусиятлар соф ахборот тамойилига асосланган журналистика тасаввурини шакллантиради деган нуқтаи назарга асосланадилар.

Аслида «янгиликлар журналистикаси» хам, «ахборий матбуот» хам моҳият эътибори билан айни бир тасаввурни тақрорлаш — тавтологиядир. Зеро, бу икки тушинчанинг узвийлигини, бири иккинчисиз маъносиз бир нарсага айланишини юкорида қайд этган эдик.

Фарбда «ахборий матбуот» га ўхшашиб яна бир мунозарали тушунча мавжуд. Бу - **«фиклар матбуоти»** («пресса мнений»). Шуни айтиш керакки, бу икки тушунчани фарклаш ва кўллаш шартли. Улар Фарбда хам, бизда хам бир-биридан айри (соф) холда амал қилолмайди. Ватанимиздаги ОАВ мухарририятлари фаолияти шундан далолат беради. Мустақил Ўзбекистондаги истаган нашр ва телевидениенинг истаган канали ахборот — янгиликнинг ва ахборот мулоҳазанинг узвий бирлигидан иборат. Фарб ОАВ да ўзгачарок

уён маижуд, деган фикр хам йўқ эмас. У ерда янгиликлар-ШПП узлуксиз оқимини узатишда Си-Эн-Эн, «Немис Гўлкин», Би-Би-Си, «Озодлик», «Америка овози» кабилар ! ... прок этади. Лекин уларда хам «соф» ҳолдаги факт, воқеа-КОДИсаларни узатиш билан бир каторда уларни шарҳлашга ,им эътибор берилишини тан олиш керак.

Хулоса қилиб қўйидагиларни таъкидлаш лозим. **Янгилик**'лмп янги гап, янги маълумот, янги ахборот, анги хабар | аби маъноларни ифодалайди. Шу жихатдан янгилик тушунчаси ахборот ва хабар тушунчаларининг таркибий ун-Сури бўлиб, ахборот ёки хабарнинг сифатини тавсифлайди. Ахборот, хабар ва янгилик сўzlари мавридига қараб, ўзаро Мвънодош калималар сифатида хам ишлатилаверади. **ТТБУ** (Юис уларни ўзаро фарқли илмий истилоҳлар мақомида тлисифлаш бахсуз мўнозараларга сабаб бўлаверади.

**Хабар** сўзи жанр турини ифода этувчи истилоҳ сифатида баркарор хусусият касб этган. **Ахборот** атамасини эса журналист ижодининг самараси (жанрий тоифаланишдан Қатъи назар)нинг умумий ифодаси сифатида ишлатган маъкул.

Журналистлик фаолияти ахборотни топиш, қайта ишлаш, лисоний ифодага қўчириш ва узатишдан иборат. Шу маънода қайта ишланган ва узатилган ахборотни (жанридан қатъи назар) кенг маънода, шартли равища **журналист ахбороти** деб аташ мумкин. Бунда оммавий ахборот-пинг субъекти - журналист меҳнати таъкидланади. Омма-Вий ахборотнинг умумий тамойиллари эса журналистлар ахборотининг табиатини хам тайин этиб беради. Бошқача айтганда, журналист ахбороти муайян мезонлар асосида таркибланади ва тартибланади. Бу мезону тамойилларни таҳдил этиш оммавий ахборот (хусусан, журналист ахбороти) табиатини тўлароқ тасаввур этишга имкон беради.

## Оммавий ахборотнинг асосий мезонлари

**Журналист ахбороти** (оммавий ахборот) мезонларини аникламай туриб, унинг тавсифини тайин этиш қийин. Бу мезонлар: ижтимоий йўналтирилганлик, ҳужжатлилик, қисқалик, ихчамлик, оҳори тўкилмаганлик, оммабоплик, қизиқтирувчаник хамда изчиллик, узвийлик, (бирор воқеа

ривожидан хабардор қилиб бориш), рақобатбардошлилик, соддалик ва тушунарлилик.

Мазкур талаб ва мезонларни шархлашдан олдин қайд этиш керакки, буларнинг барчаси аён бир хабарда бир бутун ҳолда намоён бўлолмайди.

Зеро, ўтчовлар — мезонларнинг бирлиги ва уйғунлиги конуниятлари ва хусусиятларини мавхумлаширишнинг натижасидир, демак, намунадир. Ҳаёт эса журналистика назарияси ва амалиётидан юз карра бой ва ранг-баранг.

Журналистика муайян бир жойда юз берган воеа - ходиса ёки жараёнларни ёритиш орқали умуман ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт мажмууни акс эттиради. Вактли матбуот, радио, телевидение, кино, Интернет ва сунъий йўлдош алоқаси биргаликда ижтимоий ҳаёт мажмуининг **ахборий манзарасини яратади**.

**Хужжатлилик.** Махсус манбаларда аниқдик, холислик, хаққонийлик сўзларига мъянодош калималар сифатида ишлатилади. Бу ҳол хужжатлилик тушунчасини талқин этишда талабаларни чалғитмаслиги керак. Чунки сўз мъяноси ҳар хил бўлса ҳам унинг моҳияти айни бир нарса: газета ва журналларнинг, радио ва телевидениенинг дунёда ва мамлакатда кечак ёки бутун юз берган воеа мазмунини айнан узатиш вазифаси тушунилади; аён ва аниқ фактларга асосланиш, ижтимоий тараққиётдаги интилишларни тўри ва ҳаққоний акс эттириш, хуллас, матбуот яратадиган замон манзарасининг ишончлилиги назарда тутилади.

**Ишончлилик** кишиларда шубха туғдирмайдиган ҳаққоний, холис ахборот демакдир. Профессор С.А.Муратовнинг уқтиришича, ишонч ахборот манбаига бўлган ишончдан келиб чиқади<sup>1</sup>. Ўқувчи ёки тингловчи хабар манба билан қизиқади. Журналист хабар манбасини ҳавола килмаган тақдирда, ахборот журналистнинг ўзигагина мансуб, деган тасаввур юзага келади. Аудитория ахборотнинг кийматини хабар манбайнинг ишончлилиги, эътиборлилиги асосида баҳолайди, шу орқали ахборий дастурнинг обрў-эътибори шаклланади. Йирик телекомпаниялар келиб тушаётган хабарларнинг аниқлиги ва тўғрилигига ишонч хосил қилиш учун воеа юз берган (ёки юз берадиган)

<sup>1</sup> Муратов С.А. Нравственное принципы тележурналистики. Опыт этического кодекса. Нью // WWW InletofУ5 ш.Боокя/ тога! / 9 піт1. Р1 оғ 2,пп4.

11 Тп а ўз репортёрларини тезкорлик билан етиб боришлари-11 III гиладилар. Бунинг имкони бўлмаган тақдирда ёки ре-Портёр фактлари аниқ бўлмаган ҳолларда, уни камида иК-ИИГа манба тасдиқлаши шарт қилиб қўйилади.

Хабар берувчининг ёки кўчирма эгасининг хабардорлик цвражасига қараб узатилаётган маълумотнинг (айниқса аниқ ракамлар билан, масалан, кўрилган зиённинг ҳажми, КОНУнга хилоф харакат иштирокчилари кабилардир) ишончлилиги ҳам ошади. Турли манбалардан олинган хабарнинг айнанилиги ҳам унинг ишончлилигига таъсири этади.

**Ижтимоий йўналтирилганлик.** ОАВ нинг асосий вазифаси - ижтимоий тафаккурни бошқаришдан, жамиятнинг муҳим муаммоларига йўналтиришдан иборат. Матбуотнинг оила, таълим каби тарбиявий-таълимиy муассасаларидан фарки ҳам мана шунда. **Ижтимоий йўналтирилганлик хар доим ижтимоий таъкидланганлик шаклида амал қиласи**. Зеро, у жамиятнинг ижтимоий ислоҳотлар, мъянавий қадриятлар борасидаги асосий мақсадларини таъкидлаган ҳолда яққол ва равшан кўрсатиб беради.

Мустақил Ўзбекистоннинг бутунги ахолиси оммавий ахборотда ижтимоий таъкидланганлик туфайли юртимизда рўй берадиган иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, мъянавий ўзгаришлар, демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий-ахлоқий, мъянавий—мафкуравий тафаккурни қайта шакллантириш, инсон ҳуқукларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш туйғуларини тарбиялашдек муҳим муаммоларни ва уларнинг ижтимоий- мафкуравий моҳиятини теран англамоқсалар. Ахборотнинг ижтимоий таъкидланганлиги ижтимоий онгни шакллантириш ғоясини аён ва фаол жараёнларга айлантириш учун хизмат қиласи.

Шуни эсда тутиш керакки, ижтимоий йўналтирилганлик ва таъкидланганлик собиқ шўролар даврида асосан публицистика ёки публицистикавий ўткирлик (публицистическая заостренность) тушунчалари орқали изохланиб, унинг моҳияти синфиийлик ва партиявийлик мезонига тенгглашириб қўйилган эди.

Ижтимоий таъкидланганлик ахборотга, унинг талқини ва ташвиқига жамиятнинг умумий равнаки нуқтаи назаридан ёндашиш демакдир.

Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш керак: хамма вакт ва хамма жойда моддий бойлик яратувчи меҳнаткаш халқ хаётини яхшилаш шиорини хеч ким хеч қачон ошкора рад этолмаган (амалда эса бунга зид иш юритилганлиги хам тарихсан маълум). Собик шўролар иттфокида «ривожланган социализм» боскичи бошланганлигининг эълон қилиниши билан меҳнаткаш халқ хаётининг юксалишини муболағали тарзда бўрттириш, баланд пардаларда мақтанчоқлик қилиш боскичи хам бошланган эди. Матбуот далада меҳнат симфониясидан яйраб, жавлон ураётган «фидой» қаҳрамонлар ва уларнинг фаравон хаёти хусусида гапиришдан чарчамасди. Ҳакиқий ахвол эса ўзгача эди.

Тўғри, бозор иқтисодиёти даврининг хам ўз муаммолари бор. Матбуотда оддий дехқон ёки фермер хақидаги тेरан мазмунли таҳлилий аҳборотлар кам учрайди.

Шунга қарамай фермерлик харакати истиқболи ҳақида ги ҳаққоний материалларда хам маълум зиддиятлар мавжудлиги сир эмас. Бу ҳақда давлат миқёсида ошкора фикр юритилмоқда, муаммо ижтимоий жиҳатдан таъкидланиб турибди. Лекин ўйлаб қўрадиган жиҳатлар хам йўқ эмас. Чунончи, биз демократик жамият курмокцамиз. ОАВ нинг асосий қаҳрамонлари эса Алла Пугачева, Арнольд Шварценеггер, Моника Левински, Юлдуз Усмонова ва жанжалкаш Илонна Сталлер Чиччолиналардир, «табиат инъомлари» ёки «оқ олтин» бунёдкорларига, умуман, жамият асослари, таянчлари бўлмиш кишиларга ОАВ да кам эътибор бериладиган бўлиб қолганлиги сезилади. Бу ҳол оммавий аҳборотнинг ижтимоий йўналтирилганлик ва таъкидланганлик мезонига эътиборнинг сусайганлигидан бир далолатдир.

Тўғри, одамлар эстрада, кино ва спорт «юлдуз»ларининг қандай яшashi, қандай овқатланиши ёки кийинишини (булар қизиқтиради) билгиси келади. Аммо оддий меҳнаткаш кишиларнинг (мақоми, миллати ва эътиқодидан қатъи назар) ташвишлари ва муаммоларини хам билишимиз энг олий қадрият эмасми?! Пахта териш машиналари, хузур-халоватли авиаӣнерлар, компьютерлар, автомобиллар бунёд этаётганлар, замонавий метро ва кўприклар қураётганларнинг машаққатли меҳнатлари ва муаммоларига жамият эътиборини қаратиш «тўртинчи ҳокимиёт» вакил-

Иврининг асосий вазифаси эмасми?!. Оддий фуқаронинг, ИШ • І м - м еҳнатчининг мақоми ва обрўсини кўтариш хамда улут-ШИИ журналистлар зиммасига юкланган эмасми?!. Бувазифа-|.||ши ҳал этиш учун журналист уларнинг ҳаёти ва муаммоларини дилдан хис эта олиш лозим.

Ллабаттта, ўтмишдаги Паша Ангелина, Стакановлар каби Мвсумда минг тоннала «оқ олтин» терган соҳта ва сунъий қаҳрамонларни мадҳ этишдек ҳатоларни такрорлашни VI ким истамайди. Аммо оддий фуқаронинг, ўртамиёна | ишиларнинг ташвишлари, муаммоларига жиддий эъти->ор билан караш ОАВ фаолиятининг асосий моҳиятини Рвшил этиш лозим. Ижтимоий йўналтирилганлик ва таъ-КИДланганлик мезони шуни тақозо этади.

**Долзарблилик** - аҳборотнинг айни шу бугунги кун нук-Тай назаридан муҳимлиги, аҳамиятлилигидир. Бутушунчалии бъязан «тезкорлик» билан қориштириб, хато қилишади. Долзарблилик шу куннинг ниҳоятда муҳим мавзуларини камраб олишни, тингловчи ёки ўқувчи назаридаги энг аҳамиятли ва жиддий бўлган муаммоларни қаламга олишни билдиради.

Матбуот сўзи кўпкиррали, кўптомонламадир. Бунинг бир жиҳати аҳолининг (тажриба жиҳатдан хам, таҳлилий фикрлаш имконияти жиҳатдан хам турли гурухларга мансуб Йонг—баранг кишиларнинг) аҳборотни бир вактда кабул килиши ва фахмлай олиши билан боғлик.

Журналистика ҳозир, айни шу кунда кишиларни қизиқтирган, ўйлантирган, ташвишга солган муаммолар билан яшайди. Иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, аҳоли турмуш даражасининг ахволи, бирламчи эҳтиёжданд моллар, маҳсулотларнинг нархи, соғликни саклаш, энг кам маош ва унинг тирикчилик учун етадиган зарур микнори каби турфа хил муаммолар оммавий аҳборий фаолиятунинг доимий эътиборида бўлади.

**Тезкорлик.** Аҳборотни бир зумда, дарҳол етказиб бериш журналистикага хос хусусият. Тўғри, матбуот радио, телевидение ва Интернетта нисбатан тезкорликда бирмунча орқада туради. Лекин у таҳлилийлиги, аъмолан фойдалилиги билан устувор мақомга эга. Бу чоп этилган мақолага қайта мурожаат этиш, қайта ўқиши ва қиёслаш имконияти орқали таъминланади. Матбуот таҳририятларининг ўзи ах-

борот узатиш тезкорлиги соҳасида ўзаро рақобат ҳам қилишади. Ва бу соҳада пешқадам таҳририятлар рейтинги юқори хисобланади. Ғарб газеталари ва журналлари тижоратидаги мезон ниҳоятда қадрланади. Шу ўринда энг эътиборли Америка нашрларининг 1963 йили Далласда Джон Кеннедига килинган сұйқасднинг ҳаваскорлар томонидан тасвирга туширилган тасмасини қўлга киритиш йўлидаги уринишларни ёки қиролича Дианани узлуксиз таъқиб қилиб, фото расмини олишга бўлган интилишларни эсга олайлик. Журналист ахли орасидаги бу хилдаги одатий жазава асосида бошқаларга нисбатан биринчи бўлиб ўз ўқувчиларини янгиликдан хабардор килиш истаги ётади. Оқибатда, матбуотда кам учрайдиган ходисаларни, фавқулодда ахборотларни қўлга киритиш орқали катта пул топиш иштиёки юзага келади. Фавқулодда (эксклюзив) янгилик - аён матбуот органининг фаравонлиги белгисига айланиб қолмоқда.

Тезкорлик - журналистиканинг моҳияти, лекин ундан кутилган даражада фойдаланиш барча нашрларга насиб килавермайди. Ахборот тезкорлигига мұяссар бўлган даврий нашр салобатли, ўқишли, харидоригир бўлади. Шу муносабат билан москвалик журналист В.Г.Кузнецов шоҳиди бўлган куйидаги воеа эътиборлидир. У Марсел телестудиясида бугунги кун янгиликларини эфирга узатиш жараёнини кузатган. Бу шахардан бутун Францияга кундузи юз берган энг катта йўл ҳалокати ҳакидаги ахборот намойиш қилинган. Телестудия ходимларининг айтишларича, ахборотнинг бутун жозибаси шундаки, репортёр ҳалокат жойига ўт ўчирувчилар командасидан олдин етиб келган, бензин ёниб тугамасдан тасвирга туширилган тасма билан студияга қайтиб келган. Марсел телестудиясида 10 нафар журналист бўлиб, уларнинг ҳар бири кинотасвирга тушириш, тасвирни ва овозни монтаж қилиш, кадрда бошловчи ва сухандон вазифасини бажариш, машина ҳайдаш малакасига эга. Булар ҳам ахборот тезкорлигини таъминловчи омиллар сирасига киради.

**Қискалик ва мазмундорлик** - оммавий ахборотга хос хусусиятлар. Хозирги ахборий жараён янги технологиялар воситасида умумлаштирилаётган шароитда бу хусусиятларнинг салмоғи янада ортади. Ахборий жараённи умумлаш-

1нрин1, глобаллаштириш орқали дунё минтақалари инсонга н пниади, киши қаерда яшаши ва ишлашидан қатый на-  
1| I умуминсоний муносабатлар, муаммолар силсиласига даҳ-  
1 10| йулиб қолади. Масалан, Югославиядаги воқеалар бутун иазарида бўлди. Ёки чигиртқаларнинг Қозоғистон ва  
I '•" • м я Оуғдоизорларига ҳужуми ёхуд ёзниң ўртасида Мек-  
ЦИ иш қалин қор ёққанлиги ҳакидаги хабарларни барча таш-  
НЦ ва \аяжон билан кузатишиди.

Кар бир вактли нашрнинг «Нима, қаерда, качон», «Ка-  
И йдоскоп», «Дунёда, мамлакатда», «Куннинг манзараси»,  
Дчиорот бюроси» ёингари рукнлари остигажамланган ха-  
в!лар мажмуида шунга ўхаш хилма-хил ахборотлар бе-  
риб борилади. Улар қисқалиги, лўндалиги, аниқлиги ва  
равшанлиги билан ўқувчилар эътиборини қозониб келади.  
Қиска ва лўнда хабарларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бори-  
пти эса аён ҳақиқат.

Хозирги давр газета - журналлари янгиликларни жаҳон-  
ЮИ турли агентликлардангина эмас, балки дунё бўйича эъти-  
юр қозонган Си-Эн-Эн орқали олаётганиклари ҳам бежиз  
•)мас. АҚШда бу хусусда ҳазил аралаш шундай дейишиди:  
«Инкиroz юз бергудей бўлса, Президент уч ҳарф билан ном-  
ЛЙНган қандай ташкилотга мурожаат қиласи?»-деган саволга - Йўқ, бу ЦРУ ёки ФБР эмас. Балки, айнан Си-Эн-Эн<sup>1</sup>  
ЦИр, деган жавобни эшитасиз. Телеянгиликларнинг айни мана-  
шу канали эфирга чиқиши олдидан энг муҳим ва қизикарли  
хабарларни «Сарлавҳадаги янгиликлар» шаклида томошабин-  
ларга ҳавола этмоқда; бу янги усульдан эндиликца дунёдаги  
барча ОАВ кенг фойдаланмоқда. Сарлавҳа шаклидаги бир  
мисрали қиска хабарлар амалиётга шунчалик сингиб кетди-  
ки, эндиликда у деярли барча нашрларнинг биринчи сахи-  
((засидан ўрин олмоқда. Си-Эн-Эн телеканалининг сарлав-  
\адаги янгиликлар «тўнтарилган пирамида» (воеанинг му-  
\\им тафсилотларини камайтириш) тамойилида юзага кел-  
ган «\еа» (биринчи абзачни катта ёки қора шрифт билан  
териш) усулида самаралирок бўлиб чиқси. Шу нуқгаи на-  
зардан «Қискалик ва истеъод опа- сингилдир» деган мажо-  
зий ифода журналистикавий ахборотнинг моҳиятини ҳам,  
репортёр маҳоратини ҳам тавсифлай олади. Салмоқли ва

<sup>1</sup> Агуарев А.Н. Си-Эн-Эн одерживает победу. Каранг: США: экономика, политика, идеология. 1991, №10, 66-6.

кизикарли янгиликни, фойдали маълумотларни бир сатрга (сарлавхага) жойлаш юксак маҳорат самарасидир. Ахборот-нинг лўндалигига, одатда, тасвирийлик ва тимсолийлик ёрқин муқоясалардан фойдаланиш, факт ва ракамларни саралашга жиҳдий ёндашиш орқали эришилади.

«Тошкент окшоми» газетаси «XXI аср садоси» рукни остида бериб борилаётган хроника-хабарлар термасида бу усулдан ўринли ва унумли фойдаланмокча:

- Қаршида вилоят телемарказининг бош корпуси фойдаланишга топширилди;
  - Андижон вилоятининг Булокбоши туманидаги «Найман» фермер хўжалигига тайёрланадиган янги цех очилди.

Бундай хабарларнинг гап бошламасидаги «кеча», «бугун», «яқинда», «Бухорода» каби сўзларнинг алоҳида шрифт ва рангли фонда берилиши ахборотнинг алоҳида хабар экан-лигини таъкидлашга имкон берган.<sup>1</sup>

**Ўзига хослик.** Курук, лоқайд ёзилган, тайёр қолипга туширилган бетаъсир ахборот ўқувчига етиб бормаслиги, са-марасиз машғулот бўлиб қолиши ҳам мумкин. Яхши ахборот ўқувчига фактларни, воқеани ёритиш мантики ва ижтимоий ахамияти билангина эмас, балки фавқулодда биртарзда, оҳори тўкилмаган усулда етказиб берилганлиги (ўзига хос усули, шакли, воситаси) билан ҳам эътиборни ўзига жалб этади. Ўзига хослик эса мавхумликни, стандартни, колипни хўш кўрмайди. Ўзига хослик — журналистнинг шахсий услугига бевосита даҳлдор мезондир. Бу мезон тилнинг таъсиран воситаларидан, тимсолий ифодаларидан, мажозий имкониятларидан оз бўлса-да маҳорат билан фойдалана олишни назарда тутади. Ахборотда мантиқийлик билан бирга ўқувчига, тингловчига таъсир эта оладиган хис—туйғу ифодалай олувчи воситалардан ўринли ва жўяли фойдаланиш яхши самара беради. Шу боис ҳам яхши журналист ҳар доим янги сўз ва ифодаларни, мажозлару тимсолларни излайди; воқеа-ходисалар ҳакида оҳори тўкилмаган усулда ҳабар килишга, ўз фикр мулоҳазаларини хис—туйғуларга омухта қилиб ифодалашга ҳаракат қиласди.

Вокеа—ходисаларни юзаки ўрганган, вокөликтин яхши кузата олмаган журналистнинг ахбороти умумий андозали

<sup>1</sup> Бу хакықа қаранп Тошалиев И. Сарлавхә стилистикаси. Ўқув кўлланма. — Тошкент: Университет, 1995. 30-34-бетлар.

I н оупалар, мавхум хамда узундан-узок ифодалар йиғинди.  
III 11(ораг бўлиб колади. Вокелик факти янгича фахмлан-  
! ншнгина, таъсирчан тафсилот танлангандагина ахборот уму-  
III 11м Лардан холи бўлади. Буни япониялик профессор Н. Та-  
II маъруzasидан олинган ушбу усул мисолида аниқкўриш  
м Iш. У ўзбекча ислоҳот модели хақида япон иқтисодий  
Ификкёти нуктаи назаридан фикр юритар экан, тингловчи-  
..[ • Н уштакостарздакизикишүйғотишгаэришади: "Бизда,  
Ииопида шундай мақол бор: кўрлар тўдаси филни ушлаб,  
|| || шаншурқилишмоқда. Филнинг қулогини ушлаган, фил  
I улок шаклида, деб ўйлайди. Филнинг оёғини ушлаб кўрга-  
ии нял уии оёқшаклида, бурнини ушлагани эса бурун шак-  
ПГ1 тисаввуркилади.

Дұ айзолар филнингтаркибий қыслари бўлишига кара-  
унинг умумий кўринишини тасаввур қилиш қийин.  
Б\| уи мен билдирган мулҳазалар мана шу мақолга ўҳшаб  
I • й/И Чункимен Ўзбекистонни умумий холдабилмайман...".  
II у Й/І; I й фавқулодда муқаддима тингловчилар эътиборини бир  
иуқшга жамлайди, аудиторияда муайян кизиқиши ўйғотади.  
I | I и I Ўзбекистон америкача иктисодий тараққиёт тутуми-  
ип қабул қилмай, ўзининг уч минг йиллик бой тарихи ва  
МИДанияига асосланган йўлини танлаганини таъкидлайди

Имга ривожланишнинг японча ва ўзбекча моделларини аён ВВ аниқ кўрсаткичлар мисолида муқояса қилади. Бундай усул ҳудиторияни бефарқ қолдирмайди, ахборотни ўзлаштириш | ИХатдан яхши самара беради.

**(Ммабоплик (ёки жозибадорлик). Бу хусусиятга сўзамол-ДИК ёки сунъий сухандонлик орқали эмас, кўпчиликнинг йиғишига лойик бўлган нарса ёки масала ҳакида хабар 41 | Йиғ орқали эришилади. Бундай ахборот ҳар бир савод-Ш, зиёли кишини ўзига жалб эта оладиган жозибага эга иутиши лозим.**

Демак, журналист хар доим кўпчиликни (мальум соҳа мутлхассисларини эмас) ўзига жалб эта оладиган, қизик-Ира оладиган фактларни, воқеа—ходисаларни излаш бими банд бўлиши керак. Метронингянти йўналиши ёки янги ширгичасининг ишга туширилиши, мамлакатда ишлаб чиқ-филадётган автомобилларнинг тамомила янги моделини ЙИФИШ ишларининг бошланганлиги, нархларнинг тезкор успши шароитига бардош бериш имкониятлари, бозорда

нархни белгилаш, қонун яратувчи муассасалар фаолияти, қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш, жиноятчилик, тұрачилық ва коррупцияға қарши қураш, турли давлатларда ёки уларнинг баъзи минтақаларидаги кишиларнинг турмуш даражаси каби мавзулардаги хабарлар оммани кизиқтира оладиган муаммолар сирасига мансубдир. Журналистнинг янгиликни хис эта олиш, пайқай олиш малакаси уларни узатиш ва топиш жараённанда юзага келади. Шундай малака туфайли у оммавий аудиторияни оҳанрабодай ўзига жалб эта оладиган ахборотлар узатишга кодир бўлади.

Шуни ҳам афсусланиш билан қайд этиш керакки, бознинг журналистларимиз орасида ахборотни муайян ижодий изланишни ва салоҳиятни талаб қымайдиган шунчаки оддий бир хабар, деб тушунувчилар ҳам бор. Газетач журнallар сахифаларида, радио ва телесхиттиришларида куруқ ва ҳиссиз хабарларнинг сероблиги ҳам шундан. Бу хол журналистларимиз зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

**Изчиллик.** Бир лаҳзалик, бир кунлик ёки муайян муддат давом этадиган воеа ва ҳодисалар мавжуд. Ушбу ўринда гап маълум муддат давом этадиган воеа-ҳодисалар ҳакида кетмоқца. Масалан, сиёсий ёки иктиносий ислоҳотлар узок муддатга мўлжалланган бўлади. Ёки футбол, хоккей, шахмат бўйича жаҳон чемпионатлари бир неча хафтагаб давом этади. Уларнинг ҳар бир ўйини ва босқичи миллионлаб мухлислар эътиборини ўзига жалб этиб туриши табиий бир хол. Демак, мухлислар ҳар куни янгилик кутади. Улар ҳакидағи ахборот вақтли нашрларнинг ҳар бир сонида акс этган бўлиши керак, бунда ахборий бўшлик ўзини оқламайди; у реципиентнинг ихлосини қайтаради. У ёки бу хукumatнинг истеъфога чиқишини олиб кўрайлик. Бу ҳодиса бир ойдан кўпроқ вақт давомида жамоатчилик эътиборида бўлади. Давлат ичкарисида ҳам, ташкарисида ҳам «Нега?», «Нима учун?», «Ҳокимият тепасига кимлар келади?», «Янги кабинет аъзоларининг сиёсий йўналиши қандай бўлади?», «Давлат сиёсати ўзгарадими, ийқми?» қабилидаги турфа саволлар кўпларни кизиқтиради. Бундай саволларга жавоб бериш (ўз ахборотлари билан) масъулияти матбуот зиммасига юклangan. Мазкур ҳодиса борасидаги турлича нұктай

пн шрлар ҳакида имконият даражасида маълумот бериб бо-  
ШШШ кам унинг вазифасига киради.

Кар бир янги ахборотда тасвирланаётган воеа—ходиса-  
ИИН янги тафсилотлари, йўналишлари ва хусусиятларини  
м.п.пум қилиб боришни эсадатутиш лозим. Бундай кўшимча  
. |ф| плугумаълумотлар аудиториянинг тасвирланаётган мав-  
п кпидаги тасаввурини кенгайтириб боради. Шу йўл билан  
I урналистика билимлар мажмуини кенг аудиторияга изчил  
Гир |да сингдиришга эришади. Шу орқали аҳолининг хатти-  
иракатларини бошқариб туради.

**(Оддалик ва тушунарлилик.** Мазкур мезонлар моҳияти-  
шн • < I ўтри ва содда қилиб ёзиш учун тўғри ва содда фикр-  
| III лозим», «Энгтеран фикрлар эса, одатда, содда ва аник  
65 11д» нақллари асосида изоҳлаш мумкин. Зоро, у қадар  
и\амиятли бўлмаган фактни тилнинг зийнати ва санъат  
ушари ёрдамида жилвалантириб, жозибадор шаклда ифо-  
ВВЛаш мумкин, деб тушунувчи журналистлар ҳануз учраб  
|уради. Тўғри, матн маҳорати, баён санъати балоғатдан,  
Нотикликдан дарак берувчи мухим фазилат. Аммо факт эса  
фактлигича қолади, ифодага керагидан ортиқ зеб бериш,  
Г>11дийлик, тимсолийлик меъёрини муболагали тарзда оши-  
риш ёлғонга, соҳтакорликка сабаб бўлади. Қизиқарли ёки  
и\амиятли факт оддий усулда баён қилинган тақдирда ҳам  
муҳим ижтимоий моҳияти билан ўкувчи эътиборини ўзига  
ЯСВ этади, осон фаҳмланади. Бундай фактҳакидаги ахбо-  
ротлар ортиқча матний безаклару сунъий тимсолийликка  
>хтиёж сезмайди. Оммавий ахборотжонли ватъясирли баён  
қилиниши, содда тушунарли тилда ифодаланиши лозим.  
Упда оммага номаълум бўлган маҳсус атамалар, турли хил  
қискартмалар, олимона ифодаланган мураккаб таърифу  
тансифлар бўлмаслиги зарур. Матбуот ахборотида чет сўзлар-  
пи, тушунилиши қийин неологизмлар, архаизмлар, рас-  
мий-идоравий ифода (канцеляризм)ларни худа-бехуда иш-  
латиш ўзини оқламайди.

**Ракобатбардошлилик.** Ушбу сифат ахборотда юкорида қайд  
• лилган барча мезонлар қанчалик мужассам бўлганлиги хамда  
саҳифада турли мазмун ва йўналишдаги фактлар, ҳодисалар  
баёнининг муносиб тарзда берилиши билан белгиланади.  
Газета саҳифасида турли хил ахборотлар ўзаро уйғунликда  
ва мутаносиблиқда намоён бўлади. Бинобарин, сиёсий, иқти-

садий, маданий, илмий ахборотлар «Биласизми?», «Наҳотки!», «Ажойиботлар оламида», «Гўзаллик салони», «Фойдали маслаҳатлар» каби руқнлар остида бериладиган қизиқтирувчи ҳамда фойдалари хабарлар билан алмашиниб, аралашиб кетади. Ахборотнинг ракобатбардошлилиги унинг фавқулоддалиги хусусияти билан мутаносибdir: нашр рейтингни қанча юқори бўлса, унга бўлган ишонч ҳам, ундан келадиган фойда ҳам шунча юқори бўлади.

Ракобатбардошлилик, Д.Рендалл фикрига зид ўлароқ, ахборотнинг товарлик хусусиятига бевосита боғлиқdir. Бу унинг харидоргир бўлишни назарда тутади. Ҳозирги даврда ахборот нефть, газ сингари қимматбаҳо харидоргир ашё сифатида баҳоланмоқда. Баъзи давлатлар томонидан ахборотни муҳофаза килиш ҳакида маҳсус конунлар ҳам қабул килинган.

Англашилишича, ахборот товар мақомида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга (бу масала алоҳида мавзу). Бу ахборотнинг мазмуни, шаклига юксак талаблар ҳам кўяди. Булар:

- истеъмолчини қизиқтира оладиган, жалб эта оладиган тарзда таркибланган, тартибланган ҳамда узатилган бўлиши зарур;

- умумий ижтимоий ва шахсий-хусусий эҳтиёжу манфаатлар уйғун ҳолда мужассамланган бўлиши лозим.

Мазкур талаблар бозор конуниятларига мувоғиқ бўлиб, тарақкӣ этган давлатлар ахборот хизмати ва каналлари айни шу талаблар асосида фаолият юритади. Бизда бу талабларга бироз эҳтиёткорлик билан ёндашилмоқца. Чунки ахборотнинг товарлашиши миллий маънавий қадриятларни муҳофаза килиш ҳамда янада ривожлантиришдек юксак мақсадлар билан ҳар доим ҳам ҳисоблашавермайди. Ахборотда, айниқса, реклама фаолиятида хисобга олиниши зарур бўлган миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, маънавий ва маданий маромларнинг мавжудлиги аён ҳақиқат.

Шундай экан, ахборотнинг ракобатбардошлилиги аудиториянинг ўзига хослигини, миллий руҳий хусусиятларини хисобга олишни тақозо этади. Муайян бир аудитория у ёки бу ахборотга эҳтиёж сезмаслиги ёки уни қабул килишга рағбат кўрсатмаслиги ҳам табиий бир ҳол. Масалан, Прага телевидениесининг (Чехия) об-ҳаво ҳақидаги маълумот-

• I • 11 ялонғоч бир нозаниннинг иссиқ ёки совук шароитга | III >фикс кийиниши тасвири ёрдамида берилади<sup>1</sup>.

V йўқистонлик оиласалар бундай ахборотларни худди «Там-ц II »••• рскламасидай қабул килишни исташмайди: айни шу нийтда телевизорни ўчириб қўяди ёки дарҳол бошқа каналга ФИБ олади. Кўлига пиво ушлаб олган соқоли оқарган шля-ШИИ кариянинг ёш кизчаларга кўзини кисиб мўйловини Вураб «Кетдик, гаплашамиз» деб кулимсираб туриши (бу ЦМ рсклама) ўзбекона ахлокнуктаи назаридан «қариб қуй-ИЛмаган»нинг ахмокона ҳазилидай қабул килинади ва кишмда ёқимсиз таассурот қолдиради.

Пиҳоятда ривожланган, саноатлашган давлатлар таж-рибасига асосланилса, журналистикадаги ракобатбардоШ-ИЛИКИИ шов-шув (сенсация)из тасаввур қилиб бўлмайди. Ду мэzonга бизда ҳам тез-тез мурожаат қилинадиган бўлиб |.... шди (бу ҳақда дарсликнинг маҳсус қисмида алоҳида ШП кетади).

**Лхборий асос** (сабаб) хабарни матбуотда чоп этишининг Мақсадга мувоғклилиги мезонларидан бири саналади. Ах-борий асос (сабаб) журналистиканинг ижтимоий ва таби-ШМ жараёнлардан, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги муносабат-Кардан (сабаб-натижа) ҳар доим хабардор бўлишни, ахборий икlimдаги ўзгаришларни эътибор билан кузатиб, тах-ЯИЛ этиб беришни тақозо этади. Журналист ўз хабардорли-ПИГ асосланиб, юз беражак воқеа-ҳодисалар ҳақидаги да-СТЛабки (тахминий бўлса ҳам) маълумотларга эга бўлиши позим. Бунинг учун у ўз билимини ошириб, турфа хил маъ-пумотлар манбаини узликсиз кузатиб бориши, ижтимоий муассасалар, тузилмаларнинг режа ва дастурларидан ха-оардор бўлиб, уларнинг ижросини ўзича тахлил қилиб бо-риши талаб қилинади. Бунга журналист воқеликни ақл-фа-росат билан кузатиши, ҳодисаларни тахлилу тадқик этиб Г>ориши туфайлигина эриша олади. Аниқ фактни тасдиқ-лаб, номаълумини тахлил этиб, улар ўртасидаги муносабатдорликни аниқдаш, мантикий хulosалар чиқариш ҳамда баҳолаш журналистлик фаолиятининг доимий мезони бўлмоғи лозим.

Юқорида кайд этилган ва шархланган мезонларнинг барчаси биргалиқда **ахборотга ижтимоий қийматлилик ва**

<sup>1</sup> Экспресс — газета (Россия), 1999, №21.

**фойдалилик сифатини беради, жамиятнинг тўлақонли ҳаёт кечиришига имкон яратади.** Бу, ўз навбатида, фукаролар ва ҳокимият, сиёсий муассасалар ва хусусий харакатлар, давлат ва нодавлат идоралари ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг уйғунлашувига ҳам хизмат қилади.

Айни мана шу хилдаги жараёнлар демократик ислохотларнинг, ошкора ва очиқ жамиятнинг асосий пойдевори хисобланади.

### Оммавий ахборот манбалари ва ахборот излаш маданияти

Оммавий ахборот учун зарур бўлган аниқ фактларни, маълумотларни қаердан олиш керак? Навбатдаги материалларни тайёрлашга киришган журналистнинг хар сафар ушбу саволни кўнглидан ўткизиши табий бир ҳол.

Мазкур саволга тўғри жавоб топа олиш журналист умумий фикрлаш маданиятининг ҳам, хусусан эса касбий-ахборий маданиятининг ҳам ўзига хос кўрсаткичидир. Янгиликлар манбаи қанчалик бой, кенг ва ранг-баранг бўлса, бу маданиятнинг даражаси ҳам шунчалик юкори бўлади.

Албатта, журналист АҚШда «Дискавери» экипажининг учиш бошланишидаёқ портлаши, Клинтон оиласи билан боғлиқ жанжаллар, Б.Ельциннинг истеъро бериши каби ноодатий, ёрқин воқеа-ходисалар билан рўпара келган тақдирда, уларнинг манбаи тартиб-қоидага кўра олдиндан аникланган ва тайин этилган бўлади. Бунда ОАВ, олимлар, гувоҳлар манба мақомида намоён бўлиши ҳам мумкин. Хуллас, бундай ҳолларда манбалар кўламини тасаввур этиш учча қийин эмас.

Торроккўламдаги, пастроқтоифа ёки доирадаги воқеаларни (уларнинг тuri ҳам, микдори ҳам кўп) акс этиришда эса, уларнинг манбаи масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки улар журналистлар дикқат-эътиборига тушган тақцирдагина хабар мuloқot каналидан жой олади. Акс ҳолда ниҳоятда мухим аҳамиятли воқеа-ходиса ҳам оммавий аудитория эътиборидан четда қолиб кетаверади.

Тўғри, дунёда, минтақада, мамлакатда, вилоят, туман ёки шаҳарларда юз берган турфа хил воқеа—ходисаларнинг энг мухимларини ҳам қайд этиш ва оммага узатиш имкони

**НИХОЯГДА** чекланган. Бинобарин, оммавий мuloқotда хабар-жор килиш жараёнидаги умумий ва хусусий омилларни эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Аммо бу йилдан-йилга микдоран ортиб бораётган ахборот манбалари кўламини кенгай-І ирмаслик керак, дегани эмас. Манбалар тури ва кўламини | • | бора кенгайтириш ижтимоий—ахборий эҳтиёждир. Худди ш V ўринда **ахборотни танлаш ва саралаш мезони ёрдамга | | |'иди.**

Хозирги даврда маҳаллий ёки минтақавий ОАВ журналистлари дунё янгиликларини осон ёритиши мумкин. Чунки Интернет, сунъий йўлдошли телевидение, электрон хлмда факсимил алоқа, халқаро радиоэшилтиришлар сингери дунё ахборот каналлари манба вазифасини ўтайди.

Айни пайтда журналистлар учун бутун дунё эътиборига молик қишлоқ ёқитуман ҳаётига оид янгиликни топиш писбатан мураккаб иш. Гап бундай янгиликларнинг йўклигига эмас, ҳатто тажрибали журналистлар ҳам одатда бундай воқеа-ходисаларни вактида пайқай олмайдилар ёки уларни умуминсоний қадриятлар силсиласидаги ўрни ва лхлмиятини тўғри баҳолай олмайдилар. Масалан, ватанимиз ОАВ лари сўнгти йилларда «андижонча усул» номини олган чигитни плёнка остига экиш воқеасини фаол ёритиб кслади. Албатта, бу мухим воқеа, шу боис у журналистлар гътиборидан четда қолмайди. Аммо у ҳақида тайёрланган хлбарлар бир-биридан кам фарқ қилади; фактни умумий тарзда қайд этиш билан чекланилади. Ҳамда одатда чигит жиши ва хосил йиғиши даврида қайта-қайта тақрорланади. Нирорта ҳам ОАВ ходими шу кунгача «андижонча усул» нинг яратилиши, жаҳон пахтачилиги тажрибасида тутган ўрни каби масалаларни, афсуски, ёритиб бергани йўқ. Матбуотимиз ва телевидениемизда Америка пахта териши машиналари хозирги замон техникасининг ажойиб намунаси, ўзига хос мўъжизаси эканлиги ҳақидаги фикр кўп бор тақрорланади ва ҳар сафар йўл-йўлакай айтилган мuloҳазаларга, алакандай кишиларнинг умумий қайдларига хавола (манба) килинади. Бу хил миши-миши тоифасидаги маълумотларнинг эса материал тайёрланадиган, қайта ишланадиган пайтда шунчаки қўшиб қўйилиши ҳам сир эмас. Аммо айни мана шу мухим қўшимча тафсилотнинг асосий мохији очиб берилмайди, аён далиллар келтирилмайди. Саба-

би янги ишончли манба кидирилмайди, барчага маълум фикрга қайта-қайта мурожаат қилинаверади, оқибатда тайёр андозаларга солинган қолип ахборотлар юзага келаверади. Бундай ҳолларда журналистларга уларнинг лоқайдлиги, ўзини кийнамаслиги, изланмаслиги, осон йўлни танлаши панд беради. Ахборот манбай билан ишлаш дегани, уни излаш, то-пиш хамда тадқиқ этиш ва тасдиқлаш хам дегани.

Кўпчилик журналистлар бир-иккита ракаму ва сухбатдошлар маълумоти билан чекланадилар. Айтайлик, ишлаб чиқариш мавзуига оид маълумот тўплашга киришган журналист одатдаги анъанавий манбалардан нарига ўтмайди. Заводга, цех ёки фермага бориб, маъмурият вакиллари билан учрашади, уларнинг ютуклари билан қизиқади, бაззи кўрсаткичларни, исм-шарифларни ёзib олади. Уларни адабий жихатдан қайта ишлаб, таҳририятга олиб боради. Натижада, бирор корхонанинг ютуклари ҳақидаги навбатдаги колилганган сийка хабар юзага келади. «Вечерний Тошкент» газетасининг 1996 йил 21 апрел сонида «С полной отдачей» сарлавҳали материал чоп этилган. Бундай ахборотлар одатта «куруқ» ёки «сийка», ўқишли эмас деб баҳоланади. Чунки бу хил матнлар ақлга ҳам, хис-туйғуга ҳам таъсир этмайди. Улар ўз ишини яхши билган ишлаб чиқариш ходимларида факат шубҳали саволлар туғдиради. Масалан: «Кўшиб ёзиш, кўз бўймачилик йўқми? Шундай сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш билан қандай қилиб юксак ютукларга эришиш мумкин? «Бундай ютукларнинг асосий омиллари нималардан иборат?»

Агар материал муаллифи мавзунинг ижтимоий моҳиятини атрофлича очиб бериш мақсадида корхонанинг режалаштириш бўлимига, солик назорати вакилларига кўшимча маълумот сўраб мурожаат килганида эди, бундай саволларга ўрин қолмаган бўларди. Ҳокимият, рақобатчи корхоналар, турдош соҳа маълумотларидан мукоясабоп манба сифатида фойдаланганда масаланинг давлат, минтақа кўламидаги ижтимоий қиймати тўғри ва холис талқин этилган бўларди.

Яна бир мисол. Дейлик, муайян бир шахс ҳақидаги лавҳа учун маълумот жамланмоқда. Бунда мазкур шахсни билган кишилар, у билан боғлиқ воқеа ва вазиятлар, ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги, шахсий жихатлари, мажлис

||.1г||1омалари,,маълумотномалар, бухгалтерия хисботлари Каби хужжатлар ва, албатта, лавҳа қаҳрамонининг ўзи ахборий манба вазифасини ўтайди.

Нулар ва буларга ўхшаш бошқа манбаларни жиддий ўрганиш замондошимизнинг тўлақонли тимсолини яратиш учун Црокли материал бериши мумкин. Тўғри, бунга эришиш учун журналистдан малака, маҳорат ҳамда сабр-тоқат та-ЦВБ килинади. Кўпчилик журналистларга худди мана шу шрсалар етишмайди. Улар аксарият ҳолларда масаланинг моҳиятига кириб бормай енгил-елли тафсилотлар, осонник билан кўлга киритилган юзаки маълумотлар, одатдаги фактлар билангина чекланадилар.

Ўзини кийнамасдан бундай усулда иш тутиш кишилар-пингтакрорланмас шахсий сифатларини, хулки дунёқара-ШИ, меҳнатга, оиласига, ҳаётга муносабатдаги ўзига хосликмарини аниқ ва тиниқ акс эттиришга имкон бермайди. Оқибатда, тасвирланаётган шахслар бир-биридан деярли флрқилмай қолади. Материалнинг қурилиши ҳам, қаҳрамоннинг шахси ҳам андозага мувофик (бир колипда) бўлиб қолаверади.

Меҳнат ёки ижод кишисининг тадрижий такомилини, уининг онгиди, қалбida юз бераётган ўзгаришларни бутун мураккабликлари билан кўрсатиши, шу орқали бутунги кун ижтимоий ютукларини акс эттириш учун журналист ўша кишининг ҳамкарасабалари, дўсти-биродарлари билан танипшиши ва улар билан эринмай сухбатлашиши лозим, зарурат туғилса унинг уйида, яқинлари сухбатида бўлишга тўғри келади. Албатта, қаҳрамон билан самимий мулокотда бўлиб, ўзига ишонч ўйғота олиши ҳам ниҳоятда мухим. Шундагина сухбатдош журналист билан эмин-эркин сўзлашади.

Бу журналистига ўз қаҳрамонининг ҳаётдаги қизиқ воқеаларни, бир ой ёки бир йил олдин юз берган мухим ходисаларни аниқдашга ҳамда акс эттиришга имкон беради. Учрашувларда, сухбатларда бу кишининг хатти-харакатлари ва руҳиятидаги зарур тафсилотларни, унинг нутки ва хулқидаги баъзи жихатларни кузатиб ахборотни ишлаш асносида улардан ўринли фойдаланиш журналистига катта имкониятлар яратиб беради.

Бу хил мулокоту кузатишларнинг бошқа мухим жихати ҳам бор. Айни мана шу жараён мазкур шахснинг оммавий

ахборот қаҳрамони бўлишига лойик ёки лойик эмаслиги масаласини ҳам этишга ҳам ёрдам беради. Амалиётда шундай ҳоллар ҳам учраб туради: теран ўйламай ижобий шахс сифатида тақдим этилган киши аслида аксинча бўлиб чиқади. Якин ўтмишда республикамиз матбуотида Ахмаджон Одилов ҳақида чоп этилган, телевидение орқали кўрсатилган кўплаб материал ва кўрсатувлар айни шундай ҳолга мисол бўла олади.

Аник ва ҳаққоний маълумот олиш ниҳоятда муҳим, тасвирланаётган шахснинг, ҳаётий вазиятнинг аниклиги, жонлилиги унданда муҳим. Акс ҳолда матбуот сўзининг кадр-кимматини тушириб юбориш мумкин. Шу муносабат билан мамлакатимиз журналистлари ахборий фаолиятидаги кусурли бир жиҳатни эслатиб ўтиш фойдалан ҳоли бўлмайди. Бу қачонлардир урф бўлган тимсолларга, ахборот манбаларига «садик» қолишдан, айни бир ҳил шахслар, ҳодисаларни реклама қилишга ружу кўйишдан иборат. Оммавий аудитория маълум кишиларни телевидениенинг барча каналларидан кўради, радионинг барча эшиттиришларидан тинглайди. Барча газета-журнал сахифаларидан ҳам яна ўша кишилар ҳақида ўқииди. Гап бу ерда Президент ёки таниқди сиёсатчи, давлат арбоблари ҳақида кетаётгани йўқ. Уларнинг телевизорларда, газета сахифаларда тез-тез кўриниши табий ва одатий бир ҳол. Чунки уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тутган мақоми ва вазифаси шуни тақозо этади. Гап бу ерда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини (масалан, фан, маданият, тижорат, таълим ва бошқа) ёритиш меъёри ва мароми ҳақида бормокда. Журналистлар нима учундир маълум бир кишиларни «топиб олишган»: ҳар доим ўшалардан интервью олиниди, ҳар доим «думалоқ стол» атрофига шулар таклиф килиниди, «Лаззат ошхонаси» меҳмонлари ҳам анъанага муровфикс яна ўшалар. Оқибатда соддадил томошабин ёки ўқувчи тасаввурида ўша кишилар киёфасидаги замонавий қаҳрамон тимсоли гавдаланади. Сунъий тарзда яратилган бундай қаҳрамонлар учча кўп эмас. Ҳафсала қылган рецептиент уларни номма-ном санаб чиқиши ҳам мумкин. Ўз-ўзидан жамиятимизнинг асослари, намунавий устунлари ҳар доим телевизорда жилмайиб турувчи ўша қаҳрамонлардангина иборат эмаску, деган ҳақли эътиroz туғилади.

В ик-кистонда ўз ишининг моҳири бўлган тажрибали пе-  
I . . . лар, дунёда юксак обрў-эътибор козонган олимлар, ўз | , супотлари билан жоҳонни лол колдира оладиган хунар-  
I ўз усталар кўплаб топилади. Аммо улар бошлаган ташаб-  
' (услар, кўлга киритган улкан ютуқлар ОАВ ходимлари эъти-  
II ] щан четда колади.

Бундай ахборот манба (қаҳрамон)лари қандай топила-  
ш? Ҳеч бўлмаганда телевизорларда интервью бераётган ўша  
-иамуний замондошлар»нинг ўзидан баъзи маълумотлар-  
пп олиш мумкин. Уларнинг ҳар бири жуда бўлмаганда бир-  
пккита ижтимоий аҳамиятга молик ахборот манбанини — ўз  
СОҲасининг пешқадами бўлган мутахассиснинг номини  
а'п'иб бера олади. Улар эса, ўз навбатида, яна бошқа ном-  
лардан хабардор қила олади. Демак, ахборот манба жур-  
налистдан кунт ва чидам билан изланишни талаб қилади.

Қишлоқ ҳўжалиги мавзуидаги материалга факт тўплаш  
Зарурати туғилди, дейлик. Бундай вазиятларда тажрибали  
журналистлар одатда қишлоқ ҳўжалик бошкармаси, вило-  
ят ёки туман статистика бошкармасига, хокимиятларнинг  
мутасадди бўлимларига мурожаат қиладилар; дехқон жа-  
моя ҳўжалик раҳбарлари, оддий дехқонлар, механизатор-  
лар, молбокарлару сут соғувчилар билан сұхбатлашадилар.  
Рақамлар, фактларни ёзуб олишади, уларнинг фикр-му-  
лоҳазалари, таклифу тавсиялари, ютуғу камчиликлари би-  
лан қизиқадилар. Материал мавзу учун энг кимматли,  
акамиятли хисобланган ахборот манбаларига алоҳида эъти-  
бор берилади. Буларнинг барчаси ниҳоятда муҳим ва зарур  
ишлилар. Аммо журналистларнинг аксарият кисми шу соҳага  
дахлдор фан маълумотларига, илм-фан ютуқларига, аф-  
суски, эътибор бермайдилар. Бу манбаларнинг амалий жи-  
хатдан муҳим аҳамиятга эгалиги билан хисоблашмайдилар.

Ҳолбуки, ернинг шўрланиш даражаси, ўғит ёки сувдан  
фойдаланиш маромлари ҳақидаги илмий маълумотлар пахта  
(ёки бугдой) хосилдорлиги муаммосининг ҳали хеч ким  
эътибор бермаган муайян жиҳатини ёритишга хизмат кили-  
ши мумкин. Шу боис масаланинг бир жиҳатини қайд этиб,  
унинг бошқа томонларини эътибордан сокит қилиш ҳар  
доим ҳам ўзини октайвермайди. Бундан келиб чиқадиган  
хуласа шуки, журналист ахборотни қайта ишлашда унга  
илмий манбалар нуктаи назаридан ҳам баҳо беришга одат-  
ланиши лозим.

Амалиётда эса кўпчилик журналистлар манбалар кўлами кенг бўлишига, уларни излаш ва топиш ўрнига осонгина телефон орқали «иши битиришади». Маълум бир хўжалик раҳбаридан телефон орқали олинган маълумотлар асосида каттагина хабар ҳам юзага келади. Баъзан бу усул муаллифни ҳам, газетани ҳам нокулай ахволга солиб кўяди.

Ахборот манбалари қанча кўп ва хилма-хил бўлса, оммавий мулокот шунча ўқишли, эҳтиёжли бўлади, ҳамда журналистни ҳам, таҳририятни ҳам мумкин бўлган хато ва нуқсонларга йўл кўйишини олдини олади — ҳаққонийликни, воқелик фактига айнанликни кафолатлади. Энг муҳими эса, оммавий аудиторияга тўлиқ ва батафсил ахборот узатиш имкониятини таъминлайди. Ушбу талабларга риоя қилинмаган тақдирда, аудиторияга олдиндан маълум бўлган муайян мазмунуғояни мажбуран тиқиширишдек инсон табиатига ҳам, демократияга ҳам зид бўлган ҳол тақрорланиши мумкин.

Собиқ шўролар тузумининг 70 йилдан кўпроқ хукмронлик даврида самолётлар, поезд ва кемаларнинг ҳалокатга учраши, «кичик ҳалқлар»нинг норозиликлари, космосга учиш дастурларини бажарилишдаги узилишлар, табиатдаги фавқулодда ўзгаришлар хавфи сингари кўплаб масалалар матбуот эътиборидан четда қолиб келган. Бундай фавқулодда янгиликлар бутун дунёning ҳамма жойидан узатилгани ҳолда қизил империя ахборот хизмати сукут саклаган. Шўролар матбуоти учун Афғонистонда ҳеч қандай уруш бўлмаётгандай эди. Дин, наркомания, иркӣ адоват, фоҳишилик «ман этилган» мавзулар сирасига киради. Буларнинг ўрнига ҳам ҳар куни «доҳийлар» ва уларнинг издошлари ҳамда пролетар ва социалистик байналмилаллик хақидаги ахборотлар узатиларди. Рекламалар учун эса умуман жой ажратилмасди. Кенг истеъмол молларининг танқислиги вазиятида рекламага эҳтиёж ҳам унча сезилмасди.

Ахборий манбаларнинг кескин чегараланиши оқибатида, энг **аввало**, матбуотнинг ахборот олиш ва узатиш имконияти чеклаб кўйилади. **Иккинчидан**, узатилаётган хабарларнинг ўзи ҳам мазмуний бир хиллик, шаклий қолиплик хусусиятини касб этарди, **бу ўз навбатида**, ижтимоий фикрлаш тарзига ва инсон хукукларига зарар етказарди.

Лхборот манбалари ва ахборот олиш эркинлиги фирмка иробблари томонидан белгилаб берилган. Охир оқибат дунёдаги энг катта давлат фуқароларининг онги ёппасига шунчалик ўзгартириб юборилганки, улар ўзларининг қандай ах-юрий бўшликка тушиб қолганликларини, хаётлари қанчаш1 к мажрух бир бичимда кечайтганлигини хатто тасаввур \ам қила олмаганлар.

### Хукуқ журналистнинг ахборий маданиятини шакллантириш омили сифатида

Медисонга кўра, ўз тақдирини бошқаришга интилаётган ҳалқ кучли бўлиши шарт, бунга факат билим орқали >ришиш мумкин. Бу ерда «билим» истилохи остида ахборот пазарда тутилган. АҚШ ва Ғарбий Европа ахборотга эришиш борасида муваффақиятга эришган. У ерларда янгиликлар тезкорлик билан тарқатилади. Ушбу мамлакатлардаги диний, ахлоқий ва урф-одатлар билан боғлик фарқларга, мазмунан ранг-баранглик ва хилма-хилликка қарамасдан, уларнинг оммавий ахборот воситалари ягона тажриба яратдилар: бир хил янгиликлар, муштарақ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тасаввурлар, аҳамияти, мазмуни бир хил рекламалар, лекин, булардан қатъи назар, теран мулоҳазани тақозо этувчи ахборий жараёнлар оқими ахборий тараккиётнинг такомилини тақозо этмоқда. Бу матбуотнинг хукукий химояланганлик масаласини ечиши, оммавий ахборот такомиллашувининг қонуний асосларини яратишни талаб қиласди.

Бошқача қилиб айтсак, ривожланган давлатларда ахборот таъминоти ва журналистнинг ахборий фаолияти қонун билан тартибга солинади. Бу қонунларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар янгиликларнинг эркин оқимини химоя қиласди. Ахборотнинг эркин оқимига ҳалал бермаслик учун ҳар бир журналист ва репортёр ўзига ажратилган ижтимоий вазифани хукукий маромларга ва журналист этикаси коидаларига мувофик бажаришга интилади.

Турли демократик мамлакатларнинг оммавий ахборот соҳасидаги қонунчилик тизимларини умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, очиқ жамиятларда ягона тамойилга амал килишади: «Қонун билан ман қилинмаган ҳамма

нарсага рухсат этилади». Яъни конун томонидан назарда тутилган таъкикларга риоя килиш шарт хисобланади.

# Узатилаётган ахборот мазмунидаги чеклашлар

Шу маънода барча мамлакатлар қонунчилиги учун бир хил чеклашлар — бу воқеа ва фактларни ўзгартириш, тухмат килиш, давлат ёки шахс сирини, хизмат ёки тижоратга дахлдор ахборотни ошкор этиш, фактларни сохталашириш, конституцион тузумни ағдаришга очикчасига чақариш, шахсий хаётга аралашиш, давлат идоралари ва мансабдор шахсларни, судни, диний туйғуларни ҳақорат қилиш, миллатчилик, ирқчилик ва апартеид ғояларини тарғибот қилиш, инсон хукуқларини поймол қилиш, одамларни ҳақорат этиш, жинс, ёши, кариндошлиги, тили, худудий мансублиги бўйича таҳкирлаш, сиёсий, диний эътиқод бўйича камситиш ва бошқалардир.

1996 йилда АҚШ конгресси томонидан қабул қилингандык «Ахборот эркинлиги тұғрисида» ги қонун хақида алохидада тұхташ лозим. Унинг низоми 1974 йилда қабул қилингандык «Прайвеси (мұлк) тұғрисида» ги Қонун билан түлдирилған да ғана ривожлантирилған. «Прайвеси» тушунчаси остидаташк-аридан қилинадиган ҳар кандай тажовузлардан қонун асо-сида химояланиш зарур бўлган инсонлар шахсий ҳәёти-нинг барча томонлари тушунилади (давлат ёки баъзи шахс-лар томонидан бўладиган тазиик ва тажовузлардан): шахсий ҳаёт, маслаклар, шахсий ҳукуклар, шахс дахлсизлиги, уй, хат-хабарларнинг дахлсизлиги, обрӯ, шахсий алокалар ва х.к.

Ушбу хужжатлар америкаликларни оммавий ахборот воситалари ахбороти билан қонуний асосда таъминлайди. Мухими шуки, АҚШнинг хар кандай фукароси ўзига керакли бўлган маълумотларни давлат идораларидан сўраб олиш хукуқига эга ва АҚШда кўпчилик бу хукуқдан фойдаланади. Дарвоҷе, бу хукукни амалга ошириш туфайли америкалик хиндулар етакчиси Леонард Пелтиернинг суд иши бутун дунёга овоза бўлди. У ФБРнинг икки хизматчи-сининг ўлимидаги айбланиб, умрининг охиригача камокка хукм этилади. Айблов ҳукмига баллистика экспертизаси на-

Гижалари асос бўлади. Бироқ унинг адвокатлари - ўзи I юқвалигида - ФБРдан Леонард Пелтиер иши бўйича 11 ln() килиб олинган маълумотларда экспертиза хulosалашади. Натижада Пелтиер-МИ озод этиш харакати авжига чиқади. Бу хусусда А.Бухвалов нл В.Власихин шундай дейдилар: «Хужжатларингизни < ри() чиқиш - қизиқарли, бироқ ҳар икки қонуннинг манзур-моҳияти бунда эмас. Уларда белгиланган презумциялар, яъни давлат ахборотдан эркин фойдаланиш, хукуматнинг жамият фуқаролари олдида ва умуман максимал • | • III жада очик бўлиш мажбуриятлари асосийдир».

В.Энтин фикрига кўра, ҳуқуқий тажриба матбуотнинг информацион фаолиятини тартибга солишининг З асосий Мриантини ишлаб чиқди. Бу хусусда изоҳ бераётib, у шун-141 дейди: «Ҳаммага маълум бўлган АҚШ конституцияси-||| киритилган биринчи ўзгартириш конгрессга сўз эркин-ипгини чекловчи ҳар қандай қонун қабул қилишни таък-пклайди. Буни тартибга солиш бир қатор суд қарорлари ор-кали амалга оширилади. Бу қарорлар ҳар бир аён вазиятда конституциявий кийматни белгиловчи манфаатлар муво-ишигини хисобга олган ҳолда ушбу таъкини қўллаш чега-раларини изоҳлаб беради».<sup>2</sup>

Буюк Британияда эса хукуклар түғрисидаги ягона хужжат ва мажмуалаштирилган (билл ҳисобланадиган) конституция мавжуд эмас. Бироқ бу матбуот фаолияти қонун оиласын тартибга солинмайди, дегани эмас. Бир томондан, бу маҳсус қонунларда кўриб чиқилади (давлат сири түғрисида ва х.к.), бошқа томондан, «эркин матбуот» тушунчалиси «эркин шахс» тушунчасидан келиб чиқади. Шундай қилиб, матбуот түғрисида маҳсус (алоҳида) қонун йўқ, матбуот эркинлигини бўғишни ман қилувчи қонун хам мавжуд эмас. Қонуний жихатдан матбуот эркинлигини хукукий меъёрлар эмас, балки Буюк Британия қонунидан фойдаланишнинг процессуал имкониятлари таъминлайди.

Францияда эса матбуот эркинлигини тартибга солувчи мукаммал қонунчылык ишлаб чыкылган. Бу ерда қонун иккита асосий масаланы ҳал килади: матбуот эркинлиги суи-

<sup>1</sup> Бухвалов А.Г., Власихин В.А. Правовие основи свободи информации. // Міжнародна життя, 1990, №7, 56-6.

<sup>2</sup> Энтин В. Пресса на рынке информации. М., 1992, 3-4-б.

стеъмол қилганлиги учун ким ва қандай даражада масъуллиги ва матбуотнинг қандай ҳатти-харакатлари сустеъмол килиш хисобланishiдан иборат.

Албатта, миллий, тарихий, русумий анъаналарни хисобга олуви башқа мамлакатлар конунчилигига ўзига хос нозик томонлар мавжуд. Шунга қарамасдан, умумдемократик интилишлар доирасида ривожланаётган мамлакатлар сиёсий, иктиносидий ва ижтимоий соҳаларда ошкоралик тарафдорлари сифатида чиқишмоқда. Ва соғлом, тўсиқсиз ахборот оқимини таъминлаш учун матбуот эркинлигини инсоннинг асосий хукуклари сирасига киритишмокца. Инсоннинг бу хукуклари тўғрисидаги Билл (қонун)да кўрсатилган. Бунда инсон хукуклари Умумжаҳон декларациясининг 19-моддасига амал қилинади. Бу моддага кўра, ҳар бир одам фикр эркинлиги ва эътиқод эркинлиги ва ахборотни ҳар қандай воситалар орқали (давлат чегараларидан қатби назар) излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги каби хукукларга эга. «Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисида»ги ҳалқаро Пактнинг 19-моддасига биноан эса, ҳар бир одам давлат чегараларидан қатби назар оғзаки, ёзма ёки ўз хоҳишига кўра бошқача йўллар билан ҳар қандай турдаги ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигига эгадир.

Ҳалқаро миқёсда орттирилган тажриба Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шарқий Европа мамлакатлари, ҳозирги вақтда тоталитаризмдан демократияга ўтаётган барча мамлекатлар учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Бирор бу тажрибани миллий ва башқа ўзига хос хусусиятларга, ҳалқнинг менталитети ва турмуш тарзига мослаштириш лозим. Шу жиҳатдан Ўзбекистон мисоли истисно бўлолмайди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустакиллигини ўзлон килди ва демократияга асосланган фуқаролик жамияти, бозор иктиносидиёти, хукукий дунёвий давлат барпо этиш йўлини танлади. Бу 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топди. Дунё тажрибасининг ижобий ютуқларини ўзида мужассам этган ушбу асосий қонун Ўзбекистон ҳалқарининг хоҳиши, руҳияти ва маданиятини акс эттиради. Конституция умуминсоний қадриятлар тарафдори эканлигини, ҳалқаро хукуқ устуворлигини ўзлон килади. Унга

ИНеон хукуқлари Умумжаҳон декларациясининг асосий ! 11идалари сингдирилган: инсон ҳаёти, шахси ва эркинлигиниң дахлсизлиги таъкидланган.

Мамлакатимиз Конституциясида ҳалкаро конституциявий | 1 | риба хисобга олинган, мағкуралаштиришдан воз кечил-, йп. Эркин шахс ва сўз эркинлиги, дин ва эътиқод эркин-ШШ кафолатланган.

Конституцияга мувофик, Ўзбекистонда давлатчилик ЎССИНИ плюрализм (кўпфикрлилик), кўппартиявийлик, н.тиқод эркинлиги, жамиятда манфаатлар кўплигининг млнжудлиги ва бошкалар ташкил этади. Конституциямиз-птиг 67-моддасида оммавий ахборот воситалари эркинли-1и қонунга мувофикхолда фаолият юритиши, уларга ахборотнинг ҳаққонийлиги учун маъсулият юқлатилганлиги, цизурага йўл қўйилмаслиги тайин этиб берилган.

Ушбу модда коммунистик мағкура монополиясидан воз кечишини кафолатлади, демократияга асосланган матбуотни ташкил этиш ва ривожлантириш учун хукукий имкониятлар яратади. Асосий қонуннинг ушбу моддаси ОАВ тўғрисида маҳсус қонунлар ишлаб чиқиши учун асос бўлди. Улар орасида куйидаги қонунлар мавжуд: «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997 йил 26 декабр), «Ноширлик фаолияти тўғрисида» (1996 йил 30 август), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997 йил 24 апрел), «Журналист фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1997 йил 24 апрел), «Реклама тўғрисида» (1998 йил 25 декабр) хамда «Ўзбекистон Республикаси худудида чет эллик ОАВ мухбирларининг профессионал фаолиятини тартибга солувчи асосий қоидалар» (1998 йил 11 сентябр).

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунда «Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиши, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш хукуқига эгадир»... «Әълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олиниши, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ», деб белгилаб қўйилган.

Ушбу Қонуннинг 6-моддасида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолларга йўл қўйилмас-

лиги борасида куйидагилар тайин этиб кўйилган: «Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоваратни тарғиб этиш, давлат сирини ёки конун билан кўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаркатларни содир қилиш максадида фойдаланилишга йўл кўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва кадр-кимматини тахкирлаш, уларнинг шахсий хаётига аралашиш тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг хал килувчи қарори ёхуд хукми конуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш (суд ошкор этишини талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно) тақиқланади».

Бундай чеклашлар дунёning барча тарақкий этган давлатларида амал қиласди, қолган барча ҳолларда эса конун ахборот эркинлигини таъминлади. Конуннинг 11-моддаси эса ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга ОАВ таъсис этиш хукуқини беради.

Ахборотнинг эркин окими, 27-моддада белгиланганидек, раддия ёки жавоб қайтариш хукукининг амал қилишидир. Унга кўра юридик ёки жисмоний шахс ОАВда эълон қилинган ёлғон ва унинг шаънига доғ туширадиган маълумотлар бўйича раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳаклидир. Раддия ёки жавоб маҳсус руҳн остида ёки жавоб пайдо бўлишига сабаб бўлган материал жойлаштирилган худди ўша қаторда (бетда) эълон қилиниши шарт. У раддия ёки жавоб таҳририятга келган кунидан бошлаб 1 ой давомида газеталарда эълон қилиниши лозим, бошқа даврий нашрларда — навбатдаги сонида эълон қилиниши лозим. Радио ва телевидение орқали раддия ёки жавоб келган кунидан бир ой ичida узатилиши лозим. Бу раддия худди ўша кўрсатув эфирида ёки кўрсатувлар циклида берилади. Агар

... п[инг узатилиш ҳажми ёки вақти ОАВ фаолиятига за-||ир етказмаса, унда раддиянинг асосли ва тўғри матнини 1,|рп| этишга йўл кўйилмайди. Агар ОАВ раддияни эълон I II I p 11 |дан бош тортса ёки мақола муддатини белгилашда ха- (шикка йўл кўйса, юридик ёки жисмоний шахс судга му- рожаат қилишга ҳаклидир.

«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Комун эса ҳар бир одамнинг ахборотни эркин ва тўсиклар- • н | излаш, олиш, ўрганиш, узатиш ва тарқатишдек кон- I II I p гуциявий хукукини амалга ошириш жараёнида вужудга II гасидиган муносабатларни тартибга солади, ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш хукукини кафолатлади. 7-модда эса [авлат идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш Органлари, ижтимоий бирлашмалар, корхоналар, муасса- ' цлар, ташкилот ва мансабдор шахслар зиммасига ҳар бир • дамнинг хукуқ ва конуний манфаатларига тааллукли хуж- жатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаш мажбурияти юклатилган. Ахбо- рот олиш имконияти тегишли материалларни нашр қилиш РВ тарқатиш йўли билан таъминланади.

Сўз ва матбуот эркинлигига 10-модда кафолатлаб кўйил- I ;ш, унда ахборот манбалари ва муаллиф таҳаллуси унинг розилигисиз ошкор этилмаслиги, булар фақатгина суд қарори билан ошкор қилиниши мумкинлиги белгилаб кўйил- Ган. 13-моддада эса ахборот олиш хукукини бузганлик учун жиобгарликка тортилиши мумкинлиги қайд этилган.

Оммавий ахборот жараёнининг хукукий асослари «Жур- палист фаолиятини химоя қилиши тўғрисида»ги Конунда мустаҳкамланган. Ушбу Конун журналистнинг касбий фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайди, хукукий ва ижтимоий кафолатлар беради, журналист фаолиятини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конун- чиликнинг бузилганлиги учун жавобгарлик даражасини аникдайди.

Жумладан, 14-моддада давлат идоралари, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, муассаса ва ташкилотларининг мансабдор шахслари цен- зура қилганлиги учун, керакли ахборотни сўраш ва олиш- да журналистнинг хукуки бузилишига, журналистга таъ-

сир ўтказганлиги учун, унинг касбий фаолиятига аралашганлиги учун, ундан материал ва техник воситаларини нр-қонуний тортиб олганлиги учун жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Ушбу Қонунда белгилаб қўйилган хукукларни бузганлиги, журналистнинг шаънига доғ тушириш, хаёти, соғлифи ва мол-мулкига таҳдид солиш, зўравонлик қилиш холлари учун жавобгарлик тайин этиб қўйилган.

«Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ҳам ахамият бериш лозим. Унда нашриётлар ва матбаа корхоналар фаолияти соҳасида эркинлик ва мустакиллик белгиланган. Ушбу қонуннинг 8-моддасига биноан юридик ва жисмоний шахслар нашриёт ва матбаа корхоналарининг муассислари бўлиши мумкин. 9-моддага биноан, ношир нашриётнинг, матбаа корхоналари ҳамда матбаа маҳсулотларини тарқатувчи корхоналарнинг муассиси бўлиш хукукига эгадир; матбаа маҳсулотларни чоп этиш режаларини мустакил равишда тузиш ва тасдилаш, Ўзбекистон муаллифлари асарларидан хорижда ва чет эллик муаллифлар асарларидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш, нашр этиш ва тарқатиш бўйича чет эллик юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш ва воситачилик хизматларини амалга ошириш хукукларига эга; нашрий маҳсулотларни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш учун буюртмалар олиш; Қонунга мувофиқ равишда бошқа фаолиятларни амалга ошириш хукукига эгадирлар. Шунингдек мамлакат ташқарисига нашр қилинган маҳсулотларни олиб чиқиш ва уларни мамлакатга олиб кириш кафолатланади (14-модда) ҳамда ушбу қонун талабларига риоя этмаслик учун жавобгарлик тайин этилади.

«Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида»ги Қонунда эса муаллифлик хукукининг амал қилиш соҳаси, муаллифлик хукуки билан муҳофаза этиладиган асарлар, муаллифлик хукуки объектларининг турлари, асарнинг дахлсизлик хукуклари, турдош хукукларнинг объект ва субъектлари ва ҳоказолар қўрсатиб ўтилган.

Ушбу қонунларнинг ҳал қилувчи хусусияти ва ахамияти уларнинг охирги моддаларида қайд этиб қўйилган. Бу моддаларда қайд этилганига мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ҳалкаро хукуқ маром-

ирига мос келмаса, унда ҳалкаро шартнома қонун-қоидала-ри қўлланилади.

Лҳборот соҳасида қонун хукмронлиги (устуворлиги) та-Мойили, сўзсиз, мустакил тараққиётнинг эришган ютуклиридан бири хисобланади. Бу тамойил хабарларни тарқатиши янада кенгайтиради ва самарали қиласи.

Биз ОАВ хукукий асослари бўлган қонунларнинг моҳиятиИ мухтасар баён қилдик. Энди мазкур қонунлар, моддаларини тушунишда ва унга амал қилишдаги ахвол ҳақида ёам қисқача тўхталиб ўтамиз.

Баъзи ОАВ таҳририятлари томонидан бериб борилаёт-Ган ўзига хос «огоҳлантиришлар»га эътибор берайлик. Масалан, «материалларда келтирилган саналар, фактлар ва бошқа маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар маъсулдор» ёки «эълон қилинаётган материаллардаги муаллифларнинг фикр-мулоҳазалари таҳририят позициясими акс эттирмаслиги мумкин» («Правда Востока»). Бу огоҳлантириш «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига моҳиятан зид. Қонунда қўрсатилишича, ОАВ эълон этилаётган ахборотнинг тўғрилигини текширишга мажбурдир ва улар ахборот манба билан биргаликда белгиланган тартибида жавобгардирлар.

Таҳририятларнинг «Рекламада ва эълонларда маълумотлар ҳаққонийлиги учун жавобгарлик реклама берувчи зиммасидадир» («Вечерний Ташкент», «Мулкдор» ва бошқалар) дейилган шартларининг қонунийлиги ҳам мунозаралидир. Чет эл ОАВ тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, бундай изоҳларга эътибор қилмаслигимиз ҳам мумкин. Бироқ, бизнинг матбуот рекламасини, унинг сифатини ривожлантириш тўғрисида алоҳида саъй-харакатларимиз тилга олинган зиддиятга (қарама-қаршиликка) аниклик киритишни тақозо этади.

ОАВ фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тифайли хозирги давр республика газета ва журналларида, телевидение ва радиода катта жой ижтимоий ҳаётнинг бутун манзарасини қамраб оловчи турли хил хабарларга ажратиб берилмоқда.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Бу мамлакатимиз журналистларининг хукукий маданиятига бағишлиланган ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлари натижаларига кўра

ОАВ ходимларининг ҳуқуқий маълумотлилик даражаси анча паст бўлиб, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш жараёнидаги ислоҳотларнинг талабларига тўла жавоб беролмаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таҳлилий Марказининг журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро маркази билан ҳамкорликда ҳамда М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети (аввалги ТошДУ) журналистика факультети ходимлари, ўқитувчи ва талабалари иштирокида 1998 йилнинг феврал-март ойларининг биринчи ярмида ўтказилган сўров якунлари шундан далолат беради. Анкета сўрови 5 та шаҳар: Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро ва Навоидаги газета, журнал, радио ва телевидениеларида ишловчи журналистлар орасида ўтказилди. Сўров ўтказишдан максад асосан қуидаги муаммоларни ўрганиб чиқиши эди: журналистлар ОАВ тўғрисидаги қонунларни билишадими, уларга ўз журналистлик фаолиятларида амал қилишадими, ушбу қонунлардан яна ҳам самаралироқ фойдаланиш учун нима ҳалакит бераяпти, республикада журналистиканинг обрўси кай даражада, унинг обрўсини ошириш учун нималар қилиш зарур.

Олинган жавоблар таҳлилидан қуидаги хulosаларга келинди:

- журналистларнинг катта қисми Ўзбекистон ОАВлари бутунги кунда етарли обрўга эга эмаслар, деб хисоблашади;
- журналистлар қонунлар ёрдамида матбуот мавқеини тиклаш мумкинлигига ишонишади. Бироқ бунинг асосий шарти ушбу қонунларнинг турли даражадаги бошликлар (айникса таҳририятлар) томонидан сўзсиз бажарилиши билан боғлиқ деб билишади;
- журналистларнинг ўзлари 1997 йил қабул қилинган ОАВ тўғрисидаги қонунларни яхши билишмайди. Сўров қилинганларнинг ярми биронта ҳам қонуннинг, хатто улардан лоакал биттасининг номини аниқ айтиб беролмаган. Шу боис сўралганларнинг бу қонунларга мувофиқ ҳолда ўз ҳуқуқларини (44%) ва мажбуриятларини (54%) яхши билиши хақидаги жавоблари шубха туғидиради;
- журналистларнинг ўзларида цензура зарур деган ақида кучлиdir (учдан бир қисмидан кўпроғи цензура керак, дейди);

! проб берувчиларнинг 70% қонунлар томонидан тай-иилган мустақил журналист текшируви ўтказиш • п! I; III бирон марта ҳам фойдаланмаган;

76% журналистлар бирон марта ҳам фавқулодда ходи-  
- Iп иерган ҳудудда бўлмаганлар (гарчи қонунларда бу .1 ||и .1 ман килинмаган. Шу йўл орқали ахборот тақчиллиги-  
штрафаф қилиш мумкин). Айни пайтда журналистлар-  
| 57% бундай ҳудудларда бўлиш учун хеч қандай зарурат  
| ёб хисоблашади;

сўровда катнашганларнинг ярми янги қонунлар ўз ф.нишийтларига таъсир қилганлигини айтишмоқда, аммо улнрнинг учдан бир қисми қонунлар аслида ишламаяпти н IП фикрда;

журналистларнинг 44% қонунлар асосида ахборот ЮТИШ ва олиш енгиллашди, деб таъкидлайди;

жавобларнинг ярмида таҳририятлар раҳбарлари тан-  
КИЙ материалларни текширишни, манба билан солиш-  
шишни талаб қилиши қайд этилган;

журналистларнинг тажрибасида (77%) тўплланган мълтумотларни улардан тортиб олиш ҳоллари бўлмаган, унарнинг 83% фоизида эса бундай материаллар ҳакида турли даражадаги бошликларни хабардор этишга мажбурлаш ҳоллари бўлмаган;

- сўров қилинганларнинг 57% олий ёки ўрта даражали ношликлар қабулида бўлишга харакат килганлар (1997-98 йилларда);

- ОАВ тўғрисидаги қонунларга қўшимчалар киритиш оорасида журналистларга транспортдан фойдаланиш имтиёзларини бериш ва цензурани бутунлай таъқиқлаш какидаги таклифлар бор;

- сўров қилинганларнинг деярли ярми Шарқда қонунга нисбатан анъана кўпроқ мавқега эга деб хисоблайди;

Умуман изланишлар натижаси қуидагиларни таъкидлашга асос бўлади: журналистларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш лозим. Бунга хеч қандай шубҳа йўқ. Шарқда қонунга кўра анъана устундир деган фикр муайян асосга эга. Дарҳакикат, бу ерда одамлар кўпроқ ижтимоий фикрга кулок тутишади ва кўпроқ унга ишонишади (ОАВ ҳам унинг бир қисми). Бу ерда эътиборда тутиш зарур бўлган мухим бир жихат бор. Бу ҳам бўлса анъана ва ижти-

моий фикр билан хукукий қоидалар ўртасидаги узвий ўйғунликнинг мавжудлигига ишонч хосил қилишдан иборат. Фукаролар хукукий онгини шакллантириш, журналистларнинг бу борадаги хабардорлик даражасини юксалтириш бундай ишончни хосил қилишнинг муҳим омилидир.

Мустақиллик эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон халқларида тоталитаризм тузумини бошидан кечирган барча халқярдаги каби, бир колипга туширилган хукукий онгини «тўғрилаш»дек тарихий имконият пайдо бўлди. Бу имкониятдан фойдаланиш самараси журналистларга кўпроқ боғлиқ. Бунда факат бошқарув билан кифояланиб бўлмайди.

Фармонбардор ўтмиш билан ҳайрлашиш жараёни умуман жамият учун ҳам, хусусан, ОАВ учун ҳам мураккаб ва мешақатлидир. Жамиятдаги турли тоифа ва қатламларнинг сўз эркинлигига ва умуман оммавий ахборотга, жумладан, нодавлат ОАВга муносабати қандайлигини тахминан тасаввур қила оламиз. Хусусан, ОАВ журналистлари ўзларининг касбий бурчини (ахборот тарқатиш ва ижтимоий фикрни шакллантириш) ОАВ тўғрисидаги қонунчилик харакати билан бевосита боғлиқлигини яхши билишади (мувофикаштиришади). Бугунги кунда кўпгина вилоят, шаҳар, туманларда давлат ОАВ билан бир каторда нодавлат телерадиостанциялар ташкил этилган. Уларнинг фаолияти маҳаллий бошқарув органлари томонидан кўркув ва эҳтиёткорлик билан карши олинди. Хусусий электрон ОАВ ва уларнинг «яшаш учун» курашини биз хукукий онг шаклини тўғрилашдаги қадамлар сифатида кўриб чиқишига ҳақлимиз. Ҳозирда республикада «Гранд», «Сезам», «Орият-Доно» (Тошкент), «Водий садоси» (Фарғона водийси) радиостанцияларининг, «СТВ» (Самарқанд), ЁТРК (Андижон), «Орбита-ТУ» (Ангрен), «Мулокот ТВ» ва «Марғилон ТВ» (Фарғона вилояти), «Бахтиёр — ТВ» (Жиззах), «Алока-АҚ» (Гулистан), «Қалдириғоч» (Ғузор, Қашқадарё вилояти) телестанцияларининг рейтинги анча юкори. Уларнинг журналистлари ўз фаолиятлари давомида қонунчилик нуктаи назаридан турли вазиятларга тез-тез тушишади. «Ішегпето Кеглюгк Шъекгийап» ва колатхонаси томонидан ўзбек ва рус тилларда нашр қилинадиган «Вестник ТВ»нинг хар сонида бу ҳақца шарҳлар берилиб туради. «Вестник ТВ» (ТВ Ахборотномаси)нинг биринчи сони 1998 йил февралда АҚШнинг Халқаро ривож-

! нинтириш Агентлиги ёрдами биланчиқкан (УЗАГО) вабосма ЦI нюктрон шаклларда тарқатилган.'

И Н Ахборотномаси (2000 йил, март) ўзининг 30-сони Пиринчи сахифасида «ТВ нинг ҳокимлик билан суди» саршҳали мақоласини жойлаштирган. Унда Ўзбекистон Рес-ПУПи каси журналистикаси тажрибасидаги бир воеа ҳакида Цикоя қилинади: Урганчдаги мустақил «АТС» телекомпанияси ўзининг чекланган хукуқларини қайта тиклаш ва 141 иoyer мувофикаштириш комиссияси томонидан телевизионинг ноконуний ёпиб кўйилиши оқибатида моддий и, маънавий зарарни қоплаш учун шаҳар судига мурожаат нтан. Ушбу даъво суд томонидан кўриб чиқиши учун қабул ишина. Фукаролик-процессуал кодексининг 203-206-Моддаларига асосланиб, суд шундай қарорга келди: «АТС» глюкомпаниясининг даъвоси асоссиз деб топилсан ва унинг пошлифи ТККга мурожаат этиш хукуқидан фойдаланиши мумкинлиги қайд этилсан (телекомпания фаолиятини амалга оширишда лицензия олиш учун ТККга мурожаат қилиш кўкүки).

Суд қароридан кониқмаган томон 20 кун ичидаги судинг бу хуқми устидан шикоят қилиб, Хоразм вилояти судига мурожаат этишлари мумкин эди. Масаланинг моҳиятига назар ташлайлик. Бу нима — мағлубиятми ёки ғалабами? Бу саволга бир томонлама жавоб бериб бўлмайди. Бир гарафдан, суд «АТС» телекомпанияси фойдасига қарор чиқармади. Иккинчи тарафдан, суд «АТС» телекомпаниясининг даъвосини кўриб чиқиши учун қабул қилди. Бу, шубқасиз, хукуқ соҳасининг демократлашуви жараёнидан да-лолат беради. Мухими эса мустақил телекомпания давлат органи билан судлашишига қарор қилди ва буни охиригача етказди. Яъни, у мавжуд қонунчиликка таянган холда ҳимояланиш ва ўз хукуқларини талаб қилиш каби ўзининг конституциявий хукуқидан фойдаланди. Аслида ОАВ соҳасида сабоқ бўларли ходиса юз берди — бу энг мухими.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ахборот бозорида демократиялашётган хукукий соҳанинг шаклланиш жараёни кетмоқца. Бу ўзбекистонлик ўқувчи, томошабин ва эши-түвчиларга эркин фикрли ахборий жараёнга аралашиш

<sup>1</sup> Ахборотномани Интернетдан кўйидаги адрес орқали ўқиш мумкин: Mlp://у\у\шепе\У8.и2/ЫиЦеЦп.Ыt1.

имконини беради. Бу ахборотнинг юзага чиқишида республика ҳамда халқаро ОАВлар мухим рол ўйнайди.

Мамлакатимиз ахборот майдонида конунга мувофик равища Си-Эн-Эн, Би-Би-Си, «Немис тўлқини», «Свобода» («Озодлик»), Россиянинг ОРТ, НТВ, ТВЦ, РТР, ТВ-6, АСТ, РЕН-ТВ, ТНТ, Туркиянинг Евразия каналлари ўз дастурларини узатмоқца. Ўзбекистон пойтахтида чет эл ахборот агентликларининг, газета, телерадиостанцияларининг ваколатхоналари очилган. Бундан ташкари Ўзбекистонда машхур газета, журнал, теле ва радио дастурларининг электрон вариантларини эркин олиш ҳам мумкин.

Буларнинг барчаси журналистларимизнинг оммавий ахборий жараён соҳасидаги дунё тажрибасини ўрганиши учун хизмат қилмоқца. Шу боис Ўзбекистонда ахборот мавзулари кўлами кенгайиб бормоқда, камчиликлар бартараф килинмоқда. Шунга қарамай бизнинг матбуотимиз хозирча мукаммалиқдан йирок. Дунё стандартларига жавоб бериши учун хали кўп иш қилишимиз лозим. Мухими, бу борада бизда кучли интилиш бор: умумжаҳон ахбороти жараёнларига Интернет, мультмедиа, факсимил алокса ва б. оркали жалб қилингандик. Жаҳондаги ахборот оқимларининг кўшилуви жараёнида, ахборот олами соҳасида ракобатли кураш авжига чиқаётган бир пайтда бу умумий ахборий жараёндан четда қололмаймиз.

## 2-МАВЗУ. ИНТЕРНЕТ - ОАВНИНГ ЯНГИ ТУРИ СИФАТИДА

Интернет — универсал умумахборий мухитдир

Сўнгти вактларда МДХ ва Шарқий Европа давлатлари ёса содир бўлайтган воқеалар, коммунизмнинг инқирози ва «совуқ уруш»нинг тугаши замонавий дунёни кескин ўзгартириб юборди. Ҳозирги геосиёсий ҳолат ва буни келтириб чиқарган ижтимоий-сиёсий жараёнларни инқилобий деб аташмоқда. «Аммо биз яна бир - ахборий инқилобнинг гуноҳи бўлиб турибмиз.

1989 йили Берлин девори бузилганидек, бу инқилоб халклар орасидаги тўсикларни бартараф этмоқда. Янги электрон магистраллар Бишкек билан Пекинни, Вильнюс билан Ванкуверни, Душанбе билан Даккарни боғлаб турибди. Журналистлар — коммуникация соҳаси мутахассислари сифатида ушбу инқилобнинг марказида бўлишлари шарт».¹

Ахборот асри журналистнинг хизматига хабарларни узатувчи, таҳлил килувчи ва сақлаб берувчи янги воситалар: компютерлар, терминаллар, лазерли принтерлар, жадвал-тузгичлар, ахборот сақдашнинг оптик тизими, уни айнан ўзгаришсиз ҳолда тарқатиш воситалари, микротўлқинли, йўлдошли ва шу кабиларни ўз ичига олувчи телемулоқот (телеалока) тизимларини берди. Бу технологиялар журналистларнинг ўзгарувчан шароитларга мослашуви учун, жамиятнинг тараккиёти учун оммавий ахборот воситалари оркали ёрдам беради.

«Ахборий портлаш» асрида журналист улкан ахборот оқимиға жиҳдий таҳлил назари билан ёндашиб, масалаларни ижодий ҳал этиши, қарама-каршиликларни мукояса қилиб, сиёсий вазиятларни, муаммоли ҳолатларни мустақил ва эркин мушоҳада қилиб бориши лозим. Ахборий таъминот эҳтиёжи ОАВлари вакилларига қизиқувчанлини талаб этадиган фавқулодда ҳолатларда фаолият юритишга унрайди. Ва бу ишда глобал компьютер тармоғи ва Интернет ёрдамга келади. Интернетнинг вужудга келиши-

<sup>1</sup> Бейл Э. Предисловие. Каранг. Апджон Р., Раффин Х. Интернет для журналистов. З-чи нашр, 1997, октябрь, 3 б.

ни XIV асрнинг охирида Германияда арzon қофознинг ва 1450 йилда Гутенберг томонидан босма дастгохнинг ихтиро килиниши, XV асрдаги Европа Алоқа институти ташкил этилиши каби ходисаларга қиёслаш мумкин. Зоро, фан ватехника, сиёсат, иқтисодиёт ривожида, умуминсоний ва миллий маданиятларнинг ўзаро таъсирида, ягона ахборий тизимни яратиш соҳасида Интернет инсоният учун кўз кўрмаган имкониятларни очиб беради.

Интернетнинг пайдо бўлиши 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошларига<sup>1</sup> тўғри келади. Ўша вактларда АҚШ Мудофаа вазирлиги қошидаги «Совет Иттифоқи томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ядрорий портлаш оқибатида асосий алоқа тизимларида алоқавий назоратни саклаш муаммолари» билан маҳсус мураккаб лойихалар тадқикоти агентлиги (АҚРА) шуғулланар эди. Харбийларнинг таъбирича, бу тадқиқот миллий коммуникацияйи марказга «бошсиз» қолган тўқмок жавоб туғдирганда ва харбий бошликларнинг Америка стратегик кучлари билан алоқаси узилганда душманга жавоб зарбаси бериш имконини яратиш керак эди.<sup>2</sup>

АҚРА бу муаммони ҳал қилиш учун узлуксиз умуммиллий «гармоқдарапо-тармокларни» тузишга киришди. Бунинг учун компьютерларни умуммиллий тизимга бирлаштирувчи дастурли таъминот ишлаб чиқилди. Бу эса йирик тармокдаги бир ёки бир неча компьютерларнинг «йўқолишига», бошқалари эса рақибга жавоб зарбасини кайтаришга шароит яратиши учун ишини давом эттиришга имкон яратди. Лекин муҳими шунда эдики, илк бор компьютерлар турли хилдаги тезкор тизимли — IBM Мшгокой ва Apple — ахборот алмашиш деярли янги бўлган TCP/IP дастури ёрдамида амалга ошиди.

Оқибатда Интернет илмий, тижорий ва нотижорий ташкилотлар, мустакил матбаа ва ОАВлари фойдаланадиган глобал тармокка айланди. 1991 йилда Буюк Британия ва Норвегия Интернетга уланди, 1992 йилда эса унга АҚРА ва АҚШ Миллий фонди С8КЕТ бирлашди. Бу Интернет фаолиятига оид аник маълумот. Бугунги кунда у иккита техно-

<sup>1</sup> Ворошилов В.В. Журналистика. С-Птб, 1999, 56-57-6., Апджон Р., Раффин Х. Интернет для журналистов. 9-6.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 9-6.

1фия (электрон почта ва бутун дунёга тарқалган 100 минг серверли ўргимчак тўри) асосида ишламоқца. Тасдикланмараң маълумотларга караганда, 1997 йилга келиб жаҳон бўйлаб 15 млн. дан 30 млн. гача одам Интернетга уланган.

«TCP/IP дастурларининг афзаллик томони — унинг мутноқ марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтишидир. Унинг иш фаолиятини давлат ҳам ягона уюшмалар (монопол корпорация) ҳам назорат қилмайди. Аксинча, Интернет худди ёввойи ажриқ мисоли эркин тарзда деярли тартибсиз равишда "ўсиб" бормокда. Янги минтақавий Интернетнинг компьютер хизматлари (Inetpet: 8епчсе ЎодУслеб — 18Рз) бутун дунёда кучли серверларни сотиб олмокда, TCP/IP дастурларини ўрнатишмокда, бошка TCP/IP компьютерларига тармокларни улаб, алоҳида кишилар ва ташкилотлар учун Интернетга кириш имкониятини яратиб беришмокда. Интернетга уланишни хоҳлаган ҳар бир компьютер тизими буни амалга ошира олади».

Интернет бой ахборот манбаи ва унга хоҳлаган пайтда, ҳар қандай вазиятда мурожаат қилса бўлади. Унда рекламалар, тижорат таклифлари ва эълонлари, ТВ ва радио дастурлари, йирик газета ва журналларнинг электрон нусхалари эълон қилинади. Интернетда АҚШ, Россия Президентлари, МРБ (ЦРУ), машҳур олимлар, шоу-бизнес юлдузлари, ФБР, йирик ўкув марказлари, фирмалар, нафакат жаҳон, балки миллий ахборот агентликлари ўз саҳифаларини очганлар.-

Интернет бугунги кунда ҳатто журналистнинг ижодий даражасини кўрсатиб беришга имкон беради, бу ҳақда XX асрнинг ўрталарида орзу ҳам қилинмаган эди. Энди муаллиф материалини кисқартирадиган хеч бир тўсик, яъни уни кўрикдан ўтказадиган бўлим мудири, котиб, мухаррир ва энг асосийи — ташки цензура йўқ. Интернет тармоғида ишлайдиган журналист ўзига-ўзи мухаррир, нашр этувчи, ғоявий раҳбардир. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати, Интернетда журналист ҳар қандай, ҳатто файриодатий лойихаларни ҳам амалга ошириши мумкин. У ўз сўзининг, ўз ғояси ва хатти-харакатларининг тўлақонли эгасидир. У турли хил воқеа-ходисаларнинг ва жараёнларнинг

<sup>1</sup> Ўша ерда, 9-10 6.

эркин шархловчисидир. У ҳаракатда эркин, фикрлашда мустақилдир.

Буни 1991 йилги Москвадаги август фитнаси воқеалари мисолида аниқ кўриш мумкин. ГКЧП аъзолари совет бошқарувининг эски тизимини қайта тикламокчи бўлган бир пайтда коммуникациянинг анъанавий воситалари: телефон, телевидение, радио ва матбуот иши узилган эди. Аммо Иттифоқда мавжуд бўлган компьютер тармоқлари цензура тазикидан холи бўлганлиги сабабли Москвадаги воқеалар ҳакида ахборотлар узатган. «Релком» (Россияда бутунги кундаги энг йирик компьютер тармоқларидан бири) президенти Алексей Солдатовнинг берган маълумотларига караганда, августнинг ўша кескин кунларида, ОАВлари ўз ишларини тўхтатиб қўйган вақтда, «Релком» бутун Россияга ва чет давлатларга 46 мингга яқин ахборот тарқатган.<sup>1</sup>

Интернет оммавий ахборот манбаи эканлигини Юgosлавия билан Шимолий Атлантика альянси — НАТО ўртасидағи келишмовчиликлар авж олган пайтда яна бир бор намоён қилди. Ушбу муносабат билан Ўзбекистон Миллий Университетининг изланувчиси Д. Рашидова «Мегпет. таға2те» (июнь 1999)дан далил келтирган ҳолда шундай ёзади: «Журналистларга Юgosлавияни тарк этиш буюрилган пайтда, Интернет хаёт манбаига айланди», деб белгилаб берди Би-Би-Сининг фавқулодда вазиятлар бўйича матбуот котиби. Шунингдек, журналистларга алоқа боғлаш воситаси бўлиб хизмат қилган «электрон почта»нинг бу воқеаларда муҳим роль ўйнаганлиги ҳам дарҳол назарга тушди.

У ёки бу томоннинг фойдасига хизмат қилувчи турли хил манбалар орқали Интернет «эфири»га Юgoslavиядаги воқеалар ҳакида тезкор ва тўлиқ ахборот берувчи 20 дан ортиқ сахифа узатган эди. Юgoslavиянинг Косово минтақасидаги вазиятлар ҳакида, Милошевичнинг геноцид зулмларини бошдан кечирган ва урушнинг у ёки бу манзараси гувоҳи бўлган махаллий ахолиси томонидан Интернет электрон почтаси орқали қисқа хабарлар юборилган. Бу хил электрон хабарларнинг қаердан келаётганини аниқлаш эса қийин эмас».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Каранг: Аджен Р., Раффин Х. Интернет для журналистов. 10-6.

<sup>2</sup> Каранг: Рашидова Д.К. Интернет — как источник журналистской информации. Т., 1999, 15-6.

Хозир Интернет журналист меҳнатига қуидаги имкони-и ғларни таклиф этмоқча:

«Юлдуз бўлмоқчимисан — бўлақол! Бутун дунёни забт н моқчимисан - забт эт! Ҳусусий газетанг бўлишини ҳоҳлай-Оанми — ол уни! Ҳусусий телевидение зарурми — мана! Радиоми — муаммо йўқ! Агар уддалай олмасанг — ўзингдан I ур! Сендан бошқа ҳеч ким айбордor эмас! Сени агар қабул мишишмаган ёки тўғри тушунмаган бўлса айбни ўзингдан КИДир, бошқалардан эмас!»

Интернетнинг мақоми шунчалик юқорики, у ҳатто почта хизмати, реклама агентликлари ва оддий газеталар фашшятини ҳам ўрнини боса олиш кобилиятга эга. Бир мирил: АҚШда хатларнинг электрон йўл билан жўнатилиши І м цент туради. Бу эса биринчи даражали почта маркасидан ! баробар арzonга тушади. Илгари бир неча соату ва бир печа босқичдан иборат бўлган оддий почта амаллари эндиникда Интернет орқали санокли сонияларда бажарилмоқдил. Манзил телефони банд бўлган тақдирда ҳам электрон хат қабул қилинади. Телефонда сухбатлаша туриб, келган 'хнектрон хатни ҳам эшитиш мумкин. Агар тугма босилса принтер хат матнини қоғозга тушириб беради. Электрон хатнинг мазмуни нафакат сизга, балки қариндош-уруғларнингизга ҳам тегишли бўлса, уни шу захотиёқ бир нечта тутмалар ёрдамида уларга тарқатиш мумкин. Телефон гўшагига айтилган жавоб бир неча ўн сониялар оралиғида кўрсастилган манзилнинг электрон кутисига келиб тушади. Шупингдек, маҳсус қурилма ҳам борки, унга машинкада чоп этилган жавобни қўйсангиз, телефоннинг ўзи матнни овозли хатта айлантиради ва манзилга етказади.<sup>1</sup>

«Электрон сониялар» савдо ходимларини, почта муасасалари хизматчиларини ўз келажаклари ҳакида жиддий ўйлашга мажбур қиласди.

«2001 йил охирларига келиб оддий магазинларнинг оммавий ёпилиши бошланади. Бу магазинларга бошқа эхтиёж қолмайди, сабаби зарур нарсаларни одамлар Интернет орқали ҳарид қиласдилар». Бу фикр 1997 йилнинг охирида Лондонда ўтказилган бутунжакон тармоқларининг ривожланишига бағишиланган конференцияда айтилган. Шу муносабат билан «Труд 7»: «Агар бу маълумот тўғри бўлса

<sup>1</sup> Правда, 1998, 8 сентябрь.

Британия савдо растлари эгалари тезда ўз мулкларини со-тишга ва кейин қандай яшашни ўйлашлари керак. Бу ҳол кишининг истаган ишини амалга оширишини, хусусан, уйдан тортиб, автомобил, бриллиант узук ва канарейкага-ча сотиб олиши мумкинligини билдиради», деб киноя қилар экан, хулоса қилиб шундай ёзади: «...телевидение пайдо бўлганида бальзилар бу газетани ўлдиради, деб айтишганди. Ваҳоланки, газета ва журнallарнинг сони дунёда яна-да ортиб кетди. Кўча магазинларнинг таксирида ҳам худси шундай ҳол такрорланса ажаб эмас».<sup>1</sup>

Тарақкиётнинг инсон тасаввури билан боғлик томонла-ри ҳам бор: ҳарқалай, технологиялар асрини олдиндан тўлиқ тасаввур килиш қийин. Америкалик футурологларнинг фик-рича, ОАВ соҳасида келажак асрда кутилаётган ходисалар-нинг олдига бу ишлар оддийдек туюлади.

Журналистлар учун Интернетнинг аҳамияти бекиёс. **Бинингчидан**, айтиб ўтилганидек, бу материалларни ёзиш ва журналистик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда янгиликлар мониторингидан фойдаланиш мумкин бўлган турли ахборотлар ҳазинасидир.

Бинобарин, Интернет барча манбалар турини ўзига кам-раб оладиган умумахборий мухитдир.

**Иккингчидан**, Интернет керакли бўлган маълумотларни осонликча қидиради, ахборотлар маълумотномасидан (лугат ва энциклопедиялардаги мақолалар, статистик маълумотлар, библиографиялар, компания ва ташкилотлар ҳақида маълумотлар ва бошк.) тортиб то инсонларнинг турли хил фикрлари, тармоқли мулокот (телеанжуманлар, форумлар ...) шаклларини амалга оширишга имкон яратади. Интернет бир вақтнинг ўзида керакли маълумотларни олиш учун ҳам ахборот «океани», ҳам ахборот тармоғи бўлиб хизмат қиласди.

**Учинчидан**, Интернет бу таъсирчан мулокот (қоммуни-кация) воситаси бўлиб телефон, факс ва бошқа алоқа во-ситаларидан ҳар томонлама пешқадамлик қиласди.

**Тўртингчидан**, ахборотдан ташқари Интернет — бу ноёб фотоманба ҳамдир. Бу ерда хоҳлаган расм ёки фотосуратларни қидириб топиш мумкин: инсоннинг Ойга тушири-

<sup>1</sup> Труд-7, 2000, 27 апрель.

1'чттрёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти

||пши тасвиридан тортиб Эрмитаж суратларининг йифинди-  
I игача мавжуд. Айтиш жоизки, фотосурат, фотоколлаж ва  
I ;свирий санъат асарларининг кўп қисми юқори сифати би-  
|ан ажралибтуради.<sup>1</sup>

Нихоят, **бешинчидан**, Интернет ўзининг кўп сонли қўри-  
ишилари оркали янги турдаги ОАВнинг шиддат билан яра-  
тилиши юз бераётган улкан медиа (оммавий ахборот) май-  
донидир.

Электрон ОАВ анъанавий ОАВни сикиб чикармоқда ва  
тезкорлиги, ахборотни қайта ишлаш сифати бўйича ундан  
учиб кетмоқда. Электрон ОАВнинг ахборий ва мультиме-  
дия имкониятлари сони тобора кўпайиб бораётган ўкувчи-  
ларнигина эмас, реклама берувчиларни ҳам жалб этмоқца.

Ахборий фаолият тизимда журналистларнинг янги тои-  
Фаси шаклланмоқца, тизимли (онлайнли) журналистика ўзининг алоҳида усул ва услублари билан ривожланмоқда;  
унинг ўз касаба уюшмалари ва «юлдузлари» пайдо бўлмоқ-  
да; анъанавий ОАВдаги репортёр ва журналистлар онлайн-  
га аста-секни ўтиб бормоқда.

Демак, Интернет журналист учун ишлайдиган муайян  
ахборот тизими туридан қатъи назар (матбуот, радио, ТВ  
иа ҳ.к.) асосий меҳнат воситага айланиб бормоқда.

Аниқки, Интернет билан ишлаш илмини ва малакаси-  
ни эгаллаш лозим. Мутахассислар, бундай қишиларга ўз  
билими ва тажрибасидан фойдаланишни, уни амалиётда  
кўллашга ҳаракат қилишни маслаҳат берадилар.

Масалан, ЎзМУ журналистика факультети талабалари  
1999 йилдан бери Интернетда ишлаш сирларини ўрганиш  
имкониятига эгалар. Факультет компютерлари «Интер-  
ньюс-Ўзбекистон» ҳомийлиги ёрдамида Интернетга улан-  
ган.

Компьютер саводхонлигига эгалар эса ўз иш жойида  
ижодий жараённи янада ривожлантириш учун «захиралар»  
тизимига — керакли тизим воситалари ва тизимларига ки-  
риш тартибини кўриб чиқишлиари зарур.

Мутахассислар фикрича, 1998 йилда йилнинг энг яхши  
сайти деб тан олинган Боб Драджнинг «Виртуальная Справ-  
очная»сини ўрганиш фойдали.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Журналистский экспресс // Восточные вести, 2000, 30 ноябрь, 3-б.

<sup>2</sup> Горныш Е. Интернет для журналистов. 1-2-6.

«Журналистлар учун Интернет» маҳсус кўлланмасида эса журналистларга иш жойида ва шахсий «захира» сифатида кўлланувчи тармоқ имкониятлари турлари таклиф этилган. Булар:

- электрон нашрлар — бунга даврий матбуот турларининг электрон нусхалари хамда босма қиёсига эга бўлмаган соф электрон нашрлар ҳам киради;
- Ҷаззаб — бутун дунёдаги электрон журналларнинг катта маълумотлар заҳираси;
- Elecgtoshis loqipak Access - электрон журналларнинг алифбо ва мавзу тартиби;
- Алекс Фарбер каталогидаги газета ва журналлар (БМТ давлатларининг ОАВ каталоги — муалифлар);
- Интернет-радиостанциялар — муайян вактда узатилиди (ёки ёзувда). Уларнинг баъзилари оддий радиостанцияларнинг Интернет нусхалариридир, бошқалари эса факат тизимда мавжуддир;
- УШпег—Интернет дунёдаги радиостанциялар бўйича йўлбошли эшиктириш мазмуни ва жойлашиш жойига кўра станцияларнинг тури. Тпе МИТ Ылз: оғ КасНо Згаиоп оп ше Йигитпел: — 8000 радиостанциядан ортиқ;
- Онлайнли маълумотлар заҳираси — баъзи қисмларида пулли ёки бепул ийрик тижорий маълумот заҳира (одатда, турли хил кичикроқ маълумотлар заҳираси кириш имкониятини беради);
- Beхlз-№х18 - энг катта ва машхур тижорий (янгиликлар, молия, патент, саноат, конун, медицина ва бoshка) маълумотлар манбаи;
- С`изегЮгЬН - савдо маркалари ва патентлар соҳасида энг катта маълумотлар манбаи;
- Oraloғsие Ҳеъ — турли илм соҳасида 450 хил маълумот манбанини умумлаштирган;
- ТНе Глгепег Moyle Oara Ўззасе — фильмлар бўйича энг катта маълумот манбаи, (китобхон ўқувчилар — волонтерлар томонидан яратилган, сўнг Атаҳт/сот компанияси томонидан сотиб олинган);
- Интеграм — техно-оператор — Россиядаги энг катта маълумотлар манбаи хизмати;
- Коёх-КареИа: ҳукуқ ва иқтисод — ҳамма учун;
- Луғат, энциклопедия, маълумотлар манбаи — турли хил вазиятда керак бўлиб қоладиган «универсал адабиёт мундарижасидир»;

КўГегесе бўлими Уаъбо! каталогида;

Барча луғатлар, барча тиллар;

Шоцгарѓу сот — 200 кишининг кисқача таржима холи;

KсFerengе сот — қидирув, кўриб чиқиш, 150.000 дан пршктелеконференциялардақатнашиш, веб-форум жўна-ШШ рўйхатларидан фойдаланишга имкон яратиб беради;

- «ҳамма нарса ҳақида билиш» — «Кирил ва Мефодий» «омпипиясинингмегаэнциклопедияси»;

'Олекtron кутубхоналар — Гутенберг лойихаси Ғарбда-1М машхур кутубхона ҳисобланади, у 1991 йилдан бери и...илят кўрсатиб келади. Ушбу кутубхонада инглиз тилида (Ш этилган 2000 тага яқин бадиий асарлар мавжуд. Рус | \ I убхоналаридан машхури — Мошков кутубхонаси бўлиб, \ I 1994 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмокца. Ушбу ку-Губхонада 120.000таматн файллари мавжуд. Электрон ку-I ухоналар факат бадиий матнларга бағишиланган эмас, унда I урли мутахассислар бўйича ҳам матнлар мавжуд;

- TНe Op-Ьte Book рағе

- 01\$lxal Оълагу Кезоигсез

- 01\$Иa1 Уълагу пег

- Электрон кутубхона янгиликлари — рус электрон ку-I убхонасига келиб тушган янги анонслар.

Ишлаб чиқилган янги йўналишдаги тармоқдар бўйича рўйхат берилган бўлиб, у журналист учун касбий қизикиш уйғотади. Булар:

- YaHoo: Ke\уз арс! МесНа/цоигпайзт (Жс1 lo Elecgtoshis ард Рпп1 Кезоигсез Гог ^оигпаНзГз/

- Йоитайзл:lc Кезоигсе Рағе

Журналистика бўйича ресурслар «Интерњюс-Россия» сайтида (Ўзбекистонда — «Интерњюс-Ўзбекистон»)

- Журналистика: кеча, бугун, эртага.

- Ахборот агентлиги — YaИoo Аззозга^её Резздаги янгиликлар хизматидир:

## **-СИК**

- КеШег МДХ

- Миллий янгиликлар хизмати

- ИТАР-ТАСС

- РИА янгиликлар

- Интерфакс

- Ташкилотлар ва хизматлар:

- 1п1етаиопал ҒедегаИоп оПошпаЦ518
- FACKET — журналистлар учун бепул онлайн хизмати (рўйхатдан ўтказиш керак)
  - 1п1етеп1: Рекк ОиМе
  - 8спола8ю 1оиппаН8ш
  - ТНе РиНхег Рпгек
- Миллий матбуот институти. Россия журналистика ташкилотлари рўйхати НИП сайтида.<sup>1</sup>

Бугунги кунда Ғарбий Европа ва АҚШда энг кўп кўлланадиган қидирав тизими АНа Узла ва УоНо, Россияда — Кашълер ва УағЗех хисобланади. Бундан ташқари бошқа турли қидирав тизимлари ҳам мавжуд.

All ЗеагсН Епѓтез.сот тематик ва экзотик қидирав тизимлари ичida энг тўлиғи хисобланади.

8игF Ғай сот — қидирав тизимлари ва бошқа тармоқли сервислар битта фланконда жойлашган.

МДХ давлатларида қидирав тизимининг ўзига хослиги мавжуд.

Рус Интернетининг тармоқли ресурслари ҳозирча чегараланганди. Бунинг сабаби техник-технологик жиҳатдан кучиз таъминланганлигидир. Бунга ҳамдўстлик мамлакатлари банклари билан алоқалар яхши эмаслиги ҳам сабабчидир. Ёш мустақил давлатларнинг ҳозирги вактдаги интеграция жараёнлари доирасидаги ахволини хисобга олсан, бу тўсикларнинг тез орада барҳам топиши муқаррар. Бугунги кунда иқтисодий ривожланиш, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ўзгаришлар бу йўналишлар ривожидаги муҳим босқичидир. Ҳозирги кунда бирорта ҳам йирик ОАВларини, ахборот агентлигини, газета, радиостанция ёки телевидение каналини ўзининг Интернетдаги сахифасиз тасаввур килиб бўлмайди. Бу масалага жиддий қарашлар натижасида «ахборий сайт» («информацион сайт»)нинг фаолияти энг муҳим ахборот тармоғига айланади.

Тармоқ (онлайн) журналистикаси тез ва кенг ривожланмоқца. Ҳозирда бу тармоқ газета ва журнал, радио ва телевидение ҳамда миллий ахборот агентликлари учун жиддий ракобатни юзага келтирмоқца. Энг муҳими - у журналистларни ўз реципиентларига яқинлаштирунган. Яхши йўлга қўйилган қайта алоқа респондентнинг ахборот иш-

<sup>1</sup> Қаранг: Горныш Е. Йнтернет для журналистов, 3-4 б.

лаб чиқариш ишида фаолигини оширади. Тармоқжурналистикаси шу тарика интерфаол (яъни мулоқотли) бўлиб боради. Бу биринчидан, Интернетга эркин равиша кириш, унда регламентация ва марказлашиб йўқлиги тармоқ ва шахсий электрон ОАВлари сонининг кўпайишига олиб келади.

Шу билан бир каторда учинчи минг йилликцаги журналистиканинг ривожланишида унинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Масалан, Интернетда аноним ҳолда нашр этишнинг осонлиги сунистемолга олиб келиши мумкин. Нотўри ахборот, кўчирмачилик, экстремизм, порнография, фиригарлик, ўғирлик, тухмат шулар жумласидандир. Буларга кўз юмиб бўлмайди, шу билан бирга талвасага тушиш ҳам керак эмас. Хуллас, тармоқ — хаёт кўзгусидир. Ундаги салбий нукталар аён вокеликцагидан кам эмас. Бу камчиликларга йўл қўймаслик учун ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш керак.<sup>1</sup>

Ҳозирги вакѓда болалар порнографиясининг кенг таркалиши ва муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш ахволи жиддий хавф уйғотади. Мисол учун, Австрия болалар парнографиясига қарши ўз фикрини Интернетда Европа Иттифоқига жўнатди. Унга қараганда, болалар порнографиясини Интернет орқали тарқалиши ҳакида ҳуқук органларига хабар бериш таклиф этилган. Бу соҳадаги ишларни тезда амалга ошириш учун Интерпол ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиши даркор. Шундай қилиб, Интернет ўзини ахборот хизматига бағищлаган инсонларни жамият олдидаги жавобгарликни хис қилишга чакиради. Ҳозирча ҳалқаро микёсда қонуний қоидалар ишлаб чиққунга қадар мавжуд қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Бу эса ижодий ва шахсий бурчга боғлиқ бўлиб, журналистлардан мустақил фикрлашни ва ўз нуктаи назарларида катъий туришни, ижтимоий масъулиятни теран хис этишни талаб қиласди.

Интернет — ҳамма учун: террорист ҳам, гуманист ҳам унга кириш ҳуқуқига эга; художўми, худосизми, ўғрими, тўғрими бундан қатъи назар, уларнинг барчаси Интернетга бирдай баробар кира олади.

Демак, у «Интернет куроли — журналист эмас, балки Интернет — журналист куроли» сифатида қабул қилиниши лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Горныш Е. Интернет для журналистов. 12-6.

## Интернет кенгайиши ва Ўзбекистон учун унинг ахамияти

Ўзбекистонда Интернетдан кенг кўламда фойдаланилмаётган бўлса-да, ОАВлар ўз ишларида унга тез-тез мурожаат қилмоқда. Ҳозирги шароит эктиёжига йўналтирилган бир қатор лойихалар бор. Улар давлат ОАВларининг тармок фаолияти қўрсаткичларини яхшилашта, бу соҳада тезкорликни таъминлашни йўлга кўшишга ёрдам бермоқда.

1996 йил баҳорида Интернет давлат миқёсидаги республика ОАВнинг халқаро ахборот манбаси сифатида танилди. Интернет етакчи телевизион ахборот ва нашриётларнинг доимий ахборот узатиш воситаси сифатида республикадағи ахборий жараён унсурларига айланди. Ўзбекистонда юз берадиган ижтимоий-сиёсий, иктисадий ўзгаришлар, ҳозирги ислохотларнинг бориши ҳақидаги янгиликлардан чет эл ўқувчиларини ҳам хабардор қилиш имконияти туғилди. Интернет умумий ва тижорий хизматлар соҳаси учун ҳам имкониятлар яратиб бермоқда. Шу тариқа Интернет тармоғи тобора ривожланиб, у факат ахборот олиш манбай бўлибгина колмай, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маданий соҳаларнинг барча тармоклари фаолиятига ҳам кириб бормоқда.

«Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» каби қўплаб тармоклар Интернетдан хорижий истеъмолчиларга реклама ва эълонларни узатишида фаол катнашиб келмоқдалар. Интернет-провайдер ва веб-саҳифаларига чиқишининг ва Ўзбекистон ҳақида тезкор ахборот олишнинг алоҳида жойлари мавжуд. Булар: Каугуру, ЕазШпк, «Азсалот Шъегазгоп», «Мюпсъ». Шунга кўра, Ўзтелерадиокомпания сезиларли даражада халқаро мавзудаги матнларни беришни кенгайтиргди. Бунда у Интернетдан халқаро-тарихий ахборот манба сифатида фойдаланди.

Ўз электрон версияларга мамлакатимизнинг яна қўпгин на газеталари эга.

Мамлакатимизда Интернетнинг ривожланиши йўналишлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасмиз. Бу компьютерларнинг кимматлилиги, Интернет фойдаланувчиларнинг инглиз тили билмаслиги каби омиллар билан боғлиқ. Рес-

пу Илиқамизнинг Интернетдаги саҳифалари ҳозирча малакаш ва малакасиз йўсунда ахборот блоклари занжирига ўҳшаб Кетади. Чунки уларнинг аксарият қисми расмиятчилик руғушли эскирган ахборотлардан иборатdir.

Амалиёт шуни қўрсатадики, Интернетдан тўғри фойдалана олган журналистлар сони камчиликни ташкил этади. 140 шаҳрияллари ҳам тасдиклайди. «Журналистский экспресс» рукнида Интернетдан фойдаланиш учун йўл-йўрикпар ҳам қўрсатилган. Бундай йўл-йўрикларсиз, газета таъкидлаганидек, «виртуал жунглида адашиб қолиш хеч гап чмас» экан.

Бу нарса содир бўлмаслиги ва журналист тўла «кўзиқо-йинли сават» билан қайтиши учун баъзи бир зарур ва унчалик мураккаб бўлмаган қоидаларга риоя қилиш керак, — деб таъкидлайди «Восточнме вести», — Агар сизга, масалан, бугун бутун дунё пахтачилиги ҳақида маълумот топиш керак бўлса, аммо сиз аниқ манба қўрсаткичига эга бўлмасангиз қидиругчи тармок тизимларидан фойдаланишингиз мумкин.

Улардан энг машҳурлари — КатМег, Уаъбо, Уапёех, Арой ва б.к. Бу ерда сўз қалити киритилишининг ўзи кифоя. Масалан, (пахтачилик) ва сичконни «топиш» сўзига йўналтириш керак. 30-60 сониялардан сўнг сизнинг эътиборингизга пахтачиликка оид ўнлаб, хатто юзлаб сайтлар тақсим этилади. Керагини танлаш колади.

Шунингдек, бу ерда — Е-тап почтасининг афзалликлари яккол қўрсатилган. Бу ниҳоятда муҳим. Биринчидан, бусиз сизнинг корреспонденциянгизни хеч ким ўқимайди. Иккинчидан, сиз бирон бир виртуал нашрга обуна бўлинингиз ва Е-тап (орқали)дан янги ахборот олишингиз мумкин. Бундай хизматлар одатда бепул бўлади.

«Мени бу кувонтиради ва мен учун кулай, — дейди ЎзТВ-4 журналисти Саодат Хайтова, — электрон почтага мувофик биз ўз вактида АҚШдан ахборот олиб, бу фильм Токиода кумуш мукофот олганини билдик. Ўзимизнинг почта кутисини очиб, мен керакли ахборот оламан. Бу жуда кулай ва вактни тежайди. Бусиз тармоқдан бирор-бир ахборот қидириш машаккатли иш».

## Ахборот жараёнларининг глобаллашуви ва унинг журналист ижодига таъсири

Матбуот ва унда банд бўлган журналистларга таъсир киладиган самарадор омиллардан бири замонавий технологияларнинг ривожланишидир. Янги технологиялар бутун дунёни тўр каби қамраб олмокца. Улар янги қизиқарли, кўнгилочар кўрсатувлар эҳтиёжи учун яна бир имконият яратади хамда ОАВ ахамиятини оширади.

Замонавий технологик ютуқлар нафақат ахборотни самарали излаш, саклашдангина иборат бўлмай, уни дунё миқёсида тарқатиш имконини ҳам беради.

Бугунги кунда янгиликлар бозорида ахборотнинг глобаллашуви билан бирга халқаро ракобатнинг кучайиши, ОАВга эгалик қилиш, мулоқот технологияларининг эркин алмашиши, жаҳон ахборот оламига мутлоқ эгалик қилиш (информацион империялар)нинг шаклланиши кузатилмоқда. Шу туфайли ишнинг кўзини биладиган, аён имкониятларга эга аудиториялар миқдори кескин ортади. Миллӣ чегаралар ахборий чегара бўлмай қолади. Сўз Интернет билан бир қаторда ахборот агентликлари, Си-Эн-Эн, Би-Би-Си, «Немис тўлқини» ва б.к. шу каби ийрик ахборот ширкатлар (информацион компаниялар) тўғрисида кетмоқда.

Москвада 1997 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган «ОАВ ва БМТнинг янгиланиши» номли конгрессда бу борада қизиқарли ва мазмунли хабарлар берилди. Мана «Новости» РАА раиси В.Марков чиқишида айтилган баъзи маълумотлар: «Мулоқот (коммуникация) соҳасида миллий қонунчиликнинг ўйғуллашувидаги муҳим воқеалардан бири, бу 1997 йил қабул қилинган телемулоқот бозорларининг либериллашуви туғрисида кайд қилинган аҳднома (пакт) бўлди. Уни бутун дунё савдо ташкилотлари доирасида 1997 йил 68 мамлакат маъкуллади. Ўз навбатида, 600 миллиардлик саноат индустрияга инвестицияси эса... сотувлар ҳажми ўсишига, истеъмолчиларнинг харажатларини камайтиришга олиб келади. Аҳдноманинг амалга ошиши натижасида халқаро телефон сўзлашувлари нархи 80% гача тушади. Давлатлар чет эллик рақобатчилар учун ўз бозорларини очишга тайёр, ўзларининг телемулоқот компаниялари акцияларини

чет элликлар сотиб олишларига рухсат беришди, ракобатнинг умумий коидаларини ўрнатишиди.

Ушбу шартнома — умумлаштирилган ахборот оқимининг бош йўлини (магистрал) куришнинг янги харакатидир.<sup>1</sup>

Бундан ташқари Европа Парламенти ва Вазирлар Кенгаси «чегарасиз телевидение» дастурининг қатъян янги матнини қабул қилди. Уни қабул қилишнинг максади эса, муҳим воқеаларни ёритиши учун эркинлик ва керакли шароитлар яратишdir (хатто фақат айрим хусусий канал берган хуқук бўлсада). Халқаро ташаббуслар глобал ахборий жамиятнинг шаклланишига йўналтирилган. Шу хусусда яна В.Марков сўз глобал ахборий саноатнинг пайдо бўлиши тўғрисида кетганини таъкидлайди ва ҳозирги техникавий ўзгаришлар давридаги ташкилий бирлашиш, қонунчиликдаги муросасозлик, иқтисодий ривожланишда хабардорликнинг роли, электрон демократия янги шаклларининг пайдо бўлиши ва соҳадаги таркибий силжишлар тўғрисида тўхтадали.

Американинг замонавий мулоқотчи (коммуникативист)-лари эса XXI асрни ахборот ва ахборот технологиялари асри деб атаб, ҳар бир тарихий давр ўзининг орзу ва афсоналирига эга деб таъкидлашади. Улар талқинида бу афсоналар мукаддас Троица асосида қурилади, улар алоқа йўлдошлидан, кабелли телевидение ва шахсий компьютерлардан ташкил топган. Йўлдош — бу тепамизда кўтарилиб турган - Ота, кабел тизими — Узия, шахсий компьютер эса ҳаётимизнинг хамма даққаларида биз билан бирга бўлувчи Муқаддас рух. Ушбу учлик бизни ўзининг мукаддас китоби билан озиқлантиради<sup>2</sup>.

Охирги 40 йил ичida ахборий жамиятга ўтишнинг дас-тлабки шарт-шароитлари кенг миқёсда тўла шаклланди дейиш мумкин. Албатта, ҳамма жойда ҳам у тўла намоён бўлмаган, ҳамма мамлакатлар ҳам керакли тайёргарлик босқичларини ўтмаган, аммо иқтисодий ҳаётнинг глобаллашуви, ғоявий тўсикларнинг олиб ташланиши, илдам тех-

<sup>1</sup> Марков В. Организация Объединенных Наций и национальные информационные агентства. // Новая ООН — для нового века. М., 1997, 9-6.

<sup>2</sup> Карапанг: Федеb F., Згшоb J., Сотрейпb Иеoloфу Йor Ше ГпFortасюп Аѓез. Гтео-зестог MoZel For Йбе №\У гиготгагиょп Soclely // Ecl. By 1.5lack, F/Fe^1e8, N0^00(1. Кеу-TerSeу, 1987, Р 159; Землянова Л.М. Современная американская коммуникативистика. 232-6.

никавий тараққиёт вақтни тифиз қилиб қўйди, ушбу шартшароитлар ахборий жамиятга чиқиш учун асос яратиб беради.<sup>1</sup>

Техникавий инқилоб ахборий инқилоб билан чамбарчас боғлиқ. Замонавий алоқа воситалари ва шиддатли ахборот оқими туфайли бутун дунёнинг, миңтақаларнинг бир-бирига тобелиги ортади. Бунда иқтисодий, тижорий муносабатлари билан бир қаторда сиёсий, ижтимоий муносабатлар аҳамият касб этади. Бу жарабённи тезкор ахборот алмашувисиз тасаввур этиш қийин. Россиядаги АҚШ ва Канада институтининг етакчи ходими Э.Баталовнинг фикрича, глобал ахборот оқимининг вактинчалик тўхтаб колиши дунё иқтисодий алоқаларнинг узулишидан ҳам, таназзудидан ҳам дарак бермайди. У яна шуни таъкидлаб ўтадики, хабарлар қанча кўп тайёрланса, ундан фойдаланиш ҳам шунча ўсади. Шу билан биргга тузилмаларнинг тизими қанча мураккаб бўлса, воситавий-усулий ҳамда сиёсий муносабатлар ўзаро тафовутлашади, фарқланади, янада тадрижийлик касб этади, ахборот ҳажми ва сифатига талаб ошади.

Шу ўринда Баталовнинг яна бир кузатишини келтириш жоиз. Инсон уни ўраб турган атроф мухитнинг қай даражада ифлосланиб кетганини англади ва олам умумий ахлатхонага айланадиганини кўрди. Айни пайтда бизни ўраб олган ахборий мухит ҳам мавжуд. У ҳам хавфли даражада ифлосланган. Инсоният бошига охирги 10 йил ичida қанчадан қанча хавфли афсона-ю мифлар, ёлғонлар ёғдирилди.<sup>2</sup>

«Ахборот технологиялари асри» деб аталган XXI аср нималар тайёрлаб қўйгани бизга номаълум. Биз қандай техникавий-усулий (технологик) кашфиётлар олдидан яшамокдамиз, — бу ҳам ҳали ноаниқдир.

Хозирча БМТ ва бошқа ҳалкаро институтлар олдида турган вазифа эса дунё ҳамжамиятининг ахборотга эга бўлиши ёки бўлмаслиги туфайли бўлинниб кетишига йўл қўймаслиқдан иборат. Дунёда эса нафақат кимматбаҳо технологияларни, ахборотни онлайнлар, интерфаол телевидение орқали олишни ҳам, балки оқ-қора телевидениега эга бўлиш-

<sup>1</sup> Новая ООН — для нового века, 13-6.

<sup>2</sup> Баталов Э. Мост поперек реки. Қаранг: Международная жизнь, 1990, май, 37-38 б.

и ҳам орзу килувчилар бор. БМТнинг ижтимоий ахборот масалалари бўйича бош котиб ўринбосари Тереза Паке-Сеинининг маълумот беришича, 1990 йили дунёда 800 млн.дан ортиқ телевизорлар бўлган, лекин уларнинг 2/3 қисми ривожланган мамлакатларга тўғри келарди. Ундан ҳам ачинарлиси, 30 мамлакатда ТВ ўзининг ажойиб имкониятларидан, маълумот бериш, муаммоларга эътибор бериш, кўнгилни очиш каби вазифаларини бажаришдан махрум.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг алоқавий имкониятларини юзага чиқаришдан йирок, телекўрсатувлар фақатгина шаҳар ахолисининг маълум қисмигагина етиб боради. Коммуникациянинг ҳалқаро мезони (статистикаси) маълум қиласиди, 1989 йили 34 та мамлакатда хафталик газеталар умуман нашр қилинмаган (улар оммавий китобхон учун мўлжалланган). Бундан ташқари, ахборотнинг эркин оқимига саводсизлик ҳам тўсқинлик қиласиди. Орбитада муқим жойлашган 100 та сунъий йўлдош алоқаларидан ривожланаётган мамлакатлардан фақатгина Бразилия, Колумбия, Хиндистон, Индонезия ва Мексика фойдалана олиш тизимларига эга.<sup>3</sup>

Шунинг учун ЮНЕСКО томонидан ОАВни ривожлантириш, журналистларнинг қасбий-малакавий тайёргарлигини ошириш максадида бу мамлакатларда ҳалқаро дастурлар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга ЮНЕСКО ўзининг намоёндалари томонидан дунёнинг миңтақаларида Маршал Маклюэннининг ғояларини амалга оширишга ўз хиссасини қўшмоқда.<sup>2</sup>

Ўтган вакт мобайнида юқорида қайд этилган мезоний ракамларда дунё бўйича сезиларли ўзгаришлар юз берган эмас. Шунга қарамасдан глобал ахборот саноати дунёдаги 200 дан ортиқ барча давлатларни қамраб оладиган кун яқинлигига кўпчилик ишонади.

Шунинг учун одамлар ахборотни ўзлари назорат қилишнинг шарт-шароитларини яратиши лозим, бу жуда мухим.<sup>3</sup>

Чиндан ҳам ахборот жамиятнинг маънавиятига, дунёкарашига салбий таъсир қилаётганидан кўз юмиб бўлмай-

<sup>1</sup> Каранг: Международная жизнь, 1990, сентябрь, 46-6.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 47-6.

<sup>3</sup> Новая ООН - для нового века, 14-6.

ди. Бу хақда машхур Лотин Америкасининг журналисти Марко Варгас Льюса шундай дейди: «Жаҳон ахборий жамияти шароитида ишнинг бош мақсади тижорат мезони бўлиб қолса, ахборотнинг сифати тушади ва уни узатиш даражаси шу холга етиши мумкинки, натижада маданиятнинг ўзи хавф остида қолади.

Ахборотни сифатсиз қилиб узатиш усуллари баъзи икти-  
содий ва демократик анъаналари ривожланган мамлакат-  
ларда хам учрайди. Аммо улар ўзларининг мустахкам мада-  
ний асослари туфайли ушбу ҳолатни бартараф эта олади-  
лар.

Масалан, Франция ва Буюк Британияда, ишонч билан  
айтиш мумкинки, на матбуот, на аудиовизуал воситалар,  
хар қандай можароли янгиликлар жамиятнинг анъанала-  
рини, мамлакатнинг демократик қурилишини бузиб кўйга-  
ни йўқ.

Лотин Америкаси каби мамлакатларда эса, маданий  
вазият ўзгарувчан бўлгани сабабли доимо жиддий муаммо-  
лар чиқиб туради. Агар ОАВ, хусусан, визуал воситалар  
(қайсики бугунги кунда 90% хатто 100% жамиятнинг мада-  
ний эҳтиёжларини қониқтириши лозим бўлган) изчил си-  
ёсат ўтказмаса ва маълум маданий ва этник мезонларга амал  
килмаса, аксинча ўзларининг тижорат йўлидаги манфаат-  
ларни устун кўйиса, демократия хавф остида қолади».<sup>1</sup>

Демак, ахборий ҳамжамият, ахборий маданият айнан  
ўхшаш маром муаммосини ва янги шароитларга мувофиқ-  
лаштирилган қоидаларни олдинга суради. Гап дунё микё-  
сида амал киласиган қонуний, этник ва ахлоқий масала-  
ларни ишлаб чиқиш тўғрисида бормоқда.

XXI юз йилликда ахборотнинг эркин оқими масалала-  
рига умуминсоний жиҳатларсиз ёндашиб бўлмайди. Бу ма-  
саланинг ноаниқ томонлари хам бор. Шунга қарамай бу-  
гунги имкониятлар, биринчидан, ахборот манбалирини  
кенгайтиради. Иккинчидан, хар бир давлат, минтақа мат-  
буотга дунё ахборот бозорига чиқиши имкониятини беради.

Бундай ҳолатлар журналистга кескин ўсиб келаётган  
ахборот оқимидан зарурини танлаб олишни, ўзининг ауди-  
торияси учун қимматли бўлган хабарларни узатишни ўрга-  
тади.

<sup>1</sup> Каранг: Куръер ЮНЕСКО, 1990, ноябрь, 45-6.

Журналист меҳнати компютерлаштириш, умумжаҳон тар-  
мокларининг ўсиши билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар-  
га дуч келади, унга турли қасб эгалари томонидан тўплан-  
ган маълумотлари банки билан, чет эллик ҳамкаслари  
билан ишлашга тўғри келади. Бу банклардан у ўзининг эҳти-  
ёжманд реципиенти талабини қондириш учун кўп нарса  
топиши мумкин.

## 3-МАВЗУ. АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ

ОАВнинг хир бир мухарририяти ахборот хизматини бажарувчи маҳсус бўлим ва ходимларга эга. Бу хизматни амалга оширадиган репортёrlар мамлакатнинг ички ҳаётидаги турли мухим ҳодисаларни, чет эллардаги аҳамиятли воқеаларни ўз вактида матбуотга тайёрлаш билан шуғулланадилар.

### Ахборот етказувчилар

Уларни одатда «ахборотчилар» деб атайдилар. Аслида уларни **репортёrlар** дейиш маъқулроқ. Бу мутахассислар иш юзасидан хеч қандай имтиёзга эга эмаслар, улар асал арига мутассил равишда ўхшаб янгилик излаш билан банд бўладилар: фавқулодда ҳодисалар, фожиали воқеалар марказида, худуднинг қайнок нукталарида, илмий лабораторияларда, спорт майдонларида, лойиха муассасаларида, тажриба тармоқларида, ҳар хил намойиш жойларида, артистларнинг пардоҳоналарида ва ҳ.к. жойларда иш олиб борадилар.

Ҳар холда репортёр қандай фазилат ва хусусиятларга эга бўлиши керак, деган савол журналистларни хамиша қизиқтириб келган. Бу мавзуда назарийетчи олимлар ва бевосита амалиётчи ходимлар томонидан кўплаб сахифалар тўлдирилган бўлса-да, унга бирдан ва аниқ жавоб бериш осон эмас. Кўпинча фикр билдирувчилар масаланинг ихтинослик томонига диққат қиласидилар. **Репортёrlар, янгилик иш-кибозлари (уларни шундай деб ҳам атайдилар), мустаҳкам жисмоний тайёргарликдан ташкари кенг маълумот эгалари, одамларни ва ҳаётни мукаммал билишлари, акли ва зийрак, чидамли, ташаббускор, муомалага тез кириша оладиган, «муаммоли» вазиятларда эса самарали ва аниқ очим топа оладиган бўлишлари лозим.** Бу фазилатлар уларнинг фаолиятларида жуда мухим омил хисобланади. Би-Би-Сида 25 йил иш тажрибасига эга бўлган Брус Льюис бу фазилатларни журналистика моҳиятини белгиловчи, уларни ҳаётмамот масаласи деб хисоблайди: улар бор — репортёр бор; улар йўқ — репортёр йўқ. Бу хусусиятларни кимдандир,

кандай йўл биландир ўрганиш, янгидан пайдо қилиш мумкин эмас. Жуда бўлмаганда уларни ривожлантириш, такомиллаштириш мумкин, холос. У ўз фикрини шундай давом эттиради: «Жисмоний чиникқанлиқдан бошқа фазилатларнинг борми? Агар бўлса, сиз олиймақом репортёр бўла оласиз. Мабодо юқорида кўрсатилган хусусиятлардан биронтаси етишмаса, у тақдирда бошқа юмуш билан шуғулланганинг маъқул. Ахир дунёда бу фазилатларнинг ҳаммаси мужассам бўлиши шарт эмас. Соҳалар кўп-ку». ОРТ-нинг «Хайрли тонг» телеканалида «Бу кино» кўрсатувининг бошловчиси ва муаллифи Катя Мцитуридзе айнан ана шундай мутахассис саналади. Бу аёл билан ишлайдиган мухаррир ҳам, маъмуриятчи ҳам, иш юритувчи ҳам, мухбир ҳам йўқ. Баъзан кўрсатувни ўз кўллари билан монтаж қилган бўлса ҳам бу ишда унинг ягона ёрдамчиси монтажчи Валера Добровдир. Катя ашаддий одамови шахсларни ҳам очик сухбатга жалб қила оладиган ажойиб иктидорга эга инсон. Москва кинофестивалларининг бирида Роберт Де Ниро-дан олган интервюси сакланади. Бошловчи кўча тикинларидан машинасида ўта олмай Де Ниро ҳамма билан хайрлашиб ўз қароргоҳига кетаётган пайтдагина зўрга етиб келади. Катя бундай вазиятлар муомала мезонларида кабул қилинган биттагина сўзни айта олган холос: «Кечирасиз». Қизиғи шундаки, айнан шу сўз ўз таъсирини ўтказган. Оқибатда Катя ўз даврининг порлок кино юлдузидан яrim соат давомида интервью олишга эришган. Ваҳоланки, ўша учрашувда иштирок этган ҳар бир журналистга сухбат учун бор йўғи икки дақиқадан вақт ажратилган эди холос. Бор йўғи бир хафтадан кейин эса Венеция фестивалида Екатерина хаддан ташкари нуфузли хисобланмиш, унча-бунча одамлар сухбатини менсимайдиган Питер Гринуэй билан ҳам гаплаша олади. «Мен факат ундан бурж мезонида унинг ким эканини сўрадим холос. Шунинг ўзи унинг ёзилиб сўз бошлишига сабаб бўлди», — деди бу холатни баҳолаб Катя. «Энг мухими, — таъкидлайди у, — керакли калитни тошида. Ана шунда ҳар қандай эшик, ҳатто у темирдан бўлса ҳам сўзсиз очилади. Мана — Катянинг амалий коидаси».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Льюис Б. Диктор телевидения. М.: Искусство, 1973, 13-14 б.

<sup>2</sup> Тв-Парк, 2000, №39, сентябрь, 51-6.

Бундай антиқа вазиятлар журналистлардан ахборот оқимининг кескин ошиб боришига зийраклик билан ёндашишни; билим, ходиса, лавҳа, воқеалардан ўз муштариylарига зарурларини, жамиятнинг маънавий озодликка интилишини таъминловчи маълумотларни ажратса олишини талаб қилади.

Журналист фаолияти, аввало, халқаро компьютер тизимиининг ортиб бориши билан алоқадор равишда жиддий ўзгаришларга дуч келмокца. У бугунги кунда турли мутахассисликлар билан шуғулланувчи юзлаб, минглаб одамлар томонидан тўпланаётган саноқсиз маълумотлар мажмуаси билан ишлашга, чет эллик хамкаслари билан хамкорлик қилишга мажбур бўлмокда. Бу мажмуудан ҳар қандай мижозни қониқтирувчи ахборот олиш имкони бор. Журналист эндилиқда ўз меҳнат курсисидан турмай адабиётдаги, илм-фан, техника, спорт, туризм, маданият тадбиркорлиги ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида аниқ маълумот олиши мумкин. Айни чоғда зарурий ҳаётий жараёнларни ўтмиш ва келажак мезонлари манзарасида кўра олади. Аммо унинг факат мислсиз ахборотлар тизими билангина чекланиб қолиш бирёкламаликка олиб келади. У мутахассис сифатида кашшоқлашади, чунки журналист учун қанчалик қизиқ бўлмасин, тайёр маълумотдан фойдаланиш ва ҳаёт билан алоқани узиш охир оқибатда вазиятни муросачиликка йўналтириш билан яқунланади. Шу сабабдан ҳам изланувчи ахборотчи Интернетдан маълумот олиш катори бошқа йирик мамлакатлардаги газеталар, ОАВдан фойдаланишларини назарда тутган холда мақола, интервью, хисобот тарзда бу «хирмон»га ўзининг хиссасини қўшмоғи лозим. Устига устак, замонавий техника воситалари юртимиз ижодий ходимлар учун Ўзбекистондаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотлар ҳақидаги янги маълумотларни тақдим этишида кенг имкониятлар яратмокца. Мамлакатимизда эса илм-фан, техника, табобат, самолет қурилиши, санъат обидалари, табиий ҳом-ашёлар ҳақида кўз-кўз қилишга арзигулик маълумотлар кўп.

## Журналист фазилатлари

Софлик. Репортёр чиниккан бўлмоғи лозим. Муттасил асотат колдирадиган хасталик журналистнинг янгиликлар бўли-

миди фаолият кўрсатишига йўл кўймайди. Бошқача айтганда, сиз ҳамиша оғир ва амалий жихатдан мураккаб жисмоний вазифаларни бажаришга тайёр турмогингиз лозим.

Кенемаълумотлилик, бой ҳаётий тажриба ва хушумомалалик. Репортёр ҳаётий масалаларни яхши идрок этиш, одамларни ва ходисаларни моҳиятан тез англаши шарт. Айни пайтда у муомалали, кузатувчан, одамлар билан муносабатга киришувчан ва доимий равишида ўз устида ишловчи, изланувчи мутахассисдир. Бусиз у ҳар куни одамлар олдига келиши ва уларнинг очик чехраларини кўришга мусассар бўлиши қийин, чунки одамлар ўзларининг нима хақца фикр юритаётганини англайдиган, хис киладиган шахсагина ишонч билдирадилар.

Фаросат ва топкирлик. Бу фазилатлар, аввало, жиддий касб билан шуғулланувчи инсонларгагина эмас, балки оддий маиший ҳаёт учун ҳам зарурийдир. Репортёр эса бу хусусиятга алоҳида мухтоҷ. Чунки у ҳар дамда топкирлик билан иш кўрувчи ташаббускор шахсдир. Акс ҳолда тасоддифий вазиятда самарали ечим топиши мумкин эмас. Масалан, Ўзбекистонга италиялик машҳур хонанда Джанни Моранди учеб келди. Турли газеталар ўз ходимларига самолёт трапидаётк интервью олиш топширилди. Бир қаранганды бу вазифани бажариш анча қийин туюлганди. У пайтда «Правда Востока» газетасида репортёр бўлиб ишлаётган О.Ёқубов учун эса бу ишни бажариш жуда осон кечди. Ахир у бу кунгача Г.Марков, Ч.Айтматов каби ёзувчилар; Е.Копелян, С.Юрский каби артистлар билан сұхбатлашган эди-да.

Аммо кутилмаган жойдан муаммо чиқди. Маълум бўлишича, қандайдир сабабларга кўра Моранди умуман интервью бермас экан. Самолётдан тушган Дж. Моранди машинага ўтиргану жўнаб колган. Ҳамма журналистлар тарвузлари кўлтиклиридан тушиб, хайратдан қулоч ёзганча қолишга мажбур бўладилар. Чунки меҳмон кетаётган машина ҳайдовчиси ёнида шошилганидан ўзини танитиш «ёдидан чиқкан» О.Ёқубов хонанда билан футбол ҳақида самимий сұхбат олиб бораради. Табиий, мавзу фақат бу оммавий ўйин ҳақида бўлмади. Машина меҳмонхона биноси яқинига тўхтаганда, интервью олиб бўлинган ва репортёр ажабланган артистга ўзини таништириб, миннатдорчилик бидциради.

«Журналист» журналидаги яна бир мисолга диккат килинг. Кунлардан бир кун «Труд»даги хамкаслар «Студинформ»га ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Улар астрологлар Павел ва Тамара Глобалардан бўлғуси 1990 йил хақида кароматли фикрлар билмокчи эканлар. Аммо сұхбат учун жўнатилган мухбир хеч қандай маълумот ололмади: уни машҳур одамлар олдига қўйишмабди. Агентликнинг обрўини йўқотмаслик учун тезкор янгиликлар бўлими ходими А.Кокоткин «Россия» кинотеатри маъмуриятига мурожаат килган. Чунки Глобалар айнан ана шу ерда астрология сеансларини ўтказаётган эканлар. Хуллас, репортёр бино «девони»дан осон ўтибди. У аёллар хожатхонасининг «хаммом кийимхонасига» яшириниб, милиционер назаридан кутилиб қолибди. Бирок саҳна ортига ўтиш бечоранинг кўлидан келмайди: репортёр кароматчиларнинг шахсий сокчилари томонидан кўлга олинади ва менеждерларга мурожаат қилиниши лозимлиги таъкидланган холда кинотеатр фойесига чиқариб юборилади. Глобалар билан сұхбатлашиш учун эса уч кун аввал рұксат олинниши шарт экан. Залда ўтирган холда журналист ўз мақсадига етиш режасини тузибди. Ниҳоят, таваккал қилиб, ўрнидан турибди-да, томошабинлардан истак хатларини йиғаётган хизматчилар қатори хат йиға бошлибди. Шу зайлда ўзини жуда бамайлихотир тутган журналист шошилиб колган сокчилар ёнгинасидан ўтиб, саҳна томон йўл олибди. Унинг мўлжали тўғри чиқибди: сокчилар вазиятни баҳолашга улгурмасларидан, Кокоткин П. Глобадан телефон ракамларини сўраб олишга улгурибди. Шундай қилиб, фаросатли ва топқир журналист топширилган вазифани аник бажарибди. Йил башорати эса «Труд»нинг янги йил сонида ёълон қилинибди.

Омаднинг келиши. Репортёрга нисбатан «омаднинг келиши», «омади юригдиш» дейилганда, тасодиф ёки фавкулодда бирон ҳодисанинг рўй бериши кўзда тутилмайди. Мазкур матнда қайд этилган «омаднинг келиши» қатъиятлилик ва иродалилик маҳсули сифатида тушунилади. Ахборот йиғувчи яхши мутахассис бўлса, одатда, омади юришади ва бу унинг ижобий маънодаги ўжарлиги ёки қайсарлиги ҳосиласи сифатида намоён бўлади.

1991 йилнинг августида ёшлар газетаси «Смена» (Санкт-Петербург)нинг мухбири Г.Урушадзе Форосда қамалда

бўлган СССР президенти М.Горбачев билан биринчи бўлиб ёшқа боғлади ва бу сұхбатни ўз газетасида ёълон қилди. Кейинчалик бутун дунё оммавий ахборот воситалари бу интервюни «Смена»дан олинган иқтибоси билан нашр этди.

Шубҳасиз, бу ҳодисада омад юришининг белгиси хам бор. Аммо ўша пайтда СССРнинг биринчи, кейин маълум бўлишича, сўнгти президенти билан Г.Урушадзенинг алоқа боғлаши фақат журналист томонидан кучли ирода намунасини кўрсатиш орқали рўй берган эди. Ҳа, аввало М.Горбачев билан, қолаверса, Форосдаги унинг яқинларидан биронта одам билан алоқа боғлаш учун жуда кўп репортёrlар ҳаракат килганлар. Президент камал қилинган жойдан олинган ҳар бир янгилик ўз вақтида журналистика оламида биринчи ракамли бош сенсация хисобланган. Аммо «омаднинг юриши» факат петербурглик ёшлар газетасининг ходимига унинг яхши маънодаги ўжарлиги, қайсарлиги ва иродалилиги туфайли насиб этган.

Мазкур ҳодиса, қайта қуриш қашфиётчиси билан амалга оширилган телефон орқали алоқа, албатта, рўй берган фавкулодда воқеа сифатида ажабланарли эмасдир. Аммо Г.Урушадзенинг совет давлати раҳбари билан мулоқотга киришиш имконини ўйлаб топишга акд-фаросати етгани ҳақиқатан хам мўъжизадир.<sup>1</sup> «Смена»да фаолият кўрсатетган журналист, шубҳасиз, ўзининг ғаройиб режасини амалга оширишда катта масъулиятни хис қилган. У, албатта, совет раҳбари мутлоқ яқинлашиб бўлмайдиган даражада муҳофаза қилинганини яхши тушунган. Рўй берган тасодиф эса «хамма нарса репортёр ҳукмид» эканини яна бир далиллайди, холос.

Ёш журналист ишни нимадан бошламоғи лозим? У ўзипинг мавзусини ахтарсанми? Ўз ижодий соҳасини изласинми? У бутун имкониятлари намоён бўладиган ижтимоий хаёт тармоғини қандай топиши мумкин? «Менга факт битта йўл маълум, — дейди И.Устименко, — ўзимни хар соҳага уришим, турли вазифа ва топширикларни талаб қилишим лозим. Эртами, кечми: бир кунмас бир кун бу меники, бу ерда мен ўз ўрнимдаман дея оламан.

...Хамма иккиланишларни бир чеккага йиғишириб ҳар қандай мураккаб муаммога жавоб қидиринг. Сизни хеч ким

<sup>1</sup> Қаранг: Ворошилов В.В. Журналистика. С-Пб, 1999, 265-6.

айбламайди. Аксинча, ниманинг нимага мос эканини тушунишига интилади.

Кўлёзмалар қандай тайёрланишини, матнлар қандай қисқаришини кузатинг. Тажрибали ҳамкасларингиз усулларини ўрганмоқчи бўлсангиз, уларнинг этагини тутинг, ялининг. Ана шунда касб сирлари қаршингизда қулоч ёзади».

Ёш ҳамкасларига америкалик телеюлдуз Барбара Уолтерс ўзининг «Барча билан ҳамма нарса ҳакида қандай сұхбатлашиб лозим» китобида жуда қизиқ маслаҳатлар беради. Барбара Уолтерс интервьюнинг бекиёс устасидир. Айниқса, у машхур инсонлардан: президентлар, премьер-министрлар, тури соҳалардаги тож соҳиблари ва актёрлардан интервью олишга моҳир.

«Журналист фаолиятида кироллар оиласи вакили — анконинг уруғидир, — таъкидлайди у, — кўпчилик «жуда муҳим зотлар» — дипломатлар, сиёсатдонлар, ҳарбийлар, дин арбобларидир. Улар билан сұхбатлашар экансиз, хамиша бу инсонларнинг сиз каби оддий одам эканликларини, сиз каби чарчаchlари, асабийлашишлари, ҳафсалаларининг пир бўлиши мумкинлигини, зерикишларини, шодланишларини ёдингизда тутинг».

Мулоҳазалари давомида Барбара ҳеч ким сиёсий қизиқишиларингиздан хабар топмаслиги лозимлигини уқтиради: «Холис бўлиш мақсадида ҳар қандай саволга мен самимий равишда икки нұқтаи назарни таклиф қиласман. Агар саволни учинчи шахс номидан берсангиз, яна ҳам самаралироқ натижага эришасиз. «Айтишадики», — деб бошланг. «Шархловчиларда шундай фикр бор», — десангиз, яна ҳам маъкул бўлади. Чунки сиз ўзингизни унга тикилган душман эмас, балки унинг шахси билан қизиқувчи мухлис ёки сұхбатдош сифатида кўрсатасиз». Бу мутахассиснинг кейинги маслаҳатлари ҳам жуда аҳамиятли: «Ҳар қандай машхур шахс билан сұхбатлашишдан аввал мурожаат қилишнинг маъкул шаклини топиш лозим. Буни сиз унинг котибасидан ёки бошқа маълумотномалардан билиб олишиниз мумкин».

Б.Уолтерснинг ўз коидалари бор. Булар:

*1-қоида* — «Самимий ва табиий бўлинг».

*2-қоида* — «Ҳеч қачон ўз мавқеингизни ошириб кўрсатманг. Айниқса, бу мавқе заиф бўлса, ёки умуман бўлмаса».

*3-қоида* — «Агар сұхбатда жимлик пайдо бўлса, уни «доно маслаҳатлар» билан тўлдириш истагидан воз кеча олинг».

*4-қоида* — «Ҳеч қачон мутахассисларга уларнинг ишларига оид маслаҳатлар берманг».

*5-қоида* — «Кайфиятингиз дўстона бўлсин».

*6-қоида* — «Тўхта! Кўп! Тингла!»

«Тўхта!» — тайёргарлик ишларини олиб бор. Рўй берадиган вазият ёки сұхбатдошинг ҳакида мумкин қадар етарли маълумотга эга бўл. Бирдан мураккаб ва чигал муаммолар бағрига ўзингни отма демакдир.

«Кўр!» — сұхбатдошинг шахсига ўта синчков муносабат билдири, дегани.

«Эшит!» — айнан эшитиш демакдир. Шунчаки эшитаётгандек кўриниш эмас. Эндиғина иш бошлиётган репортёrlар шу қадар асабийлашадиларки, факат ўз муаммолари (>илан банд бўлиб, сұхбатдошларига қиё ҳам бокмайдилар. Бундай ҳолат ачинарли оқибатларга сабаб бўлади. Хусусан, жавобни эшитмай туриб, тайёрланган рўйхатга биноан салю ёғдириш мумкин.

*7-қоида* — «Оддий сўзлардан фойдаланинг. Ўз мақсадинизни жонли ифодалашга урининг. Ахир шоирлар ҳам, ҳамма одамлар ҳам уларни тушунишларини хоҳлайдилар-ку».

*Хўёди суръати ва жамоа фикрига суюниб*. Репортёрда ўзи-1 [инг яшаётган мухити ҳакида сезувчанлик қобилияти бўлиши керак. Ўз ўрнида, бу сезги жамият фикри ва унинг тадрижийлиги, ўзгарувчанлиги билан боғлиқдир. Қийин топшириқ мисоли ундаги танқисликни «тутиб олиш» лозимдир. Лекин бу топшириқни ечишга ҳар қандай журналист қрдир эмас. Ким бу нарсанинг улдасидан чиқса, у хурмат ва шон-шарафга қозонади. Бундан ташқари битта ягона йўл Сюрки, у ҳам бўлса, репортёрни хатоларга йўл қўймасликка ундан, жамият фикрини ифодалашга ёрдам беради. Шу (шлан бирга, ахолининг орзу-истакларини, умидларини инобатта олиб фикрни баён қилишга ундейди.

Бундай ажойиб истеъод Американинг провинциясида яшовчи кўримсиз, кора танли, тўладан келган Опра Уиннинг телевидудуз бўлишига, барча телетомошибин суюклисига айланишига омил бўлди. Унинг ҳар бир сўзи миллионга баҳоланади. Forbex журналининг маълумотига кўра, 2000 йилда Опранинг даромади (125 миллион доллар) ўйин-

кулги учун энг юкори тўловга эга саноат арбоблари орасида тўртинчи ўринни эгаллади. Ҳозир у ток-шоу маликаси ва АҚШ телевидениесининг биринчи раками шахси деб тан олинди. «ТВ-парад» журналиниң таъкидлашича, унинг сўзи Америка чегараларидан ташқарига қадам кўйган. Опранинг ток-шоуси 10 йилга яқин вақт ичидаги пешқадам хисобланиб, ҳар ҳафта телевизор экрани каршисига 33 миллион америкаликларни чорлайди.

Опра Уинфрининг жамият фикрига суюниши аллақачон афсона бўлиб қолди. Унчалик машхур бўлмаган ёзувчи Марианна Уильямсон Опранинг шоусидаги пайдо бўлиб қолгандан кейинги кундан бошлаб машхур бўлиб кетди ва унинг «Севгига қайтиш» (300 минг тиражли) китоби бир ҳафта ичидаги сотиб бўлинди.

«ТВ-парад» журналиниң тасдиқлашича, таде Ўргап маҳсулоти — бу сифат белгисидир. Унинг ток-шоуси олдин ҳам сифат кўрсаткичи вазифасини ўтаган. Унда меҳмон сифатида иштирок этишининг ўзи киши обрўсини, шуҳратини ошириб юборади ва у Американинг жуда ҳам машхур одамига айланниб қолади. Мадонна, Арнольд Шварценеггер, Пол Маккартни, Джордж Кеннеди, Синди Кроуфорд, Джулія Робертс, Том Круз, Барбара Стрейзанд, Майкл Джордан, Екатерина Гордеева — буларнинг ҳаммаси ток-шоунинг меҳмонларидандир. Ўз навбатида, инжик Майкл Джексон ўзининг ҳаёти ҳақида журналистлар билан гаплашмасликка онт ичган бўлса ҳам, бирданига уйида Опра билан сухбат қуришга розилик берди.

Опра Уинфри ўзи бир неча йиллардан бери ишлаб келаётган «инқироз жанри» — шоуни янги тафсилотлар билан бойитиб, уни кескин ислоҳот ҳам қилди. Ҳатто, унинг услуби ҳам ўзгарди: Опра янги соч турмаги қилдирирди, озди, спорт билан шуғуланишга киришди ва ҳаётга бошқача кўз билан карай бошлади. Унинг шоуси ортиқча эзмалик ва хиссиятларга берилиб кетишдан халос бўлди.

Ҳозир у жамиятни фохишалик, гиёхванд моддалар, беҳаёлик ва зўравонликцан кутқаришга ҳаракат қилмоқда. Шеърият, психология, санъат ҳақида кўпроқ гапирмокда. Опра китоб ва кинони севувчилар шахсий клубини очди. Шунинг учун унинг шоуси янги китоб ва фильмларнинг муҳокамаси билан бошланади. Кўрсатувларида аёлларга

қимматли маслаҳатларини берувчи машхур психолог ва дистилогларни таклиф қилади.<sup>1</sup>

Репортёrlар фаолиятининг жамоатчилик фикрини тасдирилашига доимий йўналтирилганлиги ижтимоий ҳодисаларни кузатишни, ахборотни излаш ва танлашни тақозо этади. Опра Уинфри ва унга ўхшаш кўпгина репортёrlарминг касбий тажрибаси журналистика соҳасида иш бошланганлар учун ниҳоятда фойдалидир.

### Газета мухарририятларининг янгиликлар бўлими

Ҳар қандай нуфузли нашр тезкор ахборотлар бўлимига эгадир. Улардаги репортёrlарнинг асосий вазифаси — турмушнинг барча жабхаларидан янги ҳабарларни излаш, тоғиш, ёзиш ва тарқатишдан иборат. Улар тайёрлаган материалларни: хроника, эълон, янгилик ва қайдларни эълон қилиш одатда «кеча, бугун, эртага» сўзлари билан бошланади. Бу хил ахборотлар мажмуи қоидага кўра биринчи сахифада «Кун янгиликлари», «Кеча, бугун, эртага», «Турли томонлардан дараклар», «Воқеалар тафсилоти», «Энг сўнгти янгиликлар», «Куннинг тафсилоти», «Ахборотлар бюроси», «Кечки даракчи», «Жаҳонда нима гап», «Мамлакатдан дараклар» ва б. рукнлар остида алоҳида ўринда берилади.

Таҳририят-нашриёт ишларига компьютерларнинг тез жорий қилиниши билан репортёrlарнинг фаолиятида жиддий ўзгаришлар юз берди. Эндиликда янгиликларни тайёрлаш амалда конвойер асосида кечади. Ахборот бўлими деярли мамлакатимизнинг барча етакчи газеталари: «Халқ сўзи» - «Народное слово», «Правда Востока», «Мулкдор», «Ўзбекистон овози», «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент», «БВВ», «Пресстиж» - «Пресстиж-Шарқ» ва бошқаларда мавжуд.

Буларнинг барчаси ўзларининг хусусий тавсифидан келиб чиқкан ҳолда ва ўз аудиториясига мўлжаллаб демократик ўзгаришларнинг бориши ҳақидаги қизиқарли ва мазмундор фактларни танлаб олади ва узатади, гарчи бутун манзарани бўлмасада юз бераётган воқеа-ходисаларнинг асосий қисмини етказишга ҳаракат қилади. Тезкор ахборот бўйича маҳсус бўлимга эга бўлмаган мухарририятларда эса

<sup>1</sup> Каранг: ТВ-парад, 2000, 4-17 декабрь, 14-17 б.

янгиликлар билан ишлаш бошқа бўлимлар журналистлари зимасига юкланган.

Уларда қайдлар, интервьюлар, репортажларни, хисобларни тўплашга ва тайёрлашга умуммуҳарририят иши сифатида каралади. Ҳатто республика миқёсидаги газеталарда, масалан «Молодежь Узбекистана»да ҳам янгиликлар бўлимининг йўклигини ўтиш даври қийинчиликлари билан асослаш мумкин - ададнинг қисқартирилиши, нашрнинг даврийлиги, босмахона харажатлари ва газетани манзилга етказиб беришнинг қимматга тушишлиги, муҳарририятлардаги тузилмавий ўзгаришлар шундай қийинчиликлардан хисобланади. Бирок бу муаммоларнинг барчаси янгиликларнинг қисқаришига олиб келмади. Аксинча, кейинги йилларда хабарлар ҳажми тобора ошиб бормоқда. Шу билан бирга ахборотларнинг турли туман манбаларга мансублиги ўқувчилар оммасини қизиқтиримай қолмайди. Шахар газеталаридан шундай бир мисолни келтиришимиз мумкин. Янгиликлар термаси берилган, булар ахборот агентликлари ва матбуот материаллари асосида тайёрланган. Мана уларнинг «Беескхаридан сатрлар:

*Тутунга қўмилган эр-хотин Паневежислик эр-хотин —  
Вацеловас ва Лина Луkenаслар гайритабии рекорд намойиш  
қилдилар. Улар ким узоқ вақт трубка чекиши бўйича ноанъ-  
навий мусобақанинг голиби бўлдилар...*

*Инак рақобатбардошизлик аломати сифатида* Ўз ишини яхши биладиганлар ҳақида одатда шундай дейдилар: «Улоннинг ёғини ялаган». Бундай пайтда киши қандайдир ўнгайсиз ҳолатга тушади. Бунга илоннинг ёғини нима алоқаси бор?..

*Мижоз ҳамиша ноҳақ? Америка компьютер тармоғида* oddий сўзлашиув тилида «Веб» деб аталаған қизиқарли ва таъбир жсоиз бўлса, ажабтовор сайtlар кўплабучрайди. Гарчи сайtlар шундай бўлса-да, нью-йорклик собиқ официант Кристофер Фелингер яратган сайт ўзига хослиги билан ажralиб туради. Уофициантларга калондимоғ ва арзимас чой пули қолдирадиган мижозларга нисбатан ўзларини қандай тутшилик ҳақида маслаҳатлар беради...

*НУОлар Титандан учib келадими?* Кўпчилик олимлар НУОлар бизга коинот қаъридан учib келади деб фараф қила дилар, чунки Күёш тизимида Ердан бошқа кислородли атмосферага эга бўлган биронта ҳам сайёра йўқ...

Тамойилга кўра мақоланинг бундай бошланиши, одатда китобхонни ўзига дарҳол тортишга хизмат килади ва юкори даражадаги репортёрлик маҳоратидан далолат беради. «Оқшом» янгиликлари бўлимининг ходимлари ҳам бундай янгиликлар мажмуини беришда ўз хизмат вазифалари га малакали ёндашганлар. Улар, хусусан ўз газеталарининг муайян мақсадга йўналганилигидан келиб чиқиб, пойттаҳт хаёт мароми анчагина кескинлигини хисобга олиб, иш куни сўнгиди кишиларнинг анча толиққанликларини назарда тутиб ва табиийки, ўз газеталарининг босмадан чиқиши вақтини ҳам хисобга олиб, ўқувчиларга мушоҳада қилиш ва кўнгил очиш тавсифидаги ахборотларни таклиф этади. Бундай материалларни бериш мамлакатимиз репортёрларини тараққий этган журналистика мезонлари даражасига кўтиришга мажбур килади.

Албатта, долзарб ахборотларга эга бўлиш бўйича репортёрлик иши яхши ташкил этилган ва мунтазамлаштирилган бўлиш керак. Шу маънода бошқа нашрлардаги ҳамкаслар амалиётини ўрганиш, тўплаш, имкон борича чет эл тажрибасини ҳам ўзлаштириш талаб қилинади. ТПУ иуқтаи назардан қаралса, «Деловой Петербург» газетаси-иинг усули ўрганишга арзигудекдир. Унинг муҳарририятида ходимлар ичидан танланган маҳсус бир киши (навбатчи) бор, унинг зимасига кундаклик телеянгиликлар, радиодан бериладиган хабарлар, газета, журнал, дайжест, прайс-нашрларда бериб бориладиган ахборотларни кузатиб бориш юкланган. Бундан мақсад узатилаётган муҳим янгиликларни «кузатиб бориш» (матбуот мониторинги) дир. Алоҳида эътиборга молик хабарларни «кузатиб» жамлар экан, муҳарририят келгуси сон мазмунини ишлаб чиқади, ўзи учун устувор йўналиш ва мавзуларни белгилайди. Энг янги хабарлар биринчи ёки кейинги мавзули сахифаларда ёхуд «газетадаги газеталар»да, шунингдек, маҳсус иловаларда ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Масалан, республика нашрларида «Оила даврасида», «Экологик сахифа», «Шахримиз тадбиркори», «Ёшлар пресс-витражи», «Аёллар клуби», «Қонун ва биз» ва х.к.лар каби маҳсус сахифалар бериб борилади. Газетхонлар ахлига яхши маълум — спорт хабарларига газетанинг сўнгги сахифаси бағишиланади.

Хар қандай муҳарририят шуни яхши биладики, хабар — ташриф варакчиаси эмас. Шунинг учун репортёр ўз ўрнини, янгиликларни бериш ва бу борадаги ижобий силжишларга қараб белгилашга уринади хамда эътиборли мавкени эгаллаш учун кўп куч ва билим сарфлайди.

Бирор мамлакатимиз газеталари мавзулар мундарижаси ва тезкорлик борасида ахборотга чанқокликни тўла қондириш даражасига эришид дейишга хали эрта. Ҳануз икки-уч кун кечиккан, баъзан ундан хам кўпроқ муддат ўтиб кетган хабарларни тарқатиш амалиётдан ситиб чиқарилганичайўк.

Респондент буларни яхши пайқайди ва журналистларни малакасизлиқда, сусткашликда айблайди. Бу хусусда баъзи журналистлар каби респондент билан баҳслашиб ёки унга таъна килишга хожат йўқ. Бунинг ўрнига ахборот бўлимларининг репортёrlари ўз иш усуларини такомиллаштиришлари, аудиторияга куннинг долзарб воқеа ва ходисаларини кизикарли фактларни ўз вақтида етказиб бериш устида бош котиришлари мақсадга мувофиқиди.

### Радионинг ахборот дастурлари

Радио бугунги қунда энг арzon оммавий тезкор ахборот воситаси бўлиб қолмоқда. Радио хамма учун бирдек, мунтазам ва хамма жойга кириб бора олади. Шу боис у матбуот ва телевидение билан тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида ўз мавқенин саклаб қолмоқда. Радиорепортёrlар шуни яхши биладиларки, илк хабар (биринчи талқин ёки факт ёхуд ходисаларнинг биринчи баёни) киши онгига тезроқ етиб боради ва иккинчи, учинчиларга нисбатан хотирада чукуррок сакланиб қолади. Зоро, биринчи ахборот (хабар) жуда хам ишончли бўлмаслиги мумкин, лекин тингловчининг хиссиятига, идрокига, мулоҳазаларига самарали таъсири этувчи фаол кўзғовчига айланади. Юқори тезкорликни таъминлашда радио техникавий имкониятларининг хизмати катта. Ахборот эшиттириш каналидаги янгиликлар, кўпинча, воқеаларнинг бошланиши билан бир вақтда тарқалади. Бундай тезкорликка радиомухбирнинг касбий шайлланганилиги, унинг машқ кўрганлиги туфайли эришилади. Радиоахборот қоидага кўра «бугун», «шу дақи-

қаларда», «бугун кечкурун», «хозиргина ... ҳақида маълумот олдик», «муҳбиримиз телефон орқали хабар қиласиди» ва х.к. ифода билан бошланади.

Ўзбекистон радиосининг барча тўрт канали — «Ўзбекистон», «Машъял», «Ёшлар», «Тошкент»нинг ахборот дастурларининг тезкорлиги сўнгти йилларда кескин ошиди ва... бир кеча кундуздаги эшиттириш 73 соатдан ортиб кетди.<sup>1</sup> Бунга кўп жихатдан Би-Би-Си ва «Немис тўлқини» телерадиокомпаниялари билан ижодий алокаларнинг кучайганлиги хам сабаб бўлди. Радиожурналистлар етакчи чет эл ахборот агентликлари, Интернет ва б.ларнинг материалларидан кенг фойдалана бошладилар, бу эшиттириш мазмунини бойитди, ахборот бериш шакллари хам рангбарангланади. 5-10 дақиқалик радиоянгиликлар вақтида хам халқаро, хам ички хабар, фактлар бериб борилади.

Радиоэшиттирувнинг тезкорлиги унинг ҳаммабоплиги билан мустаҳкамланади. Радио дастурлари арzonлиги ва қабул қилишнинг қулийлигига кўра мамлакатимизнинг энг чекка бурчакларида тингловчилар доирасига хам мунтазам етиб боради. Радионинг хамма жойда хозирлиги турмушнинг барча соҳаларига тааллукли янгиликлардан тингловчиларни ўз вақтида хабардор қилишга имкон беради.

«Журналистика» дарслигининг муаллифи В.В.Ворошилов<sup>2</sup> бу хусусда шундай дейди: «Радио чиндан хам ноёб хусусиятлар мажмуига эгадир... Одамлар бошқа ишлар билан шуғулланаётib хам радиони тинглайдилар, шу билан бир вақтда барча ходисалар ҳакида — хам янгиликлар, хам кўнгил очар дастурлар, хам театр, хам бозор — тўғрисида муфассал маълумотга эга бўладилар. Газета ва журналлардан фарқли ўлароқ радио бизнинг уйимизга ҳодиса юз бераётган жойдан шу ҳодиса содир бўлаётган вақтнинг ўзидаёқ маълумот етказишига кобил аён инсоннинг янгроқ овози билан кириб келади. Радио кейинчалик ёқтириб қолинган дастурларнинг ишончли фактларига зарурат туғилганда қайта фойдаланиш учун маълумотларни магнит тасмасига сзиб сакдаб кўйишига имкон беради. Телекоммуникация жвожланган шароитларда радио ўз тингловчиларини йўқотиб кўймади, балки маълумотларни узатишнинг тезкорли-

<sup>1</sup> Ўзбекистон матбуоти, 1997, №3, 2-6.

<sup>2</sup> Ворошилов В.В. Журналистика, 51-6.

ги, дастурларнинг оммабоплиги туфайли эшитувчилар сонини янада оширишга ҳам эришди. Радио эфири вакт та-мойилига кўра шакланади, дастурлар бўйича табакаланади. Ҳаммабоплик, соддалик ва шу билан бирга жонли сўз таъ-сирчанлиги тингловчиларнинг хозирги кунгача радиога со-дикликларининг барқарорлигини таъминлашга имкон ярат-моқда».

Радиодаги ўзига хос тасвир воситаларини мутахассислар иккни гурухга ажратадилар. Биринчиси, — табиий, мавжуд воситалар: сўзлар, шовкин (ходисаларнинг акс-садоли тав-сифи), мусика. Иккинчиси, техникавий воситалар: уларга биринчи галда монтаж киради. Ўзбекистон ахборот бозо-рида нодавлат радиостанциялар — «Водий садоси», «Гранд», «Сезам», «Орият-FM», «Орият-доно», «Ўзбегим таронаси» ва бошқалар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Улар тингловчилар ўртасида катта эътибор қозонган ва туман-дан тортиб, то республика миқёсидаги давлат радиолари билан амалда рақобатлашмоқда. Буларнинг муҳарририят-лари мунтазам равишда тингловчилар мониторингини ўтка-зив туради. Масалан, «Гранд» радиостанциясида «Сизнинг фикрингиз» тадбири ўтказилади. Студиядаги автоҗавоббер-гичга хоҳлаган радиотингловчи кўнғироқ қилиши ва бирор эшиттириш олиб борувчи ҳакида, радиостанциянинг иши-даги ижобий ва салбий томонлар ҳакида ўз фикрини билдириши мумкин.

«Гранд» радиоси бош муҳаррири М.Х.Холмътова «АиФ» газетасига берган интервьюсида шундай дейдёт: «Мен бир қанча ёзувларни эшитиб кўрдим ва жуда қувондим, уларнинг 98% бизнинг ишимииз ҳақидаги илик сўзлардир. Ал-батта, танқид ҳам бор. Биз барча фикр ва истакларни сўзсиз эътиборга оламиз. Шуниси қувончили, хеч ким бизга бе-фарқ эмас экан. Бунинг учун ўз радиотингловчиларимиздан ғоят миннатдормиз»<sup>1</sup>. Давлатга алоқадор бўлмаган радиоэшиттиришларнинг ахборий-кўнгил очар ва ахборий-музикий эшиттиришлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Бундай эшиттиришларнинг ҳар бирига ички ва ташки ҳаёт ҳоди-салари ҳақидаги қисқача янгиликлар киритилган. Улар билан бир каторда эфирга «Зарбхона» («Монетнй двор») тарзидаги янгиликларнинг мавзули блоки ҳам узатилади.

<sup>1</sup> Аргументн и фактн, 2000, 10 феврал, 6-сон, 20-6.

Хозирги ҳолат шундайки, нодавлат радиоканаллар сонининг ошиши билан уларнинг ахборот хизмати ҳам кенгаяди ва тобора йириклишиб боради. Рақобат эса янада кескинлаша-ди, аммо бундан тингловчи факат фойда кўради.

### Телевидениенинг ахборот дастурлари

XXI асрни ҳар хил ном билан — компьютер, космос, илмий аср, юқори технологиялар асри деб атайдилар. Лекин уни яна телевидение асри деб ҳам аташ мумкин. Зеро телевидениенинг самараси юқори. Хозирги пайтда сиёсий ар-боб, тадбиркор, сармоядор ва оддий фуқаронинг ҳаётини «зангори экран»нинг ахборот дастурларисиз тасаввур этиш мушкул. Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат ТВсининг 4 та канали ишлаб турибди. Биринчи канал — асосий, умумий. Уни ижтимоий-сиёсий ва ахборот шарҳдови канали деб хисоблаш мумкин. Кўрсатувлар, асосан, ўзбек тилида олиб борилади. Иккинчиси — «Ёшлар» канали — ахборий-томо-шавий кўрсатувлар канали. ЎзТВ-3 мамлакат пойтахти ва Тошкент вилояти учун кўрсатувлар бериб боради. Тўртинчи - ҳалқаро канал — унда 10 тилда кўрсатув борилади, шулар орасида рус тилидаги кўрсатувлар вақти кўпроқ.

Юкоридагилардан ташқари Ўзбекистон ҳудудида 12 та иилоят телерадиокомпанияси, шу жумладан, Қорақалпо-ғистон мухтор республикасининг телерадиокомпанияси, шунингдек 39 та нодавлат, хусусий телестанциялар фаоли-ят кўрсатади.

Пулли «Камалак» телехизмати сунъий йўлдош ТВси ор-қали Би-Би-Си, Си-Эн-Эн, «Немис тўлқини» ва Россия гслерадиокомпаниялари билан боғланади. Илгарилари бу мутлако мумкин бўлмаган. Булардан ташқари, Ўзбекистонда кабелли телеканал мавжуд, лекин, бу асосан, кўрсатув уза-тилмайдиган станциялар; кассетали ва матнли ТВ бизда ҳали расм бўлгани йўқ. Агар киёсланса АҚШда аҳолининг ярми кабел телевидениесидан баҳраманд бўлади.<sup>1</sup>

Ўзбекистонинг матбуот нашрларидан фарқли ўларок, иуларнинг адади аҳоли умумий сонига нисбатан 10% (2,5 млн.)ни ташкил этади, телевидение ва радио аҳоли кенг

<sup>1</sup> Голь средств массовой информации в переломные периоды XX века. Т.: К. Аденеуэр фонди, 1998, 15-6.

катламини камраб олади. Булар оммавий ахборотнинг умум-миллий каналлари бўлиб қолди.<sup>1</sup>

Мазкур телестудия ва каналлар ўз таркибида маҳсус ахборот дастурлари ва кўрсатувларига эга. ЎзТВ-1 да, бу — кундалик тонгги ахборот-музиқали «Ассалом Ўзбекистон» дастури, хафталик ахборот-таҳдилий «Таҳлилнома» дастури, шунингдек, хафталик инглиз тилидаги «FC1Ч» ахборот кўрсатуви (Flrsl; Сраппел ИеъУ8 - Биринчи канал янгиликлари), кундалик — «Новости» — «Янгиликлар» ахборот кўрсатувлари ва «Ахборот» дастури ўзбек ва рус тилларида берилади. ЎзТВ-2 да «Давр» кундалик ахборот дастури, ЎзТВ-3 да — кундалик «Пойтахт» ахборот дастури ва «Экспресс» телегазетаси. ЎзТВ-4да ахборот кўнгил очар-музикий «Доброе утро!» телеканали, «Новости», «Сегодня в мире», «Время» (ОРТ, Россия), «Вести» (РТР, Россия), «Янгиликлар» (Дурдаршан, Хиндистон), якшанба кунлари — «Тонг» ахборий кўнгил очар дастури.

Нодавлат телеканалларида хам ўз ахборот хизматлари мавжуд. Улар ЮНЕСКО, «Интерњюс нетуорк», «АНЕСМИ», «Каунтерпарт Консорциум», К.Аденайэр, Сорос, «Евразия» фондлари, «ТАСИС» лойихаси ЮСИА (АҚШ) ахборот агентлиги каби халқаро ташкилотлар билан ижодий ҳамкорлик натижасида ташкил этилган. Масалан, СТВ (Самарқанд)да ҳар куни эфирига «Хабарлар» уч (ўзбек, рус, тожик)<sup>2</sup> тилда берилади. Марғилон ТВсида 3 та янгиликлар дастури - кундалик шаҳар ва минтақа янгиликлари; сешанба ва шанба кунлари — шаҳар янгиликлари; шунингдек, якшанба кунлари — таҳлилий «Водий ахборот дастури» тайёрланади.<sup>3</sup>

Кўкон «Мулоқот-ТВ»сида «Ассорти» ахборот кўрсатуви бўлиб, унда спорт янгиликлари ва мусика бериб борилади. Гулистон Алока-АҚ телестудияси ҳар куни эфирига «Лаҳза» («Мгновение») ахборот дастурини узатади. У Сирдарё вилояти ва вилоят марказида юз берган сўнгги ҳодисалар, воқеалар асосида тайёрланади, шунингдек, хафталик «Хабарлар» — ўзбек тилида ва «Гулистанские новости» — рус тилида бериб борилади.

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 57-6.

<sup>3</sup> Вестник-ТВ. Интерњюс-Ўзбекистан, 1999, ноябрь, 21-сон.

Нодавлат телестудиялар ўз ахборот дастурлари ва кўрсатувлари билан бир қаторда эфирига айирбошланадиган «Интерњюс-Ўзбекистон» билан ҳамкорликда тайёрланган «Замон» кўрсатувини узатади.

Бу ахборот дастурлари, кўрсатув ва хизматлар бир тахлитда эмас. ЎзТВ-1 «Ахборот» дастури эфирига ўзбек ва рус тилида узатилиб, анъанавий расмий макомини саклаб келади. ЎзТВ-2 нинг «Давр»и эса «Ахборот»дан ўзига хос ютуғи билан ажралиб туради. Мухими, «Давр» материалларни бериб бориш шаклига кўра бир оз бўлсада, лекин Си-Эн-Эн, Би-Би-Силарни эслатади. Хусусан, «Давр»да Си-Эн-Энга хос «БеасШп» — «сарлавҳалардаги янгиликлар»га ва ранг-баранг «Ееес йиларга самарали мурожаат этилади.

Нодавлат электрон ОАВ «Замон» янгиликлар дастурида асосий эътибор танқидий кўринишларга қаратилади. Аммо, хусусий ТВларда баъзи чўзиқликлар олиб борувчиларнинг маҳорати етишмаслиги каби кусурлар кўзга ташланади. Лекин, умуман, кейинги вактларда ахборот блоклари такомиллашиши томон юз туттганлиги, янгиликларнинг мавзуи нуқтаи назаридан репортёrlар ишида маҳоратнинг ўсганилиги аниқ сезилмоқда.

Бунда асосий оғирлик шархларни ўкувчи — дикторлар зиммасига тушади. Чунки, инглиз журналисти Б.Льюис таъкидлашича, бу иш матн мазмунини тезда илғаб олиш қобилиятини талаб қиласди, материалларнинг кўпчилик қисми эса энг сўнгги дақиқаларда, эфирига чиқиш пайтида келади.

Бунда узатиш мароми бошқаларига караганда анча жадал. Ҳар бир телекомпанияда муайян даражадаги ўзига хосликлар хам кузатилади: баъзи студияларда янгиликларни ишонарли, дўстона оҳангда беришни ёқтирадилар. Бошқа студиялар анча сипо, деярли расмий оҳангни афзал биладилар. Аммо кўпчилик студияларда эшиттиришлар кандайдир умумий оҳангга эга, буни оғзаки нутқнинг телекўриниши, деб хисоблайдилар.

Факат материалларни ўқишига ихтисослашган (масалан, Би-Би-Си телевидениеси янгиликлар хизматидагидек) сұхандон-шархловчиларда йиллар мобайнинда муайян вазиятга хос нутқий малака ҳосил бўлади ва улар учун бошқа дастурларда табиий суръатда гапириш кўпинча осон бўлмай-

ди. Шунга кўра унча катта бўлмаган телестудиялардаги диктор-шархловчилар анча қулай шароитда бўладилар, улар мунтазам равишда нутқ үслубининг турли товланишларини ижро этиб, ўзгаришларга одатланиб қолганлар.

Ахборот дастурларида сухандонларнинг муваффақиятли ишлаши учун қуидагилар жуда ҳам зарур: сиёсий янгиликлар ва жорий ҳодисаларга бўлган жонли қизиқиш, янгиликлар моҳиятини чукур англаш, телекўрсатувларга ахборотни етказишга чин дилдан интилиш. Буларсиз кўрсатув зерикарли ва ланж бўлади.<sup>1</sup>

## Ахборот агентликлари

Ер қуррасида хозирги кунда 200 дан ортиқ давлат мавжуд. Шуларнинг 160 дан ортиғида миллий ахборот агентликлари фаолият кўрсатади. ЮНЕСКО маълумотларига кўра бу агентликлар ўз фаолият кўлами тавсифига кўра бир таҳлитда эмас. Уларни шартли тарзда уч тоифага ажратиш мумкин:

1) жаҳон миқёсидаги агентликлар. Улар сирасига Юнайтед Пресс Интернейшнл (ЮПИ) ва Ассошиэйтед<sup>1</sup> Пресс (АП) – АҚШ; Британия Рейтер агентлиги, француз Ажанс Франс Пресс (АФП), шунингдек, - Россиянинг ИТАР-ТАСС (собиқ ТАСС), РИА - «Новости» (собиқ АПН) кабилар киради;

2) ҳалқаро аҳамиятга молик миллий агентликлар. Булар факат ўз мамлакатлари учунгина эмас, балки мамлакатлар гурухи ёки минтақаларга ҳам ахборот етказиб беришга қобил. Масалан, Германиянинг ДПА агентлиги Европа марказини қамраб олган. Мисрнинг МЕНА агентлиги бутун араб Шарқига ахборот етказиб беради, Киодо Цусин (Япония) ва ПТИ (Хиндистон) агентликлари Осиёдаги икки йирик мамлакат учун янгиликлар тайёrlайди ва бутун Осиё қитъасини таъминлайди;

3) қолганларининг барчаси - миллий ахборот агентликлари. Уларнинг баъзилари ривожланган мамлакатларга таалуклу. Улар гарчи агентлик мавқеига эга бўлса-да, аслида ҳукумат матбуот хизмати ёки Ташки ишлар вазирлиги хузуридаги матбуот бўлими хисобланади.

<sup>1</sup> Льюс Б. Диктор телевидения, 32-33 б.

Ҳукумат манбаи асосида фаолият кўрсатадиган ахборот хизматлари, қоидага кўра, ахборот бюллетенлари нашри билан шуғулланади. Булар, масалан, Африкадаги кўпчилик мамлакатларда кундалик газетанинг ўрнини босади.

Ана шундай катта-кичиклик, бир таҳлитда эмаслик холатида янгиликлар «конвејери» устидан мутлок ҳукмронликка «катта олтилик» - ЮПИ, АП, Рейтер, АФП, Итар-ТАСС, РИА «Новости»лар дъяво қилишлигини тушунса бўлади.

## Ахборот агентликлари тарихига бир назар

Шулардан биринчиси XIX асрнинг биринчи ярмида ташкил этилган. 1835 йилда асли венгер бўлган Франция фуқароси Ш.Гавас Парижда газеталарни ахборот билан таъминлаш бюросини очади. У «Гавас агентлиги» номи билан 100 йилдан ортиқ фаолият кўрсатади. 1855 йилда «Гавас» ходими П.Рейтер Лондонда хозиргача ишлаб келаётган Рейтер агентлигини очади. «Гавас»нинг бошқаходими Б.Вольф 1849 йилда Берлинда «Вольф-Телеграф-Бюро» матбуот агентлигини тузади. АҚШдаги биринчи телеграф агентлиги - «Нью-Йорк Ассошиэйтед Пресс» 1847 йилда ташкил этилган. Кейинчалик яна бир нечта телеграф агентликлари — «Истерн Ассошиэйтед Пресс» - (Шарқий матбуот уюшмаси), «Уэстэрн Ассошиэйтед Пресс» (Фарбий матбуот уюшмаси) ташкил топади. 1892 йилда «Юнайтед Пресс Ассошиэйтед» тузилади ва у нисбатан оз вақт фаолият кўрсатади. Уларнинг фаолияти шу билан фарқланганки, факат АҚШ ичидагина ахборот тўплаб тарқатганлар.

1870 йилда Европанинг уч телеграф агентлиги — Гавас, Рейтер ва Вольф - ўртасида шартнома тузилади, бунга Америка Ассошиэйтед Пресс агентлиги ҳам кўшилади. Бу шартномада улар томонидан Ер қуррасини ўзаро таксимлаб олиш кўзда тутилади. Унга кўра Гавас агентлиги ахборотларни ва уларни тарқатишни ўз қўлига олади. Уларни газеталар, жамоатчилик фикрига етказувчи бошка органлар орқали Франция, Швейцария, Италия, Испания, Португалия, Миср, Марказий ва Жанубий Американинг барча мамлакатларида тарқатади. Рейтер эса Буюк Британиянинг барча худудларида, Туркия, Узок Шарқ ҳамда Мисрда тарқатади.

Вольф Германия, Австрия, Голландия, Скандинавия ва Болкон мамлакатлари хамда, Россияда шундай ишни амалга оширади. Ассошиэйтед Пресс эса ўз хабарлари билан Европа ва Осиё ахборот бозорига чиқа олмайди. АКШ худудига тўплланган хабарларни Рейтер, Гавас ва Вольфга бериши мумкин эди, холос. Булар олган хабарлар шартномага кўра «ўзлариники» бўлган Ер курраси қисмларида таркатгандар.<sup>1</sup>

Россияда биринчи РТА телеграф агентлиги 1869 йилда тузилган, кейин Халқаро — МТА (1872), Северное - СТА (1882) ташкил топди. Бу агентликлар барчаси хусусий эди. Биринчи умумrossия агентлиги 1894 йилда тузилади. 1904 йилда эса Сакт-Петербургда хукумат телеграф агентлиги таъсис этилади. 1918 йилда Петроград телеграф агентлиги (РОСТА) ташкил топади. 1925 йилда ТАСС (Телеграфное агентство Советского Союза), кейинроқ эса Иттифоқдош республикалар телеграф агентликлари ташкил этилади. 1961 йилда - жамоатчилик «Новости» матбуот агентлиги (АПН - хозирда РИА «Новости») тузилади.

Уларнинг вазифасига ахборотни ташкил этиш, йиғиш, саклаш, тарқатиш ва шартнома асосида газета<sup>2</sup>журнал, радио, телевидение, китоб нашриётлари, хукумат муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, хатто, якка шахсларни ахборот билан таъминлаш киради. Масалан, ЮПИ иқтисодий тавсифдаги маҳсус бўлинмалари, янги биржа хабарлари ва бошқа тижорат хабарларини кўриб чиқиш билан шуғулланади, бу мақсадлар учун агентлик маҳсус компьютер техникаси билан жиҳозланган.

Барча агентликлар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётта оид кўплаб хабарларни етказади. Тезкорлик, хабар тарқатиш кўлами, жамоатчилик фикри, сиёсий жараёнга таъсир этиши кўлами бўйича улар бошқа ОАВлар ичизда етакчилик қиласди.

Жаҳон агентликлари фаолиятида жадал ривож топаётган ахборот технологиялари улкан аҳамиятга эга бўлмоқда, улар бой маълумотлар мажмуини ташкил этиш ва исталган масофага ахборот етказиб беришни таъминлашга имкон беради. Улар кеча-кундуз мобайнода миллионлаб

<sup>1</sup> Пальгунов И.Г. Основы информации в газете. ТАСС и его роль. — Москва: МШ. 1955, 13-6.

сўзлардан иборат хажмда хабар йигади, 150 дан ортик мамлакатда ўз обуначиларига эга.

Интернет пайдо бўлиши билан ахборот агентликларининг ахволи тубдан ўзгарди. У ўз моҳиятига кўра, юқорида қайд этилганидек, хам янги технология, хам хабарларнинг бой манбаи, хам газета, журналлар, ТВ, РВ ва хужжатли кино билан бир қаторда оммавий алоқа воситаси хамдир.

Интернет — янги жаҳон ахборот агентлиги хамдир, у интерфаол телевидениедан хам устундир. Зеро, унинг таромига хар бир боғланувчи жаҳоннинг энг йирик кутубхоналари жамғармасидан бошлаб, то хусусий ахборот манбаларидан энг ранг-барагн ахборотларни чекланмаган миқёсда олиш имконига эга. Хозирда Интернетга барча йирик ахборот агентликлари боғланган.

Жаҳоннинг йирик ахборот агентликлари, юқорида қайд этилганидек, аллақачон Ер куррасининг у ёки бу минтақасига ахборот бўйича таъсир доирасини ўзаро бўлишиб олган. Улар, америкалик тадқиқотчи У.Рид фикрича, миллатлараро ахборот трестига айланганлар. Ва бошқа мамлакатларга шундай сингиб кетганларки, таъбир жоиз бўлса, «ҳар ерда хозиру нозирлик» улар учун жуда хос. Шу муносабат билан 1973 йилдаёк Тампере (Финляндия)даги ахборот айирбошлаш муаммолари бўйича халқаро симпозиумда Финляндиянинг президенти У.К.Кекконен ҳолис тадқиқотчилар кузатувларидан хулоса қилиб, шундай деган эди: «ривожланаётган мамлакатлар... Фарбнинг саноатлашган индустрисал мамлакатларидан ахборот экспорт қилишдек саҳоватга дучор қилинганлар... Ахборот империализми — жаҳон майдонидаги ахвол шу». Бундай тажовуз бугун кун тартибиغا қатор муаммоларни, аввало, халқаро ахборот тарқалишини мувофиқлаштиришни талаб этади. Унинг хуқуқий, ахлоқий, этник-менталитет ва конфессионал жиҳатлари минглаб халқаро ташкилотлар дикқат марказида турибди, уларнинг хар бири маълум даражада ахборот воситалари билан қуролланган ва бунда биринчилик, албатта, БМТ ва ЮНЕСКОдадир.<sup>1</sup>

Аслида, ахборот агентликларининг фаолияти куйидаги намунавий максадлардан иборат бўлиши керак:

<sup>1</sup> Новая ООН — для нового века, 11-6.

- сиёсий — мафкуравий вазият ва тазииклардан, миллатчилик ва диний экстремизмдан, ақидапарастилик ва буюк давлатчилик васвасидан холи бўлиш;
  - оз сонли миллатларни, етишиб келаётган ёш авлодни ахборот соҳасидаги, айниқса, ахлоқ ва мъянавият соҳасидаги манфаатини химоя қилиш;
  - миллий тил ва маданиятни, тилни мустаҳкамлаш, ҳар кандай маданий тажовузга қарши туриш, бадиий ва илмий меросни тақдим этиш;
  - ахборотни ракам шаклида узатишни таъминлайдиган лойихаларни амалга ошириш;
  - шахс ва жамиятнинг ахборий хавфсизлигини, шунингдек компьютер ва юқори технология соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашни таъминлаш;
  - аклий меҳнат натижаларини химоялаш;
  - ҳалқчил, ҳалқпарвар очик давлат шакллантириш ҳамда фуқаролар билан мулоқотни кенгайтириш учун ахборот воситаларидан мақсадли фойдаланиш.'

## Ўзбекистон ахборот агентликлари

Мустақил Ўзбекистонда учта агентлик: ЎЗА, «Жаҳон», ва «Туркистон-пресс» фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎзТАГни Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)га айлантириш түғрисида»ги Фармонига биноан у мустакил ахборот агентлигига айланди.

ЎзАнинг асосий вазифаси Республика миқёсида ва республикадан ташкарида хабарларни йиғиш ҳамда давлат органлари ва ижтимоий бирларни шунингдек, хусусий шахсларга етказишдан иборат.

ЎЗА хабарлар йиғиш ва тарқатыш бўйича фаолиятини сиёсий ҳамда ижтимоий ташкилотлар доирасидан мустақил равишда амалга оширади. Ўз тасаррӯфидаги имкониятлар миқёсида у мамлакатда ва ундан ташқарида ахборот марказлари, бўлимлари ҳамда муҳбирхоналарни мустақил таъсис этиш хукукига эга.

ЎзА Туркия ахборот агентлиги билан иккى томонлама ахборот айрибошлаш ҳақидаги шартнома асосида түғри-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 12-6.

дан-түғри алоқаўрнатган ва бунда ИТАР-ТАСС алоқа каналидан фойдаланади.

ЎзА ИТАР-ТАСС ва бошқа чет эл агентликлари билан шартномаларни, барча турдаги хабарларни олиш (сотиб олиш) хақидаги битимларни айирбошлиш шарти билан ёки ишлаб чикариш хамда бошқа сохалардаги хамкорлик асосида тузади.

ЎЗА бош таҳририят, республика ахбороти ва ҳалқаро ахборот, шунингдек, таржима, фото ва тасвир таҳририятларига эга. Унда ҳаммаси бўлиб 80 киши ишлайди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги 1995 йил ноябрда ташкил этилган. Унда 60 дан ортиқ ходим бўлиб, улардан 10 нафарга яқини мамлакатнинг чет эллардаги ваколатхоналарида ишлайди.

Күйидагилар унинг асосий вазифаси ҳисобланади:

- Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий-иктисодий хаёти ҳакида чет эл мамлакатларига тезликда хабарлар етказиш учун миллий АА ва халқаро ахборот марказлари билан доимий алоқани таъминлаш;

- чет элларда халқаро ҳамкорлик учун Ўзбекистоннинг имкониятлари ҳақида ҳикоя қилувчи ахборот бюллетенлари, маълумотномалар, каталоглар, газета, журналлар ва бошқа нашрий ҳамда компьютер, фото-аудиовизуал маҳсулотларни чоп этади ва таркатади;

- халқаро ташкилотлар иқтисодий фаолияти шароитлари хакидаги хабарларни республика ичидә йигиб таркатали;

«Жаҳон» ААнинг тузилиши маъмурият (директор ва котиб) ҳамда ўнта хизмат (тахририй-нашрий ахборот дастурлари, брифинг ва матбуот конференциялари, молиявий-иктисодий хизмат, кадрлар билан ишлаш кабилалар)дан иборат.

«Туркестон-пресс» ахборот агентлиги ўз фаолиятини 1997 йил охиридан бошлаган. «Туркестон-пресс» агентлигининг вазифалари эса куйилагича:

- Ўзбекистон хаёти ва дунё воқеалари хакида холис ахборотларни тўплаш, саралаш, тарқатиш;

- сайёхлик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, ватандошлар ва чет эллик фукароларга, корхоналарга комплекс сайёхлик хизмати күрсатиш;

- реклама, нашриёт-матбаачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, рекламали, мусиқали клипларни тайёрлаш, видеомуҳандисларни тарқатиш, спорт ва санъат байрамларини ўтказиш;
- ўзининг маҳсус телеканали ва радиоканалига эга бўлиш;
- ноширлик ва матбаачилик фаолиятини амалга ошириш;
- ахборот тарқатиш бўйича чет эл иш тажрибаларини ўрганиш ва ўз фаолиятига тадбиқ этиш;
- ички ва ташки ахборот бозорига ахборотларни сотиш, иқтисодий, илмий, маърифий ва оммабоп пуллик хабарномалар чиқариш, уларни хар куни модем алоқаси орқали мижозларга тарқатиш.

## 4-МАВЗУ. ОММАВИЙ АЛОҚАЛАР

Замонавий ахборот бозорида оммавий алоқалар (РК) хизматлари ижтимоий аҳамиятта молик ахборотларни тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланади. Пресс-релиз, дайжест, буклет, проспект, бюллетенлар чиқаради, матбуот конференциялари, журналистлар билан сұхбатлар ташкил этади, мамлакат ва чет эл ОАВларга янгаликларни етказади, шунингдек, оммавий алоқа воситаларидағи материаллар, ўзлари фаолият құрсақтаёттан идоралар доирасидаги органлар, институтлар, муассасалар ва тузилмаларнинг раҳбарлари учун таҳлил этади. РК хизматининг асосий вазифаси, биринчидан, хусусий фирмалар, корпорациялар, вазирилклар, департаментлар, ўз-ўзини бошқариш маҳаллий идоралари ва блар учун қулаг 11уфуз яратишдан иборат. Иккинчидан, улар янги маҳсулотни, ноу-хау ва инновация, ташаббус, ўз «товар белгиси»ни мунтазам ва мақсадға мувофиқравища reklama қилиш. Учинчидан, бозорни изчили тадқиқ этиш, таваккалчилек стратегиясини ўрганиш, яъни маркетинг бўйича тадбирлар мажмумини амалга оширишdir. Буларнинг барчаси бир томондан жамоатчилик фикрини аниқлаш учун, иккинчи томондан, бу жараённи демократия мезонлари доирасида бошқариш учун зарур.

### Оммавий алоқалар тарихидан бир шингил

РК фаолиятнинг ибтидоси XX аср бошларида жадал риоижланишни бошлаган АҚШнинг йирик бирлашма (корпорация)лари фаолият билан боғлиқ. Бу уюшмалар жамоатчилик билан алоқалар олиб бориш бўйича ўз хизматини ташкил этар экан, ўзларининг тараккий этишлари ҳакида қайтурадилар, товарлар бозори пештахталарини эгаллашга ва бу товарлар паблисити яратиши (олға босиши)га интиладилар. Корпорация эгалари оммавий алоқаларда ўз қиёфалари мақомини яратишга нихоятда инжиқлиқ билан муносабатда бўладилар ва бунга ўзларининг ижтимоий имтиёзли мақомга эга сиймолари орқали эришадилар. Шу мақсадда улар пресс-бюллетень, пресс-релиз ва х.к.лар орқали турли ха-

барлар тарқатадилар ва бу ахборотларда таклиф этилаётган товар ва хизматлар, ўзларининг янги ишланмалари хақида лўнда ва аниқ маълумотлар беради. Буларда асосий диккат эътибор бозорни кенгайтиришга қаратилади. Бундай материаллар газета ва журналларнинг таҳририятларига жўнатилади. РК — хизматлари йирик ва машҳур нашрлар учун материаллар тайёрлайди. Бу ишда улар файритабиий интилувчанликни ва ижодкорликни намоён этадилар. Корпорация ўюнтирган ҳар бир таксимот журналистларсиз ўтмайди. Такдимот жараёнида таҳририятнинг вакиллари иштироқчиларни реклама буклетлари, ўзлари ишлаб чиқарган янги маҳсулотларнинг фотосуратлари билан таъминлайдилар. Бундан ташкари, фирма ва корпорацияларнинг муваффақиятлари хақида экспозиция ўтказадилар, бунда америкаликларнинг гуллаб-яшнаши борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар, спорт ва маданиятга ҳомийлик килиш, шунингдек, ижтимоий химоясиз гурухларга бегараз ёрдам бериш хақида батағсил ва самарали хикоя килинади. Шу билан%ирга ОАВ ривожланиши хусусидаги ўз хабарлари хақида айтиб ўтишни хам унугтмайдилар.

Бундай тадбиркорлик тажрибаси тезда сиёсатдонлар томонидан пайқаб қолинади ва улар бундан ўзларининг популлистик мақсадларида мохирона фойдаланади. Америка президенти Вудро Вильсон сиёсий РКнинг отаси хисобланади. У ўз сайлов олди тадбирларида хақикатта тўтри келмайдиган фотосуратлардан фойдаланади.<sup>1</sup> 1917 йилда айни шу Вильсоннинг ўзи биринчи жаҳон уруши кетаётган вақтда жамотчилик фикрини бошқариш мақсадларида «ижтимоий ахборот» бўйича федерал кўмита таъсис этади. Шундан кейин кўп ўтмай республикачилар хам, демократлар партияси хам ўз РК — оғис<sup>2</sup> ини ташкил этади. 1933 йилда РК бўйича маслаҳат органи Калифорнияда таъсис этилади. 1970 йилга келиб бундай маслаҳат органларидан АҚШ, Буюк Британия ва бошқа кўпгина мамлакатларда кенг фойдаланила бошланади.

Бу шундан гувоҳлик берадики, хукуматлар ўз нуфузлари канча мухим эканлигини аллакачон яхши тушуниб ол-

<sup>1</sup> Титъег. Н. Магкеит§ РоҶиң. Тъе Атепсашгапоп 01"§0Уегпеп11пютгаиоп Polky т 1бе 1Ж, согFегенсе paper резеппед lo Ше Атепсашгапоп оғ Сийште Согегенсе 3^апаеа, 5еп1етъег, 1992, Р-3.

<sup>2</sup> РК-оғис - Риб҆ц 1пютгаиоп оғое — Ижтимоий ахборот оғислари.

ганлар. Шунинг учун баъзи хукуматлар жамоатчилик фикрини бошқариш мақсадида кўз кўриб, кулоқ эшитмаган усусларни кўллади. Нима учун? Бунинг сабаби жуда оддий ва у бутун XX юз йиллик мобайнода ўзгаргани йўқ. Ғарблик тадқиқотчи Тамбер таъкидлашича, «... гарчи жамоатчилик фикрини чалғитиши тутуми (тактикаси) ўзгарган ва у маъмуриятдан бу маъмуриятга ўтганда ривожланган бўлса-да, мақсад ўша-ўша, — яъни расмий сиёсат бўйича ягона фикр (ёки консенсус)га эришиш бўлиб колаверган».

АҚШдаги етакчи сиёсий партияларнинг РК ташкил этиш тажрибасини Буюк Британиядан ўзлаштириб оладилар. Қизизи шундаки, Ғарб сиёсатдонларининг фикрига кўра, лейбористлар ва консерваторлар партиялари ўргасидаги фарқ энди 15-20 йил аввалигি холга ўшамайди. Сайловда ғолиб бўлиш учун улар тез-тез ОАВ соҳасидаги мутахассисларнинг маслаҳатларига мурожаат қилишига мажбурдирлар.

«Аммо сайловдан ўтиб олгач, сиёсатдонлар ОАВларининг уларни кўллаб-куватлаши арзимас даражада бўлган деб хисоблайдилар».<sup>1</sup>

Шундай килиб, РК сиёсий усулларидан кенг фойдаланиш ОАВ ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқа бир ғарблик эксперт Куолтер асосли таъкидлашича, «бизнинг давримиз ахборот воситаларини кашф этиш билан эмас, балки ОАВга, анча кенг кўламли газеталар, турили хил журналлар, радио, телевидение ва миллионларга етиб борадиган бошқа хамма нарсаларни камраб оладиган терминни сингдириш билан тавсифланади».<sup>2</sup>

ОАВлар орасида хукумат РК ларига нисбатан энг мухими телевидение бўлиб қолмоқда. Масалан, АҚШда биринчи марта 1960 йилдаги президентлик сайловлари вақтида Жон Кеннеди ва Ричард Никсонлар ўргасидаги телемулоқот вақтида телевидение мухим аҳамият касб этди. Бу, айтиш мумкинки, тарих ҳали кўрмаган энг машҳур президентлар мулокоти эди. Улар ҳар қандай номзод учун сайловчилар олдида ўзларини, таъбир жоиз бўлса, фариштадек килиб кўрсатиш нақадар мухимлиги тўғрисидаги фикрпи илк бора тасдиқдилар. Телевизор учун истараси ис-

<sup>1</sup> Титъег, 25-6.

<sup>2</sup> (иайег Т.Н. Ортип Conlrol т Ге Оетосгааея. ҶошЗоп, МастиШап, 1985, Р-197.

сик бўлган Кеннеди ўзининг ёши анча катта бўлган рақиби олдида сезиларли устунликка эга эди. Буни мулокотдан сўнг дархол жамоатчилик фикрини билиш учун ўтказилган сўровнома хам яққол тасдиклайди. Мулокотни радиодан тинглаганлар Никсон яхши гапирди деган холосага келадилар, лекин мутлоқ кўпчилик, яни мулокотни ўз «зангори экранлари» орқали кузатганлар эса, мулокотда Кеннеди ютиб чиқди, деб хисоблайдилар. Ҳамон кўпчиликнинг ёдида, Никсон эфирга чиқицдан олдин соқолини олишни унугтан экан: шунга асосланиб кўпчилик «Никсон шундай шахс-ки, унга ишониб бўлмайди», деган холосага келган.

Рейган ва унинг командаси сиёсий РК ни ривожлантириш йўлида янада илгарилаб кетди. Робинсоннинг фикрича, Вьетнам ёки Уотергейт шармандаликларидан чиқарилган холосалар (хукуматдаги стратеглар томонидан хукумат учун ОАВ даги кўпчилик материалларнинг оҳанти ва шакли ўта қониқарсиз, деб чиқарилган холосалар^хукумат томонидан янгиликларни назорат килиш зарурлиги ҳақидаги муаммони ўргага кўйди.<sup>1</sup> Кейинчалик бунга янгиликларни манипуляция қилишнинг хуфя жараёни орқали эришилди. Рейган маъмурияти ишлаб чиқкан усуллардан кўпчилиги Б.Клинтон даврида янада ривожланди.

Буюк Британияда хам сиёсий РК га эътибор кучайланлиги кўзга ташлана бошлади. 1977 йил бу борадаги кескин бурилиш йили, деб хисобланади, бу вақтта келиб шубҳали реклама кампаниялари, ахоли сўровлари, спин — докторлар (ОАВ учун воқеаларни мақбул тарзда талқин қилиш учун ёлланган сиёсий арбоблар — муаллиф таъкиди) фаолиятини ўтказиш учун реклама агентликларидан, хушёкар фотосуратлардан кенг фойдаланила бошланди. Бу усулларнинг барчаси охир оқибат АҚШдаги сайлов технологиясининг ажralмас қисми бўлиб қолади. Булар кейинчалик халқаро миқёсда хам кенг қўлланилади.

## Ўзбекистонда Оммавий алоқалар

Ўзбекистонда хам РК хизмати, агентлиги ва марказлари жамоатчилик билан алоқа тизимида янги ташкилий тузилма сифатида шакллана бошлади.

<sup>1</sup> Қаранг: ҒанкНп, В. Раскағтпш РОМЙСИЙ, Ҷопдол Шдаагд АтпюМ, 1994, Р-47.

Буларни бир неча турга бўлиш мумкин:

- **сиёсий РК лар** — бунга матбуот котибиятлари (президентлик, вазирликларга таалукли); шунингдек, дипломатик корпус; вазирликлар, муассасалар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари ва х.к.лардаги пресс-марказлар киради;

- нодавлат муассасалар РКлари** — хукумат ихтиёрида бўлмаган ташкилотлар (масалан, Ўзбекистон тадбиркор аёллари уюшмаси, Инсон хукуклари бўйича миллий марказ ва х.к.; САДУМ, бошқа диний бошқармалар)нинг турли матбуот хизматлари киради;

- **тижорат РК лари** — турли тузилмалар—фирма, АЖ, ҚҚ, биржа, банклар, холдинглар, ҚҚ, концернлар, савдо йуллари ва х.к. матбуот хизматларини ўз ичига олади;

- **халқаро ташкилотлар, ваколатхоналар ва жамғармаларга қарашли РК лар** — масалан, БМТ, (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва б.), «ЭКОСАН», Гёте институти, К.Аденauer жамғармаси, (Сорос) — Очик жамият институти, Интерњос ва б.

Масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ЙХХХ)-даги Паблик Рилейшнз хизмати Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси (ТошШИИБ)да йўл-транспорт ходисаларини олдини олиш ва қисқартиришни, фуқаролар хукукий билимини оширишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Бу бир жиҳати. Иккинчидан эса — йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг обрўсини жамоатчилик олдида саклаш ва оширишdir.

Шу маънода, у турли ОАВлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Хусусан, «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталарида «Чорраҳа» («Перекрестек») рукни остида шаҳар кўчаларидағи ҳаракат хавфсизлиги ахволи \акидаги хабарлар ва маълумотлар бериб борилади. Мазкур мавзу «Автоҳамроҳ» — «Автопрессстиж» журналларида, аймикса, «Автоолам» — «Автомир»ларда мунтазам ёритиб (юрилади).

ТТВ ва «Ёшлар» телеканалларида эфирга «Осойишталик фидоийлари» - «Завдитники правопорядка», «Глинка-44»,

- «Лигорей» кўрсатувлари бериб борилади. «Тошкент студијаси» радиоканалида мунтазам равишида ЙХХХ раҳбарияти (Оилан «тўғридан-тўғри мулокот» ташкил этилади ва эши-

тириб борилади, «Оқ йўл» («Счастливого пути») радиожурналида транспорт ва йўл мавзуидаги ранг-баранг аҳборотлар берib борилади. «Дўстлик» халқаро радиоканалида 40 минутли эфирга «На страже правопорядка» (аввал «Человек, автомобиль, дорога» деб аталган) радиожурнали узатилади, унда ЙХХХ РК хизмати материлларидан фойдаланилади.

Булардан ташқари кўргазмали қўлланма, буклет, плакат, реклама роликлари, эсдаликлари тайёрланади ва маҳсус тадбир ва тажриба-синовлар ўтказилади.

Масалан, 1999 йил февралдаги экстремистлар хуружидан сўнг ЙХХХ РК хизмати ЎзТВ билан биргаликда синов рейди ўтказади. Бунда номаълум кимса пойтахт бозорларида сотувчи-дехконлар олдига келиб ичидаги нима борлигини айтмай қоғоз кутисини бирмунча муддатта қолдириш учун изн сўрайди. Орадан сал ўтмай буларга муҳбир микро^он билан мурожаат этиб, қоғоз қути ичидаги нарса унга маълуммий-ўқлигини, дехкон нима учун бунга рози бўлганини сўрайди. Яқин орада шаҳар жамоатчилиги кўп йиғиладиган жойларида бундай тадбирлар огохлантириш эканлиги ва булардан тегишли хуласалар чиқариш зарурлигини таъкидлайди. Ҳамда кишилардаги бепарвонлик, лоқайдлик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилади. Мазкур синов рейд материаллари «Аҳборот» дастури орқали эфирга узатилди ва жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ҳамда ЙХХХ РК хизмати фаолиятидан яна битта йўналиш — террорчилик харакатининг олдини олиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун туртки бўлди. ЎзТВ биринчи ва иккинчи каналларида ижтимоий-маърифий рекламаларда, жамоатчилик жойларида ҳамда турар жойларда фавқулодда ходиса юз берган шароитларда нималар қилиш, ўзини қандай тутиш кераклигининг кўрсатилиши мазкур мақсаднинг намунавий кўриниши бўлди. Бу реклама роликлари энг «томошнавис вакт»да — соат 19 дан 23 гача чопкир сатрларда кистирмалар ва қайдлар тарзида берив борилди.

Демак, ЙХХХ РК хизматининг фаолият самараси кўзга яққол ташланмоқда ва бунга кўп жихатдан ЎзМУ журналистика факультетининг битирувчилари - А.Эрназаров, З.Қаюмова, В.Тутин каби мутахассисларнинг касбий маҳорати ҳам сабаб бўлмоқда.

Шундай қилиб, РК — гарчи бир оз сустлик билан бўлсада, мамлакатимизда фаоллашиб бормоқда, зарур касбий малакага эга бўлмоқда. Бунга кўп жихатдан ижтимоий-сиёсий тизимнинг демократлашуви йўл очмоқда маъмурий буйруқбозлиқ усулидан воз кечиш ва очиқ демократия моделини яратиш, ўзгарувчан шароитларга мослашув асосий омил бўлмоқда.

РК хизматларига таяниб, давлат, тижорат, жамоат ва бошка тузилмалар ўз аҳборот алоқа имкониятларидан анча тўлиқ фойдаланмоқдалар, тасвирий узлукли алоқа ишоратларинигина эмас, балки бутун бошқарув жараёнининг самарасини, барқарор, режали аҳборот фаолиятини таъминламоқдалар.

### Давлат бошқарув идораларида хизматнинг асосий йўналишлари

Мутахассислар давлат бошқарув идораларида жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш хизматларига қуйидаги мажбуриятларни юклайдилар:

- фукаролар, ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш, сақлаш ва кучайтириш;
- қабул қилинаётган қарорларнинг моҳияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш;
- жамоатчиликнинг лавозимдор шахслар ва хукумат идораларининг хатти-харакатига муносабатини таҳлил қилиш;
- ижтимоий-сиёсий жараённи башоратлаш, хукумат идораларини истиқболни чамалаш-таҳлил этиш ишланмалари билан таъминлаш;
- хокимият ва лавозимдор шахсларга нисбатан нуфузли тасаввурни шакллантириш.

«Жамоатчилик билан алоқалар» («Связь с общественностью») ўкув қўлланмасининг муаллифи юқорида қайд отилган йўналишлардан келиб чиқиб РК - марказлар масъул ходимларининг лавозим мажбуриятларини қўйидагича таърифлайди:

- фукароларни ташкилотлар фаолияти ҳақида (жумладан, ОАВ ёрдамида) тезкорлик билан атрофлича хабардор қилиш;

- ОАВ учун ташкилот фаолиятига бағишланган ўзига хос мәдүмөтлар, баёнотлар ва бошка оммавий ахборотларни тайёрлаш;
- ихтисосликка оид қарорлар хамда ташкилот фаолияти бүйича тушунтиришлар ва шархларни тайёрлаш хамда ОАВда эълон қилиш;
- таҳририят топшириғини бажараётган ёки муайъян ташкилот фаолиятини ёритаётган журналистлар расман тайин этишни (аккредитациясини) ўтказиш;
- эълон қилиш, теле- ва радиоэфирда бериш учун материаллар йиғиши ва тайёрлаш бүйича топшириқ бажараётган, (вакил сифатида тайин этилган) журналистларга қўмаклашиш;
- ташкилотнинг кундалик муаммолари бўйича ОАВ учун матбуот конференциясини, журналистлар билан удаашувларни тайёрлаш;
- ташкилот раҳбарлари ва ходимлари учун матбуотда эълон қилинган ёки радио ва телевидениеда берилган ташкилот фаолияти ҳақидаги материалларнинг таҳлилини ўтказиш;
- эълон қилинган мәдүмөтлар ишонччилигини белгилаш, зарур ҳолларда тушунтириш хати ва раддиялар тайёрлаш.<sup>1</sup>

## Тижорат тузилмалари хизмат фаолиятининг йўналишлари

Тижорат тузилмалари РК хизмати, одатда, фирма юқори менежменти вакиллари — президент (вице-президенти), бош директор (бош директор ўринбосари) томонидан бошқарилади. РК хизматида бундай фаолият турининг қуидаги йўналишлари фарқланади:

- таҳлил этиши ва умумлаштириш асосида, жамоатчилик фикрини шакллантириш ёки уни фирма, тендер ўтказувчи ташкилоти фойдасига ўзгаришиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши, шунингдек, биргаликда ишлаш эҳтимоли бўлган ихтисослашган РК агентликларини танлаб маркетинг, ижтимоий, сиёсий ва бошка муаммоларига оид тадқиқотларга буюртма бериш;

<sup>1</sup> Чумиков А.Н. Связь с общественностью. Ўкув кўяланма, М.: Дело, 2000, 170-171 б.

- жамоатчилик билан уюшма алоқаларни йўлга қўйиши, ахоли катламлари орасида фирмалар нуфузини шакллантириш, жамоатчиликда фикр уйғотадиган етакчилар, расмий сиёсатдонлар, даъватчилар (лоббистлар), маданият арбоблари, олимлар билан алоқалар ўрнатиши;
- ОАВ билан ҳамкорлик, матбуот анжуманлари, пресс-релиз, мақолалар/радиоэшиттирув ва телекўрсатуви тайёрлаш, брошюралар, каталоглар, бюллетенлар тайёрлаш, ҳомийлик, ҳайрия ва савоб ишларни амалга ошириш, фирмаларнинг тижорий ва ижтимоий фаолияти ҳисоботларини уюштириши;
- фирмалар, улар ишлаб чиқарган товарлар, кўрсатадиган хизматлари тақдимоти, семинарларини, фирмаларга экскурсияларни, муҳим саналарни нишонлаш ва бошка тантаналарни ташкил қилиш;
- фирма ички РК лари: фирма кадрлар сиёсатини самаралаштириш, фирма ички мавқеи тизимини бунёд этиши, ходимлар, фахрийлар, нафакаҳўрлар, турли миллат ва дин вакиллари билан ишлаш бўйича дастурларни қўллаб-куватлаши, ижтимоий, маданий, спорт-соғломлаштириш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқишида иштирок этиш, ишдан ташқари шароитда фирма ходимлари учун мўлжалланган тадбирларни режалаштириши ва амалга ошириши лозим.

РК соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар умумий ижтимоий маданиятга хамда зарур кассий малакага хам эга бўлишлари керак. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу мутахассисларнинг иши, гарчи ахборот билан боғлик бўлса-да, ОАВ ва ахборот агентликлари лавозим жадвалига хос (репортёрлар, журналистлар) ахборотчилик фаолиятидан фарқланади. Улар, хусусан, пресс-релиз (кўргазма очилиши, янги маҳсулот тақдимоти ва б. тўғрисидаги янгиликдан иборат хабар), бэкграундер (жорий ахборот, масалан, фирма молиявий натижалари ҳақидаги), кейс-тарих (муаммони ҳал этиши тажрибаси, истеъмолчиларнинг гувохликлари ҳақида), далил-варақ (ходиса ёки лавозимдор шахс хусусидаги қисқача тавсиф) шаклидаги ахборот материалларини тузишини уddyалай олишлари лозим. Бу хужжатларнинг барчаси, жумладан, фотосуратлар жамланган холда қўл етар жойда туриши —лозим, бундай мажмуа медиа-кит ёки пресс-кит<sup>1</sup> деб номланади.

<sup>1</sup> Ворошилов В.В. Журналистика, 197-6.

## Хизматнинг ОАВ ларга нисбатан тактика ва стратегияси

Жамоатчилик билан алоқаларни амалга оширувчи кишиларга «Аёллар учун қўлланма: оммавий ахборот восита-ларидан фойдаланиш» номли қўлланма<sup>^</sup> билан танишиб чишик фойдадан холи бўлмайди. У АҚПГхукумат агентлиги (ЮСИА) томонидан, асосан, янги дунё ҳакида мақбул фикр туғдириш максадида, чет эл аудиториясига маълумот тарқатиш учун тузилган. Ундаги маслаҳатлар асосан умумий тарзда, лекин тўғридан-тўғри РК хизматининг муайян бандларига мўлжалланганлари хам бор. **«Қўлланма»да ОАВ билан муносабатларни белгилашга оид қоидалар** саволлар шаклида берилган:

- Максадингиз қандай?
- Ташкилотингизнинг вазифаси нималардан иборат?
- Жамоатга ўзингиз ва ташкилотингиз ҳакида нималарни айтишни истар эдингиз?
- Бошқалар билан биргаликда ишлайсизми ёки ёлғиз ўзингиз?
- Ўз тасарруфингизда қандай воситалар бор?
- Ўзингиз ёки танишларингиз матбуот билан алоқа қиласизларми?

**«Қўлланма»** ОАВлар билан муносабатни режалаштириш асосларини ишлаб чиқар экан, қуидаги муаммоларни ҳал этишга оид маслаҳатлар беради:

- Ўз шахрингиз, штатингиз ёки мамлакатингиздаги ОАВ ишини баҳолашни одат қилинг;
- Газеталарни ўқинг, телевизор кўринг ва радиони тингланг. Ўз тасарруфингиздаги барча ОАВлар ҳакида билишга харакат қилинг;
- Мутлақо янгилик нима хисобланишини, очерк тарзидаги<sup>^</sup> баёндан нима талаб этилишини аникланг;
- Ўз муаммоларингизга ўхшаш муаммолар ҳакида ёзувчи журналистларни аникланг, шунингдек, улар бу муаммолар хусусида ижобий ёки салбий маънода ёзишларини билиб олинг.

### ОАВда кампания нега керак?

- жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш учун;
- жамоатчилик фикрини шакллантирувчи кишиларни ишонтириш учун;
- мунозара бошлаш учун.

### Пресс-релиз ўз ичига қандай ахборотларни олиши керак?

Яхши пресс-релиз биринчи қисмда ёк бешта саволга жавоб бериши лозим: Ким? Нима? Қаерда? Қачон? Нима учун?

- **Ким:** ходисанинг субъектини аниклаш ва тавсифлаш даркор. «Ким»: инсон, гурӯҳ, ҳодиса ёки тадбир бўлиши мумкин.

- **Нима:** нима содир бўляяпти, матбуот нима тўғрисида огоҳ этилиши керак? Максад — ўз пресс-релизингиз ўқилиши ва муаммоингизнинг баён этилиши учун ўқувчи-ларнинг фикрини жалб этишдан иборат.

- **Қаерда:** агар бу муайян бир ҳодиса, масалан, матбуот конференцияси бўлса, қаерда ўтиши керак? Манзилни аник кўрсатинг, шунингдек, кўрсаткичлар билан харитани илова этинг. Машиналарни қаерларда қолдириш мумкинлигини, ўша жойга жамоат транспортида қандай бориши мумкинлигини ахборотга қўшимча қилинг. Журналистларнинг ишини имкони борича енгиллаштиринг.

- **Қачон:** бу қачон юз беради? Сана, кун, хафта ва соатни аник кўрсатиш лозим. Пресс-релиз аник маълумотни бериши, хеч қандай талқинларга йўл кўймаслиги лозим.

- **Нима учун:** бу нима учун ўта мухим? Пресс-релиз алоҳида дикқат-эътиборни жалб этмоғи лозим.

- **Аникликка эришинг.** Ёдингизда бўлсин, биринчи ибора ёки сарлавҳа шундай тузилиши керакки, ўқувчи пресс-релизни охиригача ўқиб чиққанини ўзи сезмай қолсин.

Қандай ёзма услуг пресс-релиз тайёрлаш учун мақбул хисобланади? Гап ва қисмлар лўнда бўлиши керак. Ўқувчи охирги сатргача қийналмай кўз югуртириб чиқа олсин. Асосий гап (асосий фикрдан бошланг, бошланғич ифодага мароми билан масаланинг муҳимлигини сингдиринг. Бошқача айтганда, пресс-релиз мумтоз «пирамида» усулида, одатдаги катра янгиликлар тарзida ёзилиши лозим.<sup>1</sup>

Пресс-релизлар, одатда, оқ қоғозга, ўзингиз учун хуш ёқадиган хат билан ёзилади. Агар сизда босма андоза (бланка) бўлса, ундан фойдаланинг. Бу сизнинг ташкилотингизни пресс-релиз манбаи сифатида аниклашга ёрдам бе-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 5-6-6.

ради. Пресс-релиз матни ҳошиялари 38 дан 40 мм гача ҳажмда бўлиши керак. Бу мухаррир ёки журналистга пресс-релиз чеккаларига зарур қайдларни ёзиб қўйиш имконини беради.

Ўз манзилингиз қайд этилган босма андоза (бланка)дан фойдаланганингизда, саҳифанинг чап томони юкори бурчагига манзилингизни тўлиқ ёзиб қўйинг.

**Нашр санаси:** бу маълумот саҳифанинг ўнг томони юкори бурчиди, манзил ҳақидаги қайддан анча қуйига қуюқ бўёкли бош харфлар билан ёзилади.

Пресс-релиз юборилаётган шахс номи тарқатиш саҳифасига мувофиқ тўғри ёзилган бўлиши лозим, унинг тагидан шу шахснинг телефон рақамлари (агар бўлса) қайд этилади. Шимолий Америкада кўпчилик компаниялар ва хукумат ихтиёрида бўлмаган ташкилотлар ишдан ташқари вақтда боғланиш учун телефон рақамларини ҳам берадилар.

**Матн:** пресс-релиз матнини варак юкори четидан учдан бир кисмiga тенг жой қолдириб бошлаш керак.

**Сарлавҳадан бошланг.** У пресс-релиз олдидан манзил тагидан хат боши (абзац) ташламай ёзилиши лозим. Сарлавҳа тўлиғича бош харфлар билан ёзилади. Пресс-релиз матни ҳамиша икки интервалда битилади.

Банд ва кисмлар хат боши (абзац) билан бошланади ва ёзувда стандарт интервалга амал қилинади. Агар пресс-релиз бир саҳифадан кўп бўлса, биринчи саҳифада охири «давоми бор» деб кўрсатилиши лозим.

Пресс-релиз бир-икки саҳифадан ортиқ бўлиши керак эмас. Хабар сўнгида охирги саҳифа ўртасига # # # белгиси ёки — 30 — рақами кўйилади.

Пресс-релиз аниқ хабарни ўз ичига олиши керак ҳамда янгилик каби қизикиш уйғотиши керак. Агар иложи бўлса, пресс-релизни аниқ бир шахсга юбориш керак. Шуни унгмангки, сиз якка-ю ягона эмассиз, журналистнинг эътиборини бирор мавзуга тортмокчи бўлган бошқалар ҳам бор. Шунга кўра, уни албатта, қизиктириш шарт ва сизнинг ахборотингиз газета мухарририга бориб тегиши керак.

Пресс-релизда масаланинг тарихини, сизга маълумот етказган шахснинг исмини кўрсатиш зарур, шунингдек, у ўзини қизиктирган саволларни аниклаштириши учун боғ-

ланиши мумкин бўлган шахс ҳам маълум бўлиши керак. Хуллас, agar сизга қизикиб қолишиларини истасангиз уларнинг машаққатини иложи борича осонлаштиришингиз лозим.

Ахборот стратегиясини амалга оширишнинг турли усул ва воситалари мавжуд. Куйида уларга қисқа тавсиф берилади.

**Газета** ўзингиз яшаётган худуднинг катта-кичкилиги, шахарга узоқ ёки яқинлигига қараб умуммиллий ёки халкарро даврий нашрлар билан боғланишнинг муайян имконияти ҳам бўлади. Бу газеталар ҳақида зарур маълумотга эга бўлиш, уларда сизни қизиктираётган мавзуларнинг ёритилиши даражасини диккат билан кузатиб боришини такозо этади. Мабодо, бирор журналист айни шу муаммо билан шуғуланаётгандан хабар топсангиз, пресс-релизни ва бошқа материалларни ўша журналистга юборганингиз маъкул.

**Агар сизда телевидение орқали бериш** зарур бўлган ахборот бўлса, унда қанцай йўл тутиш керак?

Аввало, ахборот бўлимининг мухаррири билан ёки бошқа масъул шахс билан боғланиш зарур. Эсингизда бўлсин, сизнинг вазифангиз репортёрларга янгиликни «сотиш»дан иборатдир. Агар сизнинг маҳаллий аҳамиятта молик ахборотингиз бутун мамлакат учун қизикарли бўлса ёки сизда бирорта қизик сюжет бўлса, унда телевидениени забт этиш имконингиз анча ошади. Телевидение хусусида сўз кетганда, аввало, шуну ёдда тутишингиз лозимки, телекамералар, репортёрлар воқеа жойга етиб келганларида, асосий эътибор ходисанинг моҳиятига ва тафсилотларига каратилади.

Мухаррир, барча пресс-релиз ва маълумотлардан қатъи назар, сиздан, энг аввало, ишнинг моҳияти ҳақидаги жонли тасвирловчи хикояни эшлишини истайдилар; одамларнинг қизикиши, жамоатчиликнинг муносабати каби жиҳатларга эътибор берадилар. Шунингдек, бу минтақада ёки мамлакатда илгари берилган айни шу мавзу билан боғлик репортажларнинг мавжудлиги ҳам қизикиш уйғотиши мумкин.

**Радио** кишиларга бирор масала бўйича ўз шахсий фикрини айтиш имконини берувчи радиоэшиттиришлар тобора кенгроқ оммалашмокда. Шундай эшиттиришларни олиб борувчилар кенг халқ оммасини сиёсий харакатларга

кўзатишилари мумкин. Агар сиз шундай дастур олиб борувчиши билан таниш бўлсангиз, у билан тўғридан-тўғри боғла-нишингиз мумкин. Сиз, шунингдек, яна интервью тайёрлашга қандай ахборот ёрдам бериши мумкинлигини аниклаш учун дастур муаллифларидан маслаҳатлар олишингиз мумкин.

**Электрон узатишдан** фойдаланишда ташкилотингизнинг имкониятлари қандай? Материалларни электрон узатиш имкониятлари кейинги пайтда анча ўди ва ахборот шох кўчаси деб ном олган бу имкониятидан фойдаланишга бўлган интилиш ҳам кучайди. Шунга қарамай, компьютер ёки телекоммуникациялардан фойдаланиш борасида ҳам кўпчилик умуман ёки етарли даражада имкониятига эга эмас. Маълумотларнинг электрон жамғармаси, бу — оммавий ахборот воситалари орқали материаллар беришнинг анъанавий усулларини алмаштириш дегани эмас. У бу анъанавий усулларнинг кўшимча имконияти сифатида амал қилади.

**Электрон узатиш имкониятлари** нималарда кўринади? Ўз шароитингиздан келиб чикиб, Интернет тармоғига уланган ташкилот, шахслар гурухи ёки маълумотлар жамғармаси орқали хабар юборишингиз мумкин.

Кўпгина университет ва ташкилотлар, масалан, катта хажмдаги ахборотни излаш, топиш, айирбошлиш ва олиш учун Гофер сифатида маълум бўлган тизимдан фойдалана-ди. Интернетнинг яна бир тизими — ШогИ \y!cle \YeЬ (\\$|U\U) — тасвирий ва ёзув файлларни олиш ва айирбошлишга имкон беради.

Шундай пайт келадики, Интернетдан телефон каби осон фойдаланиш мумкин бўлади, (лекин бу кун ҳали келганича йўқ). Ҳозирча, сиз билан ёнма-ён Гоферни ёки бошқа тур маълумотлар манбаини ўрнатиш учун Йнтернет билан ишлашни биладиган тажрибали кимдир бўлиши керак.

Сиз бераётган хабар худди BB5 (ахборот тармоғи)га кўйилган талабга мувофиқ имкон борича долзарб бўлмоғи лозим. Интернет оламида хабар жудатез "эскириб" қолади. Бу дегани, агар сиз BB8 ёки Интернет учун зарур ахборотга эга бўлсангиз, унда, сиз вакт сарф қилиб Интернетга киритган бу ахборотнинг самарасиз бўлиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз ҳам лозим.

**Турли оммавий ахборот воситалари, жумладан матбаа ва электрон восита ўргасидаги ҳамкорликда муйян умумийлик бор.**

Ҳар бир холатда ҳам сиз «ўз тарихингизни сўзлайсиз». Яхши тайёргарлик мавзу бўйича иктидорли сухбат олиб бориша муваффақият қалити хисобланади.

Агар сизда ёзма материаллар бўлса, улар сиз учун яхшигина «бош оғриғи» ҳам бўлади. Чунки журналистлар, мухаррирлар, профессорлар ва оммавий ахборот воситаларининг бошқа ходимлари билан муносабат ўрнатиш анча мушкул иш хисобланади. Улар билан сиз иш жараёнида, албатта, тўқнашасиз. Шубҳасиз, бу ўзаро муносабатлар ўзгариб туради, лекин улар ҳамиша фавқулодда омиллигича қолади.

## 5-МАВЗУ. ОММАВИЙ АУДИТОРИЯ РЕПОРТЁРДАН НИМА КУТАДИ?

Бу саволнинг жавоби қундай равшан: ахборотдан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин? Дарҳақиқат, репортёрнинг бош вазифаси ҳам шундан иборат. Репортёрнинг бутун дикқат - эътибори шунга қаратилган, у кўплаб воқеалар, ходисалар, амалга оширилган ишлар, кашфиётлар ва топилмалар оламидан айнан юз минглаб, ҳаттоқи, миллионлаб одамларни қизиқтирадиган ахборотни топа билиши керак. Бироқ ахборот ҳамма вакт ҳам «мана мен» деб ажralиб турмайди. Гоҳо, кўзга кўринмас ҳолатда содир бўлади, зумда пайдо бўлиб, зумда эскириб қоладиган янгиликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам уни, агар гап газета ҳақида кетаётган бўлса ўша қуниёқ, агар телевидение ва радиоканал оркали узатилса, ўша заҳотиёқ аудиторияга етказиш лозим: кўпчиликнинг эътиборини қозониши учун янгиликни ўз вактида «кўрмоқ, илғамоқ ва тутиб олмоқ» мухимдир. Бунинг учун маҳсус билим ва малакадан ташқари фаросат, сезирлик, ҳалқ ибораси билан айтганда, машқ ёрдамида ривожлантириш мумкин бўлган олтинчи сезигига ҳам эга бўлмоқ зарур.

### Оммавий аудитория қандай ахборотни кутади?

Бир қараашда гўё ҳаммаси аник равшандек, ҳаққоний ахборотни-да. «Узоқ йиллар давомида мухбир бўлиб ишлаган Леон Блюм, - гувоҳлик беради француз ёзувчиси, журналист Жан Лакутюр, - шерилларига ўз касбларининг олтин коидасини ахийри тушуниб етганлигини шундай изҳор қиласди: «Муайян маълумотни айтиб кўйишнинг ўзи камлик қиласди, бу уччалик қийин ҳам эмас, мухими ҳақиқатни тўлиқ етказиш лозим, бу хийла мураккаброқ».<sup>1</sup>

Бу факат юксак орзугина бўлиши мумкин, бироқ мушоҳада қилиб кўрилса-чи? Нима учун? Чунки ҳар бир инсоннинг ўзи ишонган ҳақиқати бор. Ҳақиқатнинг ҳақиқатдан фарқи бор. Шу боисдан аён воқеа ва ходисаларнинг аслига мос холда акс этиши маъносида хабарнинг ҳақконийлиги ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Шу жихатдан «Нью-Йорк Таймс» газетасининг қуидидаги<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Кўранг. Лакупор Ж Голос совести. Куръер ЮНЕСКО, 1990, ноябрь, С.14.

шиори дикқатга сазовордир: «ҳар қандай ахборот босишига арзийдиган бўлсин». Бунинг маъноси Жан Лакутюрнинг талқинича: «Нафқат сарик матбуот учунгина хос бўлган барча нопок усулларгина эмас, балки энг оддий нарсалар, масалан, ҳали исботланмаган ножёя ишлари ва кишининг нафсонияти, шахсиятига тегадиган маълумотларни ошкор қилиш ман этилади демакдир».<sup>1</sup>

«Гардиан» (инглиз газетаси)нинг бош редактори Ж.Фенбининг фикрича, «аудиторияни доимо аллақандай фавқулодда, ғайритабиий хабарлар ўзига тортади. Бизга ёқадими йўқми, муваффакиятли тутаган барча қатнов-сафарлардан кўра ягона авиаация ҳалокати одамларни кўпроқ қизиқтиради. Репортёrlар бу қизиқиши кондиришга ҳаракат қиласдилар. Албатта, бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар: ходисаларни изохлаб, шарҳлайдилар, мадаият масалаларини англаб етишга кўмаклашадилар, бадиий асарларни тарғибот қиласдилар, ҳатто, одамларнинг кўнглини чоғ қиласдилар. Бироқ уларнинг бош вазифаси қандайдир аудиторияни хаяжонга солувчи янги, мухим, хабардан вокиф бўлиб, уни одамларга етказишидир».

Хабар юз берган воқеани қанчалик аниқ акс эттирма-син, у нечоғлиқ янги, узатишга қанчалик лойик бўлмасин, у барибири, муштариийлар, тингловчилар ва томошибинларнинг турфа хил эҳтиёжларини тўла қондира олмайди. Бу эҳтиёжларни кондириш учун репортёр аудитория қизиқишилари ва эҳтиёжлари, ижтимоий-психологик ўзига хослигидан келиб чиқиб қараб иш тутмоги зарур. Эҳтиёж ҳаёт ва тараққиётнинг муайян шароитида инсон хис қилиб турадиган заруратдир.

Қизиқиши шахснинг ҳаётини — ижтимоий мақоми ва хиссий завқланиши асосида туғиладиган, бироқ шахснинг ўзига бевосита боғлиқ бўлмаган нарса-ходиса хусусидаги иҳтиёрий муносабатдир.<sup>2</sup>

**Журналистлар ўз реципиентларининг ҳақиқий  
манфаатлари — уларнинг қайфияти,  
интилишлари, фикр-ўиларини билишадими?**

Бахтга карши, ҳамма вакт ҳам билишавермайди. Гарчи бунинг учун етарли имкониятлар бўлса-да, аудиториянинг

<sup>1</sup> Ўша жойда 15-бет.

<sup>2</sup> Общая психология. В.В.Богословский, Г.Ковалев, А.А.Степановлар таҳр. М. 1981,85-6.

қизиқиши ва манфаатларини ўрганишнинг маълум усуллари, воситалари мавжуд. Булар редакцияга келган хат-хабарлар, ижтимоий хизмат сўровлари, жамоатчилик фикрини ўрганиш марказларидир. Журналистларга муштариylар, тингловчилар ва томошабинлар билан учрашувлар, улар билан биргаликдаги фаол сухбатлар, таҳририятлардаги дарҳол боғланса бўладиган телефонлар, машхур дастур ва каналлар рейтинги, аудиторияни тоифалашнинг турли усуслари хамда уларнинг туркумлаш (типовологик) таснифи бой материал бериши мумкин. Лекин бу имкониятлардан кўпинча фойдаланилмайди. Кўпчилик репортёrlар, айниқса, аллақандай мавхум аудиторияни, нари борса ўртacha - «намунавий» реципиентни назардатуб ишлайдилар. Амалда мавхум ва бир қиёфали сиёsatчи, ишбилармон, олим, фермер, бўлмаганидек, ўrтacha ҳолатдаги бир хил ўкувчилар, тингловчилар, томошабинлар ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳарқанча қийин ва фойдасиз туюлса-да, репортёр ўз ишини ўrтacha умумий ва ягона манфаатлар учун эмас, балки аҳборотнинг аниқ истеъмолчиларини хисобга олган ҳолдаташкил этмоғи лозим. Нега деганда, канча одам бўлса, талаблар ҳам шунча бўлади. Қанча ижтимоий гуруҳлар бўлса, шунча истак, қанча қатлам бўлса, шунча эҳтиёж, қанча элат бўлса, шунча орзу-умид, шунча интилишнинг бўлиши табиий бир хол.

### Ҳамма учун бирдай қизикарли, ҳар томонлама универсал аҳборот бўладими?

Дейл Карнегининг таъкидлашича, ҳар бир ақли расо, балофат ёшига етган инсон:

- 1) соғлом, ҳаёти дахлсиз бўлишини;
- 2) овқат;
- 3) уйку;
- 4) пул ва пулга сотиб олиш мумкин бўлган буюмларни;
- 5) нариги дунёда ҳаёт бўлишини;
- 6) шахвоний қоникишини;
- 7) фарзандларининг баҳтли-саодатли бўлишини;
- 8) ўзининг эътибор қозонишини истайди.

Бу истак-ҳоҳишлиарнинг биттасидан ташқари деярли барчаси қондирилади: овқат талаб қилиш, ухлаш сингари кучли, инсонга тинчлик бермайдиган ягона, истак камдан-

кам рўёбга чиқади. Бу Фрейд айтганидек, «буюк бўлиш истагидир».

Демак, юкорида санаб ўтилган истакларга у ёки бу дарражада таъсир этадиган ҳар қандай аҳборот ҳар жихатдан умумий (универсал)дир.

Америкалик репортёрлар тажрибаси натижаларига кўра расмий шахслар ва машҳур кишиларнинг ёки ҳукуматнинг ғайриоддий (масалан, жиноят) фаолияти кишиларни ўсал килишга ёки тўлқинлантиришга қодир, фош этилган ҳодисалар, янги ижтимоий йўналишлар ҳам ҳаммани қизиқтиради.

Мисол учун саломатлик ва ҳаётни сакдаш истагини олиб кўрайлик. У ихтисослашган нашрлар («Здоровье», «Спид-инфо»)дан тортиб, «Саломатликни қандай саклаш мумкин», «Саломат бўлинг», «Диетолог маслаҳатлари», «Эҳтиёт бўлинг, грипп!», «Гўзаллик ва узоқ умр сирлари» руқни остида ижтимоий-сиёсий материаллар матбуотнинг бошқа оммавий органларида фуқароларнинг ижтимоий химояси ҳақида хикоя қилувчи материалларда ўзгача маъно ва мазмун касб этади. Саломатликни ва ҳаётни муҳофаза қилиш мавзуси, айниқса, фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги ҳабарларда аудиторияга кучли таъсир қиласди. Қандай воқеа ва ҳодисаларни фавқулодда (экстремал) деб аташ мумкин?

Украин олими В.В. Бугрим инсон фаолияти учун атроф-мухит учун ўта ҳавфли, жамиятда акс-садо берадиган фожеали ҳодисалар «фавқулодда» хисобланади, деб белгилайди. У фавқулодда вазиятларнинг куйидаги таснифини беради:

**1. Илмий-техник тараққиёт соҳаси билан боғлиқ ҳало-катлар,** корхоналар, темир йўллар, газ қувурлари, аэро ва автотрассалар, кемачиликдаги авариялар (Чернобил АЭСидаги фожеа, Литвадаги «Азот» бирлашмаси ва Бошқирдгаз магистралидаги портлашлар, «Адмирал Нахимов» теплоходи, «Аврора» поезди, «Курск», «Комсомолец» атом сувости кемалари, йўловчи ташувчи ёки ҳарбий-транспорт самолетларининг ҳалокатга учраши ва бошқа кўплаб ҳодисалар); форс-мажор, яъни бартараф этиб бўлмас кучлар таъсири билан боғлиқ шароитлар ёки ҳодимларнинг атайлаб қилмайдиган беихтиёр ҳатти-харакатлари (бошқарилмайдиган учувчисиз МИГ-23);

## **2. Табиатнинг табиий аномал (ғайриоддий) ҳодисалари.**

Ер кимирлашлари (Арманистон, Тожикистон, Туркия, Мексикадаги), ўрмон ёнғинлари (Америка, Канада, Россияда), довул, тайфун, цунамилар (хар йили Япония оролларидаги), сув тошқинлари, кўчкилар (Марказий Осиёда), уфологик ҳодисалар (НУО, Бермуд учбурчаги, телепатия, биоэнергетика мўжизалари ва бошқалар);

**3. Экологик фожеалар ҳамда радиоактив ва кимёвий ифлосланишлар эпидемияси,** ўсимлик ва хайвонот дунёсининг биотехник ўзгаришлари (Орол фожиаси, Аризона, Нью-Мехико, Калифорния, Колорадо, Небраскада ерости сувларининг хатарли силжиши); кислота ёмғирлари натижасида АҚШ, Волга, Ладога, Байкал атрофидаги улкан майдондаги ўрмонларининг заарланиши; СПИД касаллигининг Элиста (Россия), Африка ва Америка китъаларида тарқалиши, АҚШда куйдирги касаллиги, Россия ва Грузияда ич терлаши касаллигининг ёйилиши, кимёвий моддалар кўшилган овқатдан: диоксинли парранда гўшти, эмульгаторли қандолатчилик маҳсулотларидан оммавий захарланишлар ва бошқалар;

**4. Жамиятта карши фавқулодда ҳолатлар** — куролли тўқнашувлар (Чеченистон, Югославияда), этник можаролар (Арманистон ва Озарбайжонда), одамларни гаровга олиш (Исройл шаҳарларида, Курдистонда), уюштан жиноятчилик, ва х.к.

Бизнингча, мазкур таснифни яна бир банд — диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, пораҳўрлик ва сиёсий даъвollar билан коришиб кетган (11 сентябрда Нью-Йоркдаги портлашлар, боскинчи тўдалар ва жангариларнинг Қирғизистон, Дөғистон, Чеченистон, Афғонистон, Покистон, Косово, Грузиядаги хуружлари) ҳалқаро террорчилик билан боғлиқ фавқулодда воеалар билан тўлдириш керак.

Умумий (универсал) ахбортга **миш-мишлар, ёлғон-яшик овозаларни** ҳам кўшиш керак. Улар яшин тезлигига тарқалиб, тобора кўпроқ одамларни ўз таъсир доирасига камраб олади. Улар доимо одамларнинг табиий қизиқишларига монанд бўлади. Шунинг учун ҳам репортёрлар уларни назардан кочирмасликлари, уларга бепарво бўлмасликлари лозим. Негаки, улар худди қибланамо (компас) сингари ОАВла-

рининг кейинги чиқишлиари мавзусини тайин этиб туради. «ТВ-Центр» (Россия) телеканалида миш-мишни текшириш рукнидаги «Бешта савол-жавоблар» кўрсатув томошабинларнинг катта аудиториясини тўплайди. Кўрсатув тамомила миш-мишлар ва ёлғон-яшикларга асосланган ва давр руҳига мосдир. «Миш-мишлар ва чин ҳакикат», «Миш-мишлар ва шубҳадан» ҳоли каби рукнидаги бошқа матбуот материаллари ҳам худди шундай қизиқиш билан ўқилади. Бироқ репортёр ишни яхши билиши керак: миш-мишларни масъулиятсизлик билан «дўмбира қилиш»га, уларни аниқ маълумотлар сифатида тақцим этишга ўйл кўйиб бўлмайди. Акс ҳолда ОАВ канали, шунингдек, репортёрнинг обрўси тўкилиши мукаррардир.

Муқаммал ахборот, Д.Карнеги айтганидек, биргина катта ўшдаги инсоннинг хис-туйғулари ва онгигагина эмас, балки, В.Песковнинг образли таъбири бўйича улкан кемадаги бутун инсониятга таъсир этмасдан қолмайди.

**Муқаммал ахборотнинг сири нимада?**

Д.Карнеги тузган инсон истаклари рўйхатида Шарқ алломалари ҳамда И.М.Сеченов (1829-1905) ва Н.П.Павлов (1849-1936) сингари олимларнинг икки сигнал тизими ҳақидаги таълимоти ўз мужассамини топган. Бу таълимотга кўра Ер юзасидаги барча жонзод бирлиги сигнал тизимига, яъни табиий туйғуга (инстинктга) эга. Факат инсонги на хайвонлардан фарқли иккинчи сигнал тизимига ҳам эга, яъни онглидир. Биринчи тизим ўзгармас, мустаҳкам, иккинчиси ўзгаришларга мойил. Репортёрлар (Карнеги ҳам) бу таълимотдан бехабар бўлсаларда ўз фаолиятларида унга беинтиёр амал қилиб келадилар. Бироқ шундай журналистлар тоифаси ҳам борки, ўзлари хизмат қиласидаган ОАВларда ўрнатилган кўрсатмаларга қараб ё биринчи, ё иккинчи сезигилар тизимига зўр берадилар. Барча «сариқ» ёки «тутириқсиз» матбуот репортёрлари факат хис-туйғу (инстинкт)-ларга суннадилар. Уларнинг миллатчилик йўналишдаги матбуот органларида ҳамкаслари, бир сўз билан айтганда, тоталитар окимдаги журналистлар иккинчи тизимга — инсон онгига таъсир этишга уринадилар. Агар биринчи гурухга мансублари пасткаш хис-туйғуларни жунбушга келтириб иш тутсалар, иккинчи гурухга мансублари эса, асосан

онгни чеклаш, найранг (манипуляция) ишлатиб «мияни ювиш», катағон мафкура билан реципиент иродасини букиш билан машғул бўладилар.

Бизнингча, энг мақбул репортёр у томонга ҳам, бу томонга ҳам ён босмасдан акл-фаросат билан эзгулик йўлида иш юритади ва ижодий юксакликка эришади. Ўткинчи туйғуларга зўр бериш, албатта, яхши даромад келтиради, аклий меҳнатни талаб ҳам қилмайди. Бозор қонунларига ҳам жавоб беради. Ғарбда шундай журналист махсузотига айни шундай бир томонлама чекланган муносабат шаклланган. (Уни «тутуриқсиз» деб аташлари бежиз эмас.) Улар қаторида одамлар онгини маълум қолипда сақлаб туришга, жумладан, маълум тизимга хизмат қилувчи репортёrlар ҳам мавжуд. Исканжадан озод бўлган онг эса эркин фикрлаш ва харакат қилиш асосида журналистларни.очик жамиятлар эҳтиёжлари, жумладан, ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистон тажрибасида кузатаётганимиздек, оммавий аудиториянинг талаблари ва манфаатларини, хурфиксрилик тамойилларини аниклашга йўналтиради.

Акл-фаросату хис-туйғулар нисбатини хисобга олиш инсоннинг ирсиятида кодланган табиий борлигини хисобга олишдир. Демак, табиийликка асосланган ҳар қандай ахборот мутаносибdir, мукаммалdir. Ю.Сенкевичнинг «Саёҳатчилар клуби», С.П.Капицанинг «Очевидное-невероятное», Ю.Дроздовнинг «Хайвонот дунёсида», «Кусто командасининг сув ости Одиссеяси», Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлар» телевизион кўрсатувлари ҳам мукаммал ахборотга эга.

«Хайвонот оламида» ёки «Саёҳатчилар клуби» сингари кўрсатувлар, — дейди Россия илмий-оммабоп ва маърифий телевидение Ассоциациясининг бадиий раҳбари Л.Николаев, — узок юиллар яшаши мукаррар. Кўрсатув бошловчилари, эфирдаги вакт ўзгариши мумкин, аммо томошибинларнинг уларга қизиқиши кафолатланган. Деярли барча мамлакатларда шунга ўхшаш дастурлар мавжуд.<sup>2</sup>

Уларнинг муваффақияти инсон табиати билан уйунлашиб кетган ахборотнинг кўнгилочар-маърифий фазилати туфайли кафолатланган.

<sup>1</sup> Мазкур муаллифларнинг фаолиятига журналист меҳнати нуктаи назаридан каралди.

<sup>2</sup> Иаюбоу, 1997, сентябрь., 85-бет.

Мукаммал ахборот турига давлат тўнтаришлари ва уларнинг оқибатлари, сиёсатчилар ва жамоат арбобларига сунқасларни (И.А.Каримов, Рим папаси, Э.Шеварднадзега сунқасд), жаҳондаги йирик давлатларда сайлов кампаниялари, хукуматларнинг ўзгариши, сиёсий йўлнинг кескин ўзгариши, дунёга таникли шахсларнинг ҳаёти ва ўлими (Гандилар оиласи, Кеннеди, малика Диана, Ф.Миттеран, Она — Тереза, Р.Горбачева, Улоф Пальме), Нобель ва бошқа нуфузли ҳалқаро мукофотларнинг лауреатлари ҳаёти ва ижоди ёки ёқимсиз кимсалар (С.Хусейн, А.Пиночет, Баркашов, Ш.Басаев, У.Бен Ладен) ҳақидаги хабарларни ҳам киритиш мумкин.

### Аудиториянинг қизиқишларини қандай белгиларға қараб аниқлаш мумкин?

Д.Карнеги келтирган маълумотлар асосида ҳар бир журналист кекса ўшдагилар, болалар, ўсмирлар, балоғат ёшига етганлар, диндор, эркак ва аёллар учун қизиқишлар рўйхатини тузиб, ижодий ишида ундан фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга мазкур рўйхатни умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ ўз кузатишларидан келиб чиқиб, аудиториянинг миллий, ирқий, диний ва худудий ўзига хослигига мослаштироғи ҳам мумкин. Психологик тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган бундай қўлланма репортёрнинг аудитория билан муносабатларини уйғунлаштиришга ёрдам беради.

Шу нарса ҳам аниқки, турли ўшдаги, жинсдаги, диний ёзтиқоддаги одамлар гурухи айнан бир хил ахборотга турлича муносабатда бўлади.

Айтайлик, АҚШ америкача реклама нохушликка сабаб бўлмайди. Аксинча, у ерда зарбдор кучга эга ва нишонга аникуради. Уни ўйлаб кўрмасдан мусулмон дунёси шароитига масалан, Марказий Осиё худудига кўчириб ўтилса, у ўзини оклай олмайди. Шарқона тамаддун ахли ўз қадриятлари, гўзаллик ҳақидаги ўз тушунчаларига, фалсафаларига эга. Энди шундай аудиторияда Америка ё Россия телеканалларида кузатилганидек «Тампакс» ва «О-би» тампонлари рекламаси Ўзбекистонлик томошибинларга берилаётганини тасаввур килиб кўринг. Биринчи таассурот: уят, шармандалик! Бундан аҳолининг маданий жиҳатдан колокли-

ги хақида афсусланиб, ҳохлаганча фикр-мулоҳаза юритиш мумкин. Гарчи маҳаллий, диний менталитетни инкор этувчи репортёрларгина шундай дейишлари мумкин бўлса ҳам, одатда булар миллатчилик, шовинизм, космополитизм иллатларидан кутилмаган инсонлар (баҳтга қарши бундайлар ҳам бор) ёки тажрибасиз ҳаваскорлар ёхуд ҳали пат чиқармаган мутахассис ёки маҳорат етишмайдиган бошловчи журналистлардир. Бирок ҳар қандай ҳолатда уларни маъкуллаш нафакат журналистнинг касбий одоби, балки, умуман, инсон ҳукуқларини хурмат килиш нуқтаи назаридан бемаънилиқдир.

Аудиториянинг ўзига хос ҳусусиятларини, нозик жиҳатларини ўрганиш зарурлигини РЖТ каналининг бош продюсери Константин Эрнст ҳам «Плейбой» Россия журналига берган интервьюсида таъкидлайди: «Биринчи канал ёши нуқтаи назаридан ҳам, билими жиҳатидан ҳам кенг аудиторияни қамраб олган. Шу сабабли бизда баъзи тақиқлар мавжуд. НТВ бир мунча билимдон, толерантрок, сабр-тоқатли шахар аҳолисини назарда тутиб ишлайди, у орқали тунда «Плейбой-шоу» ва шахватпарастлик фильмларини намойиш қилиш мумкин (гарчи Тинто Брасснинг «Барча қизлар шундай қилишади» фильмини, менимча, очик канал орқали, ҳатто, НТВда ҳам кўрсатиш мумкин эмас). РЖТ Марказий Осиё минтака секс маданияти хақида кўрсатув узатиб миллий анъаналарни таҳкирлаши мумкин. Биз баъзан гарб компанияларидан ортиқча шахвоний эпизодларни қисқартиришга рухсат сўраймиз. Шахват, ҳатто, бадиий фильм ечимининг бир қисми бўлган ҳолатда ҳам «Вакт» дастуридан кейинко ҳуни кўрсатишга журъят этмаймиз».

Гарб ОАВларидан телевидение маҳсулотини қисқартишни сўраш нафакат Марказий Осиё, балки Россиянинг этник-диний-ахлоқий руҳда тарбияланган, шахватпарастлик ва беҳаёликнинг очиқсан-очик кўрсатилишини қабул кила олмайдиган аудиториянинг жиғига тегмаслик учун қилинган адолатли ишдир.

Россиянинг ТВ-б канали билан содир бўлганидек, аудиториянинг диний-этник асосларини журналистлар томонидан менсимаслик аҳборот эркинлигига заарар етказади. Шу боис Ҳиндистон ҳукумати 1999 йилнинг октябринда

<sup>1</sup> Playboy, 1997, сентябрь, . 77-78-бетлар.

унинг дастурларини<sup>1</sup> «беҳаёлик» деб баҳолаб кўрсатиши тақиқлаб кўйди.

Репортёрлар ОАВ канали русумига мувофиқ ёши ва жинсига кўра фарқланувчи аудитория турли мавзуларга қизиқишини ёддан чиқармасликлари лозим. Масалан, Америка тадқиқотчилари Д. Вивера ҳамда Ж. Мауроларнинг фикрича, эркак-ўқувчилар ўртасида ҳукумат янгиликлари, ҳарбий мавзудаги ҳикоялар ва тарихий воқеалар, ижтимоий мавзу (олимлар, истеъмол муаммолари, экология, иқти-садиёт, меҳнат муаммоларини шунга киритганлар), чет эл хабарлари ва фантастика қизиқарлироқдир.

Бизнес бўлими уларда у қадар қизиқиши ўйғотмас экан. Эркакларга мўлжалланган «Пан» журналининг редактор ўринбосари Б. Сидорчукнинг фикрича, поляк эркакларни сиёsat, спорт, автомобиллар, оиласвий ҳаёт ва бошқалар қизиқтирар экан.<sup>2</sup> Бинобарин, бир хил жинсдаги гурухларнинг қизиқишлири мамлакатга, унинг ижтимоий-сиёсий давлат тузуми ва бошқа ҳудудий омилларга караб ўзгариб туради.

Ёшларни эса кўпроқ севги-муҳаббат, дўстлик, мусиқа, ракслар, адабиёт, санъат янгиликлари, саёҳат, спорт хақидаги материаллар ўзига тортар экан.

30-45 ёшдаги одамларни асосан ўз қасблари хақидаги маълумотлар, моддий фаровонлик, маҳаллий ҳаётнинг халкаро ва ички ахволи қизиқтиради.

Аудиториядаги аёллар талаб эҳтиёжлари ҳам ўзига хосдир. Уларни ўй-рӯзғор ишлари, мода, пазандачилик, машҳур қишилар ҳаётидаги можаролар, пардоз — андоз, оиласвий ҳаёт, муҳаббат, пул, ҳаётий саёҳатлар ва саргузаштлар хақидаги материаллар қизиқтиради.

Буларнинг ҳаммаси аудиториянинг ижтимоий-демографик белгиларига тааллуклидир.

Репортёрлар булардан ташқари реципиентларни касбий қизиқишлири жиҳатидан ҳам тоифаланишини билишлари шарт. Бунда журналист аҳбороти, унинг мавзуси ва сифатига ўзгача талаблар кўйилади. Масалан, фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш арбоблари аҳборотнинг янгилигини кадрлайдилар. Уларни жамиятга зид ходисаларни бартараф

<sup>1</sup> Каранг. Вечерний Ташкент. 1999, 25 октябрь.

<sup>2</sup> Смирнова М.Г. Социологические исследования печати, радио и телевидения в развитых капиталистических странах. М., 1984, 52-бет

етиш муаммолари, мамлакатда, шунингдек, чет элларда ақлий меҳнат соҳасида эришилган мувффакқиятлар, ақлий меҳнат намояндаларининг бозор шароитида аён ижтимоий химоя қилиниши, маош, умумжаҳон тарихи, иқтисодий тараққиёт, диний, ахлоқий материаллар тўлқинлантиради.

Материал тайёрлашда журналистнинг аудитория маълумоти цензини хисобга олмоғи фойдадан холи бўлмайди. Маълумот цензи баланд бўлгани сари аудиториянинг қизиқиши доираси шунча кенг бўлади; хурофот ва бидъатлар хам кам бўлади. Билим даражаси қанча баланд бўлса, репортёр меҳнатига талаб шунча юкори бўлади, демак, муалиф мухокама этаётган муаммо бўйича турли карашлар янада чукурроп ва асослирок, бўлмоғи лозим. Аксинча, шахс ёки гурух ижтимоий савияси қанчалик паст бўлса, унинг қизиқишилари шунчалик чекланган бўлади, журналистдан бундай реципиентнинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига қизиқишини ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериш талаб этилади. Мазкур омилни хисобга олиш Ўзбекистон ва бошқа мустақил тараққиёт йўлидан бораётган МДХ ёш давлатлари шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Чунончи, 1997 йилнинг августида Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул килинди. Шу муносабат билан мамлакат Президенти И.АКаримов таъкидлаб айтган эди: «Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадрияларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносабиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин».<sup>1</sup> Ўзбекистон раҳбари билимдон кишини тавсифлар экан журналистлар назарда тутишлари лозим бўлган, ижодий жараённи ҳам аниқдаб беради.

ОАВ ижодий ходимлари учун ўз истеъмолчисига айланниши мумкин бўлган, аудиторияни яхши билиш, унинг ҳақиқий қизиқишилари ҳақида маълумотларга эга бўлиш жуда муҳимdir.

Эҳтимолий (потенциал) аудитория шаҳар, вилоят, штат, кантон миқёсида у ёки бу ОАВ каналининг тингловчиси, томошибини, ўқувчиси бўла олиши мумкин бўлган барча кишиларни ўз ичига олади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори-Т., 1997, 5-бет.

Мавжуд аудитория у ёки бу нашр, телевидение ва дастурларини бевосита ўқийдиган ва тинглайдиган одамлардир.

Чекланган аудитория — МДУ таникли тадқиқотчиси Е.П. Прохоров таърифлаганидек, ахборот бевосита мўлжалланган аудиториянинг алоҳида бир кисмидир.<sup>1</sup>

Реципиентларнинг турли қатламларини қамраш даражасини аниқлаш, шунингдек, камраб олинмаган эҳтимолий ва мавжуд аудиторияни таққослаш аҳолининг, умуман, ОАВ, хусусан, журналист эса фаолиятига муносабати тадрижотини аниқлаш учун заардир. Савол тутилиши табиий: биргина репортёрнинг ботиний-эҳтимолий реципиентларнинг тобора кўпроқ кисмини зоҳирий (мавжуд) реципиентларга айлантириш жараёнидаги иштироқи шу қадар каттами? Ахир таҳририят жамоаларида учтадан ўнтагача, ҳатто, юзлаб журналистлар ишлайди-ку. Масаланинг бундай қўйилишида муболага йўқмикан? Бизнингча, йўқ. Т.Тэсс, ААграновский, М.Стура, Ю.Феофанов, В.Песков, Я.Голованов, И.Руденко, В.Познер, В.Молчанов, В.Листьев, С.Сорокина, Е.Киселев, С.Доренко, АНевзоров, АРубинов, Ю.Шечекочихин (Россия), Д.Сойер, П.Деннинц, ФДонахью, Б.Уолтерс, О.Уинфри, Л.Кинг, Эдвард (Тедд) Коппел, Д.Кронкайт (АҚШ), Г.Вальрафф, Г.Майн, АХайман (ГФР), Мессажери, ФР. Буиг (Франция), Х.Диас, Д.Ибаррури, В.Урибе (Испания), Аньелли, С.Берлускони, К.Тацци (Италия), Ж.Фенби (Буюк Британия) ва бошқаларнинг ижодий фаолияти бунга ёркин мисолидир. Нима сабабдан улар журналистларнинг ҳамма тан олган, юлдузлари бўлиб етишдилар? Улар, шубҳасиз, ҳақиқий истеъод соҳиблари. Уларнинг истеъодлари миллионлаб одамларни ташвишга солган нарсаларга, уларнинг эҳтиёжлари, қизиқишиларига йўналтирилган эди. Farbda бундай мутахассислар ҳақида «телевидениени — телевидение, радиони — радио, газетани — газета, журнални — журнал қилувчилар - шулар» дейишиади.

Журналистика амалиётида реципиентларнинг қизиқишиларини аниқлашнинг турли шакллари мавжуд.

Масалан, турли нашрларга обуна даврида, диний маросимлар, янги йил арафасида газета ва журнallар, телерадиокомпаниялар реципиентларнинг талаб ва эҳтиёжларини

<sup>1</sup> Карап, Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. М., 1980, 193-бет.

аనиклаш мақсадида «Қизиб турган сим», «Бевосита уланиш» қабилидаги сўровлари ўтказадилар: «Вечерний Ташкент» газетасида ҳам бу оддий тусга айланган. Газета ўзининг 1999 йил 22 октябрдаги сонида «Қизиб турган сим» орқали унда босилган материалларда қизикарли рукнлар, махсус саҳифалар қанчалик долзарб эканлигини аниклашга ҳаракат қилган, муштариylар газетага қўргина қизикарли ва ҳозиржавоб мавзулар, рукнларни айтишган. Янги «Бозор ва истеъмолчи», «Юридик маслаҳат» сингари саҳифаларини, «Саломатлик. Уни қандай асраш керак?», «Боғда, полизда ва уйда», «Вечерка» «Оила даврасида» рукнларини киритиш фақат ижтимоий, жой ва транспорт ҳўжалиги каби муаммолар ҳақидагина эмас, балки сиёсий ахвол таҳлили, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иктисадий ислоҳотларга доир материаллар бериб бориш учун ҳам турткىй бўлган. Газета «Қизиб турган сим»даги навбатдаги сұхбат барча турдаги йўловчи транспортининг ахолига хизмат кўрсатиши, поездлар, самолётларда, шаҳар чегарасидаги барча транспорт воқитларида хизмат кўрсатишининг қулийларни ва камчиликларига бағишланиши ҳақида хабар босиб чиқарган. Телефон рақами ва у орқали уланиш вакти ҳам кўрсатилган.

Агар нуфузли киши хаётий муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, муштариylар билан сұхбат курса, янада яхши бўларди.

Журналист сўзи реципиентнинг қалбида акс-садо бериши учун унинг мақсадларини ва ахборотдан нималарни кутаётганини жиҳдий ўрганиш лозим.

### Аудитория ва репортёрнинг кутганлари доимо мос келадими?

Маълум бўлишича, репортёрлар етказаётган хабарни муштариylар, тингловчилар ва томошабинлар ҳамиша ҳам қабул қиласаларини эканлар. Назариётчиларнинг фикрича, қўргина диндорлар динга карши мазмундаги материалларни, алкоголиклар эса ўзлари ҳақидаги хабарларни ўқиши ёқтиришимас, хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра чекувчилар тамакининг зарари ҳақидаги материаллар билан қизиқиб танишар эканлар-у, навбатдаги сигаретани буркситиб тортар эканлар.<sup>1</sup> Журналистнинг кутган-

лари билан реципиент кутганлари (истаклари) ҳар доим ҳам мос келавермайди. Репортёр билан реципиент кутиш (майл)-лариниг мос келмаслиги истифода ахли (аудитория)нинг фаоллиги, баъзан эса унинг мақсад ва қизиқишиларини олдиндан чамалашнинг мумкин эмаслиги туфайли содир бўлади. Зоро Америка киоскаларида номиданоқ моҳияти маълум бўлибурган «Арвоҳлар, иссиқ-совук ва нариги дунё», «Илми нужум» журналларининг тезда сотилиб кетишини қандай изоҳлаш мумкин? Англия, Франция, ГФРда ҳам тахминан шундай холни кузатиш мумкин.

«Бернард Шоу бир пайтлар, — деб ёзди «Арвоҳлар психология кўзгусида» китобининг муаллифи руҳшунос В.И. Лебедев, - унинг ватандошлари мустамлакалардан воз кечса кечадики, шарпаю арвоҳлардан асло воз кечмаслигини айтган эди. Ёзувчининг ҳазили чин бўлиб чиқди. Англиянинг мустамлакалари кўлдан кетди, арвоҳлар эса ... колди. Расмий статистик маълумотларига кўра инглизларнинг учдан бир қисми ҳамон инс-жинслар-у арвоҳларга ишонади. Фақат Лондоннинг ўзида 12 минг арвоҳлар клуби фаолият кўрсатади. Унинг аъзолари, табиийки, жонли одамлардир. Англиянинг жодутарлар, алвастилар, соҳибкороматлар, спиритлар, сехгарлар, арвоҳларни авровчилар, раммол ва бошқа мистик фанлар вакилларининг умумжаҳон симпозиумлари, семинарлари, форумлари ўтказиладиган «макка»га айланиб қолгани бежиз эмас. Бунинг устига устак, улар «тажриба алмашиш учун супурги ё ўғирларга миниб эмас, балки замонавий хаво кемаларида учеб келишади».<sup>1</sup> Бу хол юксак ахборот технологияси асрида, маданияти ривожланган мамлакатларда содир бўлиб турибди.

### Булар кимга мўлжалланган?

Мазкур саволга жавоб бериш учун энг машхур «Огонек» журналининг Горбачёв давридаги бош муҳаррири В.Коротичнинг кузатишларини келтириш ўринлидир: «Менинг фарб газеталари «летучка»ларида бўлишимга тўғри келган. «Летучка»ни бошқараётган кишига бериладиган биринчи саволлар (мен, жумладан, Америка матбуотини назарда

<sup>1</sup> Карап. Менделеев А.Г. Что за газетныш словом. М., 1979, 133.

тутаяпман): ким учун, қайси..., қандай ..., билими кай дарражадаги одамларга мұлжалланған? Бу материал кимнинг фойдаси учун ишлайди? Материални тақдим этаёттан киши бу саволларга жавоб беради, мұхими, жавоблар нихоятда аник бўлиши лозим.<sup>1</sup>

Бозор муносабатларига ўтган жамиятларда журналистлар нишонни аник олишга харакат қиласылар, «ўз ходимлари ва муаллифларидан: Бу кимларга мұлжалланған?», деб албатта сўрайдилар. Алоҳида бўлса-да, биз ҳам ўзимизга шундай савол берамиз. Бу саволни ўзимизга бот-бот бериб турсак фойдадан ҳоли бўлмайди.<sup>2</sup>

Л.Коротич даврида «Огонек» репортёрлари ўзларига шундай саволлар бера бошлашлари туфайли 1986 йилда 300 мингдан камроқ обуначиларга эга бўлган журналнинг ади киска вақтда 4,5 миллионга етди.<sup>3</sup>

Демак, журналистлар ўз аудиториясининг қизиқишлигини, нимани ёқтириши ва нимани ёқтираслигини билиши зарур. Шу билан бирга унинг кўламини ҳам аник тасаввур қилиш керак. Факат шундагина ўз ишингни ташкилий жихатдан ҳам, ижодий жихатдан аник режалаштириш мумкин бўлади.

### Аудитория кўламини қандай аниқлаш мумкин?

Қозоғистонлик тадқиқотчи О.Ложникова АҚШдаги таомашбинлар ва тингловчилар миқёсини аниқлаш услубини ўрганиб, Америка ОАВ да бу муаммо билан биринчи бўлиб Арчибалд Кросспининг шуғулланганини таъкидлайди. У 1929 йилда маълумотнома китобидан таваккал қилиб телефон номерларини олиб, сим қоқиб, одамлардан дастурлар кечакунда тинглаганлиги ва улар ҳақидаги фикрларини сўраган. Тадқиқотнинг мазкур тури кейинчалик «Кросспи — рейтинги» деб ном олди. Кларк Хуппер эса журналистика социологияси шаклланишининг сарчашмасида турган. У аудиторияни ўрганиш бўйича биринчи анкета-андозани очиб, газета-журнал мулокотида рекламанинг таъсирчанлигини тадқиқ қилган. «Хуппер рейтинг» «Кросспи-рей-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Курьер ЮНЕСКО, 1990, ноябрь, С. 33.

<sup>3</sup> Каранг. Хабарши-вестник. Серия журналистики — Алматы, 1998, №: 3, 89-90 б.

тинги»дан бир мунча фарққилган. Хуппер «тасодифий телефон интервьюлари» тушунчасини истеъмолга киритган. Савол берилётган кишилардан илгари нимани эшитганлари эмас, шу дақиқада нимани тинглаётганлари сўралган. «Тасодифий сўров» услуби мулоҳаза билдириш услубидан афзароқ, чунки хатоларга йўл қўядиган тингловчи хотираслик асосланмас эди. Сим кокишилар хар 15 дақиқада тақорланар эди.<sup>1</sup>

Кейинчалик Нильсен компанияси радио ва телевизор фаолиятини қайд этиб борувчи қабул станцияга биритириб кўйилувчи аудиометр-механик мосламадан фойдалана бошлади. Бошда бу оддий қоғоз тасма бўлса, кейин у 16 миллиметрли пленка билан алмаштирилди.

Агар Нильсеннинг ўтмишдошлари «эшитилишни» ўлчаган бўлсалар, у приемниклардан фойдаланишни ўлчашга киришди. Кросспи ҳам, Хуппер ҳам одамлардан нимани эшитганларини сўрашар эди. Аудиометр эса факат приемник қачон уланган ва қандай станцияга созланганини кўрсатар эди, холос, яъни ким ҳақиқатда эшитадиганини, ким шунчаки улаб қўяётганини кўрсатиб беришга ожизлик киларади.<sup>2</sup>

Америкаликлар кейинчалик аудиометрии таомиллаштиришни давом эттиридилар. 16 мм пленка ўрнига ахборотни магнит усули билан ёзиш амалда қўлланиладиган бўлди. Нильсен янги мезон ўлчовлари — телевизорга туташ масофадан туриб бошқарув (кўлда бошқариш блоки)га ўхшаш ихчам кўл мосламасидан фойдаланишга ўтди. Мазкур аппарат факат қандай шоу қайси пайтда томоша қилинаётганини эмас, энг мұхими — кимлар кўраётганини ҳам аниклаб бера олди. Шундай йўл билан тўплланган маълумот одамларнинг нимани ёқтириши ёки умуман кўрмаслиги мезони бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин.<sup>3</sup>

Нильсенга ракобатчи Америка тадқиқотлар Бюроси компанияси ускуна орқали узатиладиган, ўша заҳоти акс-садо бериш усулидан фойдаланиладиган «арбитрон» асбобини ишлаб чиқди.

1958 йилдан бошлаб «Арбитрон компани» уни танлаб олинган оиласаларнинг монитор тизимига «қайси канални

<sup>1</sup> Ўша жойда. 90 б.

<sup>2</sup> Каранг. Хабарши-вестник. Серия журналистики. Алматы, 1998, № 3, 90 б. Ўшажойда. 90-916.

афзалроқ деб билишини» аниқлаш мақсадида жойлаштиради. Олинган маълумот телевизион чизик бўйлаб марказий тармокка узатилади. «Арбитрон»нинг эски аудиометрдан асосий фарқи натижани бир ондаёқ кўрсатишидир.

Хозирги пайтда АҚШда рейтингни аниқлаш бўйича умумиллий компаниялар «Эй.Си.Нильсен» (Дани Энд Брэдстрийт фирмасининг бўлими) ва «Арбитрон» («Контрл Дэйта» компаниясининг бир қисми)дир. «Нильсен» маҳаллий ва кабель телевидение рейтинглари, «Арбитрон» эса маҳаллий радио рейтинги хақида ахборотлар тайёрлади.

Англия, Франция, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда оммавий аудитория ўлчамларини аниқлайдиган турили усуулар ишлаб чиқилган. Репортёрлар мазкур усууларга таяниб ўзларига-ўзлари савол берадилар: муштарий нимани ўқиёди? Тингловчи нимани эшитади? Томошабин нимани кўради? Ушбу саволларга жавоблар асносида «барометр» бюллетенлар, аудиторияни баҳолаш мезонлари ва бошқалар тузилади.

Албатта, техник имкониятлар жихатдан ушбу усуулар барча мамлакатлар учун мақбул бўлмаслиги хам мумкин. Бироқ илмий-техникавий тараққиёт шиддат билан илгарилаб боради. Яқин келажакда аудиторияни ўрганишнинг замонавий технологияларини кўлланишидан барча давлатлар баҳраманд бўладилар. Буни журналистнинг ўз аудиторияси, унинг кайфияти, одатлари, у ёки бу ахборотни қабул қилишга тайёр эканлигини яна бир марта таъкидлаш мақсадида эслатиб ўтдик.

## Репортёр меҳнатининг кулай формуласи борми?

Шундай формула бор. Аллақачонлардан бери АҚШ ва Фарбий Европа, кейинги йилларда эса Россия, Украина, Болтиқ бўйи журналистлари шу формула бўйича иш тутиб келмоксалар. МДҲ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистондаги кўпчилик журналистлар юкорида санаб ўтилган давлатлардаги хамкаслари каби эски формуладан воз кечиб, янгисига тезрок ўтишлари лозим. Илгариги «Ж (журналист) — М (матн)» формуласи аудиториянинг фикри ва манфатлари эмас, балки катафон тизимга сўзсиз бўйсундириш мақсадида халқ онгини қайта тарбиялаш муҳимроқ хисобланган фармонбардор мағкурунинг оқибати бўлган. Унинг моҳиятини К.Бахриевнинг «Демократия ва инсон хукуклариниң

ри» китобида келтирилган Б.Муссолинининг ўғли билан диалоги мисолида яққол изоҳлаш мумкин: «Кунлардан бир кун дастурхон устида Бенито Муссолинининг ўғли унга шундай савол беради, — деб ёзди музалиф, — ота, Сизни фаизмнинг назариётчиси, деб хисоблашади. Қисқа қилиб айтганда, фаизм деганлари нима ўзи? Афтидан, чап томони билан турган бўлса керак, жаҳл билан тўлдиради: «Овқатингни е, сергап бўлма». Бу қисқа жавоб фаизмнинг асл маъносини ифодалайди».<sup>1</sup>

Худди шу фикрни шўролар тоталитар тузуми мисолида хам айтиш мумкин.

60-йилларнинг охиirlарида М.А.Суслов ўша даврда совет ижодий зиёлиларининг энг тараққий парвар кайфиятидаги қисмини тарқатиб юборишга бошчилик қилган эди. У бунга қарши эътиroz билдирган «Новый мир» журнали бош мухаррири АТвардовскийга телефонда шундай деган: «Асабийлашманг, ўртоқ Твардовский, Марказий Кўмита сизга қандай маслаҳат берадиган бўлса, шундай қилинг...»

Таникли олим Е.П.Прохоров таклиф этган «А (Аудитория) — Ж (Журналист) — М (Матн) — Аудитория» формуласи эса: биринчидан, жамоатчилик фикрини доимий равишда ўрганиб бориш, нафақат журналистик матнни унга мослаштириш, балки бу фикрни ОАВ орқали билдиришни; иккинчидан, журналистнинг сўзи аудиториянинг онги ва қалбида қандай акс-садо берганини текшириш, натижада репортёр билан аудитория ўртасида тўғридан-тўғри ва тескари алоқани ўз ичига олган, ҳар жихатдан тўқис, барқарор тизим юзага келишини тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, «А—Ж—М—А» формуласининг ишлаб туриши репортёр меҳнати, ОАВ ва жамиятнинг демократлашганлиги тасдиғидир.

## Репортёр маънавий-маърифий тарбия масалалари билан шуғулланиши керакми?

Репортёрлар «А—Ж—М—А» формуласини ОАВ амалиётiga жорий эта бориб, фақат аудиториянинг кўнглини очиш, фавқулодда фактлар орқасидан кувиши, шов-шувларга сабаб бўладиган материаллар бериш, аудиториянинг<sup>1</sup> Бахриев К. Демократия ва инсон хукуклари- Т, 1998, 131 б.

асабларини «қитиклаш» билан ўралашиб колмаслиги лозим.

Аудиторияга сифатжихатидан янги, реципиентни ўйлашга чорлайдиган, унда инсоний фазилатларини тарбиялайдиган, фаол ижтимоий нұктаи-назарни шакллантиручи билимларни етказиш мухимроқдир. Бу олижаноб иш билан «тутуриксиз» матбуот эмас, Ғарбда «сифатлы» деб аталған халқ әзти-борини қозонған ОАВ журналистлари машғулдирлар.

Бозор шароитида журналистикаға фойда келтирувчи то-вар ишлаб чиқариш, деб қаралған тақдирда хам (ахборот — ўзига хос товар) журналист сўзининг алоҳида олинган реципиент, шунингдек, бутун жамият маънавий қиёфаси-га таъсир этишини унутмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов жуда топиб айтганидек: «Сир эмаски, хар қайси давлат, хар қайси миллат нафакат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан күчлидир. Бундай бойлик-нинг ахамиятини англаш учун чор Россиясининг Туркистон ўлқасидаги генерал-губернатори М.Скобелев: «Миллатни күл қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъетини, йўқ қилсанг бас, тез орада ўзидан ўзи таназзулга учрайди, деб айтганини эслашнинг ўзи кифоя қиласди».<sup>1</sup>

Жамиятда журналистика ижодий фаолият соҳаси, деган фикр аллақачон шаклланган. Репортёр меҳнати хар қандай ижод сингари, аввало, инсон шаъни ва баҳт-саодати учун хизмат қилишга даъват этилган. Уни юксак маънавият, ахлоқий фазилатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, аудиторияга юксак маданият ва маънавиятни етказиш ўзини бу оғир ва мураккаб фаолиятга баҳшида этган барча кишиларнинг хаёт мазмуни ва касбий-ижтимоий масъулияти бўлиб қолмоғи керак.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Т., 1997, 5 б.

## 6-МАВЗУ. РЕПОРТЁРНИНГ МУЛОҚОТ МАҲОРАТИ

Одамлар билан алоқа ўрнатиш маҳорати репортёр касбий фаолиятининг зарур шартларидандир. Материалнинг 80 фоизидан кўпроғи сұхбатдошлар билан муносабатда бўлиш, мутахассислар билан учрашиш, ижодий изланишлар асосида вужудга келадиган ўзаро шахсий мулокотлар воситасида кўлга киритилишининг ўзи шундан далолат беради.

Илк даврий нашрлар пайдо бўлишидан анча илгари сұхбатлашиш маҳорати, қызик маълумотларни топиш ва узатиш жуда қадрланган. Ўз даврининг публицистлари хисобланган қадимги нотиклар бу санъатни мукаммал эгаллашга ҳаракат қилишган. Ўшандан бўён қанча даврлар ўтган бўлишига, репортёр меҳнатининг шароити (техника ва технологияси) ўзгариб кетганига қарамай ОАВ ходимлари фаолиятида мулокот қилиш малакаси маҳоратни белгиловчи мухим омил бўлиб қолаётир. Бутун самимий сұхбат олиб бориш салоҳиятига эга репортёр катта ижодий муваффақиятлардан умид қилишга ҳақли. Репортёр хар қандай вазиятда зарур маълумотни олиш учун ўзига нотаниш одамлар билан алоқага қиришар экан, уларнинг ишончини қозонмоғи даркор. Одатда вазият сұхбатдошнинг касбий ижтимоий-рухий ҳолатлари билан белгиланадиган шарт-шароитлар, сұхбат мазмунига бефарқ бўлмаган турли қай-фиятлар ва омиллар қўшилиб мулокот вазияти мураккаблашиб кетади. Илмий-истилоҳий матьнода **алоқада бўлиш** деганда тажриба, қобилиятлар, билим ва малакалар, шунингдек, жамият ва шахс тараққиётининг зарурый ва умумий шартларидан бири хисобланган фаолият натижаларининг алмашинуви содир бўладиган мулокот жараёни, ижтимоий ва шахсий муносабатлар (катламлар, гурухлар, шахслараро) ўзаро боғланиши, хабарлашиш, муайян мақсадга эришиш амаллари назарда тутилади.

Демак, репортёр мулокот қуришни ўз олдига мақсад қилиб кўяр экан, у албатта, руҳшуносларнинг таъбири билан айтганда, ижобий иклим яратмоғи лозим. Бунда алоқа ўрнатишнинг конун-коидаларини, самимий мулокотга чорлаш усувларини билиш мухим аҳамият касб этади.

Улар қуидагилардан иборат:

1. Ахборотни узатиш ва уни қабул қилишни амалга оширадиган мулокот вазиятидан келиб чиқадиган вазифалар.
2. Мулокот олиб бориш тартиблари билан боғлиқ вазифалар. Бу вазифа одоб-аҳлоқни бошқариб туришга тааллуклидир.
3. Мулокотнинг хиссий жихатига тааллукли таъсирчан алоқа вазифалари. Алоқа ўрнатиш тартиблари ва вазифалари шулар билангина чекланмайди. Бу ҳақида «Рухшунослик бўйича хрестоматия» китобининг «Рухшуносликда мулокот муаммолари» бўлимидан етарли маълумот олиш мумкин.<sup>1</sup>

Ушбу тартиб ва вазифаларни билиш репортёрни одамлар билан тил топишиш малакаси билан қуроллантиради, алоқа ўрнатиш турлари ва усуулларидан воқиф этади.

### Одамларга хеч қачон нописандлик билан қараманг!

Инсоний фазилатларидан бири одамларга холисона мунносиб баҳо бера билишdir. Таникли америкалик файласуфларидан бири Жон Дьюи таъкидлаганидек, инсон табиатига хос азалий интилишлардан бири «нуфузли бўлиш истагидир». Бинобарин, «ҳамма мақтовни хуш кўради», ифодаси бежиз айтилмаган.

Худди мана шу интилиш Диккенсни ўлмас романлар яратишига илхомлантирган. Ўша тўйғу Кристофер Ренни тошда симфония яратишига, Рокфеллерни сарфлаб тутатиб бўлмас даражадаги миллионларни йиғишига рухлантирган. Айнан ўша хиссийёт энг бадавлат кишини зарурати бўлмаса ҳам данғиллама иморат қуришга мажбур этган. Бошқалардан ўзингизни юқори туюш истаги сизни энг сўнгти модадаги либосларни кийишига, янгича автомобилни минишга унрайди. Бу хиссийёт ҳаммага — жамоат транспорти кондукторига ҳам, окловчига ҳам, коровулга ҳам, вазир-у олимга ҳам бирдай хосдир.

, Д.Карнегининг гувоҳлик беришича, Жорж Вашингтон ўзига албатта, «Қўшма Штатларининг шавкатли Президен-

ти» деб мурожаат қилишларини хуш кўрган, Колумб эса «Океан адмирали ва Хиндистоннинг вице-кироли» увоннинг эга бўлиш учун кўп уринган, Екатерина II ўзига юборилган хатлар тепасига «Император ҳазрати олияларига», деб ёзилмаган бўлса, уни очиб ҳам қарамаган. Линкольнхоним эса Оқ уйда Грант хонимга «Менинг рухсатимсиз ўтиришга қандай журъят этдингиз?» деб йўлбарсдай ташланган.<sup>1</sup>

Олдинги сафда бўлишга интилиш Лина Черязова хамда Мухаммадқодир Абдуллаевларни мустақил Ўзбекистоннинг биринчи олимпия чемпионлари бўлишга ундаган. (Биринчисини — фристайл бўйича, иккинчисини — бокс бўйича). Ватандошимиз Артур Григорянни профессионал рингда ўз вазнида дунёда энг машҳур боксчи бўлишига илхомлантирган. Эл эътиборйни қозонишга интилиш физик ва кимёгар Рустам Раҳимовни мутлако янги, инсоннинг касалликка қарши кураш тизимини мустахкамловчи ноанъанавий услубни кашф этишига сабаб бўлган. Унинг даволовчи керамик чироқлари онкологик, иммунодефицит, ярали ва бошқа касалликларни даволаш билан боғлиқ изланишлари дунёдаги машҳур илмий ва тиббий марказларда катта қизиқиши уйғотмоқда. Дарҳакиқат, у ёки бу шахснинг эришган муваффакиятлари камтарона, у кадар миқёсли бўлмасада, лекин у ўзи ҳақида юқори фикрда ва шунга интилиш табиий бир ҳол.

Шу ўринда Самарқанд телевидениесини (СТВ) бошқа нодавлат телестудиялари билан бир каторга қўйганларида унинг раҳбари Г.Г.Габриелянцнинг каҳр-ғазаби жунбушга келгани эсга тушади: «СТВга ўтга-миёна ахборот канали деб қараашга қандай журъят этдингиз? Катта талабдан келиб чиқилса, бу факат телевидениенинг ўзигина эмас. Истасангиз бу ўз ичига радио, ўзбек ва рус тилларида чиқадиган «Даракчи» газетасини оладиган медиа-холдинг. Қандай бинони курашиб қўлга киритганимизни бир кўринг, иш ўринларимиз канча! Биз билан ким тенглаша оларди?.. Биз биринчилар ичida биринчимиз!!!» хиссийёт ҳукмидаги ғазабнок Г.Г.Габриелянцга бас келиб бўлмас, шунинг учун сухбатдошлар (уларнинг орасида ушбу дарслик муаллиф-

<sup>1</sup> Д.Карнеги. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей.-Т., 1992, 42-43 б.

<sup>1</sup> Каранг. Мироненко В.В., Хрестоматия по психологии. Проф. А.В. Петровскийтахр. М., 1987, 108-117 б.

лардан бири хам бор эди) хаёлида «ким биринчи: Андижон телевидениесими, ёки Самарқанд телевидениесими?» деган эътиrozли фикр ўтмокда эди, лекин улар бу мавзуда гапиришдан ўзларини тийдилар. Г.Г.Габриелянц эса яна жазаваси кўзғаб ахборот эркинлигини СТВ фойдасига ҳал этишдаги шахсий хизматлари хакида юқори пардаларда бонг ура бошлади. Сұхбатдошлар бундай вазиятда тутокиб турган СТВ бошлиғига эътиroz билдириш бефойда эканлигини сезиб туришар эди. Ҳақли эътиrozни Г.Г.Габриелянцнинг ўзи учун адолатсизлик ва ноҳақлилик, деб қабул қилиши аник эди.

Бу воқеа ўзингни ўзинг эмас, балки атрофдагилар муносиб баҳолашларига эришиш накадар мухим эканлигини яна бир карра тасдиклайди.

#### **Бундан келиб чиқадиган биринчи қоида:**

*«Ҳеч қаҷон оدامларга нописанд бўлманг! Бўлғуси сұхбатга ўткинчи, вакътинчалик, одатий гаплашиб, деган кайфиятда борманг!», Сұхбатдошингиз ижтимоий аҳволи, мансаб маъқоми ва моддий тўқислигидан қатъий назар ўзини юқори баҳоланишига лойиқман, деган қатъи ишончда бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигини ёдингизда тутинг.*

Балки рўпаратнинг омадсиз киши ўтиргандир, бироқ сиз унга маълумот манбаи сифатида мурожаат қиласпиз. Аксинча, балки у ҳакиқатдан хам ноёб ва ягона манбадир. Демак, масалани бу жиҳатлари билан хам сиз учун аҳамиятлидир. Сұхбатдошнинг шунга ўхшаш шахсий жиҳатларини репортёрнинг дарҳол фахмлаб ола билиши ниҳоятда мухимдир. Ҳар қандай вазиятда сұхбатдошингизга самимий муносабатда бўйаётганингизни намойиш қилинг. Журналист ўзининг «Мени» ҳакида камрок ўйлаши керак. Унинг вазифаси-сұхбатдоши билан қизиқаётганини кўрсатиш. Репортёрлик кўзга кўринган касб, албатта. Аммо бу сизни хамма ерда ва хамма вақт кутишади, зарур маълумотни сизга беришга тайёр туришади, дегани эмас. Наинки, репортёр билан учрашган чоқца хам одамлар, аввало, ўз нуфузини ўйладиди: айнан журналист назарига тушганлари уларга хуш ёқади, яъни биринчи галда ўз «Мен»лари ҳакида ўйладилар. Буни телефонда гаплашиб чоғида қайси сўз кўпроқ ишлатилишини уни синчиклаб ўрганган Нью-Йорк телефон компанияси тадқиқотлари хам тасдиклайди: бундай

сўз, албатта, «мен» кишилик олмоши экан. Телефондаги 5000та мулокот чоғида «мен» олмошидан 3990 марта фойдаланилган экан.<sup>1</sup>

#### **Иккинчи қоида:**

*«Ахборот манбаига фақат самимий ҳайриҳоҳликда бўлиш ундан зарур бўлган фактларни олишга ва гувоҳлик беришга йўл очади». Ҳар қандай инсоннинг (касби, дини, сиёсий қараашлари, маълумоти, жинси, ёши, ижтимоий аҳволидан қатъи назар) ҳайриҳоҳликдан, мақтovдан кўнгли ёришади.*

Бироқ буни камдан-кам одамлар тан олишади. Шунингдек, бундай ҳолни маъқулламаслигини билдирувчи одамлар хам топилади. Булар репортёрни чалғитмаслиги керак.

Буюк руҳшунос Альфред Адлер «Ҳаёт сизга нимани англатмоғи керак?» китобида ўз қасбдошларига эътиборсиз киши ҳаётда кокилади ва атрофдагиларга катта зарап келтиради, худди шундай одамлар орасида омадсизлар пайдо бўлади деб ёзади. Ушбу фикр журналистлик касбига хам бевосита даҳлдор дейиш мумкин. Сир эмаски, таҳририят ходимлари ўз қаҳрамонлари билан учрашган пайтларида кўпинча кенг билимларини кўз-кўз килиб маслаҳатлар беришга интиладилар, узундан-узок фикр-мулоҳазалар билан сұхбатдошнинг гапини бўладилар, бўлар-бўлмас гапларни қистиришга ҳаракат қиладилар. Журналистлар бундай хулк-атворлари билан сұхбатдошнинг «тизгини»ни тутиб турганларини таъкидламокчи бўлишади. Аслида журналист эътиборни ўзига эмас, аксинча ахборот эгасига қартиши лозим. Одатда бундай камчиликларга сұхбатдошига бир хил — андозали, колип савол берувчи тажрибасиз бошловчи журналистлар йўл кўядилар.

Репортёр мулокот асносида сұхбатдошини тинглай билиши ва бу қўнікмани муттасил такомиллаштириб бориши керак. Амалиётда кўпинча бунинг тескариси бўлади. ОАВ вакилларининг ўз сұхбатдошлари фикрига эътиборсизлик билан қараш холларига истаганча мисоллар келтириш мумкин. Бунга кўпинча таҳририятнинг тажрибасиз ходимлари йўл кўядилар.

Сұхбатдошни эшитиш одобини билмаслик, унга эътиборсизлик тонгги «Ассалом Ўзбекистон!» теледастури ёки ЎзТВ-1нинг «Стол атрофидаги амалий учрашувлар» томо-

<sup>1</sup> Ўша жойда. С. 45.

шабинларининг, «Ёшлар» радиоканали йўқламаси сингари эшиттиришлар тингловчиларининг асабига тегади. Журналистлар олдиндан тайёрланган қолип-режа асосида ишлаб қаршисидаги жонли одамни унтиб қўядилар. Бошловчилар: «Сиз қандай қилиб ёзувчи, актриса, ўқитувчи ёки артист бўлдингиз?», «Нималарни орзу қиласиз?», «Хозир нима устида ишлайпсиз?» руслидаги сийқаси чиккан саволларни беришади. Ана шундай чайналган саволларни бера туриб, сухбатдошларининг айтганларига кулоқ осмайдилар: кўрсатув ё эшиттиришни жонлантиришга уриниб айтилганга кўшимча қилаётгандек, бемаъни лукмалар ташлайдилар, у ёки бу фикрни ривожлантиromoқчи бўладилар. Бирок, буларнинг хаммаси сунъий бўлиб чиқади, томошибин ва тингловчиларни эса лақиллатиб бўлмайди: улар ёдлаб олинган жумлалар, зўраки жилмайишлар, сунъий холатларни шундоккина кўриб, билиб турадилар. Бундай кўрсатув ва эшиттиришларнинг муваффакиятсизликка учраши олдиндан маълум. Нега? Гап шундаки, журналист сухбатдошини парвосизлик билан эшитади, бутун диккат-эътибори ёдлаб олган саволларида бўлади. Бундай вазиятни Чикаго университетининг олимлари «дуолог» деб атайдилар. Бу «диалог» дегани эмас, албатта. Ижтимоий руҳшуснослик соҳасида йирик мутахассис хисобланган Ж.Р. Паркинсон буни тушунтириб шундай дейди: «Диалог икки кишининг жонли мулоқотидир. Бу ўзаро фикр алмашиш, бир-бирига фикр етказишидир. «Дуолог» эса гаплашиш жараёнидаги фикр алмашиши билан боғлиқ бўлмаган вазиятдир». «Дуолог» тахминан шундай кечади: бир киши гапиради, иккинчи киши бу пайтда сухбатдоши гапини тутгатнидан кейин унга нима дейишини чамалаётган бўлади. Икковлари навбат билан гапирадилар-у, на униси, на буниси сухбатдошини эшитади. Хар бири учун бошқасининг нима деяётгани эмас, балки ўзи нима дейиши мухимрок.<sup>1</sup> Натижада бир колипдаги, бир андозадаги зерикарли дастурлар пайдо бўлади. Уларда қизиқарли фикрлар, мустақил мулоҳазаларга, янги ғояларга ўрин қолмайди. Энг мухими, сухбатдош ёрқин шахс эмас, балки кўп миллионли аудитория олдида умумий одатий саволларга жавоб беришга мажбур этилган ўртамиёна киши сифатида гавдаланади. Тे-

<sup>1</sup> Паркинсон Ж.Р. Люди сделают так, как захотите Вн. 83-6.

лерадиорепортёrlар ўзлари сухбатга тортган киши ҳам сезигир ва эътиборли эшитувчига хожатманд эканлигини назардан сокит киладилар. Ахир инсон кўрсатув ёки эшиттиришга ўз фикр-ўйлари, ғоялари билан келади-ку. Телекўрсатув ва радиоэшиттириш мулоқотдошлар бир-бирини англаши учун беришган бир имконият-ку!

Машхур олим ва нотиқ Ҳусайн Воиз Кошифий (XV-аср) «Футувотномаи сultonни» китобида сухбат одобларини баён қилар экан, сидқу-садоқат тили билан сўзлаш ва қабул кулоғи билан эшитиш зарурлигини утиради; сухбатдан амал қилиши зарур бўлган қоидалар сифатида куйидагиларни кўрсатади:

Сухбатдошнинг сўзларини жон кулоғи билан эшитиш; унинг сўзларига эътироz билдиrmaslik ва сўзидан хато кидirmaslik; унинг шодлигидан шодланиб, ғамгинлигидан ғамгин бўлиш; ҳурматини жойига қўйиб эъзозлаш; унинг сўзини бўлиб, гап қистирmaslik. Сўзлаганда эса, ҳар кимнинг ахволига қараб муносиб сўз айтиш; лутф ва мулойимлик билан; овозни баланд кўтarmaslik, табассум қилиб очилиб гапириш ва хоказолар.

Бу сухбат қоидалари бугунги кун репортёрлари учун ҳам дастурлама амал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шундай қилиб, учинчи қоида: «**Эътиборли бўлинг! Сухбатдошингизни эшитиш ва англашга ўрганинг! Уларнинг ўзларини, тўйцинлантирган муаммолар ҳақида гапиришларини рагбатлантириб боринг».**

Сухбат мавзуига самимий қизиқиши хосил қилиш, асосий масала бўйича одоб доирасида босиклик билан саволлар бера билиш, жавобларни тахлил этиб, аник хулосалар чиқариб бериш журналист шахсига ишончни мустахкамлайди. Бу журналистнинг тингловчи сифатида қозонгандан муваффакиятидир.<sup>2</sup> Репортёр руҳшунос П.С. Тарановнинг «Тескари феъл-автор. Алока ўрнатишнинг сирлари» китобида баён қилинган маслаҳатига кулоқ тутса, фойдандан холи бўлмайди: «Бутун вужудинг билан тингламоқ зарур. Сухбатдошингни англаш учун унинг максадини аниклаб олмоқ керак. Эшитмоқ хамиша хабар топмокцир. Ҳақиқат гапирувчининг тилида эмас, тингловчининг қулоғидадир».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Карап. Ташкентская неделя, 1999, 30 сентябрь.

<sup>2</sup> Карап. Таранов П.С. Поведение наоборот. Симферополь. Реноме. 1998, С-128.

Шу ўринда таникли ўзбек шоири Максуд Шайхзоданинг «Қўшикни эшитмоқ билан тингламоқ орасида катта фарқ бор, гарчи бу сўзлар илк қарашда мъянодош калималардан тувлсалар ҳам ... Нағмани эшитибсану тингламабсанми, демак уни асти англамабсан...», («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1984 йил 12 октябрь) деган таъкидлари ҳам ғоят ибратлиdir.

## Сұхбатдошингизни қизиқтирган нарса ҳақида сўзланг!

Журналист — ўз машғулот моҳиятига кўра, кенг билим доирасига эга, акл-заковатли, ҳар тамонлама комил инсон. Бу унга ҳаётни бутун ранг-баранглиги ва тафсилотлари билан кўрсатиб бериши имконини беради. Бирок у комусчи эмас, хозирги даврда комусий билимга эга бўлиш мушкил бир ишлигини ҳамма ҳам тушуниб етавермайди: билимдон деган ном чиқариш мақсадида исталган нарса ҳақида ёзишга киришади ҳам.

Жамиятда репортёр ҳамма соҳадан бир чимдимдан билади, деган тавсифнинг одат тусиға кирганлиги тасодифий эмас. Россиялик олим С.М.Гуревич тўғри таъкидлаганидек, ҳақиқатда эса журналист кўп нарсадан хабардор, савияси кенг ва билимдон инсондир.<sup>1</sup> Ер юзида минглаб касблар бор. Уларнинг ҳар бирида бошқаларидан фарқи ўзига хосликлар, нозик жихатлар, сирлар бўлади. Шу боис энг, истеъодли журналист ҳам, Козъма Прутков таъбири билан айтганда, ҳамма нарсани камраб ола билмайди. Турли соҳа мутахассислари билан алокалар журналист билимидағи етишмовчиликларни тўлдиришга ёрдам беради. Бунинг учун у каерда ишламасин - газета ва журналдами, ахборот агентликларидами - бунинг фарқи йўқ, ўз касбининг мөхир усталари сұхбатдошларини уларни қизиқтирган мавзуларга жалб этишни ўрганиб олиши зарур. Буни қандай амалга ошириш мумкин?

Д.Карнегининг буюк инсонлар ҳаётидан келтирган мисоллари масаланинг баъзи жихатларни тушунишга имкон беради. «Теодор Рузвельт билан учрашган ҳар бир кишини,

<sup>1</sup> Гуревич С.М. Организация индивидуального труда журналиста.- М. МГУ. 1986, 39 б.

— деб ёзади у, - унинг билимлари миқёси ва қамровининг қенглиги лол қолдирган: «Ковбой ёки берейторми, Нью-Йоркли сиёсий аробб ё дипломатми, — деб ёзади Гамалиэл Брэдфорд, — Рузвельт ҳамма билан бир зумда тил топа олар эди. Бунга қандай эришар эди у? Бу саволга жавоб бериш кийин эмас. Рузвельт ҳар гал ташриф қилувчи киши келишидан бир кун илгари, тунда алла-маҳалгача ўтириб билдиригич маълумотномалардан меҳмонни қўпроқ қизиқтирадиган нарсаларни диккат билан ўқир эди. Рузвельт барча арбоблар сингари инсон қалбига энг яқин йўл сұхбатдоши ўзи учун азиз деб билган нарса ҳақида сұхбатлашиш эканлигини билар эди».<sup>1</sup>

Репортёр меҳнати кўп жихатдан сиёсатчининг меҳнатига ўхшаб кетади. У ҳам сиёсатчи каби ҳақиқатан ҳам кўп нарсадан хабардор, айрим нарса ҳақида қўпроқ биладиган инсон сифатида фаолият кўрсатади.

Демак, репортёр агар имкон топса сұхбатдоши ҳақида олдиндан зарур маълумотларга эга бўлиши керак. Бу вазифа баъзан малолик келтирса-да, мақсаддага эришишнинг мухим омили саналади. Мухими бу ҳеч қачон ортиқча юк бўлмайди, аксинча журналист ижодий изланишларининг муваффакиятига гаров бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан Америка тележурналистикасининг юлдузи Барбара Уолтерс «Барча билан ҳамма нарса ҳақида қандай сұхбатлашиш лозим» китобида қўйидагиларни ёзади: «Лола исмли дугонам бор. Бир куни у билан Алан Кинг ва унинг рафиқаси Этэла Кеннедининг туғилган куни муносабати билан Лонг Айленддаги ҳашаматли уйларида уюштирилган кечада бирга эдик. Тамадди қилиш пайтида мен сенатор Бич Бау билан ёнма-ён ўтириб қолдим. Уни президент лавозимига мўлжаллашар, табиийки, мен биринчи манбадан маълумот олишга шошилар эдим."Бирок ширинлик тортишганда Лола ташаббусни кўлга олди: «Сенатор, айтингчи, помидорларингиз қандай ўсяяпти?» деб тўсатдан сўраб қолди у. Сенатор барадла кулди-да, унинг помидор етишириши ва бунга ғоят қизиқишини каердан била колганини сўради. Шунда унинг дикқатини буткул ўзига қаратган Лола очикдан-очик у билан учрашгунча маълумотлар тўплаб китобларни титиб чикканини эътироф этди.

<sup>1</sup> Д.Карнеги. Как завоевывать друзей и оказывать влияние на людей. С-110.

Ҳамма сенаторлар ҳам помидор етиштирмайди. Бошқача килиб айтганда, сиз сухбатдошингизнинг севган машғулотидан ташқари асосий иши түғрисида кўпроқ нарса билмоғингиз керак».<sup>1</sup>

Мазкур маслаҳатлар ва тавсияномалар журналистлик амалиётининг барча холатларида (мухбир - олим, ишбильармон, эколог, спортчи, фермер, рассом, шифокор, халқ амалий санъати усталари, дин арబблари, сиёсий партиялар, ижтимоий харакатлар йўлбошчиларими — ким билан учрашмасин) аскотади. Навбатдаги сухбатдошлар билан учрашишни келишиб олганидан кейин, уларни кўпроқ қизиқтирадиган масалаларга эътибор бериб, мумкин қадар етарли маълумот тўплашга харакат қилиш мақсадга мувафиқдир. Бу маълумотларни эса таржимаи ҳолга оид маълумотлар, меҳнат дафтарчаси, мажлис қарорлари, эсдалик адабиётлар ёки матбуотдан, шунингдек, бирга хизмат килалиган ҳамкасларнинг ёки қариндошлар ва яқин қишиларнинг сухбатларидан олиш мумкин. Бироқ ҳамма масалалар бўйича чуқур билимга даъвогарлик қилиш ярамайди. Шунчаки қизиқувчи муҳлис бўла туриб, зинхор ўзингизни театр, санъат ва мусиқа ёки шоу-бизнес билағони қилиб кўрсатманг. «Бундай вазиятларда, — деб ҳисоблади Б.Уолтерс, — умуминсоний масалалар бирмунча хавфзизроқцир. Созандадан мусиқа умуман маъносиз бўлиб туюлса концертга бориш зарурми, деб сўранг. Ёки болаларда мусикага қобилиятини қандай тарбияламоқ керак, мусиқа дидни шакллантира олиш-олмаслигини, рассомдан у қайси расмини бошқаларидан устун кўйиши ҳақида сўранг. Ёзувчидан илк марта асари қачон босилиб чикқанини сўранг, аммо ҳеч қачон асар ғояси қандай туғилиши ҳақида оғиз оча кўрманг — бу асабни бузадиган, жонга теккан саводдир».<sup>2</sup>

Журналистлар учун таникли корхона эгалари, йирик ишбильармонлар билан учрашувлар қийин кечади. Бойликнинг ўзи, Б.Уолтерснинг кузатувлари бўйича, унинг эгасидатитроқ ва қўрқув уйғотади. Бир қарашда журналист билан бадавлат киши ўртасида ҳеч қандай умумий нарса йўқдек

<sup>1</sup> Кўрсатилган китобдан айрим боблар «Журналист» журналида чоп этилган. Қаранг. Журналист, 1992, №9, 50-6.  
<sup>2</sup> Ўшажойда. 51 б.

бўлиб кўриниши мумкин. Аслида бундай эмас. Сухбатни тижоратдан, энг нозик нарса фойда олишдан бошлаш шарт эмас. Одатда, уларнинг биринчи мудаффакиятларидан сўраган мъкулроқдир, чунки кўпчилик иши юришиб кетган сармоядорлар, американлик тележурналистнинг гувоҳик беришича, эришган мудаффакиятлари, ишни қандай бошлаганликлари ҳақидаги саволларни ҳуш кўрадилар. Шунинг учун ҳам улар мудаффакият қозонишдаги биринчи қадамларини гўё биринчи мухаббатларини эслагандай илхомлари жўш уриб сўзлаб берадилар. Кўп тажриба ортирган Б.Уолтерс қўйидагиларни тавсия қиласди: «Қандай йўл билан бўлмасин сухбатдошингизни эсдаликлари, ёшлиги, шуҳрат қозонишининг бошланиши ҳақида гапиришига харакат қилинг. Илгари ҳозиргига караганда ишлаш қизиқарлирок бўлганми? Қандай мақсадлари бўлган? Ҳозир ўзи бошқарив турган фирмага<sup>3</sup> қандай келиб қолган? Бошлиқ унинг ғашига текканми? Ўзининг биринчи миллионига қандай эришган?» Шунингдек, одамларни машҳур қишиларнинг фарзандлари бор-йўқдиги, уларнинг болалиги қандай ўтганлиги, номдор ота-оналари изидан кетишмаганлиги ҳамиша қизиқтиради. Кўпинча машҳур қишиларнинг фарзандлари ота-она шуҳрати соясида яшамасдан улардан ҳам машҳурроқ бўлиб кетадилар».<sup>1</sup>

#### Шундай қилиб тўртингчи қоида:

*«Агар сиз одислар билан учрашувлардан бўлажаск материал учун мумкин қадар тўлиқ маълумот олишини истасангиз, уларни қизиқтирган нарсалар ҳақида гаплашинг, уларнинг қасбий ва ҳаётий ташвиш-ўйлари ҳақида саволлар беринг».*

Шуни унутмангки, ҳар қандай сухбатдош бирор соҳада сиздан устун, сиздан кўпроқ билади ва у ноёб ижтимоий тажриба эгасидир. Улардан, ҳатто, юксак ижтимоий мақомни эгаллаганлари ҳам сиз билан қимматли маълумотни баҳам кўриши мумкин.

#### Мулоқот ҷоғида реципиентнинг кутганларига таянинг

Фикр алмашиш жараённада журналистнинг кўтшаб тўсикларни бартараф этишига тўғри келади. Кўп холларда у ёки

<sup>1</sup> Қаранг. Журналист, 1992, №9, 51-6.

бу мутахассис ёки амалдор ўзини қандай тушишини олдиндан билиш қийин.

Репортёр танг ахволда қолмаслик учун, тасодифларни ҳам истисно этмаган холда, ўзида ҳамма нарсага тайёр туринш фазилатини тарбияламоғи керак. Ҳеч нарсани текширмай, таҳлил қилмай ўзидан-ўзи маълум деб хисобламаслик ва ҳеч қачон ғойибдан келадиган омадга ишонмаслик лозим! Ҳар бир учрашувда айни шу вазият тақозо этган йўлни танлаш мухимдир. Баъзан шароит репортёрдан "жўн" саволлар беришни талаф этади. Булар ҳақида журналистиканинг таникли назариётчиси ва амалиётчиси Ю.А.Крикунов ўзининг "Хаёт тақозоси билан" китобида тўхталиб ўтган ва она ва бола институти директори билан "жўн" савол-жавобни келтирган:

"Р. Марҳамат қилиб айтингчи, эмизикли боладан гимнаст гавдали, Эйнштейн каби мияли одамни вояга етказиш учун фан намоёндалари нима иш қилмоқдалар?

Д. Назаримда, сиз қадимги кишиларнинг "соғлом танда соғ акд" деган ҳикматли гапларини хотүғри тушунувчиларни ёқлаётганга ўхшайсиз.

Р. ??

Д. Гап шундаки, ҳақиқатда мазкур ибора «Соғлом танда соғлом рух бўлсин»дир. Ҳатто, қадимги одамлар ҳам бақувват киши ғайриихтиёрий равишда доно бўлиб қолмаганинги англаб етиштан. Бу билан тарбияловчилар шуғулланышлари керак. Тиббиётдан буни талаф қилиш ақлга сифмайди.

Р. Нима учун институт ота эмас, она ва бола институти деб аталишини менга тушунтириб бера олмайсизми? Отага нима бўлган директор?

Д. Отага ҳеч нима бўлмаган хисоб. Она учун болага нисбатан кўпроқ вазифалар белгиланган. Бола туғилгунча тўккиз ой кўтариб юрмок, боқиб катта қилмоқ, турли касалликлардан эхтиёт қилмоқ керак. Биз оналик кила оладиган аёлни эъзозлаймиз. Отага эса ҳар қанча хурматга сазовор бўлмасин, онанинг ўрнини босолмайди".<sup>1</sup>

Ҳатто репортёрнинг "жўн" саволларига жавоб қайтараётган директор ҳам комил шахснинг вояга етиши учун соғлом ирсият ва шунга мос тарбия ҳамда зарур ижтимоий

<sup>1</sup> Қаранг. Крикунов Ю.А. Подсказано жизнью. М. Минськ, 1984, С-93-94.

шароитларнинг мавжуд бўлишининг не чоёли аҳамиятли эканлигини оммабоп килиб тушунтириб бера олган.

Инсон фаолиятининг муайян бир соҳасида чукур билимга эга эмаслигини очик-ойдин тан олиш айб эмас.

«Қобуснома» муаллифи Кайковус (XI аср) ўз фарзандига шундай насиҳат килади:

«Агар ҳар қанча доно бўлсанг ҳам ўзингни нодон туттил, токи сенга хунар ўрганиш эшиги ҳамиша очик бўлғай... хосга хос сўз, омийга омий сўз дегил, токи у ҳикматга муовфик бўлсин ва эшитғон кишига оғир келмасин» (40-бет).

«...Кўп ҳолларда ҳамма нарсани тушуниб етолмайман, - тан олади «Комсомольская правда»нинг шархловчиси Я.Голованов, - менимча, бу журналист учун табиий ва қонунийдир. Бироқжавоб олишни истаган саволлар моҳијати билан олдиндан танишиб чиқмасдан туриб лабораторияга ёки олимдан интервью олишга ошикмайман».<sup>1</sup>

Бу икror ўрга миёна журналистни эмас,балки Бауман номидаги олий техника билим юрти (ҳозир дунёдаги энг нуфузли университетлардан бири)ни битирган, илмий-техшириш институтида иш тажрибасига эга, фан ва техника соҳасида кенг масалалар билан шуғулланувчи мутахассисга ҳамда ОАВ соҳасида катта шуҳрат қозонган журналистга тегишилдидир. Бу журналист ўз сұхбатдошлари - олимлардан: «Мен билан гаплашганда ўнинчи синф ўкувчисининг билими даражасидан ошириб юбормаслигингизни сўрайман, чунки «Комсомольская правда» ўкувчиларининг катта кисми билим даражаси шундайдир. Мен билан эмас, муштариylар билан сұхбат қуришингизни сўрайман», дейишдан ор килмайди.<sup>2</sup>

Машҳур «Тунги канал» телевизион янгиликлар кўрсатувининг бошловчиси Эдвард (Тед) Коппел ҳам худди шу усулда ишлайди. Унинг ярим соатлик дастури Эй-Би-Си (Американ Бродкастинг компани) телевизион тармоғи орқали олиб кўрсатилиди ва у 7 миллион кишилик томошабинлар аудиториясини тўплайди.

Америка журналисти Рона Мендельсоннинг гувоҳлик беришича, «Коппел ўз вазифасини меҳмонларга факат

<sup>1</sup> Қаранг. Сагал Г. Двадцать пять интервью. Так работают журналисты. М. Политиздат, 1978, 26-6.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

кийин саволлар беришдан иборат, деб билмайди. Ўзининг икрор бўлинича, «ўз томошабинларининг вакили» бўлишини ҳам истайди. Коппел студияда интервью олаётган пайтда ўз томошабинлари билан «кўшилиб кетишга» интилиб, ўз шахсий фикрини бир чеккага суриб қўяди».<sup>1</sup>

Ҳар қандай таҳририятнинг ҳар бир журналисти учун Я.Головоновнинг «мен билан эмас, ўкувчилар билан сұхбат куришингизни истардим», Коппелнинг «ўз томошабинларининг вакили бўлиш» ҳақидаги сўзлари мулокотнинг касбий тамойилига айланмоғи керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир таҳририятнинг кўзга кўринарли жойига куюқ ҳарфлар билан ёзилган куйидаги касбий- ахлоқий шиор осиб қўйилса фойдадан холи бўлмас эди:

«Ўз аудиторияси, унинг баҳти-саодати учун яшаш ва хизмат қилиши».

Жуда кўп тарихий ёдгорликларда ҳақиқатнинг мангумлигидан далолат беруб турувчи, ўтмиш билан келажакни туаштирувчи риштага айланган чукур маъноли иборатларнинг учраши тасодифий бўлмаса керак. Журналистикада эса ана шундай ҳақиқат ўкувчи, томошабин ва тингловчи-ларнинг янгиликка ташналигидир.

**Бешингчи коида: «Одамлар билан алоца ўрнатиши уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларидан, ўз реципиентларингиз кутган нарсаларидан келиб чишишга ҳаракат цилинг.**

**Сизнинг барча мақсадларингиз ва сайъи ҳаракатларингиз ўз аудиториянгизнинг ишончшиш оқлашга царатилган бўлмоғи лозим! Моҳир бўлинг!»**

Репортёрлар одамлар билан иш қўрадиган инсонлар сифатида ҳеч качон сұхбатдошларининг иззат-нафсига тегмасликлари керак. Акс ҳолда бир-бирини тушунмасликкина эмас, балки турли зиддиятли ҳолатлар юзага келиши мумкин.

«Мен ҳеч нарса билмаслигимни биламан, холос» деб тақрорлашни яхши кўрадиган Сукротдан аклироқ бўлишига интилиш бемаънилиkdir. Сұхбатдошингиз нотўғри маълумот берадиганин сезганингизда холис йўл тутиб, «Каранг-а, мен янглиш ўйлаган эканман. Ҳа энди тирик жон янглишида-да» десангиз, кўнгилсиз тортишувга барҳам берасиз.<sup>1</sup> «Мен янглишаётган бўлишим мумкин», «Бу мен

билан тез-тез бўлиб туради», «Келинг, фактларни текшириб кўрайлик» жумлалари Дейл Карнегининг фикрича, одамларга мўъжизали таъсири этади. Д.Карнеги бир куни Қут доирасида ўн бир йил яшаб, олти йил давомида факат гўшт ва сув билан овқатланган таникли тадқиқотчи-олим Стефансон билан сұхбатлашиб, ундан бу билан нимани исботламоқчи бўлгансиз, деб сўрайди. Тадқиқотчи шундай деб жавоб берган: «Олим ҳеч қаҷон бирон нарсани исботлашга ҳаракат қилмайди. У факат фактларни аниклашга ҳаракат қиласади».<sup>1</sup> Бу Ибн Синонинг «Ки таҳқик (аниқланган) эрди тадқиқ этдим, чу тадқиқ (текшириш) эрди таҳқик этдим» деган фикрига ҳамоҳангдир. Репортёр меҳнати ҳам олимники сингари фактларни аниклашдан иборат. Шу боис аник тўқнашувлардан ва «сиз ноҳақсиз» деган ибораларни ишлатишдан ўзингизни тийинг. Зоро, мутаассиб, рок-металл ёки футбол ишқибозларининг фикрини ўзгартириб бўлармикан? Улар ғояларни эмас, кўпроқ ўз нафсониятларини ўйладилар.

Нокулай вазиятга тушмаслик, сұхбатдошингизни ранжитмаслик ҳаракатида бўлинг. Баҳса қўли баланд келишлик бўлмағур гап, деганда Д.Карнеги минг марта ҳақцир: «Шунинг учун баҳса ютқизган бўлсангиз ҳам, қўлингиз баланд келган бўлса ҳам мағлуб бўлдингиз. Чунки, — деб тушунтиради Карнеги, — сиз мухолифингизни ундан устун эканлигинизни хис этишга мажбурладингиз. Унинг иззат-нафсига тегдингиз. У сизнинг ғалабангиздан озор чекди. Ахир инсонни раъйига қарши бирон нарсага кўндирысаларда у ўз фикридан тутқунликда ҳам қайтмайди-ку».<sup>2</sup> Журналистнинг мақсади баҳс эмас, шахс эмас, балки зарур бўлган ахборот учун йўл топишдан иборат. Фактлар ва гувоҳларга зарурат қанча катта бўлса, репортёрдан шунча муомалага усталик, вазминлик талаб килинади.

Бордию, баҳс қилмасликнинг иложи бўлмаса, буни мулокотга киришишдан аввалроқ, материални тайёрлаш жараённида ҳал этган маъқул. Шундай килинганда журналист мухолифига қарши ўз далил-исботлари назардан ўтказиб олиш учун кўпроқ вакти ҳам, имконияти ҳам бўлади. Журналистнинг устунлигини таъминлайди. Тинч шароитда

<sup>1</sup> Карнеги Д. Кўрсатилган китоб. 130-6.  
<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>1</sup> Мендельсон Р. Сладкий звук конфликта. Раскрепощенная пресса. 62-65 б.

у ўз оппонентининг нұктаи-назаридаги зиддиятлар ва камчиликларни аникрок күради. Репортёрга фактлар, фактлар керак бўлади, зинхор базинхор хиссиятлар эмас. Хиссиятлар соғлом фикр юритишга халақит бермаслиги лозим.

Олтинчи қоида: «Хамиша дўстона оҳангда гапиришига ҳаракат қилинг. Мулоқотга киришар экансиз, гапни мунозарали масалалардан бошламанг. Хушмуомала, оғир-босиқ бўлинг. Унутмангки, сизнинг мақсадингиз биринчи саволингизга ёқиб сухбатдошингизнинг «ҳа» деб жавоб бершиига эриши-моқдир».

Бу қоида жанжалли вазиятларда алоҳида аҳамиятга эга. Шундай вазиятда репортёр сабр-тоқатли, холис бўлиши, жанжаллашаётган томонларга дилидагини тўкиб солишига имконият бермоғи керак. Бундай ҳолларда масаланинг мөхиятидан келиб чиқиб. ААграновский усулини кўллаш мумкин: «Унинг бутун ижоди, - деб таъкидлайди А.Боршчаговский, - ёлғонни таъкиб килиш, ҳәстий худудларнинг ҳар бир квадрат метрида оғзи қийшиқ ёлғонга қарши жанг қандай шаклда бормасин, тутуриқсизликни, оғмачиликни қаҳр-ғазаб билан рад этишдир. Лекин буни у хушмуомалалик, вазминлик билан оппонентига хурмат кўрсатиш орқали бажарар эди».

Журналист В.Моисеевнинг сухбат олиб бориши усууллари ҳакидаги саволига ААграновский шундай жавоб беради: «Кўлимда блокнот билан сухбат бошлайман, бунда ҳеч қанақа сир йўқ. Гоҳо блокнотга ҳеч нарсани қайд этмайман, хаммасини кейин ёзиб кўяман. Баъзан мантиқли саволлар бераман. Сухбатдош ўзига хос сўз ё иборани айтди, дейлик, уни ўзгартирмасдан ёзиб қўйиш керак. Сийкаси чиққан савол ташлаб кўяман, масалан: Қанча тоннадан бераяпсиз?» У эсига тушган бемаъни нарсаларни калаштириб гапираверади, мен эса керагини қоғозга тушираверман. Қачонлардир ленинградлик бир режиссёр менга сухбат чоғида новелла ёзишни ўргатган эди. Сухбатдошингизни эшитиб туриб, ўзингиз учинчи шахс номидан ёзаверасиз. Журналист учун қизиқарли машқ.

Аграновский сухбатдоши тенг кўриб гаплашиши, журналист уни қизиқтириши, одамоҳун бўлиши керак деб тушунирган ва қўшиб кўйган эди: «Ахир биз ҳам қаерларда-

дир бўламиз, нималарнидир кўрамиз, ким биландир учрашамиз. Биз ҳам нима ҳакида дир гапириб беришимиз мумкин. Журналист билан гаплашиш одамга қизиқ бўлиши керак... «Биз ҳаммадан кўпроқ ўкишимиз, кам одамлар ўқийдиган нарсаларни ҳам ўқиган бўлишимиз керак».

ААграновскийнинг кўп қаҳрамонлари, кейинчалик унинг дўстларига айланишган, доимо у билан маслаҳатлашиб туришган.

Еттинчи қоида: «Фақат қизиқтира оладиган журналистгина очиқчасига гаплашишга ундаи олади!» Қюқарли сухбатдош бўлинг! «Сухбатдошингизни гапиртирмоқчи бўлсангиз, ундан бирон парса сўрашдан аввал унга ўзингиз бирон-бир қизиқроқ нарсани айтуб беринг».

**Сухбатлашиш малакаси ва маҳоратини қандай эгаллаш мумкин?**

Ижтимоий психология соҳасида йирик мутахассис Ж.Р.Паркинсон шундай тавсия қилади: «... мулокот чоғида бошқалар ўзини қандай тутишини кузатинг... Кинофильмларда ҳам, телевизион саҳна асарларида ҳам учрашувлар кўринишими кузатиш мумкин. Кузататётгандан дикқатни бир жойга тўпланг. Нима бўлаётгани ҳакида ўзингизга саволлар беринг».<sup>1</sup>

Одамнинг овозидаги товланишларга, дикқатига, гавда ва юз ҳаракатларининг мароми ва гўзаллигига эътибор беринг.

Паркинсон ўзаро мулокот жараёнини ҳамма жойда кузатиш мумкин: «Бизнесменлар бир-бirlари билан кўришганда, ўзларини қандай тутишларига қаранг. Одамлар бир-бiri билан тил топишган гурухларга қандай кўшилишини кузатинг. Бу қандай ҳаракатлар билан кечади?», дер экан, у бу кузатишлардан хулоса чиқаришга даъват этади. Ташки жихатларга эмас, балки моҳиятига қарашиб, ҳар қандай шароитда мулокотнинг мумкин бўлган қоида ва усууллардан фойдаланишни машқ қилиб, тажриба ортириб боришни маслаҳат беради.

Умуман, кузатиш репортёр услугбининг ажралмас қисмидир. Ундан материал тўплаш жараённида эмас, балки сухбатлашиш маҳоратини эгаллаш жараённида ҳам фойдаланиш керак.

<sup>1</sup> Паркинсон Ж.Р. Люди сделают так, как захотите Вы. 26-6.

Бошловчи репортёрлар тажрибали ҳамкасларининг қандай сұхбат қуришларини доимо кузатиб, унга амал қилип борсалар фойдадан холи бўлмайди.

Хар бир таҳририятда интервью сирларини эгаллаган одамлар бўлади. Уларнинг маҳоратини ўрганиш ўзини репортёрликнинг мashaққатли меҳнатига баҳшида килгандарнинг ижодий имкониятини бойитади. Шу маънода журналистика факультетлари талабаларининг ишлаб чиқариш амалиёти даврида шундай журналистлар билан сафарда бўлиб, репортёрнинг одамлар билан қандай муомала қилишини кузатиш мақсадга мувофиқдир. Ундан сұхбатга чорлаган сабабларни сўраб билишга, одамлар билан муносабатга киришишнинг ҳар бир ҳолатини танқидий англашга уриниб кўриш керак. Уларнинг бошқача кўринишлари хақида хам бош қотириш лозим.

Мулоқот малакаси ва маҳоратини эгаллашда ахли донишлар, яхши хулқди кишилар сұхбатида бўлиш, уларнинг муомала тарзини кўриш, эшлиш, фахмлаш ва уларга амал килишнинг катта амалий аҳамиятга эгалиги Шаркца яратилган панд-насихатларда азалдан таъкидлаб келинади: «Эй фарзанд, токи қила олсанг сұхандон кишилар била хам сұхбатда бўлғил ва қандай қилиб сўзлаш кераклиги шартларин хам билгил; сўз эшитмасдин кочмағилким, киши сўз эшитмак била сұхангўйлик хосил килур» («Қобуснома» - Т., 1994, 35-41- бет).

Ушбу ўгитга амал қилиб, турли давраларда бўлиб, «улфатижон» ўтиришнинг гулларини кузатиш хам қизиқарлидир. Улар кўпинча ўзлари сезмаган ҳолда соғлом гурунг мухитини яратишга сабабчи бўладилар. Одамлар уларга интиладилар, улар билан фаҳрланадилар, уларга тақлид килишга ҳаракат қиласидилар. Бундай кишилар вазиятни яхши хис этадилар, ўзларини эркин тутадилар, баъзан эса, гапга тўн кийдириб хам юборадилар. Битта гапга ўнтасини кўндириб туришлари, ғайриоддийликлари билан фарклашиб турадилар. Энг мухими — атрофдагиларни ўзларига қаратса оладилар, сұхбатга жон киритиб унинг йўналишини белгилайдилар. Ана шундай норасмий вазиятлардаги гаплашиш сұлукатини ўзлаштириш фойдадан холи бўлмайди. Бўлғуси журналистлар сұхбатлашишнинг касбий малакасини оши-

ришда ижтимоий рухшунослик адабиётидан хам хабардор бўлишлари керак. Шунингдек, одамлар хаётининг турли қирарлари ва фаолияти, хулқ-авторларининг ўзига хос хусусиятларига тааллукли оммабоп матнларга мурожаат қилиш хам яхши натижалар беради. Бундай материаллар билан танишиш журналистларга ўзларини ижодий шахс сифатида яхшиrok англашлари учун, ижодий-ахборий фаолият соҳасидаги тажрибаларни ўрганиш учун, атрофдагиларни яхшиrok билиш ва улар билан энг мақбул муносабатлар ўрнатиш учун ёрдам беради. Замонавий мулоқот воситаларидаги ахборотлар бунга имкон туғдиради.

Айтайлик, Интернет ёрдамида Ўзбекистон журналистлари зарур ахборот захирасига кириш имкониятига эгадирлар. Бу факат дунёдаги йирик университетлар, АҚШ конгресси кутубхоналарий, Британия қомуси жамланмасигина эмас, балки телевидение, радио, матбуот юлдузлари, ахборот агентликлари намоёндаларининг сұхбатлашиши тарзи ва усууллари ўрганилган манбалар, журналист меҳнатини ташкил этиш бўйича маҳсус адабиётлар билан танишиш имконияти хамдир.

Гиннес рекордлари китобига кирган «Аргумент и факт» ҳафталигининг айрим нашрлари хам ўзига хос ўкув кўлланмаси хизматини ўташи мумкин. Ҳафталик фаолияти ҳар қандай мулоқотнинг ўзгармас қисми бўлган интервью услугбининг кўргазмали устахонасиdir.

Дунёдаги рейтинг нашрларида яхши журналистик чиқишлардан саралаб олинган турли-туман дайжестларда хам малака ва маҳоратга оид намуналарни берилади. Шунингдек, ўзбек журналистикаси тажрибасидан, интервью ва публицистиканинг йирик усталари О.Ёқубов, Ҳ.Хошимов, А.Мелибоев, Д.Нурий, Э.Аъзам, Ш.Фаниева, Э.Тухватуллина, М.Обидов каби захматкаш қалам ахларидан хам кўп нарсани ўрганиш мумкин.

Шундай қилиб саккизинчи қоида: «*Бошқаларнинг муомала қилишини кузатинг! Муомала назариясига нописанд бўлманг, муомала малакасини ошириш бўйича узлуксиз машқ қилинг: турли томошалар — фильмлар (айниқса журналистлар ҳақида), шоу, телесуҳбат, учрашув ва бошқаларни кўраётганингизда дикқатинизни ҳамкасларингиз хатти-ҳарачатларига қаратинг!* Етук мутахассислар тажрибаси, шу-

## **нингдек хаваскор ёки бошловчи ҳамкасларингиз ютуқ ва кам-чиликлари сизга сабоқ бўлсин!»**

Зеро, хатолардан сабоқ олмок — хатоларга эришмок дегани эмас.

### **Сұхбатдан мақсад нима?**

Сұхбат икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг муайян бир мақсадға эришиш йўлида биргалиқда, шерикликда амалга оширилган ёки амалга ошираётган нутқий фаолиятидир. «Аттухфа» лугати муаллифи сұхбатни «шерикликнинг энг яхши воситаларидан ва энг олий белгиларидан бири» деб таърифлайди. Мулокот жараёнида сұхбатдошларнинг нутқ ижро этиши ва уни истемол килиниши амаллари алмашиниб, сўзловчи тингловчи мақомига ўтиб, ўзига хос роль «ўйналиниади» — бу сұхбатни унинг тадрижотини бошқаради — яъни маълум мақсадга эришишдаги ҳамкорлик юзага келади. «Сұхбат адаб натижасидир, адаб хурмат натижасидир,- дер экан Ҳусайн Войз Кошифий,- ҳар бир вактнинг, ҳар бир ҳолатнинг, ҳар бир мақомнинг ўз одоби бор». Сұхбатда журналистнинг мақоми мулокот мавзуи ва мақсадини белгилашда ташаббускор бўлиш ҳамда нутқий фаолиятининг айни шу мақсадга мос тарзда кечишини - ҳамкорликни таъминлашни бошқаришдан иборатдир.

Сұхбат жараёнида журналист зиммасига юкланган вазифа ва ижтимоий мақом муомала одобларини билишни, очиқ чехра билан самимий сұхбат олиб боришни, асосий мақсадни юзага чикаришда сұхбатдошни ҳамкорлик қилишга мойил қилишни тақозо этади. Журналист сұхбатдан күзатилган пировард мақсадни ва унга эришишнинг аён усуллари, тартибларини аниқ белгилаб олмаса, мулокотни ўз устасига мос холда бошқара олмаслиги мумкин.

Мулокотнинг муваффакияти, мақсаднинг аниқ-равшан белгилаб олиниши зарурияти репортёрдан сұхбатдош билан алоқа ўрнатунга қадар куйидаги масалаларни жиддий мулоҳаза килиб кўришни талаб киласди: «Оммавий аудитория менинг сұхбатдошимдан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қандай янгиликларни кутади? Танлаган мавзу бўйича маълумотларга эгами? Кай даражада холис бўла олади? Ўзидаги ахборотни ошкор этишдан манфаатдорми? Агар манфаат-

дорбўлмаса, ундан қанчақисмипи ОИШ мумкин? Уинингхипги карашлари, у ёкибуўзгаришларпигъорппапа мўйикиГИ1 иири қандай? Ахборотманбаи матлубми? ( ухбатдопнити ху.... қанақа? Унингтабиатидакизикконлик, хуШЧакЧВЛИ . вўШВД гликёкиғамгинликнисбатлариқандай? ЖурнвЛИСТЗИр м.ш боридан талтайиб кетмаганми?»

Мақсадга етмок учун сұхбатдошнинг шахсий на иЖ шмоий мақомини, хаётий нуқтаи назарини, воқсликка муносабатларини белгилаб олиш мухимдир. Шу муносабат билан И.А.Крикунов репортёрнинг ўз қаҳрамонлари билан муомала қилиш муаммоларини ҳал этишда турфа хил тоифалардан қуидаги уч турни ажратиб олиш мақсадга мувофик, деб ҳисоблайди: 1) мулоҳазали билимдон сұхбатдош; 2) тасодифий, аммо бетараф сұхбатдош; 3) газетани қизиқтирган муаммога, умуман босма сўзга нисбатан танқидий муносабатда бўладиган хадиксировчи сұхбатдош.<sup>1</sup>

Санкт-петербурглик тадқиқотчи В.П.Таловов эса «Журналист меҳнати» деб номланган ишида юқорида кўрсатилганлардан ташқари сұхбатдошларнинг яна тўрт турини ажратиб кўрсатади:

а) табиатига кўра кўнгилчан, содда, самимий респондентлар. Бу тоифадаги одамлар ўзлари ҳақида, ўз кўзлари билан кўрган воқеа-ходисалар ҳақида кўшиб-чатмай, чин дилдан гапириб берадилар. Нимани билсалар ҳаммасини ҳикоя килиб берадилар. Баъзан жавоблари дўлвар бўлиши мумкин, бирор улар ҳамиша самимийлиги билан ажралиб туради. Бундайлар бошловчи репортёр учун ҳақиқий топилма;

б) бу тоифа ўта кетган худбин феълли шахсларни бирлаштиради. Бундай одамлар ўзларига ва ишларига, унинг натижаларига кўпроқ ёътибор беришларини талаб киласди. Журналист вақти-вақти билан саволини қайтариб туриши, унинг шахсиятига қизиқишини бот-бот айтиб туриши керак. Респондент гапга тушиб кетиб, ўз хизматларини ошириб юбориши, ўзгаларга даҳлдор нарсаларни ўзиники килиб кўрсатиши мумкин. Бундай одамдан олинган маълумот диккат билан текширишни, аниклашни талаб этади;

в) бу тоифага ички холати бўйича тавба-тазарру қилишга майли бўлган, шунга иштиёқманд одамларни киритишиади.

<sup>1</sup> Крикунов Ю.А. Подсказано жизнью. 80-6.

Истиғфор айтишга шошилган одам одатда журналистнинг вазифаси билан хисоблашмайди, шунчаки эмас, аниқ мавзу бўйича гаплашиш учун келганини ўйлаб хам ўтирамайди. У ўз ҳатти-ҳаракатларининг майда-чуйда тафсилотларигача, ўз муҳити, қизиқишлари, мақсадлари, хуллас, шудакикада хаяжонга солаётган, ташвишлантираётган нарсалар хакида гапга тушиб кетади. Уни тўхтатиш қийин бўлади. Бундай сұхбатни керакли изга солиб юбориш учун репортёрнинг анча уринишига тўғри келади;

г) баҳслашишни яхши қўрадиган сұхбатдошлар тоифаси. Улар журналист билан талашишга, айтганларини рад этишга, фикрини ўзгартиришга киришади. Журналистлар бу хилдаги респондентлардан хеч нарса ололмай таҳририятга куруқ кайтадилар. Баъзан улар билан учрашилса зарар қилмайди. Мунозара ишқибозлари мұхбирнинг аклини чархлашга, унинг нұқтаи назарини аниклашга ёрдам беради.

Ғарб журналистлари сұхбатдошнинг ижтимоий ахволига караб ижтимоий тоифаларига ажратадилар. Масалан, Б.Уолтерс сиёсатчилар, ишбилармөнлар, спортчилар ёки кино ва эстрада юлдузлари, ижодий касб кишилари билан сұхбат куришни маслаҳат беради. Ижтимоий шахсларнинг ўзгача мақомдаги тоифаларини хам учратиш мүмкін.

Бу ерда муҳими — хулки турлича бўлган одамлар тоифаси мавжуд эканлигини эътироф этишдир. Яна шуниси хам муҳимки, уларнинг хар бири журналист билан алоқада ўзини айрича намоён қиласди. Шубҳачи, ҳадикчи (скептик) сұхбатдош репортёр билан мұлқот пайтида жўнаб кетади. У билан учрашув кўпинча даҳанаки жангта айланаб, психологияк тўсиқлар қалашиб кетади.

Билимдон киши эса, аксинча, журналистни ён беришга, кўпинча унинг оғизига уришга, хушини жойига келтириб қўйишга ҳаракат қиласди.

Сиёсатчи гоҳида жуда банд бўлгани учун бошқа саволларни кабул қилмайди, бемаъни саволлардан дарғазаб бўлади. Сиёсат, Б.Уолтерснинг тавсифлашича, атиги бир неча йил илгари ўтирища межмонларни мудрашга мажбур этган бўлса, хозир ҳаммани қизиқтирадиган мавзу: хар қандай дўстона сұхбатда жанжалта сабаб бўладиган, дўстларни бир-бирига бегона қиласиган, ишда хизмат пиллапоясидан кўтарилишга халақит берадиган иллатдир.

Шунинг учун ҳам давлат хизматчиси ёки амалдор билан учрашишга бораётib очиқ баҳслашишдан ўзини тийиб, «асабани бузмаслик» қоидасига мувофиқ сұхбат чоғида ўзингизни табиий тутганингиз маъкул.

Сұхбат мавзусидан четта чиқманг, акс холда мақсадга эришолмай қоласиз. Журналист шундай вазиятларда бетарафлик нұқтаи-назарига амал килиши, зинхор-базинхор ўзининг сиёсий қизиқишларини ошкор қилиб қўймаслиги керак. Яхшиси, мұхокама этилаёттан масала бўйича икки хил нұқтаи назар холис тавсия этилса сұхбатдошга бошқача таъсир этади.

Журналист мудиан тоифага мансуб шахсларда из колдирадиган диний омилни хам назардан сокит қилмаслиги керак. Миллий-диний ўзига хослик, урф-одатлар ва анъаналярни, таомиллар, удумлар ва тарихий негизларни астойдил химоя қиласди. Журналист назаридан ахамиятсиздек бўлиб туюлган нозик фарқларга менсимай қарап экан, унинг қарашида ётсираш девори қад кўтаради.

«Бундан ҳам осони бор эканми? — деб ёзади М.Н. Ноҷевник ўзининг «Инсоний мұлоқотлар» китобида. — Очиқ чехра, қўл олишиб қўришиш, маъқуллаб бош ирғаш, кулиб имо-ишоралар қилиш... ҳатто, шу оддийлик муносабатларда хам хеч бир кутилмаган ва кишини ранжитадиган англашилмовчиликлар бўлиши мүмкін. Руслар, инглизлар, америкаликлар қўл олишиб саломлашадилар. Лапландияликлар (полинезияликлар ҳам — мұаллиф изохи) бурунларини бурунларига теккизадилар. Самоаликлар ҳурмат билан эгилиб бир-бирларини ҳидлайдилар, қўлларини кўксиларига қўядилар.

Журналист нимага эришмоқчи бўлса, шунга караб феъл-атворини белгилаши керак. Бундай холларда мақсадни ишлаб чиқиш Ж.Р. Паркинсон айтганидек, «хийла мураккаб ишдир». Репортёр уни олға сураётib айни шу чоғда, айнан шу алоқа, айни шу учрашувдан нима кутаётганини назарда тутиши лозим<sup>1</sup>.

Аниқ ҳатти-ҳаракатлар, Паркинсон таъкидлаганидек, шароитта боғлик. Аммо мақсад моҳияти ўзгаришсиз қолаверади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Паркинсон Ж.Р. Люди сделают так, как захотите Вы. 15-6.

<sup>2</sup> Ушажойда. 16-бет.

Агар журналист аввалбошдан мулокотнинг пировард мақсадини белгилаб олмаса, уни қандай рўёбга чиқаришни билмайди. Мақсад аниқ бўлмагач, қаерда хатога йўл кўйилганини ҳам билиб бўлмайди.

Паркинсон кўпчилик (бизнинг тушунчамида, бошловчи журналистлар) содир бўлаётган воқеадан нимани кутаётгандикларини хира тасаввур қилишлари, оқибатда улар назарда тутаётган нарса эмас, буткул бошқа нарсага дуч келганликларини кўриб хафсалалари пир бўлади, деганда ҳакцир. Улар ҳовлиқиб бошлаган биринчи қадам ҳали ишнинг барбод бўлгани эмаслигини англаб етмасдан умидсизликка тушадилар. Тўсиклар ишни кечикириши, мақсадга эришиш усулларини ўзгартиришни талаб этиши мумкин. Агар уларнинг мохиятига тушуниб етилса кийинчиликларни бартараф этиши мумкин. Шу ўринда В.В. Ученованинг «Журналистика ҳақида сухбатлар» китобида келтирилган мисол қизиқарли ва ибратлидир. «Известия» газетасининг фан бўлими мухаррири Б. Колтовой ўзининг — бўш-баёв мұхбирнинг — машхур олим, доно ва ҳазил-мутойибали академик П. Капица билан мұваффакиятсиз чиқкан интервьюсини бир умрга эслаб колган. Учрашиш ҳақида журналист қутганидан ҳам тезроқ келишиб олинди. Репортёр қанот қоқиб, ижодий ғайрати жўш уриб босилиб чиққанда ҳаммага манзур бўладиган, ҳамкасларининг ижобий баҳосини оладиган материални ҳаёлидан ўтказиб дунёга машхур физика муаммолари институтига ошикарди... Мана, академикнинг кабинетига ҳам кириб келди.

- Хўш, йигитча, сизни қандай масала қизиқтиради? — хушмумалалик билан сўради П. Капица, — Шошиб кўйиндан блокнот чиқарган журналистга. Мехмон чайналиб қолди. Олдиндан аниқбелгилаб кўйилган саволлар йўқэди. Институт муаммолари кўламини журналист хира тасаввур килар эди. Шунинг учун бир колипдаги иборалар миясига урилди: «Қандай янгиликлар бор, шулар ҳақида гапириб берсангиз»; «Кейинги ютуклар ҳақида гапириб берсангиз».

Академик ютуқдар ҳақида гапириб ўтирмади. Ўзи билан сухбатдоши ўртасида психологик жихатдан катта фарқ борлиги учун бундай кила олмас эди. Бошқа сабаблар — билим даражаси, савол кўлами, хаёт тажрибаси борасида ҳам фарқлар бор эди. Бироқ ҳоҳиш бўлса, сухбатга олдиндан пух-

та тайёргарчилик кўрилса, бу табиий тўсикларни бартараф этса бўларди. Буни доимо пайқаб турсаларда, хамиша П. Капица сингари ўз фикрларини катъий билдирамайдилар. У учрашувга якун ясаб: «Яна кўришгунча йигитча, бугунги сабоқ натижасиз қолмайди, деб умид қиласан, сиз тайёр бўлганингизда яна сухбатлашамиз», деб хайрлашади.

Нобель мукофотининг совриндори, дунёга танилган олим П. Капицанинг ёш журналистга берган сабоғига амал қилиб, **тўққизинчи қоидани** белгилаб кўйишимиз мумкин:

**«Мақсадни аниқ англамасдан сухбатга киришманг. Уни олдиндан пухта белгилаб олинг!»**

Кейинги босқич — мақсадга элтувчи йўллар кетма-кетлигини танлашдир. Ишнинг кўнгилдагидек чиқиши учун олдиндан аниқ мақсадни белгилаб олар экансиз, баъзан мұваффакиятга эришмок учун кўп уринишга тўғри келишини англаб коласиз. Бундай холларда Паркинсоннинг куйидаги маслаҳатига амал қилинг:

«Кўп йўлли стратегияни яратишга жазм этиб, ҳалқ мақолига амал қиласиз: аввал эмакламасанг, юришни ўрганмайсан. Катта мақсадларга етишиш учун кўп босқичли йўлни босиб ўтмоқ керак... Акс ҳолда мұваффакият қозониб бўлмайди».<sup>1</sup>

Кутилган натижаларга журналист бир қатор вазифаларни тўғри бажаргандагина эришмоги мумкин. Чунончи:

1. Зарур аҳборотни, хужжатларни ўрганиш, таҳририят почтаси, мавзулар номи, адабиётлардан (юкорида бу ҳақда айтилган эди) шунингдек, мутахассислар билан учрашувлардан тўплаш;

2. Олдинда турган сухбат турини белгилаш. Ю. Крикуновнинг ҳисоблашича, улар тўрттадир:

1) Сухбат — хабар. У биронта факт, ходиса ҳақида янги маълумот олиш мақсадида ўтказилади.

2) Аниқлаш мақсадидаги сухбат. Бунда журналист илгари олинган хабарни тавсифлашириди ёки воқеа-ходиса билан боғлиқ бўлган фактларни аниқлайди.

3) Сухбат — фикр — мулҳоза. Журналистни қизиқтирган муаммони ойдинлаширишга сухбатдошнинг фикри ёрдам беради.

<sup>1</sup> Паркинсон Ж. Р. Кўрсатилган китоб, 17-6.

4) Сұхбат — текширув. Асосан зиддиятли вазиятда унинг ўзак бўғинини топиб, барча жихатларини аниқлаш билан боғлик.

Бундай сұхбат тарзига танқидий материаллар тайёрлашда кўпроқ мурожаат қилишга тўғри келади.<sup>1</sup>

Сұхбатнинг мазмуни ва моҳиятига кўра **хуссий, оммавий ва маҳсус** турларини фарқлаш мумкин. **Хуссий** мулоқотда мавзу ва мақсад эркин бир вазиятда томонлар майлига караб беихтиёр белгиланади. Кундалик хаётдаги сұхбатлар шу тоифадаги мулоқот хисобланади. **Оммавий сұхбат** эса катта аудиторияни жалб этиш мақсадида аник режа ва саволлар асосида ташкил этилади: мазмун ва моҳияти жихатдан ижтимоий йўналтирилган шаклий-услубий жихатдан эса андозали бўлади. Саволлар олдиндан тайёрланаб, кичикроқ аудиторияда «синаб» кўрилиши ҳам мумкин. **Сұхбатнинг маҳсус тури** унинг аник бир йўналишга, мавзу ва мақсад эса тор масалага қаратилган бўлади. Ундан мақсад мутахассис — сұхбатдошнинг аник фактлар, воеаларга муносабати ёки баҳоси ҳакида маълумот олишдир. Журналистлар вазиятга ва ахборотнинг моҳиятига қараб, сұхбатнинг бу турларидан фойдаланишлари мумкин.

Репортёрлар дастурий йўл-йўрикларни таҳририятнинг мақсад ҳамда вазифалари билан ҳам, умуман, журналистиканинг мақсад — вазифалари билан ҳам боғлиқ ҳолда идрок этишлари даркор. Улар бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий-сиёсий, миллий, диний, нуфусий, касбий ва бошқа жихатдан фарқланувчи оммавий аудиториянинг ахборотга эҳтиёжи билан белгиланади. Айни мана шу жараёнда маҳсус иҳтинослик ва умумкасбий йўналишларнинг ўзаро алокадорлиги ўз ифодасини топади.

Сұхбатни режалаштириб олишга харакат қилинг!

Сұхбатдан кузатилган мақсадни белгилаш учун сұхбатдош билан алоқа боғлагунга қадар унинг аник режасини тузиб чиқиш ҳам мухимдир. Бу сұхбат вазиятини аниқлашдан бошланади. Журналист олдинроқ келгуси вазиятни ўз сценарийсида назарда тутганидек машқ қилиб кўрса дуруст бўлади.

Аввал бошида сұхбат қаерда — иш жойидами, жамоат кабулхонасидами, кўчадами, бир пиёла чой устидами, таҳ-

<sup>1</sup> Қаранг. Крикунов Ю.А. Кўрсатилган китоб. 94-6.

ририятдами ёки табиат қўйнидами ўтишини яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Шундан кейин сұхбат кандай реквизитлар — либос, мебель, диктофон, видеокамера, микрофон ва бошқа техник воситалар ёрдамида олиб боришини тайин этиб олиш керак.

Алоқа боғлашни режалаштириш сұхбатнинг таҳминий саволлари рўйхатини тузиб чиқиши ҳам ўз ичига олади. Таҳминий дейишидан мақсад, тузилган саволларга қаттиқ ёпишиб олмаслик зарурлигини таъкидлашдир. Зоро, сұхбат чоғида вазият ҳам, демак, саволлар ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Саволлар рўйхатини тузатгандан асосий саволлар қачон берилишини (кетма-кетлигини) белгилаб қўйиш мухимдир. Хоҳ ватандош, хоҳ хорижий бўлсин, репортёрларнинг кўпчилиги «Сұхбатга тайёрланиш керакми?» деган саволга «Ха, тайёрланиш керак» деб жавоб беришади. Бирок, сир эмас, тажрибасиз ходимлар сұхбатлашишга отланар эканлар, кўпинча ўзларининг билимдонликлари, одамлар билан тил топа олишларига умид қиласидилар, вазиятдан келиб чиқиб иш юритиш салоҳиятига ортиқча ишонадилар. Бундай манманлик, одатда, кишига панд бериб қўяди.

Сұхбатга тайёргарликнинг асосий босқичлари сұхбат мавзусини ва мақсадини белгилаш, сұхбатдошни танлаш ва уни ўрганиш, савол-жавоб жараёнининг таҳминий тарихини белгилаб олиш, вазиятга қараб иш тутиш тамойилларини ўйлаб кўриш кабилардан иборат.

Долзарб мавзуни танлаш унинг кўламини, узатиш усулини газета, телевизор ахбороти учун мувафиқлаштириши, унинг асосий жихатларини, вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Саволлар изчиллиги ва аҳамияти мана шу асосда тайин этилади.

Учрашувга тайёргарлик кўришда керакли саволларни танлаш, уларнинг аҳамияти ва кетма-кетлигини белгилаш асосий вазифадир. Уларни белгилаш умуман журналист чиқишининг муваффақиятини таъминлайдиган масъулияти палладир. Саволлар сони сұхбатнинг йўналиши, керакли маълумот ҳажми, мулоқотга ажратилган вактга боғлиқ бўлади. Улар қиска, аник, тушунарли бўлиши, мавхумлик, дудмоллиқдан холи, «ха», «йўқ» каби қисқа жавобларга йўл қўймайдиган бўлиши керак. Уларни оддийликдан мурак-

кабликка ўсиб борадиган йўсинда тузиш лозим. Энг мураккаб саволлар жавоб берадиган киши сухбатга тўлиқ киришганда берилади. Агар савол мураккаб ёки тафсилотли жавобни талаб қўлса, уни бир нечта мустакил саволларга бўлиб чиқкан маъкулроқ. Жавоби турли воеаларга оид хабарларни бирлаштирувчи саволларни бермаслик керак. Жавоби ўзида бўлган саволлардан сақланиш керак. Мавзудан четлашишга олиб келадиган саволларга асло йўл кўйиб бўлмайди.

Диккат билан ҳар бир саволнинг услугига сайқал бериш, бир қолипдаги, кенг тарқалган ифодаларни ишлатмаслик керак. Уларга дархол бир қолипдаги жавобни олаверасиз. Саволларни бир хил сўзлар билан бошламаслик керак, акс холда шеритингизнинг сухбатга бўлган қизиқиши тезда сусайди. Кенг аудиторияга тушунарсиз бўлган маҳсус терминларни ишлатмасангиз яхши бўлади. Саволларда кимнингдир мақсадлари, баҳо берувчи мулоҳазалари сезилмасин. Улар жавоб берувчи шахсга қучли таъсир этиб ўз домига тортади ва натижада мулоқотнинг асосий моҳияти — шахснинг мустакил фикри йўққа чиқади.

Агар сухбат давомида мавзунинг қизиқ жиҳатлари очилиб, муҳбир янги йўналишда гаплашишни давом эттириш зарур, деб хисобласа, режалаштирилмаган жиҳатларни очиб берувчи саволларни топади. Уларни олдиндан назарда тутиши кийин бўлади. Бу ерда ҳамма нарса савол берувчининг кобилиятига, шароитни тушунишига, янги ахборотни баҳолай олишига боғлиқ. Саволлар сухбатдошга олдиндан ёзма холда ёки телефон орқали берилиши мумкин. У ҳам худди шу йўл билан уларга жавоб беришга ҳақлидир.

Сухбатга тайёргарлик жараённида ҳар бир савол устида катта масъулият билан ўйлаб кўриш керак бўлади.

### Сухбатдош билан нима ҳақида ва қандай гаплашиш мумкин?

Журналист айнан ўзининг учрашув ташабbusи билан чиққаётганини унтишга ҳакки йўқ. У мулоқот ташабbusкори сифатида сухбатнинг кечишини ва мазмунли бўлишини бошқариб боради. Бироқ бу ўз нуктаи назарини тикиштириш дегани эмас. Шунингдек, у панд-насихат қилишга ҳам, хукм

ўтказиш ва талабчанликка ҳам йўл кўймаслиги керак. Сухбат аввалида мазкур мулоқотнинг ташкил этилиш сабабини, муштарийлар, томошибинлар ёки тингловчилар учун фойдали эканлигини маълум қилиш мақсадга мувофиқирир.

Агар учрашув чоғида сухбатдошининг жавоби журналистни қониктирмаса, қўшимча саволлар бериш мумкин. Кўп савол беришдан тийилиш керак, чунки ахборот манбаи бўлган шахсни ҳам, ўкувчиларни ҳам толиқтириб қўйиш, асосий мавзуни тўла очиб бермаслик мумкин.

Мулоқот жараённида сухбатнинг боришига кучли таъсир этадиган омиллар — жонли гаплашиш, гап оҳанги, ижобий ёки салбий хис-туйғулар, мимика, хатти-ҳаракатлар бўлади. Буларнинг ҳаммаси хисобга олиниши керак.

Учрашув пайтида репортёрнинг сухбатдошни кузатиши, муҳим саволларга муносабатини назорат қилиши аудитория учун тўлиқроқ ахборот узатиш мақсадида амалга оширилади. Бу сухбатнинг боришига маълум ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Айни шу жараёнда репортёр маҳорати намоён бўлади.

Мулоқот чоғида журналист ва унинг сухбатдоши ўтрасида турлича қарашлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай вазиятда журналист ён бериб, хиссиётга берилмагани, баҳсга киришмагани маъқул. Унинг вазифаси сухбат охиригача холислик ва хайриҳолик руҳини сақдаб қолишдир. Баъзан аксинча ҳам бўлади: сухбатдош муҳбирга мослашиб, «тўғри» жавоблар топишга ҳаракат киласди. Журналист ҳақиқатдан йироқ бўлган жавобни сезиши билан сухбат ўзнишни ўзгартириши ёки сухбатдошини одоб билан тұхтатиши керак

**Тўғридан-тўғри савол** воеа ёки ходисани кўрган ё қатнашчиси бўлган шахс у билан очиқасига гаплашиш, ўзига маълум бўлган нарсалар ҳақида тўла маълумотлар беришга шайланганига журналист ишонч хосил қилгандагина ўринлидир. Бундай саволлар одатда тагмаъноли бўлмайди, жавобларда ҳам майда-чуйда тафсилотларга ўрин қолмайди. «ПрессТИЖ» хафтаномасининг муҳбири Й.Комиловнинг Хинди斯顿 ва Хитойга отланган ўзбек велосипедчиси Мурод Қосимов билан 2000 йил 24 августда босилиб чиққан сухбатидан парча келтирамиз:

«*- Мурод ака, ҳозиргина «Пресс ТИЖ»га миниб келган шу велосипедда саёҳатга чиқмоқчимисиз ?*

*- Ха, шундай.*

*- Ташиқи кўринишидан, унга осиб қўйилган турли сумкаларни ҳисобга олмагандан, оддий велосипеддан мутлақо фарқ қилимайди.*

*- Шунга қарамай фарқи бор. Бу велосипеднинг рамаси кучайтирилган, орқа вилка қуввати оширилган, асосан конструкция мустаҳкамлигини ошириши билан боғлиқ бошқа такомилликлар ҳам бор. Велосипед «Олимп» ўзбек — америка қўйшина корхонасида яратилган.*

*- Шундай қилиб сиз бутун Буюк ипак йўлини велосипедда босиб ўтган куррамиздаги биринчи киши бўласиз. Бу Гиннес рекордлар китобига муносаб факт.*

*- Гап рекордлар китобига эмас. Марафон ронна-роса бир йил давом этади. Унинг бошланишини юртим мустаҳкамлигининг тўққиз йиллик, тугашини эса ўн йиллик юбилейига бағишламоқчиман.*

### Саволлар ҳам ҳар хил бўлади!

Фаолият тури сифатида сухбатнинг ҳам хилма-хил турларини фарқлаш мумкин. Репортёр сухбати аудитория учун муайян билим ёки ахборотни олишга йўналтирилган бўлади. Шу боис унинг ижтимоий киймати ва вазифаларига алоҳида талаблар кўйилади.

Мулокотдошларнинг мақсади интилишларидағи яқдиллиги, ҳамкорлиги, ўзаро муносабатларининг уйғунлиги даражасидаги мезонларга қараб, 1) яқдил сухбат, 2) баҳсли сухбат, 3) мутаносиб ва 4) номутаносиб сухбат турларини ажратиш мумкин. Репортёр аудитория билан ахборот манбаи бўлган сухбатдош ўртасидаги холис воситачи мақомида намоён бўлиши лозим. Бинобарин, унга сухбатнинг умумий ҳамкорликка асосланган яқдил ва мутаносиб (тeng хукукли, teng макомли) туридан фойдаланиш катта имкониятлар яратиб беради: сухбатдоши билан тил топишга мувофиқ бўлади.

Сухбатдош билан тил топишиш, аввало, репортёрнинг ўз мулокотдошига муносабати, муомаласи билан ижобий таъсир ўтказишдан бошланади. Савол ва лукмаларининг

мазмуний ва ахлоқий жиҳатлари алоҳида ахамият касб этади. Бундай вазиятга эришиш ахли сухбат одоби ва қоидаларига риоя қилиш билан бевосита боғлиқ Муҳаммад Содик Қошғарий ўзининг «Одоб ос-солихин» номли китобига сухбат одобларини тўрт фаслга ажратиб баён қиласди: «учинчи фасл ахли сухбатга лозим нимарсалар баёнидаким ўттиз икки одобдир» деб кўрсатади. Бу одоб қоидалар бугун кунимиз учун хам ўз ахамиятини йўқотган эмас. Зоро, савол бериш одоби сухбатнинг муваффакиятли ўтишини таъминлайди. «Саволига қараб жавоби», «Аччиқ савол бериб ширин жавоб кутма» дейилади халқ маколларида.

Сухбатнинг мақсади саволларда тайин этилади. Саволдан мақсад эса турфа хил бўлиши мумкин: тўғри, жўяли, мантикли саволлар, кинояли, қаҳрли, камситувчи саволлар, фитнакор, «коса тагида нимкоса бор» хилидаги саволлар, беадаб ёки боадаб саволлар..., буларнинг тури ва хиллари бисёр.

Саволнинг моҳияти жавоб талаб қилишдадир. Репортёр одатда муайян нарсани, ходисани тушунишга, у хақда маълумот олишга ёки шарҳлашга йўналтирилган саволлар тизимиға мурожаат қиласди. Бинобарин, журналист саволи ёки луқмаси жавобнинг мазмунинигина эмас, унинг ифодаланиш тарзини ҳам, услуги ва оҳангини ҳам белгилаб беради. Саволларнинг мантикий моҳияти, мазмуний ҳажми, муомалалиги жавобнинг мазмунида, ифодаланиш тарзида ўз аксини топади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, савол бериш воситалари, турлари ҳам, уларнинг вазиятга қараб турфа хил ўзгаришларга учраши ҳам репортёрга кенг имкониятлар беради. Айни пайтда бир саволга турлича жавоб олиш холлари ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси, репортёрдан савол турлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари хақида маълум тасаввурга эга бўлишни талаб қиласди. Шундан келиб чикиб саволларнинг баъзи турларига муҳтасар тавсиф берилди.

**Билвосита савол.** Мулокот пайтида журналист респондентнинг гаплари самимийлигига шубҳаланганда бундай саволдан фойдаланиш мумкин. Муаллифлардан бири ўзининг келажакдаги лавҳалари қаҳрамонлари хақида материаллар тўплашда билвосита саволларга тез-тез мурожаат

килган. У, жумладан, пировард мақсадини сир тутиб, қаҳрамонининг танишлари ва ҳамкасларидан оғзаки равища киёфасини чизиб беришни сўраган. Шунда кўпинча номақбул тавсифлар оларди: «Э, қуруқ савлатқу», «манман у», «у хақида гапиришга хушим йўқ», «яхшиси бошқа одамга мурожаат килиб кўринг». Бундай жавоблар муаллифни ўз қаҳрамонини асоссиз кўттар-кўттар қилиб, материаллар тайёрлаб чоп этишдан саклаб қолганини гапириб ўтираса ҳам бўлади.

Репортёрнинг профессионал мулокотида **мантиқка зид саволлар** алоҳида ажralиб туради. Бундай саволларнинг мавжудлигини ҳамма кекса репортёрлар ҳам, бошловчи репортёрлар ҳам билишади. Бирокулардан муваффакиятли фойдаланиш маҳорати ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Мисол келтириб буни изоҳлаймиз. Бир куни Ўзбекистон ёшлар газетасининг журналисти «Журналистик ижод жараёнида мулокот» мавзусидаги диплом иши муаллифи талаба Н.Шомуротовага хижолатга кўядиган вазият хақида сўзлаб берган эди: «Таникли сувости денгизчиси билан сухбат давом этарди. Гап хаётнинг маъноси, дақиқаларининг кимматига бориб тақалади. Журналист кутилмагандан: «Агар беш дақиқалик хаётингиз қолган бўлса, уни қандай ўтказар эдингиз?» деб сўраб қолди. Ноилож қолган сухбатдош қарши савол билан жавоб берди: «Қаерда? Ердами, сув остидами?» Сухбат шартта тўхтади, қолди. Сухбатдош уни давом эттиришга оқизлик килди»

Мантиққа зид савол умуман олганда респондентни ўз холига кўймаслик учун сийкаси чиқкан саволлардан чекинишга уринишнинг натижасидир. Шу маънода Д.Рэндалл катъийдир. У очикдан-очик бир колипдаги саволларни бермасликка чакиради ва буни шундай тушунтиради: «Бирон фожеани бошидан кечирган одамдан «Нимани хис этгансиз?» деб сўрамоқ чайналган жавобга талабгорлик, ҳатто, бирон-бир саволга жавоб беришдан катъий бош тортишга эришмок демакдир. Агар одамлар авиация ҳалокатида яккаю-ягона ўғилларидан жудо бўлган бўлсалар, улардан қандай хисларни кутишингиз мумкин?...»<sup>1</sup>

Ўзбекистон журналистлари ҳам бундан истисно эмас. Улар кўпчилик одамларнинг ўз режалари хақида гапириш-

<sup>1</sup> Рэндалл Д. Универсальний журналист. 70-6.

ни истамасликларига қарамай, кўчадаги йўловчиларни тўхтатиб, «Келажакдаги орзуларингиз хақида гапириб берсангиз», «Сиз рашикка қандай қарайсиз», «Оилада ким етакчи, сизми, турмуш ўртоғингизми?» сингари бачкана саволлар беришдан чарчамайдилар Журналистлар чет эллик меҳмонлардан, деярли барча ҳолларда тошкентликлар (ёки ўзбекистонликлар, Ўзбекистон (ёки Тошкент) ҳақидаги мулоҳазаларини, таассуротларини сўрашади. Бу саволларга аксарият ҳолларда Тошкент ва тошкентликлар (яна бир варианти: Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар) менда катта таассурот қолди. Уларнинг дўстлиги ва меҳмоннавозлиги кишини қойил қолдиради! қабилидаги анъанавий жавобни оладилар. Бу ерда ҳаммаси тушунарли. Таомилга кўра шундай жавоб бериш жоизdir. Бу тарбия кўрган ҳар бир маданиятли инсоннинг жавобидир. Бундай ҳоллар журналист савияси даражасини, унинг ўз вазифаларига юзаки муносабатда бўлишининг оқибатидир. Уларни сухбатдошларининг келажаги қизиқтиради ҳам дейлик, у ҳолда ўз қизиқишлиарни сухбатдошнинг фикрига тескари — мантиқий зид савол шаклида билдирысалар бўлмайдими? «Гап йўқ, сиз юксак чўққиларни забт этгансиз. Кўплар сизга ҳавас килса арзиди. Энди хизматлар эвазига ҳакли равиша дам олиш даври келмадими?» Келажак ўй-ниятлари хақида шу йўсинда тузилган савол сухбатдошнинг хис-туйғуларини жўш урдириб таажжубга солади:

«Нималар деяпсиз? Олдинда ҳали қанча юмушлар турганини биласизми?...» Энди қаҳрамонни тўхтатиш қийин бўлади.

**Йўналтирувчи савол.** Журналист тахминан ўнгдан тўққизта холатда шундай саволга мурожаат қиласди. Турли сабабларга кўра сухбатдош унга таклиф этилган мавзудан четга чиқади. Албатта, четга чиқишилар баъзан мазмунли ва қизиқарли бўлиши, кенг аудиторияга маъкул келиши мумкин. Агар журналист уларни мантиқан мулокотнинг ўзак ғояси билан боғлай олса, нур устига айло нур бўлади.

Бирор тўғридан-тўғри телевизион ёки радио алоқаси хақида гап борса ўша захоти боғлаб турувчи бўғинни топиш қийин бўлади. Газета ва журнал ижодий ходимларга ҳам бир лаҳзада ўринли дикқат-эътибор кам насиб этади. Шунинг учун ҳам алоқанинг ташаббускори сифатида жур-

налистга сұхбатни назорат қилип түришга, одоб билан уни керакли йўлга йўналтиришга тўғри келади. Бундан, муаллиф хабари ҳам, оммавий аудитория ҳам, мухокама этилаётган муаммо мөхиятини оммага етказа олган сұхбатдош ҳам ютади.

Бахтга қарши бунга осонликча эришиб бўлмайди. Масалан, "Народное слово" газетасининг 1999 йил 24 июль сонида мухбир X. Аминовнинг Молия вазирлиги қошидаги монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш бўйича Кўмитасининг рақобат сиёсати бошқарувининг бошлиғи В. Дубровская билан сұхбати эълон қилинган. У корхона эгалари ва истеъмолчиларнинг ўзаро муносабатларига бағишиланган. Репортёрнинг аён рақобатчилар билан тўкнаш келмайдиган табиий монополиялар бозорда ўз хукмларини ўтказишлари мумкин, деган фикрига В. Дубровская эътиroz билдириб, табиий монополистлар "ўзим хон-қўланкам майдон" кабилида иш тута олмайдилар. Истеъмолчилар хукуқларини химоя қиладиган, уларни тартибга соладиган давлат тизимлари бор, деб тушунтиради. Бундай бошқарувнинг асосий жиҳатларини санаб кетади. Муаллиф йўналтирувчи саволини беради: "Валентина Константиновна, барибири, бальзан табиий монополистларнинг маҳсулотлар ва хизматларга асосиз равишда нархни кўтариб юборишларига дуч келишимиз сир эмаску. Тез-тез учраб турадиган бир холат: истеъмолчи коммунал хизмат ёки алока учун хақ тўлашга келди дейлик. Хазинага яқинлашгандагина хақ тарифлари ўзгарганидан хабар топади. Бу ҳам камлик қилгандек нарх-наво кўтарилишининг конунийлигини исботловчи ҳаммабоп ахборотни ҳам олиш мумкин".

В. Дубровская амалда монополистларнинг товарлар ва хизматлар нархини оширган вактлари бўлганилигини эътироф этади. Мисол тарикасида монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш бўйича Кўмита почта ва телекоммуникация тизимида айрим почта хизматлари ва шахарларо телефон билан гаплашиш тарифларини сунъий равишда ошириб, тартибни бузганликларини аникланганини айтиб ўтади.

Умумай, кўпроқ иқтисодий тушунчалар билан тўлиб тошган В. Дубровская тилининг оғирлигини хисобга олмаганды сұхбат самарали бўлган, деб таъкидлаш мумкин. Бун-

га журналист йўналтирувчи саволларни ўрнига кўйиб ишлатгани туфайли эришилган.

Газета сахифасида эълон қилинган мазкур материал муаммоли вазият ва ҳодисаларни мухокама қилиш жараёнида журналистнинг аниқ мақсад ва изчиллик билан респондентни йўналтирувчи савол билан сұхбатнинг асосий мавзусига кайтариб бош фикрдан chalғitmasligiga яхши мисол бўла олади.

**Йўналтирувчи саволнинг турларидан бири **гапни кесиб савол бермоқцир**.** Репортёр ундан ҳамиша унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоғи лозим. Унинг ёрдамида интервью олувчи сұхбатда ташаббусни кўлдан чиқармайди, уни назорат қилиб тура олади, мулоқотнинг ўзига мақбул тарзда давом этишига мувоғиқ бўлади. Гапни бўлиб савол берниш сұхбатнинг эркин кечиши, жонли чикиши, сұхбатдошлар ўзларини эркин тутишлари учун ҳам керак. Репортёр респондентнинг ўтлаб кетаётгани ёки тафсилотларга берилиб кетаётганини сезганда ҳам жуда кўл келади. Бундай савол респондентга сұхбат мавзусини яхши биладиган, ҳақиқатдан ҳам унга қизикадиган инсон ўтирганини тушуниб этишига ёрдам бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Бироқ сұхбатнинг жонли, таъсирчан чиқиши учун бундай саволлар ўринли бўлса-да, сұхбатдошингиз буни ҳамиша тўғри тушунавермайди. Кундалик хаётда, вақт белгилаб, чегаралаб кўйилмаган бўлса, сұхбатдошнинг гапини бўлмаган яхши. Кимгadir сўз чекланган, сұхбат мавзусини яхшироқ билгандек туюлсангиз ҳам парво кильманг. Лоакал вақтни хушхол ўтказиш қоидаси бунга йўл кўяди. Бундан ташқари "гапни бўлма" ибораси охир-оқибатда тарбия кўрган, зиёли, маданиятли инсон имиджини яратишга хизмат килади. Репортёрнинг фаолиятида эса вақт чекланган. Сұхбат мақсади ва вазифалари билан ҳам чегараланган. Бундай чеклашлар репортёрни сұхбатдошнинг гапини бўлишга мажбур қилиб кўяди, журналист фаолиятнинг қоидалари шундай. Ҳудди шу қоидалар репортёрлар орасида гапни вақтида кесиб, мохирлик билан сұхбат олиб борувчиларни етиштириб чиқарган. Топиб айтилган луқма, фикр билан улар гапни ўз йўлига солиб юборадилар ва сұхбатдошларида оммавий аудиториянинг хавф бўлишига ўрин колдирмайдилар. Шундай мохир журналистлар каторига В.

Познерни ("Замоналар ва биз" кўрсатуви) киритиш мумкин. Кўпчилик репортёрларга эса хушмуомалалик, улдабу-ронлик, эпчиллик етишмайди ва натижада кўполлик, беодоблик, охиригача эшитмасликка йўл кўйиб, кўрслик, захархандалик даражасигача бориб етадилар. Ўз вазифасини чукур тушуниб етмаган репортёрларни хам учратиш мумкин. Демокчимизки, улар сухбатдошларига тергов остидаги кишига карагандек саволга тутадилар. Улар сухбатдошни истаган пайтда тўхтатиш мумкин, деб хисоблайдилар, гўё ҳеч ким уларнинг жиловини тортишга жуъъат этолмайдигандек.

**Шубхали савол.** Репортёрнинг мулокот чоғида "демак, хавфсирашлар бекор экан-да? "Наҳотки, хаммаси шу кадар жиддий бўлса?", "Демак, бизнинг ... деб кутганларимиз фойдасиз эканда?" "Бундан келиб чиқишича пул яна қадр-сизланар экан-да" ва бошқа шубха уйғотувчи саволларга ўрин ажратилиши бежиз эмас. Бундай саволлар сухбатта жон киритади, репортёрнинг янада тўлароқ маълумот, факт ва далилларни кўлга киритишга, мураккаб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни англаб етишига ёрдам беради.

**Таъсирили (ҳиссиятли) савол.** Сухбатдошни унинг кайфиятини кўллаб-кувватлаш, руҳини зўриқищдан холос этиш мақсадида берилади. Масалан, хайрат саволи: "Шундай денг-а?", ажабланиш саволи "Наҳотки, ростдан-а?", қаҳрғазаб билан сўраш "Бундай бўлиши мумкини, ахир?", "Қандай килиб, ишониш қийин" кабилар.

**Шахсий савол.** Ғарбда аллақачонлардан бўён, бизда эса кейинги йилларда шахсий саволлар алоҳида аҳамият касб этди. Бу, аввало, томошабинлар, ўқувчилар, тингловчиларнинг эътиборини қозониш, аҳборот саноати хамда бозорининг ривожи билан боғлиқ. Бу ерда аҳборотни бир андозага солиш жараённинг таъсири хам бор. В. Демин рус ёзувчиси В. Распутин билан сухбатда "Журналист" журналида ўзининг Г.Г. Маркес билан учрашувларини эслаб: Маркес яқинда мамлакатимизга келганда бутун дунё журналистлари келишиб олгандек, бир хил савол беришларидан таажубланганини айтган эди. Ҳамма жойда ундан факт битта нарса ҳакида сўрашган. Бу, аввало, унинг шахсига оид саволлар бўлган, деб таъкидлайди.

"Даракчи" ҳафтаномасининг 2000 йил 17 август сонида эстрада хонандаси Озода Нурсаидова билан қилинган "мишмишларга эътирозим йўқ" сарлавҳали сухбат чоп этилган. Унда журналист Н.Носировнинг сухбатдошига берган сўнгти икки саволи хонанданинг шахсий хаётига даҳлдор. Мана улар: — Озодаҳон, миш-мишларга кўра, турмушга чиқаётган экансиз? Агар, сир бўлмаса шу тўғрида, қуёв бола ҳакида маълумот...

Сухбатдош эса бироз хижолатомуз оҳангда бальзи умумий гаплардан сўнг «Тақдир, дея пешонага битилганини кутиб турибман» дея жавоб беради. Лекин журналист бу жавобдаги нозик туйғуни тушуммаган чоғи яна сўрайди:

- Ёки сиз хам эртаклардагидек буюк шаҳзодаларни кутаяпсизми? — «Мабодо шундай бўлса хам орзуга айб йўқ» деган жавобни олади. Журналист бу икки саволнинг «Ёшингиз хам ўтиб бораояти» деган сўзларни бот-бот эшитиб келаётган сухбатдош кўнглига оғир ботиши ҳакида ўйлаб хам кўрмаган, акс ҳолда уларни бермаган бўларди.

Булар, шубҳасиз, оғир саволлар. Уларни белгилаш осон эмас, чунки репортёр инсоннинг энг нозик дунёсига, онгининг сирли худудларига қадам қўйгандек бўлади. М.Н. Шостак бу ҳакда шундай дейди: "Хатто, тажрибали репортёрлар ҳам онадан унинг ўғли қандай ўлдирилгани ҳакида сўрашга чўчийдилар ёки журналист хукумат амалдорларидан унинг молиявий жиноятга кўл ургани ҳакида ги миш-мишлар тўғрими деб сўрашга ботина олмайди. Бундай саволларни мулойимлик билан, бирок етарли даражада қаттиқтуриб бериш керак".

М.И.Шостак нокулай вазиятга тушиб қолмаслик учун репортёрларга шундай маслаҳат беради: "...уларни (шахсий саволларни) дастлабки тайёргарлик пайтида уйда пухта белгилаб олиш; сухбатдоши феъл-атворининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш; тасодифий, эркин шароитда гаплашиб олиш имкони бўлса, бундан фойдаланиш; сухбатдош безовта бўлмаса, ўзини эркин хотиржам тутса, саволларга тўлиқроқ жавоб беради; сухбат бошида умумий саволлар бериб (об-ҳаво ҳакида гаплашиш мумкин), сухбатдош билан ўзаро муносабатлардаги ётсирашни дарҳол бартараф этишга ҳаракат килиш; сухбатдошнинг камера ёки микрофондан дикқатини бошқа томонга буриш; блокнотдаги ёзув-

ни аниклаш харакатида сұхбатдошнинг дикқатини бўлмаслиқ<sup>1</sup>.

**Аникловчи савол.** Йўналтирувчи саволлар билан бирга аникловчи саволлар хам мухим аҳамиятга эга. Уларга "Нима учун?", "Яъни?" қабилидаги саволларни киритиш мумкин. Кейингисини универсал характерга эга бўлган аникловчи саволлар сирасига мансуб. ОАВ ижодий ходимлари бу саволларни одатда бермасликка харакат қиласидар. Афтидан, улар оддий, гўл одам бўлиб кўринишни истамайдилар. Ҳақиқатда эса "нима учун?", "яъни?" саволлари журналист сұхбатлашаётган одамларнинг фикрлашини кучайтиради. Бу саволлар сұхбатдошларни воеа, амалга оширилган иш ва қашфиётларнинг ўзаро боғлиқдигини очиб берувчи таҳлилга ундаиди. Аникловчи саволнинг турларидан бири сұхбатдошнинг охирги сўзларини сўроқ охангиди тақорлашдир. Журналист Тўхтамурод Тошев "Само лочини" сарлавҳали сұхбатида ("Тошкент оқшоми") сұхбатдошнинг "Хўжалик ишлари хам алоҳида масъулият ва сайъи-харакатни талаб қиласи" деган сўзлардан сўнг: «Хўжалик ишлари деганингизга ёдимга тушди. Корхонангиз хусусийлаштирилганми ё йўқми?» саволини беради ва реципиент учун мухим бир жиҳатини аниклаштириб олади. Аникловчи саволлар реципиент маъноси оммавий аудиторияга тушунарли бўлмаган илмий лексикада, тор касбий терминлар ёрдамида сўзлашга ўтганида кўпроқ ишга солинади. Масалан, "Аргументн и фактн" газетасида босилган таникли кинорежиссер Ф.А. Герман билан сұхбатда мухбир сұхбатдош унинг учун онг даҳшатли кун шанба ва якшанба эканлигини гапираётган дақиқада аникловчи саволни беради. "Фожианинг ўзгинаси. Мен ишламасдан бекор ўтира ол-майман. Ўз вактида биз кўп сценарийлар ёзганмиз. Улар асосида фильмлар яратилган, гарчи менинг имзо чекишим тақиқланган бўлса хам.

- Ким тақиқлаган?
- Давлат кино идораси .."

**Алоқа боғловчи савол.** Сұхбатдош эътиборини ўзига жалб этишга ёрдам берувчи лукмалар, мурожаат алоқани таъминлашга хизмат қиласи. Улардан кузатилган мақсад реципиент билан алоқани йўлга қўйиш ва уни кўнгилдагидек бошқа-

<sup>1</sup> Шостак М.И. Репортер: профессионализм и этика. М, 2001, 90-6

риб туришдир. Мурожаат (контакт) саволлари моҳияти ва уларнинг оҳанги кўпинча мулоқотнинг "иклими"ни белгилайди. Сұхбатдошга II шахс феъл шакллари, мурожаат ифодалар, кириш иборалар иштирокидаги савол бериш сұхбатдаги ҳамкорликни, ўзаро муносабатларни таъкидлаб туришга, шахс эътиборини репортёрнинг ўзича сұхбат мавзусига фаолластиришга имкон беради. Журналист Н.Бобоевнинг тележурналист С.Алижонов билан қылган сұхбатида («Даракчи», 2000 й. 17 август) берилган ушбу саволлар сұхбатдош дикқатини фоллаштиришга каратилган:

- Сиз эътироф этадиган ва сизни қониктирумайдиган холатлар?
- Сизнинг кўнглингизга йўл топиш... осонми?
- Яна нималардир демоқчисиз, шекилли?

Сұхбатдошнинг Чалкаш, ифодасиз ё мужмал жавобини юзига солманд. Яхшиси жавобни тушунмаганингизни айтиб кечирим сўраб, аникловчи савол беринг.

Журналист ҳақиқатан хам сұхбатдошнинг жавобларида бирор нарсани тушунмай қолса, унинг фикрларидан ноиз-чиликни ёки соҳталиктин сезса, шундай йўл тутади. Бундай вазиятларда аникловчи савол фикрни ривожлантиришга ёки мунозарали масалаларни тушунтиришга каратилган бўлади. Олим, мутахассис билан гаплашганда, унинг баъзи фикрлари муносабати билан ундан тушунтиришлар бериншини сўрашдан уялмаслик керак. Масалан: "Буни оддий сўзлар билан тушунтириб берсангиз" Мисол (ёки таққослаш) келтиурса бўлмайдими? Муаммони кўриб чиқишидаги аниқ тадрижийлик кандай? Айтилган фикрнинг аҳамияти нимада?" кабилар.

**Тўлдирувчи савол.** Репортёр бундай саволларга тез-тез мурожаат қилиб туради. Бу сұхбатдошдан бор маълумотни олиш учун зарурдир. Тадбиркорнинг хам, давлат хизматчи-сининг хам, фан арбоби, кўриқлаш тизими вакили, машҳур спортчиларнинг тренерлари, қўйингки, ҳар қандай мутахассиснинг бошқалардан сир тутган нарсаси бўлади. Ҳаётда шундай холлар хам бўладики, кишилар улар ҳакида оғиз очмасликни афзал кўришади. Мисолларга мурожаат қиласлик. 1974 йилда Куба пойтахти Гаванада ўтказилган бокс бўйича биринчи жаҳон чемпионатида ярим финал учрашувда ўзбек боксчиси Р. Рискиевнинг ўнг қўл бармоқлари жаро-

хатланди. Табиийки, бармоқдар шишиб кетди ва спортчи ўзини кўлга олиб, оғрикка бардош бериб финал жангига чиқди. Терма команда бу фактни хеч кимга ошкор килмадилар, гарчи ОАВда жароҳат олганлиги ҳақидаги хабар ўтиб кетган бўлса-да. Машхур ўзбек боксчисининг хайбатли рақиб билан финалдаги учрашувнинг тафсилотига берилмасдан шуни кайд этиш керак-ки, азоб берувчи жароҳатга қарамай у ғалабага эришди, факат Ўзбекистондагина эмас, СССРда хам биринчи жаҳон чемпиони бўлди. Куба раҳбари Ф.Кастро боксчига катта муваффакиятни кўлга киритишда ёрдам берган фавқулодда иродга кучини назардатутиб уни "Мазандарон йўлбарси" деб атади. Бундай ғайриоддий вазиятда боксчининг кўли жароҳатлангани ҳақида гап кетганда тўлдирувчи савол репортёрга ёрдам бериши амримаҳол эди. Эҳтимол, у ким биландир учрашган, мулокотда бўлиб жавоб олган бўлса бордир, аммо матбуот учун эмас.

Касбий одоб-аҳлоқ нуқтаи-назаридан фактни бу хилда яшириш ўзини оқлайди. Мазкур вазиятда бармоқлар шишгани фактининг сир тутилганилиги спортчининг шахсий хаётига аралашиш деб тушуниш мумкин. Спорт хам ҳаёт сингари тескари томонлардан холи эмас. Бу жихати билан оммавий аудиторияда бениҳоя катта қизиқиш ўйғотади. Булар оғриқ қолдирадиган дориларни қонунсиз ишлатиш, ҳакамларни сотиб олиш, келишилган яkkама-якка жанглар ва ҳоказо.

Бундай фактлар ҳақидаги янгиликлар жамоатчиликка катта таъсир ўтказади. Ана шу руҳдаги фактлар ошкор қилишда **тўлдирувчи саволлардан** фойдаланиш мумкин. Депутатлар, конгрессменларга долзарб масалалар бўйича ўз муносабатларини ойдинлаштиришлари учун янада анирок жавобни талаб қиласиган кўшимча савол бериш мақсадга мувофиқдир. Репортёrlар интервью берадётган шахс мужмал, қасдан ноаниқ жавоб берадётган холларда хам кўшимча саволга мурожаат қилиши мумкин. Максад ахборот ошкоралиги чегарасини кенгайтирувчи тўлироқ маълумотларни олишдир. Юқорида номи тилга олинган москвалик тадқикотчи М.Н. Шостак кўшимча саволни **қолгани, етмагани, камини сўраш**, деб тавсифлайди ва интервью олуви жавобдан қоникмаса, ўша заҳоти савол бериши шарт эмас, деб хисоблайди.

Ҳақиқатан хам, тузатиш киритувчи кўшимча саволлар журналист томонидан хаёлан тайёрланади (ёки унинг блокнотида пайдо бўлади) ва сухбат давомида, қулай пайтда ишга солинади.

Кўшимча савол асосан қуйидаги холатларда зарур бўлади:

- манба тўлиқ ёки етарли аниқ жавоб бермаганди;
- бажонидил жавоб бермоқчи бўлса-да уни ифода эта олмаса;
- сухбатдош саволни тушунмаса ё унинг моҳиятини англамаса;
- изчилликдан чекиниб, бир фикрдан иккинчисига сакрайверса;
- у бир амаллаб жавоб беришга уринаётган бўлса-ю, лекин асосли жавоб беролмаса;
- жавоб беришдан ўзини олиб қочса;
- савол мазмунини ўзига мослаб талқин этса (бошқа саволга жавоб берса, айният қонунини бузса.)

Шундай қилиб **ўнинчи қоида:** "*Сұхбатни олдиндан ре-жалаширинг! Саволларнинг тури, вазифаси ва мазмунига кўра тўғри ва аниқ кўлланг! Сұхбат қуриши назариясига бе-писанд бўлманг!*"

**Телеэкранда сухбат қуришга тайёргарлик босқичлари**

Камера рўпарасида сухбат қуришга алоҳида тайёргарлик қуриш лозим. Санкт-петербурглик тадқикотчи Н.А. Бережнаянинг фикрича бундай тайёргарлик ўз ичига уч босқични олади:

- тайёргарлик босқичи;
- мулокот машқлари босқичи;
- кадрда ишлаш босқичи.

Биринчи босқичда овоз оҳанг, кузатувчанлик, хотира, ўз хатти-харакатларини назорат қилиш каби руҳий жисмоний сифатларнинг машқини олиб бориш даркор. Бунда маълум руҳий тренинг усусларини кўллаб, алоҳида ва гурух билан бажаришга мўлжалланган машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи босқич умумий мулокот ва алоқа вазияти унсурларидан иборат.

Умумалокавий мулокот боскичида тинглаш маҳоратини ошириш, гапни кувватлаб туриш, мунозара олиб бориш бўйича машқлар назарда тутилади.

Вазият сатхида эса аён ҳолатларда сухбатлашиш малакасини оширади. Масалан, оғиркарвон, сергап ёки шаллақи сухбатдош билан юзма-юз гаплашганда.

Бу боскичдаги иш машқлар ва этюдлар асосига қурилади. Этюдлар сухбат қатнашчиларига муайян руҳий вазифани ҳал этишда зарур усулни топишга ёрдам беради.

Учинчи боскичда олинган малака ва маҳорат муайян бир телевизион кўрсатувда амалга оширилади. Масалан, шоу, сухбат, телевуин ва бошқалар бўйича кўрсатувларни тайёрлаш жараённида.

Сухбат қуришга тайёргарликнинг бу тарзини радиожурналистнинг ишига ҳам бемалол татбиқ этиш мумкин.

**Ўн биринчи қоида: «Теле-варадиосуҳбат санъатини эгалланг! Бунда телевидение ва радионинг ўзига хослигидан келиб чиқинг! Бу сизга сухбатингиз бошланишида ҳам, бутун сухбат давомида ҳам ёрдам беради!»**

### Самимий алоқа ўрнатиш зийнати

Ўз-ўзидан маълумки, журналист амалиётининг барча вазиятлари учун аник қоида ёки тавсияларни ишлаб чиқиши ва ғамлаб олиш мумкин эмас. Бу ерда журналистлик фаолиятида тез-тез такрорланиб турувчи сухбатлашиш қоидалари ва мезонлари баён қилинди. Улар сухбатлашиш санъатини эгаллашда кўмаклашувчи мухим омиллар хисобланади.

"Номознинг қазоси бор, аммо сухбатнинг қазоси йўқ" деган накл бор ўзбек ҳалқида. Боис сухбат инсониятга, жамиятга хос азалий ва доимий ходисалардан бири. Инсон борки, бошқалар билан сухбатлашишга, мулокотда бўлишга хамиша эҳтиёж сезади. Зеро, сухбат сўзлашиш, Кайковус таъкидлаганидек, "бир нашъадур, ундан хумор пайдо бўлади". Ахборотлар оқимида бўлган эҳтиёжни ҳам шунга қиёслаш мумкин. Қадимги китоблардан бирида "Барча хунардин сўз хунари яхширокцур" дейилади. Бу хунарнинг хозирги даврдаги намоёндалари журналистлардир. Улар ўз сўзлари, ўз ахборотлари билан кишиларда ўзига хос "хумор пайдо

қилади"лар ва бу хуморни доимо кондириб боришга ҳаракат ҳам қиладилар. Шу боис қалам аҳди зиммасига сўзни ҳамма вакт савоб учун, эзгулик учун ишлатиш масъулияти ҳам юкландган. Ўз ижтимоий мавқеи, вазифаси бурчига биноан журналист аҳли ҳам "одамийга яхшиларнинг мусоҳибати (сухбати) кимёйи саодати абадиётдир" (Муҳаммад Қошғарий) наклининг чинлигини тасдиқлашга даъват этилгандир. Буни ҳар доим ёдда тутиш лозим.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Азиз ўқувчи, мана Сиз репортёрлик назарияси ва амалиёти бўйича Ўзбекистонда илк бора яратилган дарслик билан танишиб чиқингиз. Унда муаллифлар журналистик ижоднинг ушбу тури техникиси ва технологияси, механизми ва усуллари, унинг назарияси, ахлоқи, хукукий асослари хақидаги асосий тушунчалар бўйича Сизга илмий-тълимий услубда, оммабоп шаклда маълумот беришга харатат килдилар.

Умумкизикишга молик бўлган ҳам ижобий, ҳам салбий мазмундаги фактлар, воқеалар ва ҳодисалар кундан-кунга тобора ўсиб бораётган ахборотлар оқимидан қай йўсунда саралаб олинаётганига, янгиликлар қандай туркумланаётганигига, танлаб олинаётганига, таркибланаётганига ва узатилаётганига алоҳида эътибор берилди.

Кўлланмада «янгилик» ва «ахборот» тушунчалари, уларни журналистика мухитида қандай талқин қилиниши масалалари ёритилган, ахборот турлари баён килинган. Китобдаги назарий фикр ва мулоҳазалар Ватанимиз ва хориж журналистикаси амалиётидан олинган мисоллар асосида давилланган ва асосланган.

Ахборот олишни кафолатлайдиган конунлар ҳамда ахборотнинг анъанавий ва ноанъанавий манбалари хақида фикр юритилган. Ҳозирги замон репортери қандай шахсий сифатларга эга бўлиши, керакли ва ишончли ахборот манбаларини топиш учун қандай йўл тутиши билан боғлик масалалар ёритилган.

«Вокелик манзараси»ни хақконий акс эттириш учун нималар қилиш зарур? Замон билан ҳамнафас қадам ташлашнинг сирлари нимада? Жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар ва алмашишларнинг маълум бир иштирокчilari ва гувоҳларини танлашга қай тарзда ёндашиш лозим? Мулоқот жараёнида сұхбатдошлар билан муносабатга киришишнинг руҳий-ахлоқий мезонларга риоя қилиш бўйича қандай тасаввурларга эга бўлиш керак? Бу саволларнинг барчасига китобда жавоб топиш мумкин.

Дарсликда журналистик ижоднинг умумий мухити сифатида Интернетга, шунингдек РК — хизматларга алоҳида

ўрин берилган. Умуман ОАВ (хусусан, бу воситалардаги мутахассислар) тизимида ушбу тузилмаларнинг шаклланиши ва ривожланишига оид тавсиялар берилган.

Мазкур дарслик, энг аввало, бўлажак қалам, микрофон, телекамера ахллари ҳамда интернет-журналистикаси ходимлари учун яратилди.

Аммо интернет-журналистика соҳасида ишлаш шароити ва усуллари борасида муайян ўзгаришлар ва янгиланишларнинг бўлиши, шубҳасиз. «Учинчи тўлқин» деб аталмиш ахборий жамият босқичида — XXI асрда, шахсий компьютерлар ҳар бир хонадонга радио ва телевидение каби кириб келади ва ҳар бир оила Интернетга, рақамли ва ўта тезкор (интерактив) каналларга уланиш имкониятига эга бўлади. Бундай шароитда ўқувчилар, тингловчилар ва томошабинлар ўзларига маъқул канални танлабгина қолмай, балки «њюсмейкер» фаолиятини холис баҳолай оладилар. Бошқача айтганда, «буортма териш орқали янгиликлар»дан хабардор бўлиш даври унча узок эмас. Бу даврда истеъмол ахли (реципиентлар) ўз кўнглига, дидига, савиясига мос янгиликларни танлай олади, яъни ўз кизикишларидан келиб чиқиб, сўнгги ахборотлар мундарижасини тузиши мумкин бўлади.

Бунда, албатта, истеъмол ахли ахборот мавзунини, муаллифини, дастур бошловчисини, шархловчи ва талқин этувчиларни шахсий сифатлари ва маҳоратларига қараб танлаш имконига эга бўлади. Бундай тажриба ҳозирнинг ўзида мавжуд. Буни, одатда, телематн деб атайдилар. Телематн туфайли истеъмол ахли ўзи истаган янгиликларни танлай олади.

Бу вазиятда репортёрларнинг рейтинги ва имиджи турлича даража касб этиади.

Бу, ўз навбатида, ҳозирги замон репортёрларидан ҳаётда тажрибадан ўтган хақконийлик, холислик, ишончлилик ва тезкорлик каби тамойилларга янада кўпроқ таянишни талаб қиласди.

Бу хусусиятлар янги глобаллашган ахборот майдони сифатини ҳам белгилаб беради. Шундагина қишилар кимга ишониш керагу, кимга ишонмаслик хақида аниқ тасаввурга эга бўладилар. Бетараф ва холис йўл тутган журналистнинг ишончлилиги ва мавкеи қишилар эътиборида бўлади.

Реклама ва ижтимоий алоқалар оммавий ахборот соҳасининг аён таркибий узвларидандир. Бинобарин, журналистнинг бурчи ва масъулияти хаётнинг турли соҳаларига оид хилма-хил ахборотларни эркин ва узлуксиз тарзда узатишдан иборат. Репортёrlар бу хақиқатни доимо эсда тутишлари лозим. Улар шу нарсани ҳам эсда тутишлари көрекки, Ватанимиз хаётидан олинган турфа хил хабарлар Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти олдидаги обрў-эътиборини оширишга, унинг шарафини, қадриятларини, урфодатларини, менталитетини улуғлашга бевосита дахлдордир.

# РЕПОРТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

**Қ.** Эрназаров умумий таҳрири остида.

**Қ. Эрназаров**  
**Ё. Маматова**  
**И. Тошлиев**  
**Ш. Эрназаров**

Масъул  
мухаррир: **P. Охунов**

Таржимонлар: **А. Каримов**  
**З. Тохиров**

Теришга берилди 10.05.2002. Босишга рухсат этилди 11.07.2002.  
Қоғоз бичими 84 x 108<sup>1/32</sup>. «Таймс» гарнитурада босилди.  
Шартли босма т. 13,0. Адади 500 нусха. Буюртма № 393.

